


ТОШКЕНТ  
БАДИЙ АДАБИЁТ  
НАШРИЁТИ  
1965




Садриддин  
АШНИШИ

АСАРЛАР

САККИЗ  
ТОМЛИК





Садриддин  
АШНШЎ


АСАРЛАР

ОЛТИНЧИ ТОМ

*Редколлегия*  
*Филология фанлари кандидатлари:*  
Ҳ. АБДУСАМАТОВ, Ҳ. ҚУРБОНОВА,  
Н. РАҲИМОВ, К. АЙНИЙ

*То жикчадан*  
ТЎХТАСИН ЖАЛОЛОВ  
*таржимаси*

*Редактор*  
АЛИБЕК РУСТАМОВ




# ЭСДАЛИКЛАР

III ҚИСМ







## ЛАТИФЖОН МАХДУМНИНГ<sup>1</sup> ҲОВЛИСИ

Латифжон махдумнинг ҳовлиси Бухоронинг Чорхарос гузариди бўлиб, бу гузар Гавкушон мадрасаси билан Ғозиён гузари ўртасида эди.

Бу ҳовлининг ташқари қисмида шимолга қараб солинган катта бир уй бор эди. Бу ўн бир тўсинли уй даҳлиз ва қазноқли бўлиб, меҳмонхона саналар, ҳовли эгаси Латифжон махдумнинг асосий турар жойи ҳам шу уй эди. Бу уйнинг даҳлизи идиш-товоқ ва дастурхон тузаш учун лозим бўлган нарсалар сақланадиган жой бўлиб, қазноқ, асосан, кутубхона саналарди.

Ҳовли юзининг шарқида, қазноқ ёнида пешайвонли кичик бир уй бўлиб, унда Латифжон махдумнинг укаси Ғафуржон турар эди. Ҳовлининг шимолида пастгина кунгай бир уйча бўлиб, унда хизматкорлар турар эдилар. Ҳовлининг ғарб тарафида, дарвоза йўлагининг ён томонида ёлғиз бир айвон бор бўлиб, у ерга тозалаб эгарлаш керак бўлганда от боғлаб қўярдилар.

Меҳмонхона орқасида усти ёпиқ, кенг ҳовли бўлиб, асосан отхона ҳисобланар ва бу ҳовлининг олд томонида суви шўр ва тахирроқ бир қудуқ бўлиб, ундан от ювинтириш ва ҳовлига сув сепиш учун фойдаланар эдилар.

Ташқари ҳовлининг шарқ томонида ичкари ҳовли бў-

---

<sup>1</sup> С. Айний «Қисқача таржман ҳолим» номли асарида бу ҳовли Шарифжон махдум ҳовлиси деб аталади. Аммо нимагадир «Эсдалчқлар»нинг III ва IV қисмларида бу ҳовли Латифжон махдумга нисбат берилади. (Ред.)

либ, ундаги хоналарда Латифжон махдумнинг онаси, хотин-болалари, синглиси ва аёл хизматчилари яшардилар<sup>1</sup>.

Мен 1891—1892 ўқув йилининг бошларида (сентябрь охирида) худди мана шу ҳовлига хизматкор бўлиб кирдим. Бу ерда мендан ташқари яна уч нафар эркак хизматкор бор эди. Буларнинг энг каттаси Мирзо Баде номли киши бўлиб, ўрта бўйли, ўртача соқолли, буғдой рангли, бир қўзи ожиз, ўттиз ёшлар чамасида кўринарди. Мирзо Баде хат-саводли бўлиб, ўқиса бўладиган ўртача хати бор эди. У Доий тахаллусли шоир Шамсиддиннинг жияни бўлиб, ёшлигида унинг уйида тарбия топган экан.

Мирзо Баденинг бир баёзи бўлиб, унга тоғаси Доийнинг баёзи шеърларини ва Латифжон махдумнинг уйида эшитган айрим шеърларни ўз хати билан кўчирган эди. Гарчи шеър тушуниш даражасидаги дидга эга бўлмаса ҳам, тарбиячиси Доий ва хўжайини Латифжон махдумнинг таъсирида шеър тўплашга жиддий киришган эди.

Мирзо Баденинг Латифжон махдум ҳовлисидаги вазифаси бозор-ўчар ишлари (завхозлик), бўлиб рўзгор учун керакли овқат ва кийимликларнинг барчасини у сотиб олиб келарди.

Хизматкорларнинг иккинчиси Мирзо Абдулвоҳид исмли, буғдой ранг, жиккак, мендан бир ёш катта бир йигит эди. У хат-саводли эди, хатни жуда яхши билар, ишдан ва дарсдан бўшаганда ҳамиша хат машқ қилар эди.

«Эсдаликлар»нинг биринчи бўлимининг охирида кўриб ўтдик, у ўзининг зийраклиги ва шеър англаш қобилиятига ҳаддан ортиқроқ баҳо бериб, бир оз мағрурланиб юрар эди.

Мирзо Абдулвоҳиднинг Латифжон махдум ҳовлисидаги вазифаси асосан меҳмонхонада хизмат қилиш эди: у махдумга ва меҳмонларга чой ташир, дастурхон ёзар, йиғиштирар, шунга ўхшаш хизматларни бажарар эди.

Учинчиси Абдулкарим исмли саводсиз бир киши бўлиб, уни «Эшонча» деб чақирар эдилар. У, тахминан йигирма беш ёшларда бўлиб, думалоқ, пакана йигит эди. Асли Вобкент районининг Розмоз қишлоғидан бўлиб, Латифжон махдумнинг отбоқари (сайиси) эди.

---

<sup>1</sup> Мен 1949 йилнинг ёзида бориб кўрдим. Латифжон махдумнинг ташқи ҳовлиси ҳали ўша ҳолича турибди.



Менинг вазифам асосан шу уч нафар эркак хизматкорларга кўмаклашиш эди: меҳмонхона ва ҳовли юзини супурардим, меҳмондорчилик вақтида ва умуман меҳмонхона учун чой тайёрлардим, дастурхон ёзилганда ош, нон, чой ва бошқа нарсаларни Абдулвоҳидга етказиб берардим, отларни ювганда, отбоқарга қарашардим ва баъзан отбоқар отларнинг остини менга супуртирарди, Мирзо Баденинг бозордан харид қилган нарсаларини мен кўтариб келардим.

Бундан ташқари, мен ичкари ҳовлига ҳам дастёр эдим: ўтин ёриб берар, Пошшобиби (Латифжоннинг онаси) бирор ерга борса, унинг дастурхонини кўтариб бориб, кўтариб келардим. Қор ёққанда бу катта ҳовлининг томларини отбоқар билан мен курардим ва шунга ўхшаш хизматларни қилардим.

### ЛАТИФЖОН МАХДУМ ВА УНИНГ СУҲБАТДОШЛАРИ

Латифжон махдум бухоролик домла Абдушукур қози калоннинг иккинчи ўғли бўлиб, унинг отаси ва ака-укаларининг касби оҳорчилик бўлган, Абдушукур ҳам ёшлигида бир неча вақт шу касбда шогирдлик қилган.

Латифжон махдум узун бўйли, оқ юзли, қўй кўз, қўнғир соқолли бўлиб, мен унинг хизматига кирган вақтда йигирма етти ёшда эди.

Латифжон махдум хушхатлилик, саводлилик, шеършунослик, маърифатпарварликда Бухоро муллазодалари орасида деярли тенгсиз эди. Одатда Бухоро катта муллаларининг фарзандлари оталарининг давлат ва шуҳратига мағрур бўлиб, ёшликда тарбиясиз қолар ёки ёмон тарбия олиб, ёшлари ўлғайганда ҳам ҳар хил аҳмоқона ва беадаб ишлардан ўзларини тия олмасдилар. Шунга қарамасдан, оталарининг соясида катта мансабларга эришиб, кўпинча ўз мансабларини суи истеъмол қилардилар. Шу сабабдан, Бухоро халқи махдумлар ҳақида ғалати латифалар тўқиб, қизиқ шеърлар айтганлар. Бу шеърлардан бири будир:

Қилдилар махдум каллақанддан,  
Дедилар тотиб чечанлар: «бемаза!»<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Бу томдаги шеърларни Алибек таржима қилган.

яна бири:

Бу жаҳоннинг тарҳин этганда адо  
Қилдилар мағзобадин махдум бино.

Бу хилдаги катта махдумлар орасидан донишмандлари кам топилар ва шу кам топиладиганларнинг бири Латифжон махдум эди.

Латифжон махдумнинг уйи, одатда, ҳафтанинг уч кечасида — иш йўқ бўлган сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлари шоирлар, шеършунослар, латифа айтувчилар ва қизиқчилар мажлисига айланарди. Мен Абдулвоҳид қатори меҳмонларга дастурхончилик қилганим сабабли, шундай кечаларда доим меҳмонхона ичида бўлиб, бундай адабий суҳбатлардан баҳраманд бўлар эдим. Мен ўзимнинг дастлабки, лекин муҳим адабий материалларимни шу ҳовлида тўплаганман, десам бўлади. Мен бу ҳовлида мулла Назрулла Лутфий, Абдулмажид Зуфунун, Яҳёхожа, Содиқхожа Гулшаний, Ҳомидбек Ҳомид, Абдуллохожа Таҳсин, мулла Бурҳон, Муштоқий, Қори Абдулкарим Офарин — «Дўзахий», Мирзо Азим Сомий Бўстоний, мулла Раҳмат сартарош, Азизхожа Азиз ва бошқаларни танидим ва билиб олдим. Буларнинг ҳар қайсиси шоир ёки шеършунос эди.

Мен ўз «Эсдалиқлар»имнинг иккинчи қисмининг охирида бу номлари зикр қилинганлардан мулла Назрулла Лутфий, мулла Раҳмат сартарош ва мулла Бурҳон Муштоқийни ўқувчиларга таништириб ўтиб эдим, бу ерда қолганлари ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтишга тўғри келади:

**Абдулмажид Зуфунун** — юлдузлар илмида Аҳмад Донишнинг шоғирди бўлиб, шеър ва адабиёт ҳамда Бухоро мадрасаларида ўқитиладиган бошқа расмий фанлар соҳасида ҳам маҳорат кўрсатган эди. У турли фан ва илмларни кўп билгани сабабли, замондошлари унга «Зуфунун» лақабини берган эдиларки, бунинг маъноси «фанлар эгаси» демакдир. Зуфунун қадимги тиб назарияси ва амалиётидан тўла хабардор эди. Унинг фикри ва кўзи Аҳмад махдумнинг суҳбати туфайли шунчалик очилган эдики, у замона ва замона аҳлига, хусусан амир ва сарой аҳлига, расмий уламога танқид назари билан қарар, агар бирор қулоқ соладиган одам топса, уларнинг ёмон кирдикорларини шафқатсизлик билан очиб ташларди.

Аммо Зуфунуннинг ўзининг юриш-туриши ва ҳаракатлари девоналарча эди: у ҳамиша қўлини кўйлаги ичига тортиб, ёқасидан чиқарар ва бармоғининг учи билан бурнини ковлаб турар, баъзан мўйлов ва соқол тукларини шиддат билан юлиб ташларди. Кўчада ёлғиз юрар, ҳеч кимга қарамас, гапирмас, гўё бир нарса ё мушкул бир масала устида фикр юритаётгандай қошларини чимириб, ўз кўкрагига тикилган ҳолда қадам ташларди. Ёгингарчилик бўлмаган кунларда, у, албатта амир давридаги Бухоронинг бирдан-бир сайргоҳи бўлган Девонбеги лабиҳовузига бориб, у ерда Девонбеги хонақоҳининг саҳнидан бир газ баланд бир сартарошхонанинг томига чиқиб, бурнини ковлаб ўтирар ва агар ўзига маъқул бирор киши олдидан ўтиб қолса, уни чақириб, бир оз суҳбатлашарди. Суҳбат жонига теккач, у одамга:

— Хўп, энди кетинг! Худога топширдим!—дер эди.

Аммо хоҳ таниш, хоҳ бегона бўлсин, ҳеч ким, агар унинг ўзи чақирмаса, олдига бориб, ёнига ўтиришга журъат қилолмас эди. Қорачадан келган, серсоқол, афтбашараси, чимирилган бароқ қошлари, ғазаб чақнаб турган кўзлари, устига-устак девоналиги кўрган кишининг кўнглида даҳшат ва ваҳима уйғотар эди.

Зуфунун Латифжон махдумнинг уйига кам ва фақат кундузи келар, агар ҳеч ким бўлмаса, уй эгаси билан бир оз суҳбатлашиб ўтирар, агар чет киши бўлса-ю, суҳбат унинг таъбига мувофиқ бўлиб сарой аҳли ва уламолардан шикоят қилишдан иборат бўлса, бирмунча иштирок қиларди. Борди-ю, чет киши таъбига келмаса, баъзан даҳлиздан қайтиб кетар, агар уйига кирса ҳам бир дақиқадан ортиқ ўтирмасдан, ҳеч кимга «хайру хўш» демасдан тез кетар эди.

Латифжон махдум:

— Зуфунуннинг жиннилиги ёлғон жиннилик, аслда у ҳамма нарсага фаҳми етадиган улуғ донишманд, аммо амирнинг ғазабидан қўрқиб, ўзини жинниликка солиб юради,—дер эди. Ушбу сатрларнинг эгаси томонидан тузилган «Тожиқ адабиёти намуналари»нинг 365-саҳифасида қори Абдулмажид Зуфунун ҳақида гапирилган.

**Яҳёхожа** бошқачароқ шакл ва хусусиятларга эга бўлган Абдулмажид Зуфунун эди. Бу ҳам ўзини жинниликка солиб юрар эди, лекин бунинг «жиннилиги» фаолроқ ва ҳаракатчанроқ эди. У ўзига маъқул бўлмаган кишиларни қабиҳ сўзлар билан сўқар эди. Расмий катта мул-

лалар ва сарой аҳли уни кўча-кўйда кўрсалар, ҳақоратини эшитмаслик учун ундан қочиб, ўзларини пастқам кўчаларга уриб кетар эдилар.

Яҳёхожа баланд бўйли, қотма оқ юзли ва ўртача соқоли одам эди, мен Латифжон махдум уйида бўлган вақтларда соқолининг оқи қорасидан кўпроқ бўлиб, бу унинг ёши олтмишларга бориб қолганидан дарак бериб турар эди.

Яҳёхожа Бухоронинг мира лақабини олган хўжалар тоифасидан бўлиб, ота ва боболари катта илмий ва хўжалик мансабларига тайинланиб келганлар. Бухоро амирларининг анъанавий одатларига кўра, бу хил катта мансабдорларнинг авлодларини ҳурмат қилиш керак эди. Шунинг учун, унинг жинниликларидан кўз юмиб, уни жавобгар қилмас эдилар. У бўлса, ўз авлодига бўлган бу ҳурматдан фойдаланиб, уламо, амир ва унинг амалдорларини қаттиқ танқид ва масхара қилар эди.

Уша вақтларда Яҳёхожанинг характерини жуда равшан қилиб очиб берадиган ишлари ҳақида бир неча ҳикоя эшитиб, бир қанча воқеани ўзим ҳам кўрганман. Мен бу ерда шулардан баъзиларини эслаб ўтаман.

Уша вақтларда Қори Саме деган катта бир мулла бор экан, у катта салла ўраб, юз донали тасбеҳини енгидан чиқариб, пичирлаб, тасбеҳ ўгириб юрар ва бу ҳаракати билан ўзини одамларга доим худонинг зикри билан машғул тарки дунё қилган киши қилиб кўрсатмоқчи бўлар экан. Ҳақиқатда эса, у, фирибгарларнинг фирибгари, ҳаромхўрларнинг халқ молини таловчи энг ҳаромхўри.

Қори Саменинг бу хилдаги юриш-туриши ва кирди-корлари Яҳёхожанинг назаридан четда қолмаган ва у бунга яхшигина танбеҳ бериш фикрига тушган. Яҳёхожа шу ният билан сохта шаръий ҳужжатлар тайёрлаб, унинг ўтирган ҳовлиси меники, деган даъво билан Қори Самени қозихонага чақиртирган. Бир неча кун давом этган муурофа натижасида Яҳёхожанинг даъвоси қози калон ҳузурида «исбот» этилиб, қози калон, Қори Саме уй эвазига Яҳёхожага ўн беш минг танга (2250 сўм) тўласин, деб ҳукм чиқарган. Яҳёхожа, Қори Саме ўн беш минг тангани нақд келтириб қози ҳузурида менга топширсин, ўшандагина сулҳномага рози бўламан. Йўқса, унинг ваъдасига ишона олмайман, унинг алдамаслигига қаноат ҳосил қилмайман, деган талабни қўйган. Қори Саме мазкур маблағни келтириб, қози ҳузурида Яҳёхожага нақд топ-

ширган. Қози даъвонинг тугагани ва пулнинг олингани ҳақида даъвогар билан жавобгарни иқрор қилиб, ибро хатини (сулҳномани) муҳрламоқчи бўлганда, Яҳёхожа қозини муҳр босишдан тўхтатиб, шундай деган:

— Мен бу маблағни вақтинча омонат тарзида жавобгарга қайтариб бераман. Сиз ҳам менинг ҳужжатларимни қайтариб беринг. Агар у, бундан сўнг кўчаларда тасбеҳ ўгириб, одамларни алдаб юрмайман, деб сўз берса, мен даъвомдан кечаман, лекин бу алдамчилик ҳаракатини бошлаган куни ўз даъвомни такрорлаб, сулҳномада кўрсатилган пулни талаб қиламан.

Қори Саме Яҳёхожанинг талабига мувофиқ ваъда бериб, унинг қўлидан бепул қутулган. Бу воқеадан кейин Қори Саме умрининг охиригача кўчага чиқмайдиган, чиқса ҳам оддий одамлар қиёфасида чиқадиغان бўлди, аммо шунга қарамасдан, одамларнинг гап-сўзидан қутулолмади. Кишилар уни: «Худонинг зикри ва тасбеҳини ўн беш минг тангага сотди»,— деб масхара қилар эдилар.

Бир куни Яҳёхожа қози калон Бадриддиннинг олдига кирган экан. Қози унга мунофиқона ҳурмат кўрсатиб, таъзим билан қарши олган ва яхши кўриниш ниятида, ундан «дуо» қилишни сўраб, тилёғламалик билан унинг ҳақоратидан қутулмоқчи бўлган.

Яҳёхожа бунга жавобан дуо қилган одамлар сингари қўлларини ҳавога кўтариб:

— Худоё худовандо, қози Бадриддинни ўз ўрнингга худо қил,—деган.

Қози бу дуодан ҳайратда қолиб:

— Эй... эй... эй! Қабоҳат бўлди-ку — дебди.

— Ҳеч қандай қабоҳатга ҳам, таажжубга ҳам ўрин йўқ,—дебди Яҳёхожа,—сен шу кунларда Бухорода амирдан ҳам каттасан, Бухоро мамлакатигаги барча одамларнинг ҳаёт-мамоти сенинг қўлингга, истасанг кишини кўйдирасан, истасанг кишини одам қиласан, ҳеч ким сенга, нега ундай қилдинг, нега бундай қилдинг, деёлмайди. Энди сен етишни орзу қилган мартабалардан худолик мартабаси қолди, холос.

Қози ҳузуридаги мулофилар ва мулозимлар Яҳёхожа билан қозининг атрофини ўраб олиб, Яҳёхожанинг сўзларидан завқлана бошлайдилар. Қози калон бу томошани тугатиш ниятида:

— Хўп, хўп, сиз айтгандай бўлсин!— деб ўз ёқасини бу аёвсиз рақиб қўлидан бўшатишни истаган, аммо ўй-

ноқи кўзли, ўткир сўзли рақиб қози калонга омон бермай, ўз сўзини давом эттирибди:

— Худо бўлиш сенинг учун фойдали; чунки хонавайрон бўлган деҳқонлар, ота-онасиз қолиб, мол-мулкларини сен тортиб олган етимлар, эрлари ва оталари сенинг зиндонингда ётган тул хотинлар ва тарбиясиз қолган гўдакларнинг қора кунлари учун сен жавобгарсан. Эҳтимол худонинг ғазабидан қўрқиш айш-ишратингга халал бераётгандир. Агар худо бўлсанг, ҳамма жиҳатдан хотиржам бўлиб, билган номаъқулчилигингни қила берасан, қиёмат сўроғидан қўрқмай, хазина устига хазина тўплай берасан, чунки худо ҳеч вақт ўзини ўзи қиёматда сўроқ қилмайди.

Яҳёхожа оддий муллалар киядиган кийимда — майда нақшли ингичка жиякли тўн кийиб, кичкина оқ салла ўраб юрарди. Аммо бир кун Латифжон махдумнинг ҳовлисига бошини олифталардек кўк белбоғ билан танғиб, баланд пошнали кавуш кийган ҳолда кириб келди.

Латифжон махдум унинг бу одатдан ташқари қиёфасини кўриб:

— Бу қиморбозлар қиёфаси сизга муборак бўлсин,— деди.

— Дарҳақиқат, менинг бу хил кийинишим табриқка сазовордир,— деб сўз бошлади у,— бугун уйдан чиқишим билан Абдукарим чиннифурушнинг муллалардек салла ва тўн кийиб дўконига кетаётганини кўрдим. Ундан янги-ча кийим кийганининг сабабини сўраган эдим. У шундай жавоб берди: «Букун маҳалламизнинг имоми бамдод намозидан кейин одамларга ваъз-насиҳат қилиб: «Ҳар ким бу дунёда қайси табақанинг кийимида юрса, тонгла қиёмат кунини шу табақа қаторида гўрдан бош кўтарари ва худо шу табақага қайси жойни насиб қилган бўлса, (хоҳ жаннат бўлсин, хоҳ дўзах) у ҳам ўша табақа қаторида ўша жойга боради»,— деди. Мен уламо либоси кийиб, тонгла қиёмат кунини шу азизлар билан бирга бош кўтариб, ўшалар билан жаннатга бормоқ истайман».

Яҳёхожа сўзини давом эттириб деди:

— Мен эса ичимда, агар жаннатга кириш учун шу уламолар қаторида бўлиш шарт бўлса, мен жаннатнинг ҳам баҳридан кечдим. Мени тақдир бу дунёда шу уламо қаторига киргизиб бадном қилгани ҳам етар; қиёматда ҳам булар билан бирга бўлишни истамайман, дедим. Мана шунинг учун олифта ва қиморбозлар кийимини

кийдим. Чунки қиёмат куни шулар билан бош кўтариб, гарчи булар билан дўзахга тушсам ҳам, уламолардан йироқ бўлишнинг ўзи мен учун маънавий жаннатдир.

Яхёхожа шу воқеадан сўнг кўпинча яланг бош ва яланг оёқ юрадиган бўлди.

Яхёхожа бўш вақтларида ҳар куни, бўлмаганда кун оралаб Латифжон махдумнинг ҳовлисига келиб турар эди. У дарвозадан кириш билан: «Ҳой оҳорчи, нима қилиб ўтирибсан? Қирайми ё йўқми?»—деб қичқирар эди. Латифжон махдум менга ёки мирзо Абдулвоҳидга, айтинг, кирсин, деб буюрарди. У супага келар, лекин меҳмонхонага кирмас ва дарчадан бошини тикиб меҳмонхонада бор кишиларни назардан ўтказиб, ҳар қайсисига икки, уч оғиз гап отиб, ҳовлидан чиқиб кетар эди.

Бир мартаба Яхёхожа Латифжон махдумни кига келганда, меҳмонхонада бир неча шоир ўтирган эди. У, уйдагиларни назардан ўтказгач, уй эгасига қараб шундай деди:

— Сен гўл бўлмасанг, бу иблисларни ўз атрофингга тўплаб ўтирмас эдинг, булар сенинг уйингга тўпланиб, мушоара қилиб бир-биридан бирор нарса ўрганай деб ўйлайсан. Аммо ҳақиқатда бундай эмас. Булар сенинг ош-нонинг учун тўпланишади, бўлмаса, нега булар менинг уйимга боришмайди. Чунки меникида ортиқча ош-нон йўқ.

Латифжон махдум:

— Хўп, мен сизнинг марҳаматингиз билан «гўлликни» бўйнимга олганман. Лекин сиз бировга зарари етмайдиган бу бечораларни нега иблис деб атайсиз?—деди.

— Гарчи булар,—деди Яхёхожа,—ҳозир киши кўзига одам фарзандидай бўлиб кўринсалар ҳам, келгусида иблис бўладилар, чунки ўқишни битиргач, бирор мансабни эгаллаш пайига тушиб амирни, вазирни ва қози калонни мадҳ қилишга киришадилар. Булардан қайси бири ёлғонга устароқ чиқса, қози ё раис бўлади ва бу ҳолда энди иблис эмас, ёввойи иблисга айланади.

— Бу хилдаги иблисликда мен ҳам буларга шерикман,—деди Латифжон махдум ва сўзини давом эттирди,—чунки буларнинг қози ё раис бўлиш эҳтимоли бўлса, мадрасани битиргач, менинг қозилик мансабига миншим шубҳасиздир.

— Мен сени ҳеч қачон иблис бўлувчилар қаторидан чиқарган эмасман ва чиқармайман,—деди Яхёхожа,—

фақат сенга отангдан кўп молу дунё мерос бўлиб қолгани учун ажаб эмаски, сен одамларни озроқ таласанг. Аммо булар янгидан мансаб кўрганлари сабабли элни раҳимсизлик билан талон-торож қилишлари муқаррардир. Чунки оч бўри тўқ бўрига нисбатан подани кўпроқ бўғизлайди.

Бир куни Яҳёхожа Латифжон махдумнинг уйига келганда, унинг меҳмонхонасида Бухоронинг катта савдогарларидан Жўрабек Арабов ўтирган эди.

У бу савдогарни бошдан-оёқ кўздан кечириб деди:

— Хўжайин, сиз арабзода бўлганингиз учун фахрлана олмаймиз, чунки ўз гумаштаси Қутайба бинни Муслим воситаси билан бизнинг Мовароуннаҳрни қон йиғлатган золим Ҳажжож ҳам арабзода ва араб катталаридан бири эди; шунингдек сиз қимматбаҳо саллаю тўнингиз билан, қасрга ўхшаган ҳовлингиз билан, қатор-қатор отларингиз билан ва саноқсиз хўрозларингиз билан фахрлана олмайсиз, ҳатто банкдаги пулларингиз билан ҳам фахрлана олмайсиз. Эшитишимча, сиз ўн бош улоқчи от боқиб, бир қанча чавандозга ҳам ош-нон берасиз, йигирма бешта даканихўроз асраб, уларни боқиб, қараб турадиган бир неча қушчингиз ҳам бор экан, яна шуни ҳам эшитдимки, сиз бундан беш йил муқаддам солдирган иморатингизни бузиб, юз минг танга (15 минг сўм) сарф қилиб янги иморат қилибсиз. Билиб қўйингки, булар билан ҳам фахрлана олмайсиз. Чунки мунча молу дунёнинг қаердан топилганини назарга олсангиз, фахрланиш ўрнига уяласиз...— Жўрабекнинг кичик мисқоли салла ўралган зарбоф дўпписи остидан шариллаб оққан тер шойи тўнининг ёқаларини ҳўл қила бошлади. Яҳёхожа бир оз жим туриб ундан сўради:

— Хўжайин, саводингиз борми?

— Бир оз ўқиб, ёза оламан,— рўмолча билан юзларидаги терни артаётган Жўрабек гуринглаб аранг жавоб берди.

— Бедилни ўқиганмисиз?—яна сўради Яҳёхожа.

— Мактабда ўқиган эдим.

— Бедил шеърларининг маъносига тушунасизми?— леб Яҳёхожа яна савол берди, бироқ Жўрабекнинг жавобини кутмасдан деди:

— Йўқ, тушунмайсиз! Агар ўлган бўлса марҳум, тирик бўлса малъун домуллангиз ҳам Бедилни тушунмасди. Аммо Бедилнинг ҳамма тушунадиган шеърлари ҳам



бор, сиз уларни ё кўрмагансиз ёки кўрган бўлсангиз ҳам, ўзингизни кўрмаганликка соласиз. Чунки Бедилнинг бундай шеърлари сизга зарар етказди...

Яҳёхожа бир лаҳза сукут қилиб, яна давом этди:

— Бедил оммабоп шеърларидан бирида бундай деган:

Тўлмагай ҳеч кимса ҳамёни,  
Бўлмаса киссабурилик имкони.

Яҳёхожа бу шеърни ўқигандан кейин, Жўрабекдан юз ўгириб, Латифжон махдумга қараб:

— Мен Бухоронинг раис ва миршабига ҳайронман,— деди,— улар бир бечора яланг оёқни киссабуриликда айблаб ушлайдилар-да, унинг таъзирини бериб дарра билан уриб қамайдилар. Ҳолбуки, оддий киссабурининг иши ўнгидан келганда бировнинг беш ё ўн таңгасини киссасидан олади, кўпинча эса бундай киссабуриларнинг қўлига таңга ўрнига носқовоқ илиниб, бозори чаққон бўлганда уни биров тўрт пулга олмайди. Аммо Бедил икки юз йил бурун пешоналарига киссабурилик тамғасини урган шу касбдан юз минглаб олтин тўплаган мана бу хилдаги киссабурилар билан эса уларнинг ишлари йўқ. Булар билан ишлари йўқгина эмас, ҳатто уларни ҳурмат ҳам қиладилар.

Яҳёхожа бир оз жим қолиб:

— Кеча қизиқ бир воқеани кўрдим,— деб яна давом этди,— Девонбеги лабиҳовузига борган эдим, пешин намозидан илгарироқ Бухоронинг раиси келиб масжид олдига палос солиб ўтирди ва ўз одамларини «гуноҳкорлар»ни топиб келишга юборди.

Раиснинг одамлари Лабиҳовуздаги чойхоналарни айланиб юриб, бир кишини тутиб келдилар ва уни «киссабури» деб раисга топширдилар. Раис унинг киссабурилиги учун холис одамлардан гувоҳлик сўради. Бедилнинг таъбирича, катта киссабури бўлган бу хўжайинимиз (Жўрабекка ишорат қилиб) томошабинлар орасидан чиқиб, раисга рўпара бўлдилар ва бу одам киссабури, унинг киссабурилигини ўз кўзим билан кўрганман, деб гувоҳлик бердилар.

Раис бу «холис гувоҳ»ни ҳурмат қилиб ўрнидан бир оз қўзғалиб. марҳамат қилинг, деб ёнига ўтқазди ва ўз мулозимларига киссабурини яланғоч қилдириб, баданига

бир кам қирқ дарра урдирди, таъзир бергандан сўнг раис, «гуноҳкор»ни раисхонага олиб бориб, отхонага қамаб қўйинглар, мен бундан жаноби олийни хабардор қиламан, деди.

Яҳёхожа ўз сўзини давом эттириб:

— Масала равшан,—деди,—бу «киссабур»нинг аҳволини жаноби олийга билдириш раиснинг охирги чораси. Агар ўша киссабурнинг йиғиб қўйган қимматли нарсалари бўлса, масала жаноби олийга бормасдан ҳам битади, «гуноҳкор» бор нарсасини раис билан мулозимларига бериб қутулиб кетади ва шундан кейин у катта ўғри, йўлтўсар бўлади, борди-ю, ҳеч нарсаси бўлмаса-чи, жаноби олийга топширилиб, зиндонга тушади ва юзлаб камбағал гуноҳкорлар сингари ўлгунча захлаб ётади.

Яҳёхожани мен бундан илгари ҳеч вақт бундай ғазаби қайнаган ҳолда кўрмаган эдим. Унинг кўзларидан ўт чақнаб, охирги сўзларини девоналардек оғзидан кўпик сачратиб гапирди ва сўзининг охирида:

— Тфу, каттаси жаноби олий бўлган бу киссабурларга!— деди ва меҳмонхона супасидан тушиб жўнади.

Яҳёхожа шоирликни ўзига касб қилиб олмаган эди, аммо унда шоирлик маҳорати юксак, шеърни, айниқса ҳажвияни жуда равон айтади дейишар эди. Бунга далил қилиб, унинг ўз замонасининг катталарини юзма-юз туриб бадиҳа йўли билан ҳажв қилган шеърларини ўқиб берар эдилар. Жонмирза қушбеги (бош вазир) Яҳёхожанинг ҳажвига дучор бўлганлар жумласидан эди. Соқоли узун Жонмирза бир куни Яҳёхожага ёқиш учун шундай дебди:

— Ўтган замонларда улуғ шоирлар ўз замонасининг вазирлари ҳақида шеърлар айтиб, эсдалик қолдирганлар. Сиз жаноблари ҳам бу камина ҳақида бирор нарса десаңгиз нима қилибди, бу менинг учун фахр ва келажак наслларга ёдгорлик бўлиб қолар эди.

Яҳёхожа шу ондаёқ қуйидаги шеърни айтган:

Қўшбеги кўрса агар кўзгуда ўз соққолини,  
Кўнгли ўсиб дегай: «Ана соққолу мана соқол!»  
Кўрса гар Қори Саменинг жингалак соққолини,  
Кўнгли ўксиб дегай: «Ана соққолу мана соқол!»

Яҳёхожа бу байтларни айтгач, қушбегига яна шундай дебди:

— Мир қушбеги, кечирасиз, сизнинг узун соқолингиздан бўлак мадҳ қилишга арзигулик ва фахрланишингиз мумкин бўлган нарсангиз йўқ. Афсуски, бу соқолингиз ҳам Қори Саменинг соқоли олдида ўз қадр қимматини йўқотиб қўйди.

Шунингдек амирнинг катта амалдорларидан бири бир мажлисда хушомадгўйлик қилиб, Яхёхожадан шеър талаб қилибди. Яхёхожа ўша мажлисда, кўп одамлар олдида, у амалдор ҳақида Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си вазнида 50 байтдан иборат ҳажвий шеър айтибди (бу шеър бошдан-оёқ беадаб ва кўчада сўкинадиган сўзлардан иборат бўлгани сабабли, ундан намуналар келтиришни муносиб кўрмадик).

Яхёхожа Аҳмад махдум — Донишнинг яқин дўсти бўлиб, унинг доимий ҳамсуҳбати эди. Аҳмад Дониш ўзининг «Наводирул-вақое» («Нодир воқеалар») номли асаарида «Ҳожи бобо» номли романга ўхшаган энг катта ҳикоясини Яхёхожа тилидан баён этади.

Содиқхожа Гулшаний ўша замоннинг фозил кишиларидан бири эди. Мен Латифжон махдумнинг хизматида юрган вақтларда тахминан ўттиз ёшларда эди. У оқ юзли, кўзу киприклари қора, курак соқол, қадду баста келишган киши эди. У кийимни қимматбаҳо бўлмаса-да, жуда озода кияр эди. Ўзи ҳикояга уста, тарихдон ва ширин тилли киши эди. Гарчи сўзлаганда бир оз тили тугтилса-да, гапининг ширинлиги туфайли бу тутулиш унинг нутқини яна ҳам ширинроқ қиларди.

Бухоро мадрасаларининг талабалари ичида у рус тилини ўзлаштирган биринчи шахс эди. У Аҳмад махдум— Дониш билан ҳамгузар бўлиб, ҳафтада бир неча марта унинг суҳбатида бўлар эди. Рус тилини ўрганишга уни Аҳмад Дониш ташвиқ қилган ва ўша пайтда унинг рус тилини ўрганиб олиши учун сабаб ҳам топилган. Бу сабаб шундай юзага келган:

Гулшанийнинг моҳир муҳрсоз ва заргар тоғаси бўлиб, халқ орасида Ҳожи муҳрсоз лақаби билан машҳур эди. У Амир Музаффар замонида тухматга учраб, Бухородан Самарқандга қочиб борган, у ерда уй-жой қилиб, Россия давлатининг табааси бўлиб яшашга мажбур бўлган.

Еш Содиқхожа ҳар йил ёзда Самарқандга бориб, бир неча ой тоғасининг уйида туриб келар эди. Ана шу ойларда у фурсат топиб, Аҳмад Донишнинг тавсиясини амалга ошириб рус тилини ўрганган.

Содиқхожа мадрасада эмас, ўз ҳовлисида яшагани ва ҳамсухбатлари ҳам Латифжон махдум сингари ўз замонасининг эркин фикрли кишилари бўлганидан, рус тилини ўрганиш мулла Туробнинг бошига келтирган балони бунинг бошига келтирмади.<sup>1</sup> Ҳатто Латифжон махдум унинг рус тилини билишини унинг фазилатлардан санаб, ўз тазкирасида унинг бу хусусиятини қуйидаги байт билан баён қилган:

Билур эрди рус тилини ул чунон,  
Бу хил илмга етмаги инсоннинг гумон.

Содиқхожа бошланғич маълумот даражасида бўлса ҳам, замонавий илмларни ўрганган ва жуғрофияни жуда яхши кўрар эди. У мадрасани тамом қилган, лекин илмий мартабаларга майл қилмай, қашшоқона, аммо олиҳимматлик билан эркин ҳаёт кечирар эди.

Латифжон махдум унинг бу сифатини ўз тазкирасида қуйидаги байтда айтиб ўтади:

Қарам бобида ўрнакни сен ундан ол,  
Сахийликни ўрган сочиб ақча, мол.

Аммо Амир Абдулаҳад бундай озод турмушни Шохинга ва қори Қаромат Дилкашга раво кўрмагандек, унга ҳам раво кўрмай, саройга надимликка тортди. Содиқхожа надим (ҳамсухбат) бўлса ҳам, аммо ҳақиқатда амирнинг бесавод навкарларидек қишин-ёзин Бухорога қарашли район ва вилоятларига отлиқ сафар қилишга мажбур эди (амир уни хизмат баҳонаси билан ҳар кун узоқ ва бориб келиш қийин жойларга юборар эди).

Содиқхожа бу тентираб юришлардан фойдаланиб, Бухоро музофотининг район ва вилоятларини кезиб чиққан ва уларни харитага тушириб, тожик тилида муфассал бир жуғрофий асар ёзган эди. Аммо Содиқхожа эркин ва маърифатпарварона ҳаётга ўрганиб қолган бир киши бўлгани учун турмушнинг энг разил кўриниши бўлган Бухоро сарой ҳаётига чидолмай, 1910 йилда вафот этди.

---

<sup>1</sup> Мулла Туробнинг саргузашти «Эсдалиқлар»нинг иккинчи қисмида зикр қилинган эди.

Содиқхожа шеърни равон ёзарди. Аммо услуб ва ташбеҳлари ҳаммаси эски, сийқаси чиққан бўлиб, букунгги адабиётшунослик нуқтаи назаридан уни етук шоир деб бўлмайди. Содиқхожа рус тилида, лекин аруз вазида шеър айтган, дейишардилар. Унинг бундай шеърларидан бир мисра хотиримда қолибди, мана ўша мисра:

«Ни хачу местни вино, дайти мне руски вади».<sup>1</sup>

Бу мисра ҳозирги замон ўқувчиларига тил, имло жиҳатдан нуқсонли бўлиб кўринса ҳам, у замондаги равшан фикрли ёшларнинг рус тилини ўрганишга бўлган қизиқишини кўрсатади. (Содиқхожа Гулшаний ва унинг шеърларидан намуналар «Намунаи адабиёти тожик» нинг 460—461-бетларида берилган.)

Ҳомидбек Ҳомид. Ҳомидбекнинг отаси Амир Музаффар салтанатининг бошларида, у вақтда Бухорога тобе бўлган ҳозир эса Афғонистонга қарашли Тошқўрғон вилоятининг ҳокими эди. Ҳомидбек ўша ерда туғилиб, ўн олти ёшида отасининг навкарлари билан биргаликда амир Музаффар билан Россия подшоси ўртасида бўлган урушда иштирок этган. Ўша урушда амир ва амир амалдорларининг бемазагарчиликлари ва аксинча рус солдатларининг интизом ва ишбилармонлиги илк бор Ҳомидбекнинг кўзини очган эди.

Ҳомидбек шу урушдан сўнг Бухорода қолиб, сарой аҳлига мансуб бўлгани ҳолда камол топади ва уни Аҳмад Донишнинг суҳбатига мушарраф этади, натижада у шу ерда равшан фикрли киши бўлиб етишади. Унинг ўзи: «Аҳмад Дониш амир Музаффар билан Россия орасидаги уруш тарихини менинг ҳикояларим асосида ёзган»,— дер эди. (Мен ҳам «Манғит амирлари тарихи» номли асаримда юқорида зикр этилган уруш ҳақидаги айрим тафсилотларни унинг ҳикоялари асосида ёзганман).

Ҳомидбек новча, оқишдан келган, юзлари чўзиқ бўлиб, отникига ўхшар эди. Унинг соқоллари қора-қизғич бўлиб, энди оқ туша бошлаган, шунга қараб, мен Латифжон маҳдумникидалигимда уни ёши қирқдан сал ўтган деб тахмин қилиш мумкин эди. У жуда гапдон одам эди, лекин гапирган вақтида тилини сўриб-сўриб гапирардики, уни кўрган киши оғзида қанди бўлса керак деб ўйлар

---

<sup>1</sup> Не хочу местного вина, дайте мне русскую воду.

эди. Суҳбат вақтида у кўпинча Аҳмад Дониш уйида бўладиган мажлислардан гапирар эди.

У шеърни кам ёзар эди, ёзган шеърларининг аксаридасарой аҳлларини танқид ва ҳажв қилар эди. (Ҳолидбекнинг бундай шеърларидан намуналар «Намунаи адабиёти тожик»нинг 272-бетида келтирилган.)

**Абдуллахўжа Таҳсин.** Таҳсин ўттиз ёшлардаги узун бўйли, бугдой ранг, соқоли сийрак одам эди, суҳбати анча енгил бўлиб, Латифжон махдумнинг доимий суҳбатдошларидан эди. «Намунаи адабиёти тожик»да айтганимдек, шоирликдан кўра адабиётшуносликда кучлироқ эди.

**Қори Абдулкарим Офарин (Дўзахий)** — мен Латифжон махдумникидалигимда кўринишидан қирқ беш ёшларда эди. У узун бўйли, барваста, серсоқол одам эди. Офарин хушхат эди, китоб кўчириб тирикчилик қиларди. У одамларни бир-бири билан уриштириб қўйиб шу билан ўзини хурсанд қилар эди. Унинг бу одати ҳаммага маълум бўлса ҳам, унинг иғвоси билан кўп дўстлар уришиб, бир-бирларига душман бўлиб қолардилар.

Офарин шоирликни ўзига касб қилиб олмаган бўлса-да, икки шоирни бир-бири билан уриштириш учун бирининг тилидан иккинчисига қарши ҳажвиялар ёзар эди. Чунончи, ўша замоннинг машҳур шоири Шохин Офариннинг сохта ҳажвиялари таъсирида ўз устози Қурбонхон Фитрат билан уришиб, натижада кўп ҳажвиётлар вужудга келди. Икки шоир — устоз ва шогирд бир-бирлари билан гаплашмай оламдан ўтдилар.

Офарин ўз замонидаги вазиятдан норозиларнинг бири, Аҳмад Дониш мажлисларининг иштирокчиси эди. Иғвогарлиги туфайли Аҳмад Дониш унга «Дўзахий» деб лақаб қўйган.

**Мирзо Азим Сомий Бўстоний.** Мирзо Азим Бухородан қирқ километр шимоли шарқда Қарманага борадиган йўлда жойлашган ҳозирги Қизилтепа районининг Бўстон қишлоғида туғилган. У ибтидоий мактабни ўз қишлоғида тугатиб, илмий ва адабий маълумотни Бухорода олган. Мадрасани тугатгач, дастлаб ҳокимларга мирзолик қилган, кейинча амир Музаффар саройига хизматга кириб, муншилик (фармон ёзиш) хизматига олинган. Амир Музаффар билан Россия подшоси орасида бўлган урушда кузатувчи сифатида иштирок этган. Ана шунда Сомийнинг кўзи очилиб, Бухоро амирлигига қарши бўл-

ганлар қаторига ўтган. Унинг Манғит подшолари тарихига оид «Тухфайи шоҳий» номли асари, шунингдек Мирзо Содиқ Муншининг «Дахмайи шоҳон» асарини тўлдириб ёзган «Дахмайи шоҳон» номли асарлари бошдан-оёқ саройга қарши танқид руҳида ёзилган.

Амир Абдулаҳад ва сарой аҳлининг бемазагарчиликлари яна ҳам авж олиб, аҳоли янада хонавайрон бўлади. Бу ҳолни кўрган Сомийнинг танқиди яна ҳам ўткирлашади ва охири саройдан ҳайдалиб, умр бўйи муҳтожликда яшайди.

Мен Латифжон махдумнинг хизматига кирган вақтимда Сомий олтмиш ёшлар чамасида эди. У паст бўйли, ўртача, буғдой ранг соқолининг қорасидан оқи кўпроқ одам эди. У ўз асарларини ва бошқаларнинг камёб асарларини Латифжон махдумга кўчириб бериб, шу хил хизматлари ҳақида фақирона кун кечирар эди. Оиласи катта бўлиб, уларга «чиқма жоним» тарзидаги таъминотни кекса кўзларининг нуруни тўкиб, котиблик қилиб аранг топарди.

Сомийнинг қариликдан заифлашган кўзлари кунига ўн беш-ўн олти соатлаб хат ёзиш каби тоқат қилиб бўлмайдиган оғир ишга бардош бермай, охири кўр бўлди. Умрининг охирги тўрт-беш йилини гоят оғирлик билан ўтказиб, 1907 йилда, етмиш икки ёшида вафот этди.

Латифжон махдум ўз тазкирасида унинг фазлу камолини санаб ўтгач, қашшоқлиги ҳақида бундай деди:

Бу дунёда бўлмабдир унга насиб  
Заҳардан бўлак нарса, будир ажиб.

Эрур ул шу кунда тирик ҳам омон,  
Тирик гарчи, ҳоли ўликдан ёмон.

Бало — йўқлигу кексалик, бегумон,  
Бироқ йўқлигу мирлик ундан ёмон<sup>1</sup>.

Сомий Аҳмад Донишнинг яқин дўстларидан бўлиб, у тирик вақтида ҳеч бўлмаса ҳафтада бир марта унинг суҳбатида бўларди. (Сомий, унинг шеърларидан наму-

---

<sup>1</sup> Сомий собиқ амалдорлардан бўлгани учун расм юзасидан ўзининг ташқи қиёфасини мир (амалдор) ларникига ўхшатиб юришга мажбур эди. Тазкира автори бу ерда шунга ишора қилмоқда.

налар ва асарларининг рўйхати «Намунаи адабиёти тожиқ»нинг 335—339-бетларида берилган.)

**Азизхожа Азиз.** Балх вилоятининг Қундуз деган жойида туғилган. Ёшлигида Бухорога келиб, шу ерда камол топган. Азиз қози Абдулвоҳид Садри Сарирнинг шогирдларидан бўлиб, Латифжон махдумнинг эски мактабдоши эди. Азиз новча, барваста, хушбичим, кам соқол кимса бўлиб, ҳамиша табассум қилиб турарди. У хушсуҳбат, нафаси илиқ, мажлисоро одам эди. Оддий суҳбатларда ҳам тожиқ тилининг нозиклигини жуда табиий бир тарзда маҳорат билан ифода этарди. Азизнинг расмий уламоларга муносабатини унинг ўз даври қози калони ҳақида айтган қуйидаги байтида равшан кўриш мумкин:

Кўрсам ул қози калоннинг афтини,  
Кўринур кўзимга сирка кўзаси.

Азиз фақат бир қози калонни эмас, ҳамма қози калонлар, барча амалдорларни ёмон кўрарди. Чунки, қози калон Бадриддиннинг кўзи қисик бўлганидан, уни «кўр» дер эдилар, у вафот этиб, ўрнига тайинланган янги қози калон қози Бақоҳоннинг эса қулоғи вазмин бўлиб, уни «кар» дер эдилар. Азиз бу ҳақда қуйидаги байтни айтган:

Кўр кетиб, ўрнига кар келмиш Бухорода мана,  
Бу Бухоройи шарифда Карбало (кар бало) бўлмиш  
яна<sup>1</sup>.

Латифжон махдумнинг мажлисларига файз киритган фозил ва зукко одамлар мана шулар бўлиб, мен уларнинг суҳбатларидан кўп баҳраманд бўлганман. Тўғри, булар савиялари жиҳатидан ўз замондошларидан кам фарқ қилардилар, аммо уларнинг ҳар бири озми-кўпми ўз замонларидан норози эдилар ва уларнинг бу хусусияти менга таъсирсиз қолмади.

\* \* \*

Латифжон махдумнинг уйидаги суҳбатларда ўша замон ҳукумат раҳбарларининг ва катта амалдорларнинг

---

<sup>1</sup> Шойр бу мисрада «карбало» сўзини икки маънода ишлатган. Биринчиси — «Қарбало даштига ишора, иккинчиси — «бу кар бало бўлди» деган маънода.



ёмон кирдикорларидан шикоятлар бўлганидек, баъзи кимсаларнинг яхши хислатлари ҳақида ҳам сўз борарди. Мана шу суҳбатлар таъсирида менда уларнинг баъзиларига ғойибона муҳаббат пайдо бўлган эди. Мисол тариқасида шу зотлардан баъзиларини эслаб ўтмоқчиман.

**Мирзо Ҳайит Саҳбо.** Саҳбо Вобкент районида туғилиб, Бухорога ўқиш учун келган. Аммо мадрасани битирмасдан Кармана ҳокими Абдулаҳад хизматига кирган. Абдулаҳад Бухорога амир бўлгандан сўнг Саҳбони сарой хизматида сақлаб, турли-туман мансабларга тайинлаган.

Латифжон махдум суҳбатдошларининг сўзларига қараганда, Саҳбо ҳамиша сарой аҳлининг нуқсонларини фош этар, ҳатто баъзан амир ҳузурида ҳам ҳақиқатни гапиришдан тоймас экан.

Саҳбонинг бу хусусиятларини Латифжон махдум ўз тазкирасида қуйидаги байтларда баён этган:

...Фазилатли, ҳам эрди ғайратли эр,  
Сўзу қилмишида эди мисли шер.

Бунингдек билакли бир паҳлавон  
Эмас борлиги ер юзида аён.

Очиқ айтар эрди ҳақиқат сўзин,  
Улуғ, каттанинг қилмас эрди юзин.

Ҳақиқатни ҳатто шаҳ олдида ҳам.  
Мудом айтар эрди, емай асло ғам.

Саҳбонинг бу хислати амирга акс таъсир қилмасдан қолмади: амирга яқин бўлган вақтда у амир ҳузурида эшик оғаси эди. Амир ундан ранжигандан сўнг, уни шаҳар ариғига мироб қилиб тайинлади. Амир миробларни сув сотишда, деҳқонларнинг ҳақиға хиёнат қилишда айбларди. Бироқ, шуниси ҳам борки, миробларнинг белгили маоши йўқ эди, бинобарин, яшаш учун у ҳам сув сотишга мажбур эди. Лекин Саҳбо бу разилона ишни қилмади, икки йил оғирликни бўйнига олиб, деҳқонларга ҳалол хизмат қилди.

Саҳбонинг деҳқонлар оммасининг муҳаббатига сазовор бўлганини кўрган амир, уни бу ишдан олиб, миршаб

(полиция бошлиғи) лавозимига тайинлади. Аммо миршаблик миробликдан қабиҳроқ иш эди. Чунки агар мироб деҳқонлардан пора олиб кун кечирса, миршаб ўғрилар, қиморбозлар билан шерик бўлиб, шу қабиҳ йўл билан ўзи яшаб, йилига бир неча бор амирга совға-саломлар юбориб туриши лозим эди.

Саҳбо бу ишда ҳам мисли кўрилмаган поклик билан хизмат қилиб, хотинининг зийнат асбобларини сотиб фақирона кун кечирди, аммо ўғри ва қиморбозларга шерик бўлмади, амирга совға-саломлар юбормади. Унинг миршаблик даврида тинчлик қарор топиб, шаҳар ва унинг атрофида ўғрилик, тартибсизликлар юз бермади. Бунинг устига шаҳар аҳлига ташвиқот қилиб, уларнинг ихтиёрий ёрдамлари билан бунёдга келгандан бери зим-зиё қоронғи бўлиб келган шаҳарни чароғон қилди.

Амир бу билан ҳам ундан маънавий ўч ололмай, охири ишдан бўшатиб, озгина маош бериб уйда ўтиришга мажбур қилди.

Саҳбо гўшанишин бўлиб қолгандан кейин сарой аҳлини янада қаттиқроқ, янада ошкорроқ танқид қила бошлади. Сарой аҳлидан норози гуруҳлар унинг атрофига йиғилиб, амиру вазир устидан шикоят бозорини қизитиб юбордилар.

Ҳукумат унга озор ва изза бериш учун баҳона қидирар эди. Бу баҳона ҳам топилди.

1915 йилда Россия подшоҳи сиёсий гумаштасининг топшириғига мувофиқ қушбеги уни ўз ҳузурига чақириб, газета ўқишини баҳона қилиб, танбеҳ берди ва бундан сўнг газета ўқимаслик учун ундан тилхат олди. Февраль инқилоби бошларида инқилобга хайрихоҳлиги туфайли ҳукумат уни дастлаб Бухоро аркига қамади, орадан анча вақт ўтгач, Қабодиёнга (ҳозирги Тожикистондаги Микоянбод) сургун қилиб юбориб, ўша ерда 1918 йилда Колесов воқеаси пайтида ўлдиртирди. (Саҳбо ва унинг шеърларидан намуналар «Намунаи адабиёти тожик»нинг 1926 йил Москва нашрининг 392—396-бетларида берилган).

**Шамсиддин махдум Шоҳин** — ўз замонасининг машҳур шоири бўлиб, мен Латифжон махдум хизматида юрган кезларда ўттиз тўрт ёшларда бўлса керак, дер эдилар. Шоҳин у даврда амир хизматида бўлгани сабабли бировлар билан эркин борди-келди қилишдан маҳрум эди, шунинг учун Латифжон махдумнинг уйига ҳам кел-

мас эди. Айтишларига қараганда, илгари ҳафтада бир марта келиб бу мажлисларда иштирок этар экан. Аммо Шоҳиннинг шеърлари ҳамisha бу ерда ўқилар, қандай шеър ёзмасин иккинчи куни бу ерда маълум бўлар эди. Латифжон махдумнинг ҳамма суҳбатдошлари уни яхшилаб гапирар эдилар. Унинг шеърлари менга бу мажлислардаги ҳамма шоирларнинг шеърларидан кўра кўпроқ таъсир қилар, замоннинг бу забардаст шоирини лоақал бир кўриш иштиёқи менда тобора зўрайиб борар эди.

Латифжон махдумнинг шеър ёзишга ҳавасманд бир қариндоши бир куни Бухоро Регистонида менга Шоҳинни кўрсатди. Шоҳин менинг назаримда ўрта бўйли, ориқ, соқоли ҳам ўртача, қошу кўзлари қоп-қора бир одамдай кўринди. Афсуски, уни яқиндан кўриш, ўз оғзидан сўзларини эшитиш менга nasib бўлмади. Орадан икки йил ўтгач, амир билан Қаршига бора туриб йўлда вафот қилди.

**Аҳмад махдум — Дониш (Аҳмад Калла).** Гарчи ўзи бу мажлисларда иштирок этмаса ҳам, суҳбатларда унинг ҳақида айтилган сўзлар менинг диққатимни энг кўп жалб этган кимса мана шу Аҳмад Дониш эди. Бу мажлисларнинг ҳамма иштирокчилари бу улуғ зотни сизсираб зўр эҳтиром билан тилга олардилар. Ҳолбуки, Мир Араб мадрасасидаги домулалардан унинг ҳақида жуда ёмон сўзлар эшитгандим. Мана шу нарса менинг ҳайрат ва таажжубимни орттирар эди.

Дарҳақиқат, бир шаҳар, бир даврда, бир табақа оғзидан (уларнинг ҳаммалари ҳам савияларидан қатъи назар, уламо табақасига мансуб эдилар) бир кимса ҳақида бу даражада бир-бирига зид фикрларни эшитиш кишини ҳайратга солади.

Бу табақанинг бир қисми Аҳмад махдумни ёвузликда шайтоннинг шогирди санаса, иккинчи қисми уни эзгуликда фаришта даражасига кўтарар эди.

Мен Латифжон махдумнинг суҳбатдошларини хушхулқ, яхши одамлар деб билганим учун, уларнинг сўзларига қараб, Аҳмад махдумга бўлган ҳурмат ва муҳаббатим кун сайин ошиб борарди. Шунинг учун кези келганда уларнинг ҳар биридан Аҳмад махдум ҳақида баъзи нарсаларни сўраб-билиб олардим.

Латифжон махдумнинг сўзларига қараганда, Аҳмад махдумнинг боболари Пирмаст туманининг (ҳозирги бўлинишга кўра илгариги бу туманининг бир қисми Гиж-

дувон, иккинчи қисми Шофирком ва қолган қисми Вобкент районига қўшилиб, Пирмаст район номи сифатида сақланмаган) Суғд қишлоғидан бўлиб, улар деҳқончилик билан шуғулланар эканлар.

Аҳмад махдумнинг отаси ёшлигида ўз қишлоғидаги мактабда ўқиб, сўнг Бухорога келган, бу ерда мадрасани битириб, Бухоро гузарларининг бирида имом бўлиб қолган. Кўчаи сангин гузаридан кичкина бир ҳовли қилиб шу ерда уйланган. Аҳмад махдум ана шу ҳовличада тутилган.

Аҳмад махдумнинг ўқиши ва мадраса таҳсили ҳақида Латифжон махдум қуйидагиларни ҳикоя қилар эди ва Аҳмад махдумнинг ўз ёзганлари ҳам шуни тасдиқ этади.

Аҳмад махдумнинг отаси ўғлига қуръонни ёд олдириб, қори қилиш ниятида уни ўз гузаридagi мактабга беради. Аҳмад махдум бу ишга сира қизиқмай, ҳар кун мактабдан қочар, Регистон ва Девонбеги лабиҳовузига бориб қиссаҳонларнинг маъракасида ўтирар, у ерда қисса ва афсоналарни эшитиб, уларни ёд олар экан.

Мактаб домуллasi Аҳмад махдумнинг отасига ўғлининг тили чучуклигини, гапирганда, ўқиганда тили тутилиб қолишини, мабодо у қуръонни ёдлаганда ҳам яхши қори бўлмаслигини, шунинг учун қуръонни ёдлаш фикридан кечиш маъқуллигини айтади. Аҳмад махдумнинг отаси ночор бу таклифга рози бўлади.

Аҳмад махдум хат-саводини чиқаргандан сўнг, мадрасага киради. Мадрасада ўқиб юрган чоғларида ҳуснихат, лавҳа, жадваллар чизиш билан шуғулланади, қисқа муддатда яхши ҳаттот, моҳир лавҳакаш бўлиб етишади.

Аҳмад махдум шу ҳунарни ўргангунча камбағал отаси билан бирга яшаб, ўзини таъмин қилиш имконияти туғилиши билан Бухоро мадрасаларининг биридан ҳужра олиб, мустақил тирикчилик қила бошлайди. У, ҳаётининг шу даврида баёзларни гўзал лавҳа ва жадваллар билан чиройли қилиб кўчириб, уларни талабгорларга сотиб кун кечирган.

Аҳмад махдум ўз асарларининг бирида бу ҳақда таҳминан шундай дейди: «Мен илгарги жуда хасис эдим, китоб кўчириш, лавҳа, жадваллар чизишдан нимаки даромад қилсам, шунинг озгина қисмини зарур эҳтиёжларга сарф қилиб, қолганини заҳира (запас) қилиб пул йиғишга кўп ҳарис эдим. Шу пайтларда бир ҳодиса рўй бериб, мен пул жамғаришдан воз кечдим: қишлоқда бир

амакиваччам бўларди. У бақувват, барваста йигит эди. Қишлоқдан шаҳарга келаётиб, Зарафшон дарёсидан кечиб ўтаётганда, ғарқ бўлиб ўлди.

Бу ҳодиса менга қаттиқ таъсир қилиб, кўнглимдан, модомики одамнинг қўққисдан нобуд бўлиши мумкин экан, пул тўплашнинг нима ҳожати бор? Ундан кўра, яхши кийиниб, яхши еб, хурсандчилик билан кун кечирган маъқул эмасми, деган фикр ўтди. Шу ҳодисадан сўнг мен қўлимга нима тушса уни шу куниеқ сарф қилар, ўзим еб, дўстларимни меҳмон қилардим».

Мен Аҳмад махдумнинг ўз қўли билан ёзилган бир дафтарда унинг илми нужумга (юлдузшунослик — астронимия) қандай ният билан киришгани ҳақида қўйидагиларни ўқидим (мазмунан):

«Менда ўз истиқболимни билиш, уни аниқлаш шавқи бор эди. Шу ниятда илми нужум билан шуғулланишни истадим. Аммо бу фан устозлари жуда баҳил кимсалар бўлиб, осонлик билан бир нарса ўргатмас эдилар. Мен бу устозларга узоқ хизмат қилиб, ўзим ҳам мустақил мутолаа қилиб, бу фанни ўргандим. Устозларнинг бахиллиги кўп жонимга теккани учун, агар мен бу фанни ўргансам, кимки шу фанни ўрганиш ниятида олдимга келса, ҳақ олмай, миннат қилмай ўргатганим бўлсин, деб кўнглимга тугиб қўйдим».

Аҳмад махдум ўша дафтарда, шу эсдалигининг охирида бундай дейди: «Мен бу илмни ўргангандан сўнг, ўз аҳдимга мувофиқ кимки шу илмни ўрганишни хоҳлаб олдимга келса, уни шогирдликка қабул қилдим. Аммо афсуски, бундай талабаларнинг аксари ноаҳил чиқди, бу илмдан сал-пал хабардор бўлар-бўлмай фолбин бўлишиб, ҳам ўзларини, ҳам менинг меҳнатларимни барбод қилишди».

Аҳмад Донишнинг ўзининг ва замондошларининг асарлари асосида унинг мукамал таржимаи ҳолини ёзишни кейинга қолдириб, Латифжон махдумнинг суҳбатдошларидан унинг шахсий ҳаёти ҳақида эшитганларимни бу ерда қайд қилмоқчиман, бу шунинг учун зарурки, ҳанузгача бу хотиралар ҳеч жойда ёзилган эмас.

Аҳмад махдумнинг айрим фазилатлари ва юриш-турушини ўрганиб олишимга юқорида, Латифжон махдумнинг ҳамсуҳбатлари қаторида, номи зикр қилинган Ҳомидбек Ҳомид менга кўп ёрдам қилди. Ҳомидбек йигирма ёшида ўша давргача Аҳмад Донишнинг доимий

суҳбатдоши бўлгани сабабли у ҳақда кўп нарса билар, Аҳмад Донишни кўп ҳурмат қилганидан у хусусда зўр шавқу завқ билан гапирар, агар Аҳмад махдум ҳақида унга бирор савол берилса, у ўз жавобида бир-бирига боғлаб бирдан бир неча масалани ҳал қилиб берар эди.

Ҳомидбекнинг сўзига қараганда, Аҳмад махдум қозилиқдан истеъфо бериб, амир саройидан кетгач, пенсия тариқасида уни Жаъфархўжа мадрасасининг кутубхона мудирлиги лавозимига тайинлаганлар. Бухоро мадрасаларининг кутубхоналарида китоб қолмагани учун кутубхона мудирига иш ҳам йўқ эди. Бинобарин, кутубхона мудирини вақфдан келадиган даромадни пенсия тариқасида олиб турар эди.

Аммо Аҳмад махдум асосий даромадни ўз меҳнати тўғрисида топарди. Юқорида зикр қилингандек, у моҳир лавҳачи ва жадвалкаш бўлиб, бу касбдан келган даромад унинг барча харажатларини бемалол қоплар эди. У ёлғиз лавҳачи, жадвалкашгина бўлмай, моҳир рассом ҳам эди. Унинг чизган суратлари тирик одамга ўхшар эди. Ҳомидбек унинг ҳазиломуз бир суратини кўрсатганда мен тамом ҳайратда қолган эдим. Мирзо Анвар номли бир кўкнори бир неча вақт Бухорода миршаб бўлган эди. Аҳмад Дониш унинг суратини қуйидагича чизибди: Мирзо Анвар чўккалаб ўтириб, уйқусираган ҳолда бир косада кўкнори эзмокда. Иккинчи манзарада у кўкнори эзиб турганда, биров келиб, кўчадан ўғри ўтди, деб хабар қилади. Миршаб бу хабарни эшитиб: «Вой, ўлдим!»— деб чалқанчасига йиқилади, оёқлари чўзилиб косага тегади, коса ағдарилиб синади, кўкнори суви ва эзилган пўчоқлар гиламга тўкилади.

Аҳмад махдум бу расмнинг остига ўз қўли билан: «Агар бу кўкнори яна бир йил Бухорода миршаблик қилса, шаҳар ўғрига тўлади» деб ёзиб қўйибди.

Аҳмад махдум ўзининг рассомлик санъатини «Лайли ва Мажнун» «Юсуф ва Зулайхо» каби ишқий-афсонавий дostonларда ишлатарди. Мен Аҳмад махдум кўчириб, расм ва лавҳалар билан безаган бир «Юсуф ва Зулайхо»ни ўша вақтда уч юз пуд буғдойга сотилганини кўрган эдим.

Ҳомидбекнинг айтишига қараганда, Аҳмад махдум юқорида зикр қилинган йўллар билан топган ҳамма даромадини харж қилиб, ундан бирор тангасини ҳам асраб қўймас экан.

Аҳмад махдум ўз умрида бир марта уйланган. Ҳомидбек у билан таниш-билиш бўлиб юрган вақтда бир ўғил ва қизи бор эди.

Аҳмад махдумнинг ўғли у вақтда қирқ ёшида бўлиб, уйланган ва отасидан ажралиб алоҳида яшар эди. Унинг ҳам касби ҳаттотлик, жадвал ва лавҳакашлик бўлиб, шу касбдан келган даромад билан тирикчилик қилар эди.

Аммо қизини ўз шогирдларидан бирига бериб, уни ичкуёв қилган, куёви айтиб бир вақтда оиланинг хўжалик ишларини бошқарар, қизи эса уй ишларини бажарар эди.

Булардан ташқари, Аҳмад махдумнинг ичкари ҳовлида бир хизматкор аёли, ташқарида Неъмат қори деган ошпази ва бир боғбони бўлар эди. Шунингдек, шоир ва танбурчи қори Қаромат Дилкаш ҳам кўп вақтини шу оилада ўтказарди. Бу одам шеърят ва музыкада Аҳмад махдумнинг шогирди эди. (Дилкаш ва унинг шеърларидан намуналар «Намунаи адабиёти тожик»нинг 301—302-бетларида берилган).

Аҳмад Дониш оиласининг доимий аъзолари мана шулар эдилар.

### АҲМАД МАХДУМНИНГ КУНДАЛИК ҲАЕТИ

Ҳомидбекнинг сўзларига қараганда, Аҳмад махдум ҳар кун илк саҳарда туриб, ювингандан сўнг, мутолаа ёхуд китоб кўчириш билан машғул бўлар, бомдод намозидан сўнг, кун чиқмай туриб чой ичар, сариеғ қўшиб пиширилган битта кулчани ярим коса ширчой билан еб, яна ишга киришарди.

У доим болохонада ўтириб ишлар, бу ердан кўча эшиги ва ҳовли ташқарисидаги тор кўча кўриниб турарди. (Мен Аҳмад махдум ҳовли ва боғчасини «Эсдаликлар»нинг иккинчи қисмида тасвирлаб берганман.) Унинг яқин дўстлари келганда доимо, тўғри унинг олдига чиқиб суҳбатлашиб кетардилар. (Аҳмаднинг номаъқул кишиларга қиладиган муомаласини «Эсдаликлар»нинг иккинчи қисмида ўзим кўрган бир мисол билан тасвирлаб берганман.)

Гоҳо жуда кўп дўстлари тўпланиб, кун бўйи шу ерда қолиб кетардилар (бу ҳол одатда таътил кунлари: чоршанба, пайшанба, жума кунлари бўларди). Бундай кезларда меҳмонлар хоҳлаганча хурсандчилик қилардилар:

баъзилар мушоара қилар, баъзилар шахмат ўйнар, баъзилар музыка чалар, баъзилари тинглар, баъзилари эса, уй эгасининг «қўлбола» мусалласидан ичиб, ширақайф бўлардилар. Аммо уй эгаси ҳеч ким йўқдек бемалол ўтириб китоб кўчирар, мутолаа қилар, жадвал ва лавҳалар чизарди. Аҳмад махдум ўз асарларидан бирида бу ҳақда қуйидагича ҳикоя қилади (мазмунан): «Мен ёлғиз қолсам юрагим сиқилади, бошимга фикр келмайди, қўлим ишга бормайди. Аммо дўстлар менинг уйимга йиғилиб, суҳбат, ўйин билан шуғуллансалар, фикрим очиларди, ишга рағбат пайдо бўларди, бундай чоғларда жуда унумли иш қиламан».

Аҳмад махдум ҳафтада бир марта кечки ўтириш ташкил қилар ва бундай ўтиришнинг иштирокчилари махсус таклиф билан келардилар. Бу хил ўтиришлар кўпинча музыка, рақс билан ўтар, созанда ва хонандалар дам олган чоғларда мушоара ва латифагўйлик бошланарди. Аммо уй эгаси шундай кечаларда ҳам бир бурчакда ўтириб ўз иши билан шуғулланар эди.

Ҳомидбек тилидан Аҳмад махдумнинг шахсий ҳаёти ҳақида бу ерда нақл этилган нарсаларни Латифжон махдум ўз тазкирасида қуйидаги байтлар билан баён қилган:

Қаландарлик ўлмишдир унга писанд,  
Кеча-кундуз ишрат билан эрди банд.

У қилган маишатни кўрса агар,  
Ёнар эрдилар рашкдан шоҳлар.

Ҳамма вақт чилдирма, танбуру най  
Унинг мажлисида бўлур эрди шай.

Йиғилгай эди давр фозиллари,  
Чечан, шеърхон, барча оқиллари.

Булар ичида бир гуруҳи мудом  
Ичар эрди, шатранж ўйнаб, мудом.

Йигитлари хизматда зийрак, тетик  
Турар эрди бел боғлабон унда тик.

Бу гавғода шод эрди ҳар бир киши,  
Жим ўлтирмоқ эрди унинг лек иши.



## «ИФЛОС СУВ УРАГА ТУШАДИ»

Ўтган замонда Шарқда мунажжимларни келажакдан хабар берувчи, кишиларнинг бахту толеларидан, савдогарлар ишининг ривож ва хатарларидан дарак берувчи деб ҳисоблардилар. Аҳмад махдум юлдузшуносликда ном чиқаргани учун баъзи одамлар юқоридаги масалалар юзасидан унга мурожаат қилардилар: Бундай кезларда у ўзига мурожаат қилувчиларни ҳайдаб юборар ва шунчалик хафа бўлар эдики, ҳатто бир неча кунгача бировни қабул қилмас эди.

Ҳомидбек бу хусусда қуйидагиларни ҳикоя қилар эди:

— Бир кун мен Аҳмад махдумнинг уйига борсам, хизматкори мени у кишининг ҳузурига киргани қўймади. «Ҳеч кимни менинг олдимга киритма»,— деб айтдилар деди. Мен у кишининг эркаси бўлганим учун хизматкорнинг сўзига қулоқ солмай, ичкарига кирдим. Қарасам, у киши меҳмонхонанинг тўрида бошларини чопон билан ўраб ётибдилар. Мен йўталдим. Аммо у киши қимир этмадилар. Шундан сўнг:

— Тақсир! Тинчликми, сизга нима бўлди?— деб овоз бердим.

— Бир аҳмоқ афғон мени жиннилик даражасига етказди. Бор, ўз ишинг билан шуғуллан. Мени ўз ҳолимга қўй!— дедилар. Аммо мен сўрашда давом этдим:

— Аҳмоқ афғонга мен жавоб бераман. Чунки мен уларга қўшни юртда туғилганман ва муддаоларини дарров тушунаман. Сиз эса, хафа бўлмай, аҳмоқнинг жавоби сукут, деб тинчлана беринг. Аммо менга айтинг, у аҳмоқ сизга нима қилди?

Аҳмад махдум ўрнидан турмай, ҳануз боши чопонга ўралган ҳолда:

— Пастдаги бурчакни қара-чи, нима бор?— дедилар.

Қарасам, бурчакда бир оқ халтада кўк чой, бир пудли каллақанд, бир пўстин ва бир қоғозга ўралган беш юз танга (етмиш беш сўм) пул бор экан. Мен бу нарсаларни номма-ном айтиб:

— Шуларми?— деб сўрадим.

Аҳмад махдум аввалги вазиятини ўзгартмай, изоҳ берди:

— Шу бугун эрталаб яхши кийинган бир афғон икки хизматкори билан шу нарсаларни келтириб уйнинг бурчагига қўйди, ўзи эҳтиром билан салом бериб, чопиб ке-

либ олдимда тиз чўкиб ўтирди ва мен билан кўришди, қўлларимни ўпмоқчи бўлди. Мен нафрат билан ундан қўлимни тортиб: «Мақсадингни айт, ахир мендан нимани истайсан?»— дедим. У ёлворган оҳангда бундай деди: «Мен хавфу хатар остида қолдим, ҳаёт-мамотим сизнинг марҳаматингизга боғлиқ. Сиз менга илтифот қилиб айтинг, Афғонистонга борайми, бормайми?» Мен унга жавобан дедим: «Ахир, сен менинг укам ё ўғлим бўлмасанг ёки бирор жиҳатдан менга алоқадор одам ҳам эмассан. Шундоқ экан, Афғонистонга борасанми, йўқми, менинг нима ишим бор?» У ўз саволини равшанроқ қилиб бундай деди: «Сиз меҳрибонлик қилиб айтинг, менинг Афғонистонга борганим хайрлими ёхуд бормаганим маъқулми? Мен унга дедим: «Мен келажакдан хабар берувчи эмасман. Агар ниятинг фол очиршиш бўлса, бор, кўчаларда фолбинлар кўп. Ўшаларга фол очтир». Афғон: «Сизнинг фолингиздан бошқа одамнинг фоли тўғри чиқмайди»,— деб ўзини оёқларим остига ташлади ва менга раҳм қилинг, дея оёқларимни ўпмоқчи бўлди. Мен уни пастга итариб: «Бу ишинг мен учун ҳақорат, даф бўл!»— дедим. Афғон: «Агар ўлдирсалар ҳам ҳазратларининг ҳузурларидан нари кетмайман»,— деб оёқларим остида юмалади. Афғоннинг хизматкорлари, менинг ошпаз ва боғбоним эшик олдида туриб бу ҳолни томоша қилардилар. Мен ўз хизматкорларимга, афғонни менинг олдимдан судраб чиқариб, кўчага ҳайдаб юборинглар, деб фармон бердим. Улар келиб афғоннинг гирибонидан тутдилар. Афғоннинг хизматкорлари келиб менинг хизматкорларимга ташланмоқчи бўлдилар. Аммо афғон уларга хитоб қилиб: «Хотин талоқлар, эшон ҳазратнинг хизматкорларига қўл теккиза кўрмангларки, қўлларинг қуриб қолади. Сиз билан биз бу даргоҳнинг итларимиз»,— деди. Унинг хизматкорлари менинг хизматкорларимдан қўл тортишди ва у менинг хизматкорларимга қараб: «Азизлар, менинг ёқамни қўйиб юборинглар, мен ҳазратимнинг амрларига итоат қилиб ҳозирча ўз хоҳишим билан чиқиб кетаман»,— деди-ю, менга қараб: «Мен кечгача ҳазратимнинг ҳузурларидан йироқлашиб тураман, лекин аср билан шом орасида тагин келаман. У вақтда менга ё аниқ бир жавоб берасиз, ёхуд мени ўлдириб, ўлигимни бу даргоҳдан чиқариб юборасиз»,— деди.

Ҳамидбек сўзини давом эттириб деди: маҳдум ҳикояни шу ерга етказиб менга қараб:

— Энди ўзинг ўйлаб кўр, мен бу дарди бедавони нима қила оламан? Бошга чопонни ўраб ётишдан бошқа нима чорам бор? Дод бу нодонликнинг дастидан!— дер эди.

— Бу ишнинг чорасини мен енгиллик билан топан,— дедим.— Афғоннинг кимлигини, унинг нима дарди борлигини билдим. Унинг савол-жавобини ҳам ўзим қиламан. Сиз беҳудага ғам еб, диққат бўлиб, ташвиш тортиб ўтирманг! Бундан сўнг унинг сиз билан рўбарў бўлишига йўл қўймайман.

Махдум бир оз тинчланиб, бошини очиб, ёстиққа ёнбошлаб, мендан бу ишнинг тафсилотини сўрадилар. Мен гапириб бердим:

— У афғон Афғонистон ҳукуматининг Бухородаги савдо вакили, унинг акаси Балхда ноибул-ҳукумат эди. Сўнгги вақтда бу ерда, Афғонистон ҳукумати ўша ноибул-ҳукуматини банди қилиб, бўйнига кишан солиб, Кобулга олиб кетибди, деган овоза тарқалди. Аммо бу овозанинг рост, ёлғонлигини ҳанузгача бу савдо вакили билмайди. У фолчи ёрдами билан шу овозанинг ростми, ёлғонлигини билиб, агар бу овоза рост бўлса, Афғонистонга бормай, бошқа жойга қочмоқчи, агар ёлғон бўлса, Афғонистонга бормоқчи. Чунки воқеани аниқламай қочгудай бўлса, акаси ташвишга тушиши, ҳукуматнинг газабига дучор бўлиши муқаррар.

— Хўп, сен бу аҳмоққа нима жавоб берасан?— деб сўрадилар махдум, мен эса шундай жавоб бердим:

— Қеча Тошқўрғондан бизникига бир танишимиз келди. У олиб келган янги хабар Балх ноибул-ҳукуматининг қамалишидан иборат. Мен савдо вакилига шу хабарни етказиб, иложи бўлса тезроқ ички Россиянинг узоқ бир жойига қоч, деб айтаман.

— У жоҳил келса, буюмларини қайтариб бер, токи бу нопок нарсалар менинг уйимда қолмасин,— дедилар махдум.

— Бу нарсалар на сизники, на у афғонлик ўғриники,— дедим,— унинг саволига мен жавоб бергандан сўнг, бу нарсалар ҳам меники бўлади.

— Нима, сен бу нарсаларни олиб бориб бола-чақаларинг билан емоқчимисан?— норозилик оҳангида сўрадилар махдум.

— Йўқ,— дедим мен,— буларни шу ерда сарф қилиб, дўстларга зиёфат бераман.

— Албатта, мен бунга иштирок қилмайман.

— Ихтиёр сизда,— дедим ва шу онда чою қандни ошпаз қори Неъматга топшириб, бизнинг навбатдаги зиёфатимизда бу қанддан мураббо, нишолда ва ҳолвойтар пиширинг, деб тайинладим. Махдумнинг куёви хўжалик ишлари билан шуғуллангани учун, ёғ, гўшт ва бошқа керакли нарсаларни харид қилинг, деб пул ва пўстинни унга топширдим-да, ўзим бу зиёфатга иштирок этилиши лозим бўлган созанда, хонанда, ўйинчи ва ёру дўстлар рўйхатини тузиб, уларга хабар қилдим. Шу тариқа бир ҳафта давомида ҳар кеча базму зиёфат қуриб турдик. Аҳмад махдум бир четда ўтириб китоб мутолаа қилар, хаттотлик билан шуғулланар ва ҳар сафар бизга кўзи тушиб, завқ билан таом еганимизни кўрсалар:

— Енглар, енглар! Ифлос сув ўрага тушади!— дер эдилар.

### АҲМАД МАХДУМНИНГ ҲАР ЙИЛИ ҚИЛАДИГАН САЁҲАТЛАРИ

Аҳмад махдум йилига бир марта Бухоро туманларига саёҳатга чиқар ва бу хил сайру томошаларнинг муддати икки ойга чўзиларди. Унинг саёҳат вақти ҳар йил август, сентябрь ойларига тўғри келарди. Бу ойларда қовун, узум ва бу ойларнинг охирироғида эса анжир, анор ва бошқа кузги мевалар пишиб, далалар турли-туман нозу неъматлар билан тўларди. Аҳмад махдум иккита соябонли аравада саёҳатга чиқарди. Бу араваларга сафар жабдуғи, созандалар, яллачилар, хизматкорлар ва яқин дўстлари жойлашарди. Ўзи эса, гоҳ от минар, гоҳ аравага чиқиб оларди. Бундай саёҳатларда ҳамма харажатлар Аҳмад махдумнинг ҳисобидан бўларди.

Бухоронинг Самарқанд дарвозасидан чиққач, йўлда деҳқонларнинг боғларида қўниб, шаҳардан 32—34 километр нарида бўлган, отасининг қариндошлари яшайдиган Суғд қишлоғига бир ҳафтада етиб борарди. Суғдда, амакиларининг ҳовлисида, ўзи учун бино қилган уйда ўн беш кун туриб, ундан созанда ва хонанда дўстлари яшайдиган Шофирком туманининг Қошиён қишлоғига борарди. У ерда бир ҳафта туриб, сўнгра Гиждувонга ўтарди.

Гиждувонда Ашур бойваччанинг ҳовлисига тушиб, у ерда ҳам ўзи қуриб, ўзи нақшлаган уйда қарийб бир ой

турарди. Сўнгра Сарикўли эшон билан Зарафшондан ўтиб, Бўстон, Ванғози, Азизобод, Ҳусбудун ва Ғурбун қишлоқларида бир-икки кечадан тунаб, Мазор дарвозасидан шаҳарга кириб, ўз ҳовлисига қайтарди.

Саёҳат вақтларида Аҳмад махдум китоб кўчирмас, бирор нарса ёзмас, кунларини боғ ва полизларни айла-ниш, мутолаа қилиш, музика ва ашула эшитиш билан ўтказар, баъзан ўзи ҳам танбур чаларди.

Унинг саёҳатини, бориб турадиган ерларини дурустроқ тасвирлаш учун қуйидаги маълумотларни бериш зарур.

Вобкент районидан у қадар катта бўлмаган бир йўл жанубдан шимолга қараб тўғри Деҳнави Абдуллажон қишлоғига боради. Гиждувон районининг марказидан яна бир тўғри йўл Шофиркон районининг маркази Хўжа-орифга қараб кетади. Суғд қишлоғи шу икки йўл бир-бирини кесиб ўтадиган жойда бунёдга келган.

Шу икки йўл кесилган жойнинг жануби шарқий тарафида катта, текис, аммо сувсиз бир кўл бўлиб, уни Кўли Жўбор дейишади.

Бу кўлнинг шимолроғидан Султонобод ариғи оқиб келади-да, жануби ғарб томон йўл олади, сўнг жанубга бурилиб, ярим километрлик масофадан тўғри ғарбга бурилади.

Суғд қишлоғи шу ариқнинг бурилишида ўнг томонда бунёдга келган. Аҳмад махдум боболарининг ҳовлиси шу ариқ жанубдан ғарбга бурилган жойда эди. Аҳмад махдум ўзи қурган бинолар ҳовлининг бир четида бўлиб, эшик ва дарчалари ариққа қараб очилар, ичкаридаги одамлар ариқ ва кўлни кўра олардилар.

Бу уйнинг олдида, ариқ бўйидаги серсоя толлар тагида баланд бир супа ҳам бўлиб, кун исиган кезларда унда ўтириб, оқар сувга тикилиш одамга роҳат бағишларди. Кўл бўйига анчагина эртаги ва кечки қовун, тарвуз экилиб, унинг ҳосили бу хонадонда ва бу супада ўтирганларга яна кўпроқ ҳаловат бағишларди.

Аҳмад махдум ўз саёҳатининг ўн беш кунини ота-боболари ўтган шу манзилда ўтказар ва амакиваччалари унинг хизматида бўларди.

\* \* \*

Пирмаст ариғи шимоли шарқ томондан оқиб келиб, жануби ғарб томон йўл олар, Гиждувон қалъасининг ши-

моли шарқий томонидаги бурчагига келганда унинг суви иккига бўлиниб, унинг бир қисми тўғри жанубга йўл олиб, қалъанинг шарқ тарафидан ўтарди. Ариқнинг чап тарафида Ашур бойвачча номли шахснинг ҳовли ва боғу роғи бўларди. Аҳмад махдум бу ҳовли эгаси билан қандайдир яқин алоқада бўлиб, шу ариқнинг бўйида кошинкорлик уй қурган эди. Бу уйнинг икки дарчаси ҳовлидаги боғчага, яна икки дарчаси ғарбга — ариқ томонга қараб очиларди.

Аҳмад махдум ўз саёҳатининг яқин бир ойини шу уйда ўтказар эди.

Аҳмад махдум бу ерга дам олиш учун келган дастлабки йилларда унинг эски таниши Ғиждувон қозиси Абдулвоҳид Садр Сарир ҳам бор эди. (Бу одам ҳақида «Эсдаликлар»нинг биринчи қисмида ва «Намунаи адабиёти тожик»нинг 385—391-бетларида гапирилган.)

\* \* \*

Аҳмад махдумнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги шарҳларни тўлдириш учун унинг ошпази қори Неъматдан эшитганим қўйидаги парчани ҳам нақл қилишга тўғри келади.

Қори Неъматнинг Бухоронинг Хожааспардон гузарида (Дастурхончи лабиҳовузи ва Модарихон мадрасаси ўртасида) ҳовлиси бўлиб, йўлагининг устига кичик болохона қурилган ва бу болохона меҳмонхона ҳисобланарди.

Қори Неъматнинг сўзига қараганда, қози Абдувоҳид Садр Сарир Ғиждувон қозиси бўлиб турган кезларда ҳар ойда бир дафъа амир зиёратига келиб турар экан. Унинг Аҳмад махдум билан рўйирост суҳбат қилиши мумкин бўлмагани сабабли, улар яширинча шу меҳмонхонада учрашиб, суҳбатлашар эканлар. Кўчага аралашмайдиган Исо махдум (Исо «Эсдаликлар»нинг биринчи қисмида ва «Намунаи адабиёти тожик»нинг 414—428-бетларида зикр этилган) ҳам бу суҳбатларга қатнашарди. Бу суҳбатнинг бир қисмида музыка чалинар, бунда Сарир ликобча чертиб усул ташлар, Аҳмад махдум танбур чалар, Исо эса ашула айтарди.

## АҲМАД МАХДУМНИНГ ҲАЖВИЙ ШЕЪРЛАРИ

Аҳмад махдум — Донишнинг муҳим асарлари ҳозирча босилмаган бўлса ҳам, уларнинг аксарияти Душанба ва Тошкент кутубхоналарида мавжуддир. Тадқиқотчилар уларни мутолаа қилганлар ва мутолаа қилишлари мумкин. Аммо унинг ҳозир одобдан ташқари ҳисобланган шеърлари ҳеч ерда ёзилган эмас. Бироқ бу хил шеърлар Дониш замонида заҳарли танқиддан иборат бўлгани учун улардан баъзиларини бу ерда келтиришни лозим деб биламан. Бухоро амирлиги даврида мансабдан тушган амалдорларнинг амир бирор ёққа сафар қилганда унинг орқасидан эргашиб бориш одати бўларди. Буларни истиқоматчилар деб атардилар. Агар бирор амалдан тушган мансабдор амирнинг махсус рухсатисиз унинг орқасидан эргашиб бормаса, қаттиқ гуноҳкор саналиб, ўлим жазосига гирифтор бўлиши мумкин эди.

Бир вақт амир Музаффар Бухородан Қарши саёҳатига чиқиб, Қарши чўлидаги Четариқ мавзуида етмиш кун қолиб кетди. Истиқоматчиларнинг аҳволи жуда оғирлашди. Аҳмад махдум ҳам шулар жумласидан эди. Қиш кунларида қор-ёмғир остида бир бўз чодир ичида узоқ муддат қолиш ўзини ўлим чангалига топшириш билан барабар эди.

Истиқоматчилар бирлашиб бир ариза ёзиб, унда ўз аҳволларининг оғирлигини кўрсатиб, амирдан Бухорога — ўз уйларига қайтишга рухсат сўрашади. Аҳмад махдум аризани кўздан кечириб:

— Аризани ўқиб бу уйинг куйгур (амир) бизга рухсат бермайди. Эҳтимол, бу гердайганларга хўп жазо бердим-да, деб қувонар ва бу даштда яна кўпроқ туриб қолиб, бизни ўлар ҳолатга етказар, — дейди.

У аризининг охирига бадиҳатан (ўйламасдан, бирдан) мана шу байтни ёзади:

Сенга не ғам истиқоматчилар ҳаёхуйидан,  
Чивин ҳужуми халал бермас фил хоясига.

Амир бу аризани ўқигандан сўнг истиқоматчиларнинг ҳаммасига рухсат берди ва мақсад ҳосил бўлди.

Шунингдек Аҳмад махдум ўз замонидаги ҳукмрон табақани қуйидаги икки байт билан шаҳарга машҳур қилиб ҳажв этган:

Аввал миршаб билан дарвозабон саққолига ч . . й,  
Кейин муфти билан қози калон саққолига ч . . й.  
Чунон ч . . й, ч . . й, ч . . й-да, тоғ айлаб,  
Чиқиб олиб унинг устига хон саққолига ч . . й.

Бу байтлар (агар одобсизлигини назарга олмасак) жуда сермазмун бўлиб, шоир ҳукмрон табақани даражаларга бўлиб чунонам расво қилганки, ўқувчи унинг қалам кучидан ҳайратда қолади. Биз бу хил шеърлардан шу икки мисолни етарли деб биламиз. Аммо Аҳмад махдум асарларининг адабий-ижтимоий аҳамияти ва уларнинг янги наслнинг фикри ривождаги таъсири ҳақида бу китобнинг тўртинчи қисмида гапирамиз.

### ЛАТИФЖОН МАХДУМНИНГ ШАХСИЙ ХИСЛАТЛАРИ

Латифжон махдум шубҳасиз ўз даврининг маърифатпарвари, тараққиҳоҳларидан эди. У шеърни жуда яхши тушунар ва шоирлик иқтидори пастроқ бўлса ҳам, шеър ёзарди. Латифжон махдумнинг кўзга ташланиб турадиган хусусияти шундан иборат эдики, у ёшларнинг қобилиятини тез пайқар ва қобилияти зўр ёшларни яхши тақдирлаб, улардаги қобилиятни ривожлантириш учун қўлидан келган ҳамма воситалардан фойдаланиб ёрдам берарди. Гарчи феодал даври катталаридан бўлса ҳам, одамлар билан камтарона муомала қилар, ҳеч кимга таҳқир кўзи билан боқмасди. Мен, Мирзо Абдулвоҳид ва Мирзо Баде унинг хизматкорлари бўлишимизга қарамай, биз билан бирга бир товоқдан овқат ер эди. Хусусан, менинг кир босиб, жулдури чиққан қишлоқча кийимларимдан ҳазар қилмасди. Ҳолбуки, у ҳамиша покиза кийиниб, таом ейишда ва егулик нарсаларни сақлашда жуда озода одам эди. Меҳмонхонада егулик нарсаларга пашша қўнмасин деб, устини қора сим тўр билан ёпиб қўяр, агар меҳмонхонага бирорта пашша киргудай бўлса, гўё у ерга бўри киргандай: «Келинглар, пашшани ҳайданглар»,— деб қичқириб бизни чақирарди.

Бу яхши хислатлари билан бир қаторда, у баъзи ўзига номуносиб хислатлардан ҳам холи эмасди. Бухоронинг шаҳар ва қишлоқларида баъзи бой ошналари бўлиб, уларнинг айримлари улоқчи, баъзилари хўрозбоз, баъзиларида эса шу иллатларнинг ҳаммаси бўлар-



ди. Улар ҳузурига келганда ҳамиша гап шуларнинг машгулоти устида борар, ўзи шуларнинг биридай уларнинг ўйинлари ҳақида завқу шавқ билан гапирарди. Баъзан улоққа бориб, ўз отида чавандозлик қиларди. Гоҳо авомона қизиқчиликлар ва шўхликларга қатнашар, баъзан ўз уйида ҳам шундай шўхликлар ташкил қиларди.

Латифжон махдумнинг энг ёмон хислати унинг хасислиги эди. Аммо бунини ташқаридаги одамлар пайқамасди. Чунки зиёфатлари сертакаллуф ва нозу неъматга сероб бўларди. Унинг бу хил қўли очиқлиги замирида валломатлик билан шўҳрат қозониш истаги борлигини мен яхши сезардим. Бу — феодализм даврининг ёмон одатларидан эди.

### ЛАТИФЖОН МАХДУМНИНГ ҲОВЛИСИДА МЕНИНГ АҲВОЛИМ

Латифжон махдумнинг ҳовлисида менинг аҳволим, ҳам яхши эди, ҳам ёмон. Яхшилиги шундаки, мен уч оқшом илм, адабиёт аҳллари, ўша замоннинг зиёли донишмандлари, латифагўйлари, чечанлари суҳбатида бўлиб, уларнинг гапларини эшитишдан кишининг фикри равшанлашар эди. Латифжон махдумнинг ўзи эса ёлғиз қолган кезларида классикларнинг асарларини ва ҳикоя китобларини кўп мутолла қилар, уларнинг сермаъно, дилбар жойларини мен билан Мирзо Абдулвоҳидга шарҳлаб, ўз шавқига бизни шерик қиларди. Баъзи китобларни бизларга ўқитиб, хатоларимизни тузатар, тушунмаган жойларимизни тушунтириб берарди.

Латифжон махдумнинг кутубхонаси Бухородаги хусусий кутубхоналарнинг энг яхшиси ва бойи эди. Унда энг яхши, ўқишли қилиб кўчирилган нодир китоблар бўлиб, буларнинг аксарияти эски қўлёзмалар, баъзилари муаллифларнинг ўз дастхатлари бўлиб, бу ҳолнинг ўзи илм талаб бир талаба учун чексиз илм хазинаси эди. Бошқа хўжайинлар ўз хизматкорларига сўкмасдан, ҳақорат қилмасдан бир бурда нон бермаганда, Латифжон махдумнинг хизматкорларнинг шахсиятига тегмаслиги, мендек қишлоқи хизматкорга хушмуомалалиги бизларни мафтун этган эди.

У ерда аҳволимнинг ёмонлик томони шунда эдики, ишнинг кўпи, айниқса оғир ишлар менинг вақт ва чи-

дамимга нисбатан ортиқроқ эди. Мен кундузи дарс ўқиш ва дарс тайёрлашга ҳеч вақт тополмасдим. Шунинг учун бир йил муқаддам Мирараб мадрасасида ўқиб турган уч дарсимни биттага туширдим. Чорхарос гузаридан Мирараб мадрасасигача бўлган масофа бир километр бўлиб, чопганимча келиб ҳафсаласизлик билан мулла Абдусалом ҳузурида қофиядан бир дарс ўқиб келар ва китобни тоқчага қўйиб, хизмат билан машғул бўлардим. Ҳолбуки, Бухорода истиқомат қилиб машаққат чекишдан муродим ўқиш эди.

Бунинг устига, кийим-бош масаласи ҳаддан ташқари ёмон эди. Мен ҳали ҳам қишлоқдан кийиб келган кийимимда хизмат қилардим. Кўп ва оғир меҳнат орқасида кийимларим тамом ишдан чиққан эди. Уч кўйлак-лозимдан иккитаси йиртилиб, бири қолди. Агар кўйлак-лозим ҳаддан ташқари кирлаб кетса, хўжайин йўқ фурсатларда отхона томонга ўтиб, сатилда сув келтириб, кўйлагимни ювиб, қуритиб киярдим. Шундан сўнг фурсат бўлса шу кунни, бўлмаса фурсат бўлган кунни лозимимни ювиб, қуритиб киярдим.

Битта пахтали майдақавуқ Гиждувон тўни билан ҳам остимни, ҳам устимни ёпиб юрардим, у ўтин ёриш, юк тушириш ва ҳовли супуриш зўридан йиртилиб тилка-пора бўлди. Енглари тўзиб шундай кир бўлиб кетдики, ундан ўзим ҳам жирканардим.

Аммо пашшаларга қарши уриш эълон қилган нозик табиат хўжайиним бу тўндан жирканмас, енглариингни тирсагингача шимариб, қўлларингни совун билан тозалаб ювгин-да, келиб биз билан ош егин, деб буюрарди. Лоақал ўзи билан ҳамтовоқ бўлганда кийиш учун менга бирор чопон олиб беришни хотирига келтирмас эди.

Мен ҳануз маҳсисиз юрардим. Сарпойчанг киядиган тешик кавушим аллақачон йиртилиб, панжаларим учидан чиқиб турарди. Ёмғир, қор ёғиб турган кезларда унинг харажат вакили билан кунига неча мартаба шу кавушни кийиб бозорга чиқар, у харид қилган нарсаларни хўжайиннинг уйига олиб келардим.

Бу кавуш билан Бухоронинг тош терилмаган йўлларида юриш мушкул иш эди. Гоҳ кавушнинг бир пойи лойга ёпишиб ўзимдан бир қадар орқада қолар, гоҳ тез юриб бораётганимда оёғимдан чиқиб кетиб ўзимдан учтўрт қадам олдинга бориб тушарди. Бора-бора иш шу даражага етдики, мен лой кўчаларда кавушимни қўлим-

га олиб, оиланинг харажат вакили кетидан яланг оёқ юрадиган бўлдим.

Бу ҳолни харажат вакили унга айтган бўлса керак, бир кун кавушимга назар солиб туриб:

— Кавушинг ишдан чиқибди. Қийишга бошқа кавушинг йўқми?— деди ва даҳлизга кириб ўзининг сарпойчанг киядиган кийилган кавушини тоқчадан олиб менга берди.

— Яхши, бошқа кавушинг бўлмаса мана буни кийиб юр!

Аммо, у йигирма саккиз ёшли одамнинг кавуши ўн тўрт яшар болага тўғри келадими, йўқми, бу ҳақда ўйламади.

Албатта, мен бу кавушимни кийиб юролмадим, уни акамга элтиб бердим. Акам менинг кавушимни ямоқчига яматиб берди, агар пул топса кавуш олиб беришга ваъда қилиб, хўжайин берган кавушни ўзи кийди.

Бу орада хўжайиннинг хотини туғди. Бухорода катталарнинг хотини туғса, хизматкорларини дўстлари уйига суюнчига юбориш одати бўларди. Улар хизматкорга бирор нарса суюнчи берарди. Хўжайиним мени Ҳожи Султон тоға номли бир ошнасаникига суюнчига юборди. Ҳожи Султон илгари бой бўлса ҳам, ҳозир синиб бекорчи бўлиб қолган ва шу кунларда қизиқчилик қилиб юриб кун кўрарди. У зўр қизиқчи ҳам эмасди, унинг қизиқчилиги қушлар ва йиртқич ҳайвонларнинг овозини тақлид қилишдан иборат бўлиб, қизиқчибозлар шунга ичаклари узилиб кулар эдилар.

Менинг хўжайиним ҳам мутолаа ва мушоаралардан чарчаганда, феодалли одати жўш уриб, Ҳожи тоғани чақиртириб келар, унинг тақлидларига хўп кулиб, қорнини тўйгазиб жўнатарди.

Мен мана шу одамнинг уйига суюнчига борган эдим. Шу вақтда унинг эғнида ип газламадан тикилган эски тўни бўларди. Ҳожи тоға шу тўнни ечиб менга берди. Мен у тўнни келтириб хўжайинга бердим, аммо у олмади.

— Бу сеники, ўзинг кий,— деди.

Аммо катта одамга тикилган бу кенг чопонни менинг кийишим мумкин эмасди. Буни ҳам олиб бориб акамга бердим.

Латифжон маҳдумнинг уйида, унинг хизматида ҳамма кийимларим йиртилиб битгач, унинг менга берган нарсаси мана шулар эди.

Кейинча билсам, ҳамма хизматкорлар у ерда ҳақ олмай, кийим талаб қилмай, бекорга ишлар эканлар.

Оиланинг харажат вакили Мирзо Баде хўжайин мадрасани хатм қилгач (бир йили қолган эди), бирор жойга қози бўлган тақдирда у қадрдон ва соҳиб ихтиёр мулозим бўлиб, кўпроқ пул топиш ниятида ҳақ олмай хизмат қиларкан. Аммо шу харид вақтида оз-оз бўлса ҳам, пулдан ўғирлаб хизмат ҳақини ундириб бораётганини пайқаш мумкин эди. Буни мен харид вақтида у нарсаларнинг қанчалиги ва нархларини мендан яшириб юриши ва ҳисоб вақтида хўжайин билан жанжаллашишидан сезардим.

Мирзо Абдулвоҳид менга ўхшаш ота-онасиз экан. Бола кўча-кўйда санқиб йўқолиб кетмасин, бирор нарса ўргансин деган ният билан ота қадрдонларидан бири ўзини Латифжон махдум билан танишлигидан фойдаланиб, уни бу хонадонга хизматкор қилиб берган экан. Шунинг учун ўша ота қадрдонидан кунига бир дарс ўқиб келиб, меҳмонхона ичидаги енгил хизматлардан қутулгач, хат машқ қилиш, иншо ёзиш, васиқа машқ қилиш ва мактуб ёзиш билан шуғулланарди. Бундан мақсад хўжайин қози бўлган тақдирда унинг мирзахонасини эгаллаш эди. Қийимлари анча озода ва шаҳарчасига тикилган бўлиб, отасидан мерос қолган бисотидан экан.

Сайис (отбоқар)нинг акаси Абдукарим Латифжон махдум билан ҳамдарс экан, у Латифжон махдум воситаси билан билимига мукофот тариқасида бериладиган даҳяк (ўндан бир) олиш ниятида укасини бу наст ишга келтириб қўйган экан. Унча қимматга тушмайдиган отбоқар кийимини акаси ўзи олиб берар экан.

Бир менгина бу хонадонда истиқболда ҳеч нарса кутмай, фақат қорин тўйдириш ва дарс ўқиш ниятида ҳақ олмай, миннат қилмай, хизмат қилар эканман.

Ишнинг кўплиги ўқишларимга халақит бериб, кийимсизлик жонимга теккандан мен бу даргоҳдан қутулиш фикрига тушдим.

Отбоқарнинг акаси мақсадига етиб, ўз илмига мукофот тарзида даҳяк олгандан сўнг, укасини отбоқарликдан озод қилиб олиб кетди. Шундан сўнг менинг ишим яна ҳам оғирлашди: отхонадаги икки отга қараш ҳам менинг зиммамга тушди.

Мен Латифжон махдумнинг хизматидан қутулиш фикрига тушдим. Бу ниятимни акамга айтиб, ундан иши

камроқ, лекин овқатдан ташқари кийим-кечак ҳам берадиган бошқа хонадонга хизматкор қилиб беришини илтимос қилдим.

У вақтларда акам билан укам Латифжон махдумнинг ҳовлиси ёнидаги Олимжон мадрасасида яшардилар. У мадрасада ҳужра тутганлардан бири Мирсолиқ номли киши бўлиб, акамнинг ҳамдарси эди. Акамга ҳужрани ҳам шу топиб берган эди. Акам менинг тўғримда шу одам билан маслаҳатлашди.

У мени шу мадрасага фаррош қилиб тайинлашга ваъда қилди, лекин икки ой сабр қилиш даркор эди.

— Ҳозир бу мадрасада Қўлоблик бир қашшоқ муллабачча фаррошлик қилади, икки ойдан сўнг шу одам Қўлобга кетмоқчи. Ана шунда сени унинг ўрнига ўтказишим мумкин, — деди.

Мен яна икки ой тишимни тишимга қўйиб Латифжон махдумнинг уйида турдим. Белгиланган вақтда Олимжон мадрасасига фаррош бўлиб, хўжайинга айтмай, ундан рухсат олмай, янги ишга бордим. Чунки рухсат сўраш учун хўжайинга маъқул тушадиган далилим йўқ эди. Агар ишнинг кўплиги, кийим-кечакнинг йўқлигини айтсам, унга маъқул тушмас, у мендан ранжиб қоларди. Ҳолбуки, мен уни ранжитишни хоҳламасдим, чунки мен моддий жиҳатдан ундан ҳар қанча норози бўлсам ҳам, маънан уни ҳурмат қилар, уни ўзимнинг биринчи маънавий тарбиячим деб билардим.

Олимжон мадрасасига ишга кирганимдан сўнг бир кун Латифжон махдумнинг дарвозаси олдидан ўтиб қолдим. У эшигининг олдида тик турган экан, мени кўриб чақирди. Ҳузурига бордим.

— Сабрсизлик қилиб, бизникидан кетиб қолдинг. Мен сенга кийим-кечак тиктириб турган эдим. Учидан бир яктак тайёр бўлиб эди. Кел, олиб кет, кийиб юрасан! — деди-да, мени ҳовлига бошлаб кириб, меҳмонхонадан бир чит яктак чиқариб қўлимга берди. Шундан маълум бўлдики, қочиб кетишимнинг сабабини суриштириб билиб олган экан.

Мен мадрасага келиб яктакни кийиб кўрсам, менинг бўйимдан бир қарич узун экан. Маълум эдики, у менга атаб тикилган бўлмай, тасодифан бирор жойдан хўжайиннинг қўлига тушиб қолган. Саккиз ойлик хизматим эвазига хўжайин билан қилган охирги ҳисоб-китобим шу бўлди.

## ОЛИМЖОН МАДРАСАСИДА

Олимжон мадрасасининг биноси Бухородаги анъанавий мадрасаларнинг биноларига сира ўхшамас, мадрасанинг эгаси ҳам уни аввал мадраса учун қурмаган экан. Бу бино аввал Олимжон номли бир бойнинг уйи бўлиб, кейинча мадрасага айлантирилган экан, бу мадрасанинг биринчи ва иккинчи қаватида ҳаммаси бўлиб ўнта ҳужра бўлиб, уларнинг ораларига девор қилиб, ҳужрачаларга бўлинган. Мадрасанинг биринчи қавати гиштдан, иккинчи қавати ёғочдан эди. Пастки қаватдаги бир айвоннинг олдини девор билан тўсиб масжид, юқоридаги айвоннинг олдига девор олиб, дарсхона қилганлар. Шунинг учун бу мадрасанинг ҳужралари товуқ катагидек тор ва қоронғи, масжид билан дарсхонаси болохоналар орасидаги узун йўлакка ўхшарди. Шимол тарафда биринчи қаватдаги ҳужраларнинг олди айвон бўлгани сабабли, бу ерда куппа-кундузи ҳам қоронғи бўлиб, у ерда на бир нарсани кўриб, на бирор нарсани ўқиб бўларди. Акам билан укам шу хилдаги ҳужраларнинг бирида истиқомат қилардилар. Мен бу ерга фаррош бўлиб тайинланган кунларим акам яна ўтган йилдаги сингари Қарки чўлига муаллим бўлиб кетди-да, бу қоронғи ва тор ҳужрада мен укам билан қолдим.

Бухоро шаҳрининг Чорсусида бу мадрасанинг бир вақф саройи бўлиб, уни ҳам Олимжон саройи дейишарди. Шу саройнинг даромадидан ҳар ойда фаррошга ўн танга берардилар. Мен укам билан шу пулга тирикчилик қилардим.

Бу мадраса фаррошининг асосий хизмати у қадар кўп эмас, ҳовлига ўхшаган бир мадрасани кунига бир марта супуриш, қишда томларидан қор кураш менга ўхшаш ишчан йигитча учун у қадар оғир эмас эди. Лекин фаррошнинг қўшимча хизматлари ҳаддан зиёда бўлиб, менинг дарс тайёрлашимга, адабиёт билан шуғулланишимга монелик қиларди.

Бу мадраса ҳужраларида иккита ориятнишин бўлиб, буларнинг бири мен, иккинчиси мадраса муаззини эди. Қолган саккиз ҳужрада яшайдиган одамларнинг ҳужралари уларнинг пулга сотиб олинган хусусий мулклари эди. Буларнинг ҳаммалари бухороликлар бўлиб, қишин-ёзин мадрасада бўлардилар. Бола-чақалилари ҳам кунин-

га бир марта бу жойга келиб кетар, алоқаларини мадрасадан ҳеч узмасдилар.

Бу ҳужрадорларнинг бири акамнинг ҳамдарси, менинг ҳомийим Мирсолиҳ эди. Мирсолиҳ новча, қотма, оппоқдан келган, сочи сариқ, эчки соқол ва бурни катта бир одам эди. У хушфеъл, хушчақчақ одам бўлиб, димоғида гапирарди. Мирсолиҳ зеҳнли талабалар жумласидан эди. Адабиётни севар, хатни жуда чиройли ёзарди. Унинг барча сифатларидан яхшироқ фазилати одампарварлигида намоён бўларди. Гарчи даромади оз бўлиб, баъзи зарурий сарф-харажатларга ҳам кучи етмасада, бечораларга, хусусан, қашшоқ талабаларга ёрдам қилиб турарди.

Мирсолиҳнинг ота-онаси ва ака-укалари бўлиб, шу Чохарос гузариди яшардилар. Шунинг учун, Мирсолиҳ баъзи вақтларда ўз ҳовлисида бўларди.

Мадраса талабаларидан яна бирининг номи Мирқодир махдум бўлиб, у менинг ҳамдарсим ва Мирсолиҳнинг яқинларидан эди. Мирқодир новча, камгўшт қора юзли йигит бўлиб, табиати ўзгарувчан эди. У сўзда, ишда бир қадар зардали кўринарди. У дарсларга жуда ҳарис эди, зеҳни пастроқ бўлса ҳам, ўзини зеҳни ўткир талабалар қаторида санарди. Шунга қарамай, хатоларини эҳтиёт билан кўрсатилса қабул қиларди. Унинг ёши мендан катта, ўзи мен билан ҳамдарс бўлганидан тез фурсатда мен билан дўст бўлиб, биргалашиб дарс тайёрлайдиган бўлиб қолди. Мирқодирнинг мадраса рўпарасида кичик ҳовлиси бўлиб, бу ҳовли Мирқодир билан тоғаси икковиники эди, шу ҳовлининг бир хонасида онаси яшарди. Шунинг учун у ҳар кун эртадан кечгача мадрасада бўлиб, соат 10—11 ларда уйига ётгани борарди. (Мирқодир революцион ҳаракатларга ҳам қатнашган бўлиб, бу ҳақда «Эсдалиқлар»нинг охирироғида гапирармиз.)

Яна бу мадрасада уч оғани бор бўлиб, уларни ботирчалар дейишарди. Булар мулла Ботирча номли кинининг болалари бўлиб, оталари бўйининг пастлиги, бошининг кичиклиги ва салласининг катталиги билан Бухорода машҳур экан. Юқорида зикр қилинган Яҳёхожа бир кун уни кўчада учратиб, унга хитобан Бедилнинг қуйидаги:

Нима маъно бор, нўхатдай калла  
Ўраса катта қозондай салла.—

байтини ўқиб, сўнгра унинг салласини бошидан тортиб олиб, кўлмак сувга иргитиб юборди.

Ботирчаларнинг иккита каттаси оталарига ўхшарди: бўйлари паст, бошлари кичик, юзлари чўзиқ, эчки соқол, саллалари ингичка ёғочга ўрнатилган катта соябонни эслатарди. Булар мадрасани битирган бўлиб, ҳар қайси-си бир гузарга имом, хотин бола-чақали, Бухоронинг Сиёҳкорон гузаридан уй-жой қилган бўлиб, асосан ўз ҳовлиларида яшардилар. Аммо икков мадрасада икки ҳужрани банд қилиб қўйган ва кунига бир марта бу ерга келиб-кетиб турардилар.

Ботирчаларнинг кичиги мадрасанинг янги талабаларидан бўлиб, қадду қомаги акаларига нисбатан мўътадилроқ, юриш-туришида уларнинг акси, доим акаларини масхаралаб куларди, аммо бу ботирчаларнинг учаласи ҳам кўрсавод одамлар бўлиб, тожикча ёзилган бирор хатни равон ўқиёлмас, хат ёза олмас эдилар.

Мадраса ҳужрадорларидан бири уста Жўра номли сартарош эди, у кундузлари Девонбеги лабиҳовузида сартарошлик қилиб, кечаси ҳужрасига келиб ётарди. Бу одам бутунлай хат-саводсиз бўлиб, муллаларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, ёшлигида ҳам мактаб кўрмаган экан. Шунга қарамай, аҳли мадраса саналиб, унинг ҳуқуқидан бошқалар қатори фойдаланар эди. Чунки ҳужрани ўзи сотиб олган эди.

Яна бир неча мулланамо одамлар ҳам бор эди, улар доим мадрасада ўз ҳужраларида яшардилар. Аммо дарс ўқиш ва дарс айтишга ҳеч алоқалари йўқ ва ҳужраларининг вақфидан бошқа даромадлари борлиги ҳам маълум эмас эди. Мирқодир махдум ва Маъсумхон номли кичик ботирчалар майда судхўрлик қилишади, майда баққолларга фойдага пул беришади, дер эдилар.

Фаррошлик муносабати менинг зиммамга тушган қўшимча хизматлар мана шу гуруҳнинг хизматлари эди. Бу ҳужрадорлардан Мирқодир махдум менга ҳеч иш буюрмас, балки мени ҳурмат қиларди. Кичик ботирча, яъни Маъсумхоннинг менга буюрадиган хизмати йўқ эди. Мирсолиҳ махдум ҳақ тўламай иш буюрмас ва ҳатто ҳеч хизматга буюрмай, менга чой, нон ва эски кийим-кечакдан ёрдам қилиб турарди. У ўзининг эски кийимларини уйда менга мослаб қайтадан тиктириб берди. Бошқа ҳужрадорлар менга худди оталарининг қулбачасидек муомала қилардилар: ҳужраларини супуриш,



Ўтинларини ёришни менга буюрардилар. Ҳовлиси борлари уйларидаги ўтинларни ёришни, қорларни курашни менинг бўйнимга қўйган эдилар. Шунга қарамай, бирор бурда нон, бирор пиёла чой билан ёрдам қилмас эдилар. Ҳатто Жўрабой сартарош ҳам ҳужрасини менга супуртирдик, буниси жуда алам қиларди.

Мадраса мутаваллиси саводсиз бир одам бўлиб, вақфнинг шартига мувофиқ мадраса вақфидан даҳяқ оларди. У ўз уйида яшарди. Агар ҳовлисида бирор оғирроқ иш чиқиб қолса, у ҳам мени олиб бориб ишлатарди.

Ёз фаслида мадраса вақфи ҳисобланган Олимжон саройини ремонт қилиш зарур бўлиб қолди. Мутавалли мени олиб бориб иморатнинг тепасига чиқариб қўйиб иш боши ўрнида ишлатди, ўзи саводсиз бўлгани учун сарфу харажатлар рўйхатини менга ёздирди.

Мен у ерда Бухоронинг жазирама офтобида, лой, тупроқ, чанг, ғишт, оҳақ ва ганч орасида икки ой ишладим. Аммо мутавалли менга фаррошлик маошимдан ташқари бир пул ҳақ тўламади.

Катталар, ҳужрадорлар, имом ва мударрис менга яширинча рўйхат тузиб, ремонтнинг ҳақиқий харажатларини ёзиб боришни топширдилар. Улар шу йўл билан мутаваллининг ўғирлик миқдорини аниқламоқчи эканлар.

Бу махфий вазифамни бажариш учун мен бир мардикордан, мутавалли уни кунига неча пулга байлашиб, олиб келганини сўрадим. У бундай деди:

— Биз ўн кишининг ҳар биримизга кунига бир танга (ўн беш тийин) бериш шarti билан олиб келди.

Ҳолбуки, мутавалли харажатлар рўйхатига мардикорларнинг иш ҳақини кунига икки танга (ўттиз тийин) дан жами 20 танга (уч сўм) ёздирарди.

Мутаваллининг мардикорлар орасида жосуси бўлиб, шунинг воситаси биланми ёинки ўз фаросати биланми менинг яширин тафтишимни пайқаб қолиб, мени бир кун четга чақириб бундай деди:

— Ремонт харажатини текшираман деб юрма. Бу ишни сенга мадраса вақфхўрлари топширганини билман. Агар истасам сени бир кунда фаррошликдан чиқараман ва катталар ҳеч нарса қилолмайди. Сен менинг хурсанд бўлишим пайдан бўл!

Мен воқеани ўз ҳомийим Мирсолиҳга айтувдим, у бундай маслаҳат берди:

— Мутавалли рост айтади. Сен уни текшириш пайида юрма. Одамларнинг ўғрилигини сен билан мен бар-тараф қилолмаймиз. Одамларнинг кўпи ўғри. Агар мутаваллининг ўғрилигини рўкач қилиб турган шу одамларнинг бири унинг ўрнига чиқиб олса, мутаваллига нисбатан ўн баравар кўп ўғирлик қилади.

Мен ҳам кейин харажатни текшириш пайдан юрмадим. Аммо мен учун у саройда текширилиши лозим бошқа бир иш чиқди, бунга ўзим ҳам қизиқар эдим. Уша саройда судхўр ҳиндилар турардилар. Мен шуларнинг касбу корлари ва туриш-турмушларини текширишга киришдим.

### СУДХЎР ҲИНДИЛАР

Судхўр ҳиндилар жуда ифлос ва бадбўй одамлар эдилар. Ҳар кун эрталаб чўмилсалар ҳам, баданларининг сассиқлигига чидаб бўлмасди. Улар ҳар кун чўмилиб бўлгач, этларига махсус ёғ суркашади, дейишарди. Турган уйларининг сассиқ ҳиди эшикларидан қадам қўйиш билан одамнинг нафасини қайтарар эди.

Уларнинг касбу корлари юриш-туришларидан ҳам ифлос эди. Улар шаҳар ва қишлоқларнинг қашшоқ ва бечораларига кўп қарз берардилар. Чунки бошқа жойдан қарз олиши мумкин бўлган кишилар уларга мурожаат қилмасди. Уларнинг қарздорлари аксари амир сарбозлари бўларди. Булар ўн тангадан йигирма тангагача қарз олиб, бу маблағни ҳафталарга тақсимлаб, бир ёхуд икки ойда икки баравар кўпайтириб берардилар.

Ҳиндилар ўзларининг олди-бердиларини дафтарга ёзмасдилар. Қарздорлари ҳам тамом хат-саводсиз одамлар эдилар. Улар ўзларининг ҳисоб-китобларини «хатчўп» орқали қилардилар. «Хатчўп» ярим газли, тўрт қиррали ёғоч бўлиб, ҳар қиррасининг эни икки сантиметр келарди. Ҳар бир қарздор учун махсус «хатчўп» бўлиб, ҳинди қарздорларининг номини ва қарзининг миқдорини шу чўпга ҳинди хати билан ёзиб қўярди. Ўз пулини қарздордан муайян муддатларда бўлиб-бўлиб ундиргани учун ҳар сафар қарздор пул келтириб берганда «хатчўп» бир чизик қўярди.

Ҳиндилар ҳар кун соат 12 гача ҳужраларида ўтирар, бу орада муҳтожлар келиб қарз олардилар. Сарбозлар

ойлик оладиган кунларда эса, эрталаб Регистонга, амир аркига келиб сарбозлардан қарзларини ундирардилар.

Ҳиндиларнинг қарз бериш тартиби мана бундай бўларди: масалан, бир муҳтож йигирма танга қарз олмоқчи бўлса, ҳиндилар бу маблағни икки ойда қайтариб бериш шarti билан ўн танга фойдасига берар ва «хатчўп» га ўттиз танга ёзардилар. Сўнгра бу ўттиз тангани саккиз қисмга тақсим қилардилар. Қарздор ҳафтада шу қарзнинг бир қисмини пулдорга қайтариб беришга мажбур эди.

Бухоро ҳукумати ҳиндиларнинг «кофир» лиги аниқ билиниб турсин деб, уларни майда гулли қора чопон кийиб юришга мажбур қилган эди. Ҳиндилар соат ўн иккигача саройларида ўтириб, шундан сўнг ана шу чопонларини кийиб, канопдан белбоғ боғлаб, бошларига тўрт бурчак телпак қўйиб, 40 — 50 «хатчўп» ни бир кир халтага, халтани эса, қўйинларига солиб, қарз ундиргани чиқиб кетардилар.

Ҳиндилар шу қиёфа, шу ҳолатда кечгача шаҳар кўчаларида ва қарздорлари яшайдиган саройларда кезиб қарз ундирар, шундан сўнг оқшомда ўз манзилларига қайтиб «сабзоб» ичардилар.

«Сабзоб» кайф берадиган бир нав ичкилик бўлиб, ҳиндилар уни барглари каноп баргига ўхшаш ўсимликдан ясардилар. Бу ўсимликни увитиб, келичада туйиб, сўнгра кўкнори сувидек бир латтадан ўтказар, кейин сузилган сувни Ҳиндистонда ясалган металл қадаҳларга қуйиб ичардилар. Бу ичимликнинг анча қуввати бўлса керакки, ичкиликбозлик вақтида баъзан улфатлар орасида жанжал ва муштлашишлар чиқиб турарди.

Бу саройда Бойаржи номли бир ҳинд бўлиб, бошқаларга нисбатан бир даража камбўй ва озодароқ, ҳужраси ҳам кўнгил оздирадиган даражада сассиқ эмас эди. Араб алифбесида чиройли тожикча хат ёзар ва тожикча китобларни равон ўқирди. Унинг ҳар хил китоблари бор эди. Тожикча адабий асарлардан «Гулистони Масаррат», «Девони Мирзо мазҳаржони Жонон», «Хизонаи Омира» тазкираси Ҳиндистонда босилган бўлиб, мен уларни биринчи бор шунинг ҳужрасида кўрган эдим. Аммо ҳиндча китоблари кўп эди. У ҳамиша ё тожикча, ё ҳиндча китобларни мутолаа қилар, тожикча китобларни мутолаа қилиш учун менга рухсат берарди.

Бойаржи судхўрлик қилмас эди. Унинг касби жавохирфурушлик эди. Аммо қимматбаҳо тошлари йўқ эди. У сотиб юрган тошлар ҳаммаси арзон баҳоли оддий тошлардан иборат бўларди. Уларни заргарлар ёхуд мисгарлар олиб узук ва бошқа нарсаларга ишлатардилар.

У жавохиршуносликда жуда машҳур эди. Бухороликлар қимматбаҳо тошлар сотганда ё харид қилганда, албатта, унга кўрсатиб олардилар. У эса, шу хизмати учун сотувчидан даллоллик ҳақи олиб, шу билан тирикчилик қиларди. Бухоро ҳукумати ҳам агар бирор жойдан қимматбаҳо тош қўлга киритса, ўшанга кўрсатиб, нархини тайин этарди.

Бир кун унинг ҳамватанларига бўлган нафрат ва таажжубимни кўриб, Бойаржи бундай деган эди:

— Ҳиндистонда бундай одамлар миллионларча. Ҳар йил очликдан ва турар жойларининг ифлослигидан буларнинг юз минглаби ўлиб кетади. Бу инглиз сиёсатининг оқибати. Баъзилар, агар эплай олсалар, бир бурда нон топиб, ўзларини ўлимдан қутқариш учун ҳар тарафга қочиб кетардилар. Сен Бухорода кўриб турганлар шулар жумласидан. Буларнинг бир бурда нон топиб қорин тўйдириш ва «сабзоб» ичишдан ўзга мақсадлари йўқ. Чунки улар онадан туғилгандан буён на озодалиқни кўрганлар, на одамона ҳаётни тасаввур қилганлар, зотан, Ҳиндистонда бундай фикрларга бориш учун шароит йўқ. Булар Бухорога келиб кўрдик, ҳаммадан осон ва беташвиш касб майда судхўрлик экан, шунинг учун шу ишни қилишга киришдилар.

Бойаржи қалён чилимдан бир-икки дафъа тортиб, тутунини димоғидан чиқаргандан сўнг, сўзини давом эттириб бундай деди:

— Дарҳақиқат, буларнинг аянч аҳволларига биринчи навбатда инглиз ҳукумати, бу ерда эса, Бухоро ҳукумати жавобгардир. Агар амир ҳукумати камбағал фуқароларнинг хонавайронлигига сабаб бўлган судхўрликка йўл қўймаганда, булар ҳаммоллик қилиб ёки мардикор ишлаб қорин тўйгазар эдилар.

\* \* \*

Бухоро шаҳрида ҳиндиларнинг учта саройи бўлиб, буларда юзтадан юз элликкача судхўр ҳиндилар турардилар. Бухоро амири буларга бир кимсани маъмур қи-

либ қўйган бўлиб, уни «ҳиндилар ясовули» дер эдилар. Ҳиндилар ясовули ҳиндиларга назорат қилишдан ташқари, амирнинг жосусларига бошчилик қиларди. Ясовул ҳиндиларга нисбатан биринчи навбатда бош жосуслик вазифасини адо этар, ҳиндилар қанча пул топганини ва кимларга қанча қарз берганини билиб турарди.

Ясовул ва умуман Бухоро ҳукумат маъмурлари ҳиндиларнинг пулларини куйиб кетмаслигига ва вақтида ундириб беришга кўмаклашардилар. Чунки ҳиндиларнинг бор-йўғини Бухоро ҳукумати ўзиники деб биларди. Дарҳақиқат, агар бирор ҳинди ўлиб қолса, олдида тайинли меросхўри бўлмагач, унинг бор нарсаси, нақд пулю насиясини ҳукумат ўзига ўтказиб оларди. Ясовул ҳаминша унинг нимаси бор, нимаси йўқлигини текшириб тургани учун у ўлим олдида пулини бирор ватандошига ўтказа олмас эди.

Бу аҳвол шуни равшан кўрсатадики, ҳиндиларнинг судхўрлигидан, Бухоро камбағалларининг улар дастидан хонавайрон бўлишидан Бухоро амири бевосита манфаатдор эди.

Районларда — Гиждувон, Вобкент, Қарши ва Бухоро музофотининг бошқа жойларида ҳам ҳинди саройлари бўлиб, улар Бухоро ҳукуматининг ҳимояси остида элни талон-торож қилардилар. Уларнинг таловчилиги районларда яна ҳам фожиалироқ даражада эди. Мен «Дохунда» даги «Ҳиндининг қарзи», «Саллали ҳинди» бобларининг материалини ўша вақтда ўрганиб чиққанман.

### ОЛИМЖОН МАДРАСАСИДА МЕНИНГ ИЛМИЙ ВА АДАБИЙ МАШҒУЛОТИМ

1892—1893 ўқув йили бошланди. Бу йил мен «Шарҳи мулла» ни ўқишим керак. «Шарҳи мулла» Абдурахмон Жомийнинг араб тилида ёзган араб тили наҳви бўлиб, уни «Кофия» дер эдилар.

Бу дарсни ўқиш учун кунжак домулладан ташқари, мадрасада дарс берадиган домулла топиш керак эди. Бу домулла ҳам топилди. Бу домулла Икромча эди. Домулла Икромча ўз замонида мударрисларнинг машҳурларидан бўлиб, акам ҳам, кужтак домуллаларим — мулла Абдусалом ва мулла Бозор ҳам шу кишининг ҳузурида дарс ўқирдилар.

Домулла Икромча у вақтда Жаъфархўжа мадрасасининг қирқ мударрисидан бири бўлиб, мадрасада дарсхоналар етишмагани сабабли ўзининг Бухородаги Хожа булғор гузаридаги ҳовлисида дарс берарди. Домулла Икромнинг менга ҳамдарс шогирдлари саксондан ортиқроқ бўлиб, кундаги дарсларга қатнайдиغانлари етмишдан зиёдроқ эди. Домулла Икромчининг ҳовлиси жуда тор бўлганидан ўзи ўтирадиган уйнинг тепасини болохона қилиб, шу ерни дарсхонага айлантирган эди.

Биз олтмиш нафар шогирд шу болохонада маддоҳ маъракасига тўпланган одамлардай кетма-кет сиқилишиб ўтирардик. Жамоа қориси ўртада ўтириб, ўз китобидан шу кунги дарсга тааллуқли жойни араб тилида ўқир, домулла эса, аввал таржима қилиб, сўнгра шарҳлаб бу дарсни бизларга тушунтирарди. Шогирдларнинг аксарияти тушуниб-тушунмай, икки-уч кишидан бўлиб, бақириб музокарага тушиб кетардилар.

Аммо бухороча дарс бериш усулига моҳир домулламиз ўзининг йўғон, баланд овози чақнаб турган таъсири кўз қараши билан ғавғони босиб, ҳар хил изоҳ ва шарҳлар билан муаллифнинг мақсадини қобилияти борларга тушунтирар эди. Шу билан бир соат вақт ўтиб, бир кунлик дарсимиз тугарди. Бу дарсдан талабаларнинг саксон проценти ҳеч нарса гушунмаганини мен яхши билардим. Шунга қарамай, талабалар кўчага чиққан ҳамон домулла тўхтатиб қўйган мунозарани яна қайтадан бошлардилар. Кўчанинг серқатнов жойларига борганда овозлари яна ҳам баландроқ кўтариб, бир-бирларига дашном бериш яна ҳам зўраярди. Улар бу ҳаракатлари билан одамларга ўзларининг «фаҳмли» муллабачча эканликларини кўрсатмоқчи бўлардилар.

Бухоро одати бўйича дарслари бир хил бўлиб, бир мударрисда ўқийдиган шогирдларнинг бирини жамоа қориси қилиб тайинлардилар. Жамоа қорилари одатан муллазодалардан тайинланарди. Агар бир жамоада бир неча муллазода бўлса, улардан қайси бирининг отаси номдорроқ мансабдор бўлса, ўшанинг ўғли жамоа қориси бўларди. Бизнинг жамоамизда қози калоннинг ўғли бўлгани сабабли Латифжон махдумнинг укаси Ғафуржон махдум жамоа қориси қилиб тайинланди.

Аммо Ғафуржон махдум акасини акси ўлароқ, кўп муллазодалар сингари бутунлай саводсиз эди, «а» ни «б»дан ажратолмас эди. Мен у билан Латифжон махдум-

нинг уйида турганимда сирдош бўлган эдим. У бутун вақтини хўрозбозлик ва беданабозлик билан ўтказарди. Унинг ўртоқлари ҳам Бухоронинг хўрозбоз ва беданабозларидан бўлиб, хат-савод нима эканини ҳеч қайсиси билмасди. У баъзан пул тикиб қарта ҳам ўйнарди.

Ана шу махдум мени ҳар кун эрталаб уйларига бориб, у билан шу кунни ўқиладиган дарсни бирга «муколама» қилишимни сўраб қолди. Муколаманинг маънисиники кишининг бирор илмий мавзуда суҳбат қилишидан иборат бўлиб, унинг бундай ишга ҳеч қандай қобилияти йўқ эди. Унинг бу таклифдан мақсади домулла ва ҳамдарслари олдида расво бўлмаслиги учун мени ҳар кун шу кунни ўқиладиган дарсдаги сўзларни мендан билиб олиш эди.

Мен унинг бу таклифини қатъиян рад қилдим. «Фарошлик хизмати бўйнимда, бунинг устига дарсларим бор, қўлим тегмайди»,— дедим. Аммо рад этишимнинг асли сабаби бошқа, яъни бу хизмат мен учун жуда оғир ва бефойда эди. Дарҳақиқат, саводсиз бир тожикка арабча сўзларни тўғри ўргатиш осон иш эмас эди. Бу — бир. Иккинчидан, бу таклифни қабул қилганим тақдирда ҳар кун Латифжон махдумнинг ҳовлисига бориб, унинг кўз олдида укасининг уйига киришим лозим бўларди. Ҳолбуки, мен рухсатсиз кетганим учун Латифжон махдумдан хижолатда эдим.

Ғафуржон махдум шериклари орасидан бу ишга муносиб бирор кимсани топмади шекилли, яна менинг пайимга тушиб қолди. Аммо бу гал менга ўзи мурожаат қилмай, домуллани восита қилди. Домулла Икром отасининг шогирди эди. Бухорода устозларнинг фарзандларининг оталари даражасида ҳурмат қилиш одати бўлганидан, домулламиз мени унинг таклифини қабул этишга мажбур қилди. Мен ҳам ўз устозимизнинг таклифини рад қилолмасдим. Бинобарин, бу таклифни қабул қилдим.

Мен бир неча йилдан буён араб қоидаларини ўрганиб юрганим учун бу тил билан бир даража ошна эдим. Бунинг устига дарсхонада ўқиган нарсаларни кунжак домулла олдида ўрганиб, сўнгра дарсга бориш одати бўларди, мен ҳам шу йўсинда дарсларимни кунжак домулла ҳузурида яхши тайёрлаб, ўзлаштириб борардим. Бинобарин, махдумга ўргатишим лозим нарсани яхши билардим. Аммо, у дарс ўрганишга қолганда девордай ҳис-

сиз бўлиб, бир соат уриниб унга икки сатрли нарсани тўтидай аранг ёдлатар эдим.

Аммо Латифжон махдумнинг ҳовлисига бориб келишдан ва у билан рўбарў келишдан мен уялишимга ўрин қолмади, Латифжон махдумнинг ўзи менинг уялиб, ийманиб юришимга йўл қўймади. Мен у билан рўбарў келган пайтларда менга ҳурмат билан муомала қиларди. Чехрасида бир оз хижолат аломати пайдо бўларди. Назаримда, қози калонзода бўла туриб, укасининг бир иззат-нафсига тегар ва калонзодалик томирларини ларзага келтирар, уни қизартирарди.

Бироқ укаси бундан уялмай, ўзи менинг ёрдамимга муҳтож бўла туриб, худди ҳали ҳам мен акасининг хизматкоридек, уй супуришни менга топширарди.

Қанча оғир бўлса ҳам, мен бу ишга одатланиб қолдим. Аммо бу ишдан менга бошқа бир оғирлик пайдо бўлиб, бунисига тоқатим йўқ эди. Фафуржон махдум ҳар кун гузардаги нонвойхонадан биттадан нон олиб келишни буюрди, у эса, чой тайёрлаб турармиш, дарс тайёрлаш пайтида чою нонни биргалашиб ер эмишмиз.

Мен ҳар кун беш пулга иккита нон олиб, укам билан нонушта қилардим. Махдум менга нон олиб келишни буюргандан кейин ҳам одатдагича иккитадан нон олиб, бирини укамга қолдириб, биринчи «махдумча» билан ейдиган бўлиб қолдим. Бу иш икки ой давом қилгандан кейин жонимга тегди, чунки нонуштада ейдиган битта ноним яримта бўлиб қолди. Бугина эмас, мен одоб сақлаб нонни оҳиста-оҳиста ер эдим, махдум бўлса, нон бурдаларини бирин-кетин ямлаб ютарди. Шунини ҳисобга олганда, менинг нонуштада ейдиган битта ноним аслида чорактага тушиб қолган эди. Бу менинг соғлигим ва қувватимга таъсирсиз қолмади, албатта.

Бир кун Мирсолиҳ Фафуржон махдум ҳақида гап очиб, менга ёрдам қилиш-қилмаслигини суриштириб кетди. Мен нон можаросини унга айтиб бердим. У менга ҳеч нарса демади. Кейин маълум бўлишича, у бу воқеани махдумга яқинроқ бир кимсага айтибди.

Бир кун махдум бир қадар қизариниб сўради:

— Сен ҳар кун нонни ўз ёнингдан олиб келармидинг?

— Ҳа,— деб тасдиқладим мен.

— Нотўғри қилибсан. Акам нонвойга менга керакли нонни бериб тур, пулини ҳар ойда ўзим тўлаб турарман, деб тайинлаб қўйган. Бундан кейин сен нонвойхонадан



махдум учун деб биттадан нон олиб келавер, пул берма!— деди.

Шундан сўнг мен ортиқча харажатдан қутулиб, яна илгаригидек укам билан нонушта қиладиган бўлдим. Махдумга эса нонвойдан кунига битта бепул нон олиб бориб берардим. Аммо махдум ўтган икки ойлик ноннинг пулини бермади.

Мен дарсхонадаги дарсларимни, юқорида айтилгандек, кунжак домуллам мулла Абдусалом олдида ўқиб пишитардим. Бу домулланинг олдида «Матни Кофия» китобининг ҳанузгача ўқимаган бобларимни ўқирдим. Мулла Абдусалом ҳали ҳам Мирараб мадрасасида эди. Дарсхонадаги дарслардан сўнг у ерга бориб, мазкур дарсларни ўшандан олар эдим.

Бундан ташқари, Олимжон мадрасасида бировнинг ҳурмати учун ҳам бир дарс ўқийдиган бўлдим. Бу «Мухтасари Виқоя» дарси бўлиб, Мирқодир билан бирга унинг тоғасида ўқирдик. Мирқодир махдумнинг тоғаси баланд қомат, камгўшт ва серсоқол одам бўлиб, саллани жуда катта қилиб ўрарди. У тахминан эллик ёшлар чамасида эди, бир гузарда имомлик қилар, беш вақт намозда имомлик қилиб масжидига бориб келишдан ўзга иши ҳам йўқ эди. У ҳеч ким билан борди-келди қилмас, йўлда кетаётганида ўз оёғи остидан бошқа ёққа қарамасди. У кичик ҳовлида турар, меҳмонхона ва ташқариси йўқ эди.

Мана шу одам дарс бериш иштиёқига тушиб қолибди. Аммо ўзига шогирд қилиш учун бирор одам тополмабди. Шунинг учун синглисига, ўғлинг Мирқодирга айт, менда дарс ўқисин, деб илтимос қилибди. Мирқодир махдум менинг жўрам, дўстим эди, у мендан тоғасида бирга ўқишни илтимос қилди.

Мен бу таклифни қабул қилдим. Дўстим Мирқодир билан бу шогирдталаб домуллада «Мухтасари Виқоя» дарсини ўқий бошладим. Мен илгари бу дарсни Мирараб мадрасасида хўжандлик мулла Аваз деган домуллада бошлаган бўлсам ҳам, тамом бўлмай, чала қолган эди, энди шу чала билимни тўлдириш фурсати келди.

Аммо бу бечора домулланинг бизга дарс айтиш учун мадрасада ҳужраси ҳам, ўйида бўш хонаси ҳам йўқ эди. Бинобарин, у ҳар кун пешиндан сўнг Олимжон мадрасасига келиб, жияни Мирқодирнинг ҳужрасида бизга дарс айтишга қарор қилди, дарс вақтида маълум бўлдики,

бу одам ёмон домулла эмас экан, у киши ўз фанини билар ва уни яхшигина тушунтира оларди. Бу воқеадан мен шуни англадимки, Бухорода шухрат топиб, шогирд тўплаш учун яхши мулла бўлиш шарт эмас, балки бир оз ҳийлагар ва товламачироқ бўлиб, ўзини мақтаб мулланамо бўлиб юриш, ёинки кўпгина ҳужрани қўлга киритиб, уларни жойсиз муллабаччаларга бериб, шу восита билан уларни шогирд қилиб олиш шарт экан.

Шу йили акам Карки чўлидан қайтгач, мулла Абдусалом воситаси билан яна Мирараб мадрасасидан ҳужра олиб, ўзи танҳо истиқомат қила бошлади. Укам эса мен билан қолди. Аммо у саводсиз эди. Бинобарин, мен ҳар кун бир соат вақтимни сарф қилиб, унга алифбе ўргатдим, у ҳам баҳоргача чала савод бўлиб қолди.

Олимжон мадрасасида Мирсолиҳдан бошқа адабиётдан хабардор киши йўқ эди, у ҳам адабиёт билан жиддий шуғулланмас эди. Унинг ҳужрасида адабий асарлардан фақат Ҳофиз билан Камол Хўжандийнинг девонларигина бор эди. Бундан ташқари, унда жуда катта баёз бўлиб, унга ўтмиш ва ўша замон шоирларининг ёқимли байтларини ўзининг чиройли хати билан кўчириб қўйганди. Баёзнинг ёзилмаган варақлари ҳам бўлиб, бирор яхши шеър қўлига тушса, ўша ёзилмаган саҳифаларга ёзиб қўярди. Мен ҳар гал унинг ҳужрасига кирганимда, фурсатимга қараб, унинг баёз ва девонларидан фойдаланардим.

Мен газетани биринчи марта шу Олимжон мадрасасида кўрдим. Бу «Таржимон» номли газета бўлиб, ярми қрим-татар тилида, ярми татарча мақолларнинг рус тилига қилинган таржимасидан иборат эди. Газета Қримнинг Боғчасарой шаҳрида босилиб келарди.

Бу газетани менга Мирқодир махдум кўрсатди, у бу газетани ўз қариндоши Саид Аҳмаддан олган экан.

Саид Аҳмад Мирсолиҳ ва Мирқодирнинг яқин қариндошларидан эди. У мадрасани тугатгач, муллаглик мансабига майл қилмай, китобфурушлик билан шуғулланибди. Унинг бу ишига Бухоро қочоқларидан Муътасим Шариф махдум сабаб бўлибди. Шариф махдум Туркия ва Россияда қочиб юриб, дарсликлар нашр қилар экан. (Муътасим ҳақидаги тафсилот қуйироқда берилади.)

Саид Аҳмад тахминан қирқ ёшда бўлиб, ўрта бўйли, ранг-рўйи қизилроқ, соч-соқоллари хурмо ранг эди. Аммо

ҳамиша соқолларини юлиб юрар, панжалари соқолларидан нари кетмас, соқолининг қўлига тушган ҳар бир тукини албатта, юлиб ташларди.

Мирқодирнинг сўзига қараганда, у ҳар йил бир марта Россия, Қозон ва Туркияга бориб китоб олиб келар ва у ерларда соқолларини қириб юрар экан. Бухорода мусулмон одамнинг соқол қирдириб юриши мумкин бўлмагани учун у соқолларини юлиб юрар, аммо уни билмаган бегона одамлар, у девона, соқол юлиш балосига йўлиққан дер эдилар.

Саид Аҳмад ўз сафарларидан бирида Боғчасаройда ҳам бўлиб, «Таржимон» газетасига обуна бўлибди, шунинг учун бу газета унинг номига ҳовлисига келиб турар экан.

Мирқодир бу газетанинг баъзи сонларини Саид Аҳмаддан олиб яширинча мадрасага олиб келарди, чунки у вақтларда Бухоро мадрасаларида рўйирост газета ўқиш мумкин эмас эди. У вақтларда мен туркий тилларни билмасдим. Мирқодир эса, қариндошимнинг газетхонлигига кўп иштирок этиб, бу тилни яхши ўзлаштирдим деб юрар эди. Бинобарин, газетани жумлама-жумла ўқиб, тожик тилига таржима қилиб берарди.

Бир кун газетада «парламент» сўзи чиқиб қолди. Мен нотаниш сўзларнинг маъносини диққат билан суриштириб билиб олишни истардим. Шу одатимга кўра муаллимимдан мазкур сўзнинг маъносини сўрадим. У изоҳ бериб бундай деди:

— Дунёнинг қоқ ўртасида бир шаҳри азим борки, уни Париж ёки «Парис» деб атайдилар. Шу шаҳарнинг ўртасида жуда катта бино бўлиб, унинг номи «Парламент»дир. Парламентда ер юзининг жуда кўп донишманд одамлари тўпланиб ўтиришади. Ҳар ким дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, бирор масалада, хусусан, сиёсат масалаларида қийналиб қолса, шу масалани ҳал этишни телеграф орқали парламентдан сўрайди. Парламент аъзолари ҳам телеграф орқали унга жавоб беришади.

У вақтларда амир Абдулаҳад Бухорога кирмай, кўп вақтини Қармана ва унинг атрофида ўтказарди. Бу болада халқ орасида ҳар хил миш-миш гаплар тарқалганди. Баъзилар, қушбеги дуохонлик қилдириб, амирнинг кўнглини Бухоро шаҳридан совутган, нияти унинг ўрнига ўзи ўтириб, мустақил ҳукмронлик қилиш, дер эдилар.

Баъзи бировлар эса, амир сафар вақтида бир хотинга зўрлик қилиб, Россия ҳукумати олдида «бенават» (виноват) бўлган. Россия подшоси уни пойтахтига кирмай, даштма-дашт сарсон бўлиб юрсин деб жазо берган, шунинг учун амир шаҳарга кирмайди, дейишарди.

Мирқодир амининг Бухорога кирмай юриш воқеасини мисол қилиб бундай деди:

— Масалан, бир Бухоро мешкобчиси телеграфхонага кириб: «Ҳой, Парламент! Нега Бухоро амири шаҳарга кирмай юрибди?»— деб сўраса, Парламент дарҳол бунинг ҳақиқий сабабини мешкобчига хабар қилади.

Мен муаллимнинг бу жавобига шубҳа қилиб дедим:

— Бухоро амининг ҳамма ишлари Россия давлатига боғлиқ, телеграфхона эса рус давлатининг мулки, бас, шундай экан, нега энди амир ва Россия давлатига тааллуқли бир масалани парламентга етказиб, унинг жавобини бир мешкобчига келтириб беради?

Мирқодир жавоб берди.

— Парламент шундай зўрки,— деди у,— ундан ёлғиз телеграфчи эмас, ҳамма қўрқади. Масалан, фараз қилайлик, борди-ю, биров парламентга телеграф юбормоқчи бўлса-ю, шу пайтда Россия подшоси шу ерда ҳозир бўлса, у қўрқувдан қалтираб: «Пажолиска-пажолиска»,— дея беради...

Мен кейинча билсам, менинг жадид адабиёти муаллимим «парламент» сингари чет сўзларнинггина эмас, ҳатто аксари турк-татар сўзларининг ҳам маъносини билмай, ҳам ўзини, ҳам мени бекорга овора қилиб юрган экан.

## **МУЪТАСИМ ШАРИФ МАХДУМ ВА «ЎҒРИ» ШУКУРБЕК**

Мен бу ерда, юқоридаги ваъдага мувофиқ, Шариф махдум ва унинг «ўғри» Шукурбекка муносабати ҳақида маълумот беришим зарур.

Муътасим Шариф махдум балхлик қози мулла Абдураҳимнинг ўғли бўлиб, Бухорода туғилган ва шу ерда камол топган эди. У ўз замонининг донишманд ёшларидан бўлиб, зўр шеърый истеъдод эгаси экан.

Шариф махдум амир Музаффар замонининг дастлабки йилларида Вобкент туманига раис-муҳтасиб (бозор ва диний ишлар назоратчиси) бўлган экан. У табиатан

озод фикрли киши бўлиб, раислик чоғида амалдорларнинг кирдикорларидан воқиф бўлгач, уларга нисбатан қаттиқ нафрат билан қарайдиган бўлибди.

У вақтда Абдусаттор номли бир киши Вобкентда амлокдор (ер солиқ тўловчи) бўлиб, деҳқонларга кўп зулм қилар экан. Раислар Бухоро давлат идорасининг қондасига мувофиқ ўз ҳамкасбларининг ёмон қилмишларини яширинча амирга маълум қилиб туришлари лозим эди. Муътасим ҳам амлокдорнинг халққа қилиб турган жабру зулмларини бир неча бор амирга маълум қилибди. Аммо амир унинг аризаларига жавобан Абдусатторга ҳеч бир чора кўрмабди, унга танбеҳ бериб, нотўғри, адолатсиз ишлардан қайтармабди.

Бу ҳодисадан муътасим «сув бошидан лойқа» эканини, бу зулм ва адолатсизликда ёлғиз амлокдор эмас, амир ҳам айбдор эканини яхшигина фаҳмлаб олибди.

Ўша вақтларда Вобкентнинг Қосагарон қишлоғида Шукур номли бир деҳқон бўлиб, илгари анча тинч яшаб келган экан. Аммо бора-бора ҳокимларнинг зулми, қишлоқ бойларининг камбағаллар ерини тортиб олишида ҳокимларга ёрдам қилишлари сабабли ер-сувидан, от-уловидан, ҳатто ҳовлисида ажралиб, ўзи Хидир ҳинди<sup>1</sup> номли кўп ерли судхўрнинг батраги бўлиб қолибди.

Шукур, ҳовлиси қўлдан кетгандан сўнг, хотин ва қизидан иборат оиласини бир чайлада қолдириб, ўзи ҳар кимларнинг хизматини қилиб юрибди. Аммо аслда дардчилроқ хотини чайладаги ҳаётга, хусусан қор-ёмғир кезларида бардош беролмай бутунлай ётиб қолибди.

Шукур Хидир ҳиндининг батраги бўлиб қолгач, хотин, бола-чақасини бой ҳовлисининг молхона қисмига кўчириб келиб, у ердаги сомонхонанинг бир четида яшай бошлайди. Аммо бемор хотиннинг аҳволи тобора оғирлашиб, тез кунда вафот қилади. Мусибатда қолган Шукур хотини ўлгандан сўнг ҳам бойнинг хизматини қила беради. Шукур деҳқончилик ишлари ва мол-қолга қараш билан шуғулланиб, қизи ичкарида дастёрлик қилар, кечаси отаси билан ўша сомонхонада ётар эдилар.

Шукурнинг қизи ўша замоннинг энг соҳибжамол қизи бўлиб, камбағалона либос ичида ахлатга тушиб ёт-

---

<sup>1</sup> Бухорода жуда ноинсоф судхўрларни судхўр ҳиндиларга ўхшатиб, уларнинг отига «ҳинди» сўзини кўшиб қўяр эдилар.

ган ёқутни эслатар экан. Бой уч хотини бўлишига қарамай, бу маъсума қизга ҳам нопок назарини ташлаб юрар экан. Шу ниятда аввал уни эркалатиб муомала қилибди, бора-бора унга ўзининг ҳайвоний талабини изҳор қилибди.

Қиз бойнинг талабини аввал уялиб рад қила берибди. Бойнинг талаби ва ҳаракатлари тажовузкорона тус олгач, қиз уни ўзи билган ҳамма ёмон сўзлар билан ҳақорат қилиб, қарғабди ва бу воқеани отасига маълум қилибди.

Шукур бу ҳодисани эшитган ҳамон узоқ бир қишлоқдан ўзига кулба топиб, бойнинг хизматидан батамом кетмоқчи бўлибди. Аммо бой Шукурга қизини олиб кетишга йўл қўймабди.

— Хотинингни беморлик чоғида ва ўлганида мендан минг танга (бир юз эллик сўм) қарздор бўлгансан. Менинг пулимни берсанг, кейин қизингни топшираман,— деб қизни ичкари ҳовлидаги бир хонага қамаб, устидан қулф солиб қўйибди.

Шукур Вобкентга келиб, қозига аҳволни арз қилибди, қизини ва икки йиллик хизмат ҳақини олиб беришини сўрабди.

Орага бировнинг қизини зўрлик билан тортиб олиш каби муҳим масала тушганидан қози бу ишга зўр аҳамият бериб, ўз мулозими билан бирликда туман миршабини қўшиб юборибди, иш жойида текширилиб, муросага келтирилсин, бўлмаган тақдирда қозихонага олиб келинглар, деб фармон берибди.

Қозининг мулозим ва туман миршаби бойнинг уйига келган вақтда амлоқдор ҳам солиқ ишлари билан қишлоққа чиқиб, ўша куни бойникида меҳмон экан.

Бой мулозим ва миршабга катта зиёфат бериб, улар кутгандан ортиқроқ хизмат ҳақи берибди, қозига ҳам мулозим орқали дурустгина муҳр ҳақи тақдим қилибди, шу тариқа ишни ўз фойдасига ҳал қилдирмоқчи бўлибди. Шукурнинг даъвосига жавобан: «Унинг хизмат ҳақини хотини ва қизи еди, кийди, хотинининг ўлим харажатлари унинг бўйинида турибди. Шунга қарамай, мен унинг қизини зўрлик билан олиб қолган эмасман, балки қизнинг ўзи мени ота тутган, у дарбадар отаси билан кўча-кўйда бош яланг, оёқ яланг юришни истамайди,— дебди.

Мулозим ва миршаб бойнинг жавобини маъқул то-

пиб, масалани унинг фойдасига ҳал қилиб кетмоқчи, бу хусусда қозини хабардор қилиб, жанжалнинг ҳал этилгани ҳақида ибро хати (сулҳнома) ёзиб, муҳр босиб, бойга юбормоқчи бўладилар.

Бир тарафдан Шукур масаланинг бундай адолатсизлик билан ҳал этилишига қарши норозилигини билдириб, фарёду фиғон кўтарибди. «Қизимнинг ўз хоҳиши билан бойниқида қолиш ё қолмаслигини ҳоким одамлари олдида унинг ўзидан сўралсин»,— деб туриб олибди. Иккинчи тарафдан қизнинг ҳусну жамоли таърифни эшитган амлоқдор уни ўз қўлига тушириш ниятида, зоҳиран Шукурнинг фикрини қувватлаган бўлиб, бундай дейди:

— Шариат юзасидан балоғатга етган бир қизнинг ўзидан сўрамай ҳукм чиқариш тўғри эмас. Бинобарин, мен Шукурнинг фикрини қувватлаб таклиф этаман: қизни чақириб, ундан ўзимиз сўраб кўрайлик.

На бой, на мулозиму миршаб амлоқдорнинг таклифини рад этолмай, қизни сўроқ учун меҳмонхонага чақиришади. Албатта қиз бойнинг айтганларини шиддат ва нафрат билан рад этиб: «Мени бу ифлоснинг қўлидан қутқаринг!»— дея отасининг этагига ёпишиб олади.

Бой ҳам дод деб уйни бошига кўтаради, қиз отасини рўй-хотир қилиб бу гапларни айтаётир, йўқса унинг шум башарасидан безор, дебди.

Амлоқдор ўзини холис кўрсатиб яна таклиф кириптибди.

— Мен холис одамман, на бойни, на қизнинг отасини рўй-хотир қиламан. Энг яхшиси мен қизни ўз уйимга олиб бораман. Вақт ўтиб қиз бу жанжални эсидан чиқариб, тинчийди. Бой ва отаси йўқ вақтда юрагидагини менга айтади, ана шунда қизнинг хоҳишига қараб амал қиламиз.

Туманнинг тўрт ҳокимидан бири саналган амлоқдорнинг таклифини рад қилиш учун бойнинг далили йўқ эди. Шунингдек ўз ҳақларини ва қозининг муҳр ҳақини олдиндан ундириб олган мулозим ва миршаб ҳам амлоқдор таклифини рад қилиб, шу билан ўзлари ва қози орасида ихтилоф чиқаришга журъат этолмасдилар. Софдил Шукур эса, амлоқдорни ўзининг хайрихоҳи гумон қилиб ва қизидан кўнгли тўқ бўлганидан бу таклифга рози бўлди. Натижада амлоқдор қўйни бўридан қутқазиб, ўзи сўйгани олиб борган қассобдек қизни бойнинг қўлидан қутқазиб, ўз уйига олиб кетди.

«Қуш тилини қуш билади» дегандек, бой амлокдорнинг мақсадини пайқаб аллақачон қиздан умид узган, «ўғрини қароқчи урди» деб, қайта қиз орқасидан амлокдорнинг уйига бормайди. Аммо амлокдорни «холис» деб ўйлаган мазлум Шукур бир ҳафтадан сўнг унинг уйига бориб қизини талаб қилади.

Амлокдор аввал сохта далиллар келтириб қизни яна бир неча кун ўз уйда қолиши маъқуллигига Шукурни кўндирибди. Шундан сўнг Шукур яна бир неча кун югуриб қизини ололмагач, унга қаттиқроқ муомала қилиб, шиддат билан қизини талаб қилибди.

Амлокдор ҳам уни сўкиб «ўғри» деб уйдан ҳайдаб чиқарибди ва одамларига, уни уриб-уриб кўчага ҳайдаб юборинглар ва қайта амлокдорхонага йўлатманглар, деб фармон берибди.

Энди туманнинг тўрт ҳокимидан ҳанузгача Шукур мурожаат қилмагани фақат раис қолган эди. Гарчи Шукур раиснинг ёрдам қилишига унча умидвор бўлмаса ҳам, «нима бўлса бўлар», дея унинг ҳам олдига бориб, ўзи бошидан кечираётган фожиани баён қилиб, ундан ёрдам сўрайди.

Бу воқеа раис муътасимнинг ўз ҳаммансаблари — қози, амлокдор ва миршабнинг кирдикорлари ҳақида амир номига ёзган махфий аризаларидан ҳеч қандай натижа чиқмай турган даврларда рўй берганди. Аризалар натижасизгина қолмай, амирнинг муътасимга муносабати ўзгарди муомалалари дағаллашди, муътасим бу аҳволга разм солиб, ҳокимларнинг зулмидан шикоят қилиб ёзган аризалари амирга ёқмаслигини яхши пайқаган эди. Бинобарин, раис Шукурнинг юрак дардини тинглагандан сўнг унга қуйидагича жавоб берди:

— Бу дардинга даво топиш менинг қўлимдан келмайди. Биз шундай замонда яшаб турибмизки, ҳеч ким бировга ғамхўрлик қилмайди ва қилолмайди. Золимларнинг зулмидан ҳокимларга, ҳатто амирнинг ўзига ҳам шикоят қилишнинг фойдаси йўқ. Ҳар ким ўз дардининг давосини ўзи топиши керак. Ҳақиқатни юзага чиқариш, ўз номусингни ҳимоя қилиш учун қўлингдан келса ўзинг уриниб кўр, йўқса, тақдирга тан бер!

Раиснинг бу жавобидан Шукурнинг ўч олиш истаги яна ҳам зўрайиб ҳаракатга келибди, у бир дақиқа тафаккурга берилиб раисдан сўрабди:



— Агар бир мазлум золимни ўлдирса шариат олдида гуноҳкор бўладими ёки йўқми?

Раис жавоб берибди:

— Агар золим зулм қилмоқчи бўлса, ҳеч қачон муфтидан, шариатдан зулм равоми ё йўқми, деб сўрамайди. Уч ниятида юрган мазлум ўз хоҳишини шариатга мослайман деб ўйласа, у бориб турган аҳмоқ бўлади. Муфтининг фатвоси билан эмас, ўз ақидаларига амал қилган, «Илонни кўрсанг, янч!» деб иш кўрган мазлумнигина ақлли деса бўлади.

Бу жавоб интиқом олишга даъват бўлиб, Шукур раиснинг олдидан юрагида золимларга қарши нафрат ўти ёнган, ўч олиш истаги туғён урган ҳолатда чиқиб кетади.

\* \* \*

Мен бу ерда Шукурнинг интиқом олиш тарзини ҳикоя қилишдан аввал, унинг қишлоқдаги ёшлиги ва сўнгра Муътасим билан муносабати ҳақида Олимжон мадрасасида эшитганларимни нақл қилмоқчиман. Шукур ёшлик чоғларида, яъни отаси ҳаёт вақтида Вобкент туманининг олифта йигитлари билан улфат бўлиб, ҳар хил можароларда иштирок этган, у якка ўғил бўлгани учун отаси ҳам унинг ҳаракатларига монелик қилмас, «майли, ўғлим менинг тириклигимда вақтини хурсандлик билан ўтказсин», дер экан.

Шукур дастлаб кураш билан шуғулланиб, ёшлигидаёқ номи чиққан паҳлавон бўлиб қолади. Сўнгра тарафбозликка берилиб Вобкент йигитларининг етакчиси бўлиб олиб, Ғиждувон билан бўлган тарафма-тараф уришларга қатнашди. Унинг шуҳрати ва шижоатига рашк қилиб, рақиблари кўпайгач, бу ўша замон йигитлари орасида курашнинг бир воситаси бўлган тош отишни машқ қилади. Шукур тош отишда шундай маҳорат касб этдики, унгача ҳеч ким бунақасини кўрмаган эди. У тош билан мерганлардек беҳато нишонга урарди. Айтишларига қараганда, бир кун машқ майдонига бир эчкини келтириб, олдига ўт солиб қўядилар. У бошини гоҳ кўтариб, гоҳ паст қилиб ўтларди. Шукур унинг рўпарасига келиб эллик қадам масофада туриб, эчкини нишонга олиб, товуқ тухумидек тошни отибди. Тош беҳато эчкининг бошига тегиб, шу заҳоти тил тортмай ўлибди. Шукур бундай куч синайдиган ўйинларни кўп давом этти-

ра олмади: тез фурсатда ота-оналари вафот қилди. У хотин олиб деҳқончилик ва тириклик ташвиши билан ўралиб қолди, Шукур юқорида кўрганимиздек, ер-сув, ҳовли-жой, хотин ва бола-чақадан ажралгач, ўша ёшлик бўйдоқлигидаги ҳаётга қайтди. Фарқ шундаки, агар у ёшлигида ўзининг куч синаш ўйинларини шунчаки ўйин учун, дилхушлик учун қилган бўлса, энди кучли душманларидан ўч олиш учун қила бошлади. У энг аввал фурсат топиб Хидир ҳинди бошига тош ёғдириб, унинг ишини тамомлади-да, сўнгра эл кўзидан яшириниб, амлокдорнинг пайига тушди.

Аммо у амлокдорнинг ишини бир ёқли қилиш учун ҳеч қулай пайт тополмасди. Мана шу оворагарчилик ва қочоқлик даврида у таъминот масаласида эҳтиёж сеза бошлади. У яшаган шароитда ўзини таъминлашнинг ягона йўли ўғрилиқ эди. Аммо у бошқа оддий ўғрилар сингари тўғри келган ҳар бир нарсани ўғирлай бермади; ўзининг ўғрилиқ фаолиятига ҳам қандайдир, золимлардан ўч олиш мазмунини сингдирган эди. Бинобарин, у ҳукумат арбоблари, катта бойлар ва судхўрларнинг молларини топиб ўғирлар ва қўлига кирган нарсалардан емоқ ва киймоғидан ортиб қолган нимаики бўлса, уларни кўнглига яқин камбағалларга тақсим қилиб берарди.

Туманнинг ҳукумат арбоблари унинг дастидан ваҳимага тушиб, кечалари бирор жойга боролмайдиган, кундузлари кам одам йўллардан ҳам ҳайиқадиган бўлдилар, катта бойлар ажалдан кўрққандек ундан кўрқадиган бўлгандан халқ оммаси уни туманнинг ҳақиқий ҳокими санаб, номига «бек» сўзини қўшиб, «Шукурбек» деб атай бошладилар. Аммо ҳукумат арбоблари уни «ўғри» дер эдилар. Бинобарин, у бутун шаҳар ва қишлоқларда «ўғри Шукурбек» номи билан машҳур бўлди.

Шукурбекнинг қизи амлокдорга бўйсунмади, амлокдор эса илгариги мунофиқона хушомадларни йиғиштириб қўйиб, уни уриб азоб беришга киришди. Қиз уч йиллик азоб-уқубатга тоб келтирмай, охир вафот этди. Бу аламли хабарни эшитгач, Шукурбекнинг амлокдорга нисбатан ғазаб ва нафрати яна ҳам ошди.

Бу орада амлокдор ишдан олиниб, Бухорога кўчиши билан Шукурбек ҳам ўзининг интиқом олиш фаолиятини даладан шаҳарга кўчирди. Аммо шаҳарда ҳам амлок-

дорни муносиб жойда учрата олмади. Лекин бу ерда ҳам ҳукумат маъмурларини ва катта бойларнинг мол-мулкани талаб, камбағалларга бўлиб бериб юрарди. Шаҳарда Шукурбекнинг номи ҳамма ҳукумат арбоблари ва бойларни ларзага солди. Амир миршабга, қандай йўл билан бўлса бўлсин, Шукурбекни тутиб келишни буюрди. Миршаб Шукурни тириклай тутиб келганларга ўн минг, ўлдирганларга беш минг танга ваъда қилиб, жарчилар орқали бу ваъдани шаҳар аҳолисига эълон қилди. Аммо шунга қарамай, миршабнинг ўзи кечалари шаҳар айланганда бутун одамларини қуролантириб отлиқ чиқар, Шукурбек отган тошлар узоқдан ғувиллаб ўтиб қолгудай бўлса, ҳаммадан олдин ўзи қочарди.

Гоҳо баъзи одамлар миршабнинг ваъдасига алданиб Шукурбекни тутмоқчи ёхуд ўлдирмоқчи бўлардилар. Бу хил одамлар у отган тошларнинг ғувиллашидан қўрқмай, унинг олдига қараб тик борардилар. Шукурбек эса, бундай одамларни нишонга олмас, тош отмас, у одам ўзига рўпара келгунча сабр қилиб кутарди. Куч синаш ниятида бўлган одам ўзига яқинлашгач, унинг ҳужум қилишига фурсат бермай даст қўтариб ерга урар, устига чиқиб олар, бир оз томоғини бўғиб, сўнгра қорнига бир-иккита тепарди. Паҳлавонлик даъвосида келган бу одам ўлар ҳолига келгач, ханжарни бўйнига қўйиб мақсадини сўрарди. Қўрқиб ўтакаси ёрилган ҳарифи миршабнинг мукофотини олиш умидида бу ишга жасорат қилганига иқрор бўларди. Шукурбек бу кимсани қайта бундай таҳликали ишга кирма, деб тавба қилдирар, унга бир оз йўл харжи бериб бундай дер эди.

— Бу пулни олиб дарров шаҳардан чиқиб кет! Агар бу ерда қолсанг иккинчи марта яна шундай ишга жасорат қилишинг мумкин, у ҳолда жонингдан умид қилма.

Умуман Шукурбек одам ўлдирмасди. «Бадкирдор одамларни ўлдирган билан тугатиб бўлмайди»,— дер эди. У фақат ҳукумат арбоблари билан, ноинсоф бойларни талаб, камбағалларга бўлиб берарди. У фақат Хидир ҳиндинигина ўлдириб, энди Абдусаттор амлоқдорни ўлдириш пайида юрар, лекин уни хилватроқ жойда учрата олмасди. Чунки у Шукурбекдан қўрқиб

сира кўчага чиқмас ва ҳар кеча ётар жойини ўзгартириб юрарди.

\* \* \*

Муътасим Шариф махдум ҳаммансабларидан шикоят қилиб ёзган аризалари туфайли амирнинг газабига гирифтор бўлиб ишдан олинган эди. Шундан сўнг у Бухоро шаҳрига кўчиб келиб, Абдуллахон мадрасасида муллабаччалардек ғарибона кун кечира бошлади.

Шукурбек ўз фаолиятини қишлоқдан шаҳарга кўчиргач, илҳомчиси Муътасимни топиб, у билан алоқа боғлади. Гоҳо кечалари ярим кечадан кейин унинг ҳужрасига келиб ош пишириб еб кетарди. Умуман у кечалари Қўшмадраса — Абдуллахон ва Модарихон мадрасалари атрофида айланиб юрарди. Чунки Абдусаттор амлоқдорнинг ҳовлиси Қўшмадрасада Муҳаммадали ҳожи мадрасасининг ёнида эди.

Бир оқшом, ҳали Қўшмадраса олдидаги дўконлар ёпилмай, Абдусаттор ҳовлисидан чиқиб, Қўшмадраса қассобидан гўшт харид қилди-да, дарров уйига қайтди. Қайтишда икки мадраса орасида, мадраса саҳнларида муллабачча тўлиб дарс такрорлаб турган бир пайтда Шукурбекка дуч келиб қолди. Душманини холироқ жойда учратолмай юрган Шукурбек шу тасодифдан фойдаланмоқчи бўлди. Келиб кетувчилар ва бозор аҳлининг кўплигига қарамай, нима бўлса бўлар деб унга ҳужум қилди. Аммо тош билан эмас, бақувват қўллари билан белидан ушлаб, баланд кўтариб ерга урди. Абдусаттор шу зарба билан ўлар ҳолатига етган бўлса ҳам, Шукурбек бу билан қаноатланмай, ханжарини ғилофидан чиқарди-да, унинг кўкрагига сопиғача тиқиб, чиқариб олди ва қонли ханжарни мурданинг этакларига артиб, қоматини тик кўтарди.

Халқ Шукурбекни шахсан танимас, у отган тошларнинг ғувиллаши эшитилган ерда унга рўпара келмай қочишарди. Бу ерда Шукурбек тош билан эмас, қўли ва ханжари билан ҳужум қилганини кўриб, уни оддий ўғри ва қотил деб кўчанинг икки тарафидан унга ҳужум қилишиб: «Ўғрини ушла! Ўғрини ушла!»— деб гавғо кўтаришди.

Шукурбек ўзига йўл очиш учун оммага ҳужум қилишни муносиб кўрмади. Бегуноҳ одамларга бирор зарар етмасин, деб андиша қилди. Бинобарин, катта кўчага

юрмай, Абдуллахон мадрасасига кирди ва Муътасим истиқомат қилиб турган иккинчи қаватдаги ҳужрага кўтарилиб, ўз муаллимига ҳозиргина бошидан кечирган воқеани ҳикоя қилиб берди.

Муътасим бу хабарни эшитиб ташвиш ва андишага тушди: у, дарс тайёрлаб турган муллабаччалар ва мадраса аҳли бу одамнинг менинг ҳужрамга киришини кўрдилар. Ҳозир ҳукумат одамлари ва томошабин омма жинояткорни қўлга олиш учун менинг ҳужрамга ҳужум қилиши керак, у ҳолда мен ҳам қотил шеригим сингари қўлга олинсам керак, деб ўйларди.

Муътасим шу хил мулоҳазалар билан ўзи ва меҳмонини қутқариш йўлини изларди. Ҳадемай мадраса саҳнидан кўп одамларнинг овози кела бошлади. Муътасим ўз ҳужраси олдидаги равоққа чиқиб кўрдик, саҳн тўла одам, муллабаччалар уларга унинг ҳужрасига чиқадиган зинани кўрсатмоқдалар.

Муътасим ҳам фурсат бермай Шукурбекни олиб қўшни зинадан пастга тушди-да, мадрасанинг ҳожатхонаси томон йўл олдилар. У ердаги пастак девордан ошиб, мадрасанинг орқасидаги кўчага чиқиб олдилар. Шукурбек ўша ерда туриб, икки кўчага қараб икки тош отди. Бундан муроди ўткинчилардан кўчани бўшатиш эди. Шундан сўнг иккаллари икки кўчага қараб қочдилар.

Муътасим Бухоро шаҳридаги бир дўстининг уйда бир неча кун яшириниб ётди. Ҳукуматнинг қидириш ишлари бир даража пасайгач, Бухоро музофотидан чиқиб тўғри Туркияга жўнади. У ерда бир матбаага муҳаррир бўлиб хизматга кирибди. Муътасим забардаст олим бўлгани учун унинг таҳрири остида чиққан китоблар бошқа Шарқ ўлкалари мадрасаларида ҳам шуҳрат топди ва Бухоро китобфурушлари ҳам у билан алоқа боғладилар.

У ўз маҳсулотига Бухоро китобфурушларининг рағбатини кўриб баъзи китобларни Қозонга келтириб, Харитонов матбаасида бостирадиган бўлди, чунки бу ердан уларни Бухорога юбориш осонроқ бўларди.

Муътасим Саид Аҳмаднинг отаси билан дўст ва сирдош бўлгани сабабли, уни ҳам китобфурушлик касбига тортди. Саид Аҳмад китоб келтириш учун Россия ва Туркияга қатнаб юриб охири газетхон бўлиб қолган эди.

## ТУҶҚИЗ ЯШАР ҚИЗНИНГ НИКОҶИ

Олимжон мадрасасида кўлоблик мулла Абдуфаттоҳ номли одам муаззин эди. У барваста, баланд қомат, юзлари оқ, соч-соқоли қизғишлоқ ва қўй кўз бўлиб, кўзлари зако ва зийраклик нури билан эмас, балки қаҳру ғазаб ўти билан чақнаб турарди. Кўзларини кўрган одам, у ҳозир бирор одамни ўлдирган ёхуд энди ўлдирмоқчи, деб гумон қиларди.

У қаҳру заҳар билан гапирар, сўзлаб турганда оғзидан кўлик сачраб турарди.

У қирқларга бориб қолган бўлса ҳам, менинг акам ва Мирсолиҳ билан ўқир, мулла Икромчада менинг ҳамдарсим эди. У ёши улғайганда Кўлобдан Бухорога ўқигани келган дейишарди. Шунинг учун ёш болалар билан ўқишда давом этди. Унинг тожикча саводи бўлиб, дарсликларни ҳамдарс шерикларининг китобидан ўзи кўчириб оларди.

Кўлобдан Бухорога келган кезларида биринчи марта Мирсолиҳга ҳамдарс бўлибди, у тамом қашшоқ ва жойсиз бўлгани учун раҳмдил Мирсолиҳ уни Олимжон мадрасасига муаззин қилиб, шу ердан ҳужра олиб берибди.

Мирсолиҳнинг сўзига қараганда, у Бухорога янги келган пайтларида жуда содда ва ўта хасис экан. Муаззин бўлгандан кейин ҳам мумкин қадар кам пул харжлаб, қорнини энг арзон нарсалар билан тўйдириб юрар, ҳатто одамлар чиқариб ташлаган сабзи ва шолғом пўчоқларини ювиб тозалаб, ғарчиллатиб чайнаб юрар экан.

Бир кун баққолнинг яшигида болалар ўйнайдиган ганчдан ясалган соққаларни кўрибди-да, бу ҳам бирор арзонроқ емиш бўлса керак деб ўйлабди ва ундан тўрт донасини олиб келиб Мирсолиҳга кўрсатиб, булар нима ва қандай истеъмол қилинади, дебди.

Ҳазилкаш Мирсолиҳ: «Буни фаранг қурти деб аталади, жайдари қуртдан қаттиқроқ бўлади. Буни қалампирни кўп солиб қоғозга солиб қайнатилса, жуда лаззатли таом бўлади»,— дебди.

Абдуфаттоҳ бу таърифни эшитиб Кўҳистоннинг шакароби эсига тушибди ва юмалоқ ганчларни қалампир билан қозонга солиб қайната берибди. Аммо эртадан кечгача қайнатса ҳам, уларга иссиқ ўтмабди. Кечқу-

рун улардан бирини Мирқодирнинг тоғасига кўрсатиб, уларнинг тез пишмаслигининг сабабини сўрабди.

Мирқодирнинг тоғаси тўғри, софдил ва содда одам бўлиб, ҳазилнинг нималигини тушунмасди, шунинг учун бу ейиладиган нарса эмас, деб тўппа-тўғрисиини айтиб қўя қолибди.

Бир неча йил Бухорода истиқомат қилгандан кейин Абдуфаттоҳнинг соддадиллиги батамом йўқолиб, бориб турган фирибгарга айланган, бироқ, хасислиги йўқолмай, исқитлик даражасига етган эди. У муаззинликдан тўплаган пулларини майда баққолларга қарзга бериб, бир неча минг тангалик бўлиб олади.

Мен Олимжон мадрасасида бўлган вақтларимда у уялиб сабзи ва шолғом пўстларини йиғиб емаса ҳам, унинг асосий овқати хом сабзи бўлиб, Бухорода бундан ҳам арзонроқ емиш йўқ эди. Агар кўнгли иссиқ таом тилаб қолса, шолғомни қуруқ сувда қайнатиб ер эди. Мадраса масжидининг ташқарисига бир саватча осиб қўйиб, мадраса аҳлидан чойнакларини чайқаган маҳалда шамасини шу саватчага ташлашни илтимос қилар эди.

У саватчада тўпланган шамаларни бир тахтача устига ёйиб, офтоб ва шамолда қуришиб олар, чой ичгиси келса, шу қуритилган шамадан чойнакка бир кафт солиб, чой дамлаб ичарди. Айтишларига қараганда, у ўзидан ортган шамаларни бозорга чиқариб қишлоқдан келган деҳқонларга «чой» деб сотар экан. Мен у ерда бўлган вақтларда, унинг пули ўн минг тангага етиб, қарздорлар қўлида ҳамон фойда туғиб ётибди, дейишарди.

Қўлига катта пул тушгандан сўнг Абдуфаттоҳ уйланмоқчи бўлди. У қайси қизга совчи юбормасин, қизларнинг ота-оналари катта маҳр талаб қилар, хасис куёвга у қизнинг маҳри қиммат туюлиб, яна бошқа қизларнинг пайига тушарди.

Бу орада Абдуфаттоҳнинг бахти очилиб, бир киши унга минг тангага ўзининг тўққиз яшар қизини бермоқчи бўлди. Бу киши ботирчаларнинг энг каттаси эди. Бу ишни ҳаммадан олдин мен пайқаб қолдим. Мен ботирчаларнинг уйларига қор курагани ёхуд ўтин ёргани борган чоғларимда бу қизча мендан қочмасдан ўйнаб юрарди. Яна бир куни ўтин ёргани борганимда, қизча илгаригидек айвонда ўйнаб ўтирган эди. Буни

кўриб отаси уни уйга чақириб киргизди-да: «Нима учун бўйга етган, бугун-эрта эрга бериладиган қизни ўз ҳолига қўйиб бердинг, нима учун у номаҳрам йигит олдида ўйнаб юрибди»,— деб хотинини уришди.

Мен бу ҳолдан таажжубландим. Таажжубимнинг сабаби қизнинг отаси мени номаҳрам ҳисоблаб, қизини мендан қочиришида эмасди, зеро, у вақтларда тўққиз яшар қизларга паранжи ўратиб, номаҳрам кишилардан қочириш одат эди. Менинг таажжубимга сабаб бўлган нарса отасининг бу қизчани «бўйга етган, эрга бериладиган», деб аташи эди. Нега десангиз, шариат тўққиз ёшда никоҳга рухсат берган бўлса ҳам, Бухоро халқи қизларини ўн тўрт ёшга тўлмагунча эрга бермасдилар.

Мен ўз таажжубимни ботирчаларнинг кичиги — ошнам Маъсумхонга айтдим ва акаси айтган гапнинг сабабини сўрадим. У бундай деди:

— Чиндан ҳам акам қизчасини эрга бермоқчи, ҳатто куёв ҳам топилиб, тўйнинг шарт-шароитлари келишиб қўйилган, яқинда тўй ҳам бўлади.

Мен унинг бу хабаридан ҳайрон қолиб, куёвнинг кимлигини сўрадим, бўлажак куёв Абдуфаттоҳ эканини билгач, таажжубим яна зиёда бўлиб, эсим оғди. Чунки мен, тўққиз яшар қизни бирорта ўн икки яшар болага берсалар керак, деб ўйлаган эдим. Унинг гапидан ҳали сутдан чиқмаган оҳу боласини ваҳший филнинг хартумига ташламоқчи эканликларини англадим.

Мен Маъсумхонга:

— Нима, акаларинг эсини еганми, бундай ишга бош қўшибди, сизлар икки ака-ука шунчалар тош кўнгилимсизлар, оғзидан она сути кетмаган жиянларингизни отаси жаллод кўлига топширади-ю, сизлар раҳм қилмай, қараб турсангизлар!— дедим.

— Катта акам жуда хасис ва хомтама одам,— деб сўз бошлади Маъсумхон,— никоҳдан олдин минг танга пул олади ва буни осмондан тушган бир хазина деб ўйлайди. Иккинчидан, Абдуфаттоҳнинг қанча пули борлигини билади ва шуни ҳам биладики, унинг ҳовлиси йўқ, уй ҳам сотиб олмайди, ичкуёв бўлиб акамнинг ҳовлисига келади, акамнинг хомтамалиги шундаки, Абдуфаттоҳ ичкуёв бўлиб уйга келиши билан унинг ҳамма даромади ўзимники бўлади, деб ўйлайди. Бунинг устига Абдуфаттоҳ кўлоблик, шаҳримизнинг қо-



зи калони ҳам қўлоблик. Шундай бўлгач, у мадрасани хатм қилиши билан илмий ишларда юқори мансабга кўтарилади. У ҳолда акам ҳам обрўли куёвли бўлиб қолади. Ажаб эмаски, унинг ўзи ҳам куёвининг шарофати билан илмий ишларда каттароқ мансабларга кўтарилса.

Маъсумхон ўзи ва укаси бу ишга қанча қаршилиқ кўрсатганлари ҳақида гапириб, бундай деди:

— Биз кўп қаршилиқ қилдик ва агар сиз шу ишни қилсангиз алоқамизни узамиз, дедик. Аммо у бизга, мен шариатга хилоф иш қилаётганим йўқ. Модомики, шариат тўққиз яшар қизнинг никоҳига рухсат берган экан, мен қизимни эрга бераман. Бу менинг қизим, сизларнинг қизларингиз эмас. Агар сизлар қиз кўрсангиз эрсиз қаритинг, менинг ишим йўқ, деб туриб олди.

Узоқ ўтмай бу тўю никоҳ бошланди. Мадраса муллалари ўз муаззинларига куёв нукар бўлиб келинни-кига олиб бориб, қайнатанинг уйида қолдириб келдилар. У ичкүёв бўлди. Кечаси келиннинг уйига бориб эрта саҳарда бомбод намозига азон айтадиган вақтда етиб келар ва шу билан хуфтон намозини ўқиб бўлгунча мадрасада бўларди.

Тўйдан сўнг, биринчи кундан бошлаб, куёв келинни-кидан келиб бомбод намози ўқилиши билан шўх муллабаччалар унинг атрофини ўраб олиб, келиннинг қанақалиги, оилавий ҳаётининг кайфияти қанақа бўлиши ҳақида сўраб-суриштира бошладилар. У ҳануз «бирор иш» қилмагани ҳақида гапирар, сўраб-суриштирувчилар эса уни сустликда айблаб масхаралар эдилар. Бешинчи куни эрталаб сўраб-суриштирувчиларга бундай деди:

— Бу бир рангпар, нимжон қизча экан. Ҳали қучоқнинг мазасини билмас экан. Унга қўл узатгудай бўлсам, гўё девдан қўрққандай қўрқиб, ўзини эшик ва деворга уриб, дод-фарёд қилганча уйдан қочиб чиқиб, ўзини онасининг қўйнига ташлайди. Пулим куядиганга ўхшайди.

Еттинчи куни эрталаб куёв хурсанд ва илжайган ҳолда эди. Ҳамма унинг муродга етганини англади. Шундай бўлса ҳам ўзидан эшитган маъқул деб, ундан кечани қандай ўтказганини суриштира бошладилар.

— Мен бугун ё қизингни менга бўйсунушга рози қил ёхуд минг тангамни тўй харажати билан қўшиб

қайтар ва мен хотиним бор деган даъводан воз кечай деб қайнатамнинг олдига масалани қатъий қилиб қўйдим,— деди у.

— Яна бир кеча сабр қилинг,— деди қизнинг отаси бунга жавобан ва кечаси ётар вақтда бизнинг хонага тўртта ёғоч қозиқ билан теша олиб кирди, қозиқларни биз ётадиган жойнинг тўрт тарафига қоқди... отасининг мана бу тадбири орқасида мен бу кеча мурод-мақсадимга етдим.

Уша кун соат ўн иккида Маъсумхон мадрасага келиб, мадраса аҳлини ўз уйларига жанозага чақирди. Маълум бўлишича, қизнинг юраги ёрилиб ўлган экан.

## В А Б О

1893 йилнинг (1310 ҳижрийда) ёзида Бухорода яна вабо пайдо бўлди. Бир ҳафта ичида кўчаларда соғ одам кам кўринадиган бўлди, иккинчи ҳафтада ҳар гузардан кунига бир неча жаноза чиқа бошлади. Одатда пешин вақтида бухороликлар ўликларни олиб жаноза ўқитадиган Девонбеги ва Балойи ҳовуз хонақоҳларининг олди — масжидлар саҳнининг икки тарафи жаноза ўқитиш учун келтирилган ўликлар билан шундай тўладиган бўлдики, имом қайси ўликка жаноза ўқиётганини билолмасди. Натижада, Бухоро уламолари худди жанг майдонидагидек ўликларни қатор қўйиб, ҳар бир қатор учун бир жаноза ўқиш мумкин, деб фатво бердилар. Бу аҳвол Бухоро халқини даҳшатга солди, бир жойда ўнлаб ўликни жамлашдан соғ одамлар ҳам ваҳимага тушиб, касал бўла бошлади. Ҳукумат ҳар бир ўликка ўз маҳалласидаги масжид олдида жаноза ўқилсин, Девонбеги ва Балойи ҳовуз хонақоҳларига олиб келинмасин, деб фармон чиқарди.

Бухоро ҳукуматининг вабога қарши чоралари кулгили эди: ҳукумат қози калон воситаси билан фармон чиқарди. Бу фармонга мувофиқ гузарларнинг муаззинлари, хушовоз қорилар тўрттадан, бештадан гуруҳларга бўлиниб, «худованди карим бемаҳал азонлар шарофати билан эл бошидан вабони кўтарсин» учун ҳар кун кечаси хуфтондан тонг отгунча шаҳар кўчаларини айланиб, гузарларнинг бошида ва чорраҳаларда бир овозда бемаҳал азон айтишлари лозим.

Когонда яшаётган Россия подшолиги маъмурлари бу ишда бетараф қолмадилар. Улар ўз тасарруфларида бўлган Когонда вабога қарши касалхона ташкил қилиб, темир йўл станциясида карантин эълон қилдилар. Бухоро ҳукуматига ҳам вабога қарши касалхоналар очиб, карвон йўлларида карантин тартиби ўрнатишни таклиф қилишди.

Бухорода эса биттагина касалхона бўлиб, унда битта рус доктор, бир таржимон ва битта қашқарлик фельдшер ишларди, холос. Бу доктор билан фельдшер ҳам касалхонада, ҳам шу бино ичидаги амбулаторияда ишларди. Бу касалхона Шайх Жалол дарвозасига яқин жойда бўлиб, бу ер ифлосликда Бухоронинг ҳамма гузарларидан ошиб тушарди.

Билган одамлар, бу докторнинг унчалик маҳорати йўқ, билими бир фельдшердан ортиқ эмас, деб айтардилар.

Шунинг учун Бухоронинг катта бойлари касал бўлиб қолса Чоржўй ёхуд Самарқанддан доктор чақирад эдилар. Агар касаллари сафарга чиқишга монелик қилмаса, мазкур шаҳарларга ўзлари бориб даволанар эдилар.

Бухорода вабога учраганларнинг тақдири мана шу врач билан шу фельдшерга топширилди, вабога қарши касалхона ҳам шулар назорати остида ташкил топди.

Вабога қарши касалхонани Шайх Жалол дарвозаси ташқарисида, шаҳар касалхонасига яқин жойда очдилар. Аммо у ерда на бино, на бирор дарахт ва на оқар сув бор эди. У ерда кенг бир кўл бўлиб, қишда сув билан тўлар, ёзда саёзроқ жойлари қурирди. Аммо у кўлнинг бир тарафи шаҳар қалъасининг деворига лой олинган чуқурликдан иборат бўлиб, унда ҳамиша кўкимтир ва қизғиш рангдаги сувдан сассиқ ҳид бурқсаб турарди. Кўлнинг ғарб тарафидаги пастак тепаликда машҳур шоир Хўжа Исмат Бухорийнинг мазори бўлиб, шу атрофдаги аҳоли ҳам ўликларини ана шу тепаликка кўмардилар.

Вабога қарши касалхона шимоли захкаш чуқурлик, ғарби Хўжа Исмат Бухорийнинг мазори, шарқи катта йўл ва жануби қуруқ ердач иборат мана шу сувсиз қуруқ кўлда очилган эди.

Касалхонанинг «бинолари» бўйра капалар ва оддий чодирлардан иборат бўлиб, булар беморларни на Бу-

хоронинг мияни қайнатувчи офтобидан, на одамни лоҳас қилувчи гармселидан сақларди.

Бу касалхона ташкил топгандан кейинги биринчи ҳафтада Бухоро маъмурлари — қози калон ва раис мулозимлари, қушбеги югурдаклари ва миршаб одамлари кўчаларда тасодифан учраб қолган беморларни тутиб келиб, ҳалиги доктор ва фельдшернинг қўлига топшира бердиларки, моҳият эътибори билан бу жой касалхона эмас, қушхонанинг ўзи бўлди. Касаллар қочиб кетмасин деб, амир сарбозлари касалхона атрофида посбонлик қилардилар. Аммо биринчи ҳафтада бу ерга тутиб келтирилган беморлардан бирортаси соғайиб чиқмади; уларнинг ҳар қайсиси бу ерда бир суткадан уч суткагача ётиб, охири уларнинг ўлик-тириклигидан ҳеч ким хабар тополмади, ўликлар кечаси шу ердаги Хўжа Исмаи мазорига кўмилади, деган овоза бор эди.

Бу аҳволга қарши Бухоро халқи ғавғо кўтарди. Ҳеч ким бошини боғлаб кўчага чиқмасди. Ранги ўчган одамлар ҳам уйдан чиқмайдиган бўлиб қолдилар. (Ҳолбуки Бухоро халқининг кўпчилиги ранги синиқ одамлар эди), бозорлар ёпилиб қолди. Ана шундан сўнг маҳалла-маҳалланинг журъатлироқ, соғ одамлари тўпланиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб, амирнинг аркига бориб қушбегига фарёду фиғон кўтариб, бу аҳволдан шикоят қила бошладилар.

Оқибат Бухоро амири ўз фуқароларини бу касалхонага олиб бориш ҳақидаги фармонни бекор қилди. Энди вабога қарши бу касалхонанинг вазифаси Россия фуқароларини ўлдириш бўлиб қолди. Бухоро ҳукуматининг икки маъмури, Россия давлатининг сиёсий ваколатхонасининг соқчиларидан икки кавалерист казак ва касалхона тиббий ходимларидан бири кўчама-кўча айланиб, йўлиққан беморнинг ҳужжатларини текшириб, Россия фуқароси эканини аниқлаб, сўнг касалхонага олиб борардилар.

Бир кун мен қуйидаги воқеанинг устидан чиқиб қолдим. Икки нафар Бухоро маъмури ва битта ҳамшира, афтидан, арманига ўхшаш бир аёлни икки отлиқ файтонга босиб касалхона тарафга олиб кетмоқда эдилар. Отлиқ казаклар файтоннинг икки тарафида посбонлик қилиб борардилар. Хотин: «Мен мусулмон бўлганман, жаноби олийнинг фуқаросиман», — деб фарёд қилар ва

Ўзи шу қадар бақувват эдики, файтонда уч кишининг қўл остидан даст туриб, ўзини файтондан ташламоқчи бўлиб, белидан юқорисини ерга эгиб, кучли қўллари билан ерга тирмашар, отлиқ казаклар қамчи билан унинг қўли ва бошига урардилар, аммо у бунга ҳеч парво қилмай: «Мен мусулмонман, мен жаноби олийнинг фуқаросиман, мени ўлимга олиб боришга ҳақингиз йўқ!»— деб фарёд чекарди.

Бухоро ҳукуматининг карантинларидан бири Қарши йўлидаги Четариқ мавзуида, иккинчиси Қармана йўлидаги Хонработ мавзуида ташкил топган эди.

Даштларнинг этагида ташкил топган бу жойларнинг ҳар бирида биттадан бухоролик табиб ва амирнинг отлиқ навкарларидан бир гуруҳи турарди. У ерларда ҳам бўйра капачалар қурилган, уларнинг ёнларида икки-уч катта мис қозонда сув қайнаб турарди, қозонларга қопқоқ ўрнига бўйра ёпиб қўйилган эди.

Навкарлар йўловчиларни тутиб келар, табиблар унинг томирини кўриб, соғлом деб ҳукм қилар, шундан сўнг йўловчилар кийимларини ечиб капаларга кирар, бошларига бир челак сув қуяр, маъмурлар уларнинг кийимларини қозон устига ёпилган бўйра устига қўйиб буғлаб берардилар. Аммо йўловчиларнинг чўмилишига шу қозондаги сувдан бериларди. Шу билан «дезинфекция» маросими тугаб, одамлар буғда намланган кийимларини кийиб, ўз йўлларига қараб кетардилар.

## МЕНИНГ ВАБОГА ЙЎЛИҚИШИМ

Олимжон мадрасасида вабога йўлиққанлардан икки киши ўлди. Мирқодир, тоғаси ва бошқа мадраса аҳллари вабодан оғриб ўз уйларида ётардилар. Муаззин Абдуфаттоҳ касал бўлиб, аллақайси қишлоққа чиқиб кетган эди. Аммо мен билан укам ва Мирсолиҳ саломат эдик. Лекин менинг саломатлигим узоққа бормади: бир кун одатим бўйича бир коса нўхат шўрва келтириб укам билан ичдик (Бухоронинг энг арзон овқати шу эди). Шуни ичдим, бирдан оғирлашиб, уйқум кела бошлади, ётиб ухладим. Бир соатдан сўнг уйғонсам, кўнглим бежо, мадраса саҳнига чиқиб йиқил-

дим, ўзимни билмай қолибман, шунисини биламанки, бу воқеа июль ойининг бошларида рўй берган эди.

Бир кун кўзимни очиб қарасам, бир ҳовлининг йўлагида турибман, этагим тўла кесак, укам қаршимда туриб кесакларни этагиндан тўкиб ташла, деб ёлворяпти. Ҳушёр тортишим билан, нега этагимга кесак солиб юрибман, деб ўйладим ва тўкиб ташладим. Аммо яна ҳушдан кетдим.

Бир кун эрта саҳардан кўзимни очиб қарасам, ёнимда укам ётибди. Уй бегона эди. Атрофга назар солсам: кираверишдаги эшик олдида етмиш яшар бир чол китоб кўчириб ўтирибди. Танидим, бу Мирсолиҳнинг отаси Миризом номли нуроний чол бўлиб, мен ётган уй унинг меҳмонхонаси эди.

Мен чап қўли билан хат ёзиб турган бу чолга ҳайрат билан тикилиб турганимни кўргач, у қаламини лосдонда тозалаб, қулоғи олдидан салласининг четига суқиб қўйди, ёзган саҳифаларини ёстиқнинг устига қўйиб менга қараб:

— Қасалдан қутулибсан, муборак бўлсин,— деди ва дарров доим ҳовлида хизмат қилиб юрадиган Мирҳикмат номли ўғлини чақирди,— айт, ширчой қилсин,— сўнг менга қараб давом этти,—уринмай ёта бер, букун ширчой ичасан.

Мен укамни уйғотмоқчи бўлдим.

— Қўй, андак ётсин,— деди қария,— кечаси, аҳволинг оғирлашган эди, у мижжа қоқмай чиқди. Қасалликнинг оғир пайти эди, нима бўлса ҳам хайрлик билан ўтди.

Ярим соатда ширчойни пишириб олиб келдилар. Қария ундан бир пиёлага қуйиб менга берди. Мен ичиб олдим.

— Энди пешингача ҳеч нарса емайсан,— деди мени ўз паноҳига олган қария. Шундан сўнг, ширчой совумай нон тўғраб есин, деб укамни уйғотди.

Қасал боқувчи тажрибали бу чол кундуз соат 12 да ҳам менга бир пиёла ширчой ичказди. Менинг нон егим бор эди. Қатъиян ман қилди. Кечқурун ҳам таомим бир пиёла ширчой бўлди.

Эртасига эрталаб мўйсафид ярим коса ширчойга бир бурда юпқа, сухаридек қуритилган нонни тўғраб берди, тўғралган нонларни емоққа рухсат бермади.

— Бугун ноннинг мазаси чиқса бўлди!— деди.

Тушки ва кечки овқатда менга оз-оздан шўрва ичиришди. Бу шўрва гўштли, бир оз гуруч солиб пиширилган бўлса ҳам, менга ёғсиз сувидан беришди. Учинчи кун ўшандай шўрвага бир оз иссиқ нонни тўғраб емоққа рухсат берди.

Укамнинг айтишига қараганда, беморлик ва беҳуш-лигимнинг биринчи куни инсонпарвар Мирсолиҳ мени мадрасада қолдирмай укаси билан замбарга солиб ҳовлисига олиб келиб, отасига кўрсатган, укамни ҳам менинг касалимга қарашиб турсин, деб бу ерга олиб келган. Уларнинг ҳисобларига қараганда, мен йигирма тўққиз кун беҳуш ётибман.

Бир ҳафтадан сўнг мен бир қадар қувватга киргач, мадрасага кетмоқчи бўлдим. Аммо раҳмдил мўйсафид қўймади.

Узликиб ҳалок бўласан, деб мени яна бир ой ўз уйида укам билан олиб қолди.

### БАЙТАЛ МАХДУМЛАР

Миризом новча, буғдой ранг, кам соқол одам бўлиб, ёши етмишга боришига қарамай, соқолининг оқидан қораси кўпроқ эди. У анча бақувват одам кўринарди. Ўзининг айтишига қараганда, у ўратепалик Миролим махдум деганнинг ўғли бўлиб, ўша ерда туғилган экан. Унинг талабалик вақтида рус подшоси билан Бухоро амири орасида уруш бошланган. У ўқишини ташлаб, амирга навкар бўлиб, урушда қатнашган.

У чап қўли билан хат ёзишининг сабабини шундай ҳикоя қилди:

— Жиззах урушида,— деди у,— амир саркардаларининг тадбирсизлиги орқасида биз қалъада қамалда қолдик. Шаҳар дарвозаларини саркардалар шунчалик кўп тупроқ уйиб беркитган эдиларки, енгилган тақдирда у ердан қочиб чиқиш асло мумкин эмасди. Рус аскарлари қаттиқ ҳужумга ўтиб, деворни бир неча жойидан бузиб, нарвон билан девордан ўтиб шаҳар кўчаларига кирганда, амир аскарларининг аксарияти ва ғазотчилар ўзларини қалъа деворлари устидан гашқарига ташлаб ўлдилар, ёки қўл-оёқлари синиб ишдан чиқдилар. Бир даража жасорати бўлган баъзи кимсалар жойларидан қимирламай кўча жангларига киришдилар, мен ҳам ана шу жанговарлар қаторида эдим.

— Мен қиличбозлик қилиб турганда,— деди Мир-изом сўзини давом эттириб,— қиличли бир рус аскари менга ҳамла қилиб, ўнг қўлимнинг панжаларини чошиб ташлади, қилич қўлимдан тушиб кетди, шу аснода икки рус аскари орқамдан келиб мени асир қилиб олдилар.

Ҳикоя шу ерга келганда Миризом ўнг қўлининг каф-тини кўрсатди. Қарасам, бирорта панжаси ўқ. Шундан сўнг у ўз ҳикоясини давом эттирди:

— Мени Тошкентдаги ҳарбий касалхонага олиб бо-риб даволашди. Тузалганимдан сўнг менга йўл харажати бериб: «Сен озодсан, истаган томонингга кетишинг мум-кин»,— дедилар.

Миризом яна қуйидагиларни айтди:

— Мен шунда инсоният нима эканини тушундим. Агар шу вақтда бирорта рус, ҳарбий бўлмаган тақдирда ҳам, амир одамлари қўлига тушса ўлдирад эдилар, ҳеч бўлмаса қул қилиб сотардилар. Аммо руслар жанг май-дониди, мен уларни ўлдириб турган ҳолатда қўлга олиб, мени ўлдириш ёки қул қилиш у ёқда турсин, аксинча, да-волаб, ҳаётимни сақладилар, бунинг устига менга йўл кира бериб, уйимга жўнатдилар.

Миризом ўз саргузаштини айтиб бўлгач, бунга ило-ва қилиб бундай деди:

— Шу кундан эътиборан мен, бундан сўнг амир нав-кари бўлмайман, ўз қўл кучим билан ишлаб тирикчилик қиламан, деб аҳд қилдим. Менинг касбим эса китоб кў-чиришдир. Аммо бу касбда менинг ишонган тоғим — ўнг қўлимнинг бармоқлари йўқ эди. Лекин у фалокатдан но-умид бўлиб қолмадим. Ўнг қўл қила олган ишни чап қўл қила олмасми деб, чап қўлим билан хат машқ қила бош-ладим. Қисқа бир вақтда чап қўл билан хат ёзишга шун-дай моҳир бўлдимки, ўнг қўлим соғ бўлган кезларда ҳам бу даража маҳорат билан ёза олмасдим. Назаримда, чап қўлим ёшлигида дам олиб тўплаган қувватни кексайга-нимда ёшларга хос ҳафсала билан ишга солган бўлса керак.

Миризом жим бўлгач, мен ундан сўрадим:

— Сиз Тошкентдан Уратепага ўтмай, тўғри Бухорога келдингизми?

— Йўқ,— деб изоҳ берди у,— аввал Уратепага бор-дим. Қарасам, у ерда менинг яқинларимдан ҳеч ким қол-мабди: отам, онам ва ака-укаларим руслар Уратепани



ишғол қилган вақтда Бухорога кўчиб кетибдилар. Бинобарин, мен ҳам Бухорога келиб, мана шу ҳовлида отамнинг соясида тирикчилик қила бошладим.

\* \* \*

Миризомнинг отаси Миролим номли ўқимишли киши бўлиб, рус подшолигининг аскарлари Уратепани ишғол қилгунча у ерда аълам экан. Ишғол арафасида у оиласи билан Бухорога кўчибди. Ана шу сафарда отларининг орасида энг ювоши ва йўрғаси бўлган бир бияни ўзи миниб, шу отда Бухорога кириб келибди.

Бухорода бия миниб юриш айб саналгани учун Миролимнинг номига бия маъносидаги «байтал» лақабини қўшиб айтадиган бўлганлар. Шу билан Миролим аъламнинг авлод ва ақраболари Бухорода «Байтал махдумлар» номи билан машҳур бўлиб кетган.

Мен Олимжон мадрасасида экан чоғимда «Байтал махдумлар» Бухорода жуда катта жамоа эдилар. Почоқул Ҳожи, Чорхарос, Говкушон ва Ғозиён гузарларининг ҳар бирида булардан бир неча хонадон яшарди. Буларнинг ҳаммалари меҳмондўст, хокисор ва хат-саводли, баъзилари анча хушхат ва фазлу камол эгаси эди.

Миризомнинг тўрт ўғли бўлиб, энг каттаси Мирнизом озгина маош билан амирнинг оддий навкарлари қаторида гоҳ Хоразм чегарасида — Учўчоқда, гоҳ Қарши йўлида — Қоровулбозорда соқчилик қиларди (вабо вақтида Бухоро амирининг карантин тартибларини менга шу ҳикоя қилиб берган эди, ўша вақтда Хонработда соқчилик қилар экан).

Миризомнинг хотини ва бир неча фарзанди бўлиб, Ғозиён гузаридан отасидан бошқа турар эди.

Миризомнинг иккинчи ўғли Ҳожи ота ҳам оилали бўлиб, отасига қўшни Чорхарос гузаридан турар эди. У қушбегининг оддий маъмури сифатида туманларнинг пахта бозорида тарозиларни текшириб юрарди.

Учинчи ўғли Мирсолиҳ эса, ҳали уйланмаган, Олимжон мадрасасида ётиб ўқир эди. У хушхат бўлиб, ёзда қушбегининг мирзахонасида расмий котибларга ёрдамчилик қилар эди.

Тўртинчи энг кичиги Мирҳикмат йигирма ёшда бўлиб, ҳамиша уйда отасининг хизматида эди.

Миризомнинг қоровулбеги унвони бўлиб, бу унвон унга уруш вақтида берилган, мен кўрган вақтда бу ун-

вони бор эди. Унвони учун олган маоши отига ем-хашак олишга етмасди.

Бу ҳақда Миризом менга шундай деди:

— Бу амал туфайли мен ҳамиша битта отни боқишим зарур. Бунинг учун оладиган маошим шу отни боқишга етмайди. Шунга қарамай, мен бу амалдан воз кечолмайман, чунки Мирҳикмат отни яхши кўради. Агар амалдан истеъфо берсам, отни ҳам йўқотишим керак, отни йўқотсам яхши кўрган ўғилчам хафа бўлади.

Миризом яна:

— Мен кунига 14—15 соатлаб китоб кўчираман, оила ҳам шу даромад билан тирикчилик қилади,—деб қўшиб қўйди.

Миризом муллалар, бойлар билан борди-келди қилмас эди, бундай одамларни ёмон кўрарди, шайхлардан нафрат қиларди. Унинг уйига ўз яқинлари — байтал махдумларгина келиб кетардилар. Чунки у бу жамоанинг энг каттаси эди. Муллалардан гоҳ-гоҳ мулла Раҳмат сартарош унинг олдига келиб кетарди. Мен у билан Латифжон махдум орқали танишган эдим.

## БОЙЛАРНИНГ СТРАХОВАНИЕСИ

Бир кун мулла Раҳмат сартарош Миризомнинг ҳовлисига кириб келди. Биров келса бошини ишдан кўтармайдиган Миризом мулла Раҳмат келиши билан қаламни тозалаб қаламдонга, ёзган саҳифаларини ёстиқнинг устига қўйди-да, чўккалаб ўтирганча:

— Домулла, гапиринг, қаерларда бўлдингиз, нималар олиб келдингиз?—деб сўради.

— Чоржўйга саёҳатга борган эдим,— деди мулла Раҳмат.

— Текин улов вилоят бўйлаб санқитади, деганлар, бирор жойдан текин улов чиққандирки, бундай сайру саёҳатга ҳафсала қилибсиз.

— Худди шундай,— деди мулла Раҳмат ва ўз саёҳатининг тафсилотига киришди:— Узингизга маълум мен Домуллабойнинг<sup>1</sup> ёшликдаги ҳамдарс ва ошпази эдим. У

<sup>1</sup> Бухорода жуда катта миллионер бой бўларди. У ёшлигида бир оз мадрасада ўқиган экан. Шунинг учун бухороликлар уни асли номи билан атамай, «Домулла» ёинки, «Домуллабой», деб атардилар.

бой бўлгандан кейин ҳам мени унутмай, баъзан йўқлаб юрарди. Бундан бир неча кун муқаддам мени растада учратиб, бизникига келинг, биргалашиб Чоржўйга саёҳатга борамиз, деди. Мен бу таклифни қабул қилдим ва бирга Чоржўйга бориб, Тус шаҳри ва темир йўл билан Амударёнинг пароход станцияси бўлган Девонабоғда тушиб, Домуллабойнинг шу ердаги кенг саройига жойлашдик. Саройнинг саҳни той пахталар билан тўла эди. Биз жуда ҳам озода бир хонага ўрнашдик. У ерда аср, шом ва хуфтон намозларини Домуллабойнинг имомлигида ўқидик (Домуллабой ўзини жуда художўй ҳисоблайди). Таомдан сўнг кечаси алламаҳалда Домуллабой менга бундай деди:

— Туринг шерик, сарой саҳнига чиқиб, бир оз тоза ҳаво олайлик.— Биз уйдан чиқдик. Сарой саҳнида бир неча катта мис қозонларга сув тўлдириб иситаётган эдилар. Хизматкорлар той пахталарни ёғоч устига қатор қилиб қўйдилар. Қозонлардаги сув қайнагач, челақларда келтириб той пахталарнинг устига қуя бошладилар.

Мен бу ишдан таажжубланиб сўрадим:

— Нега қуруқ пахталарни ҳўл қиялпсизлар?

— Сабаби бор, кейин биласиз—деди у.

Қисқаси, бу иш то саҳаргача давом қилди. Иш тамом бўлгач, биз кириб ухладик. Аммо мен ухлолмадим. Фикрим қуруқ пахталарни ҳўл қилиш сабаби билан банд эди. Эртасига қуёш чиқиши билан Домуллабой хизматкорларига, пахталарни офтобда қуритинглар, деб фармон берди.

Менинг таажжубим яна ҳам ортиб:

— Ахир пахталарни аввал ҳўл қилиб, яна қуритишнинг нима маънисини бор!— деб сўрадим.

У табассум билан боқиб:

— Сабр қилинг, кейин биласиз,—деди.

Пахталар қуригач, бир хизматкорига, бориб конторага хабар қил, келиб пахталарни қабул қилсин, деб буюрди.

Ярим соатдан сўнг ўрусга ўхшаган бир неча одамлар дафтар кўтариб келиб, той пахталарни торта бошладилар, ҳар бир тойнинг оғирлигини алоҳида-алоҳида дафтарларига ёздилар, бир киши қора сиёҳда ҳар тойнинг устига унинг вазнини ёзиб, тортилган пахталарни араваларга ортиб юборардилар.

Кечга бориб пахта тортиш ва пахта ортиш тугади. Конторадан келган одамлар дафтарларига қараб, бойга рус тилида бир хат ёзиб бериб, қайтиб кетдилар.

Биз уйга кирдик. Бой намоз ҳам ўқимай, бошқа иш билан ҳам шуғулланмай, чўт билан дафтарини олди. У роса чўт уриб, дафтарларига хат ва рақамларни ёзиб чиқди. Бу орада хизматкор ошни сузиб келиб, бизнинг олдимизга қўйди. Аммо бой ошга ҳам назар солмай, ўз ишида давом этди.

Менинг қорним оч эди, шунинг учун унга:

— Келинг, аввал таом ейлик. «Аввал таом, баъдаз калом», деганлар,— дедим.

— Сиз еяверинг,— деди у кўзини чўт ва дафтардан узмай,— мен ҳисобни тугатиб, кейин ейман.

Мен унинг рухсатини ғанимат билиб, товоқнинг ярмини бўшатдим-да, яна унинг ишига кўз тикиб турдим. Ниҳоят у ўз ҳисобини тугатиб, бир қоғозни менга кўрсатди, унинг бир тарафига 1550 сўм, иккинчи тарафига 1650 сўм ёзилган эди. У мендан сўради:

— Бу рақамларнинг қайси бири кўпроқ?

— Албатта 16500 сўм 15500 сўмдан кўпроқ,— дедим.

— Мен шу сафаримда пахталарни ҳўл қилиб қури-тишдан минг сўм фойда қилдим,— деди у.

Менинг таажжубим яна ҳам ошди. Бир неча той пахтани ҳўллаб қуришдан қандай қилиб минг сўм фойда олиб бўлади, деб ҳайрагга эдим. Шунинг учун унга:

— Шерик, менга тезроқ тушунтиринг-чи, сиз бу минг сўмни қандай қилиб топдингиз, мен буни тушунмай, диққат бўлиб турибман,— дедим.

У изоҳ беришга киришди:

— Рус савдогарлари орасида «страхование» деган бир қоида бор,— деди у,— страхование шундан иборатки, биров бошқа бир кимсанинг молини, нарсасини бир миқдор ҳақ бараварига ўз уҳдасига олади, агар бу мол, нарса йўқолса эгасига товон тўлайди. Ҳовли, сарой, савдо молларини страхование қилиш мумкин. Страхованиега олувчилар одатда катта, бой ширкатлар бўлади. Улар ҳар қандай қимматбаҳо мол йўқолса ҳам товон тўлай олади. Жумладан «Кавказ-Меркурий» номли ширкат бўлиб, унинг асосий вазифаси хом молни Россия марказларига ташиб, фабрика, заводлардан чиққан молларни атрофга етказиб беришдан иборат. Шу хизмати эвазига молнинг вазнига қараб ҳақ олади. Юк ташишни бўйнига

олган шу ширкат ўзига топширилган молларни страхованига ҳам олади. Масалан, ҳар бир минг сўмлик молнинг йўл кирасидан ташқари, яна бир неча сўм олиб, шу молга мутасадди бўлади. Агар бу мол йўқолса, куйса ёхуд кам чиқса у товон тўлайди. Мен мана шу ишдан ўзимга фойда чиқармоқчи бўлдим.

Мулла Раҳмат ҳикоя қиларди:

— Собиқ ҳамдарсим бу ишдан қандай фойда қиларкан, той пахталарни ҳўллаб қуритишнинг бу ишга нима дахли бор экан, деб мен ҳануз ҳайратда эдим. Аммо суҳбатдошим қуйидаги сўзларни айтиб, мени ўз ишлари билан бир даража таништирди.

— Мен илгари Жилликўл, Сарой Камар, Термиз ва Каркида арзон баҳо тери ва пахта тайёрлаб, уларга юқори нарх қўйиб, ўша нарх устидан, йўл кирадан ташқари страхование ҳақи ҳам тўлаб, шу конторага топширадим. Контора бу молларни мазкур жойлардан туркманларнинг қайиғига солиб, Чоржўйга юборарди. Туркман қайиқчилари орасида менинг одамларим бўлиб, улар Амударёнинг муносиброқ жойида қайиқни ғарқ қилардилар. Мен эса, Чоржўйда туриб ғарқ бўлган паст молларимга юқори баҳо билан пул олардим. Бу иш такрорлана бергач, контора менинг молларимни Амударёда страхованиега ололмаслигини айтиб, молларни Чоржўйда қабул қилиб, Каспий денгизи ва темир йўл орқали Россияга етказиб беришини айтди. Бинобарин, мен бу ерда ҳам страхованиедан яширинча фойдаланишни ташкил қилдим...

Мулла Раҳмат ҳикоясида давом этарди:

— Ҳали ҳам пахтани ҳўллаб қуритишнинг фаҳмига етолмадим ва бу йўл қандай фойда қилишини билмасдим. Шунинг учун собиқ ҳамдарсимдан сўрадим:

— Бу ерда яширинча фойда қилишни қандай ташкил қилдингиз, пахтани аввал ҳўллаб, кейин қуритишнинг маънисини нима?

— Ҳамма гап мана шу ҳўллаб, сўнгра қуритишда,— деди ҳамсуҳбатим ва изоҳ бера бошлади,— сарой саҳнидаги той пахталарнинг ҳаммаси менга 15500 сўмга тушган эди. Қайноқ сув қуйилгандан кейин уларнинг вазни минг сўмлик ошди. Қуруқ пахта қайноқ сувни бамисоли офтобда ётган кесакдек ўзига тортади. Гарчи бу пахтани яна офтобда қуритган бўлсақ ҳам, пахтаинг мағзига сингган нам қола беради, фақат унга ўралган қанор би-

лан уни ўраб турган симларгина қурийд, қараганда қуруқдек кўринади. Бу шунчаки юзаки қуритиш бўлиб, конторадаги одамларнинг кўзларини боғлаш учун қилинади.

— Агар контора одамларидан бирортаси пайқаб қолса нима қилар эдингиз?—деб савол бердим мен.

— Конторадаги одамларнинг ҳеч бири менга товон тўлайдиган ширкатнинг фойдахўрларидан эмас, булардан бирортаси пайқагундай бўлса ҳам, ярим шиша ароқ билан унинг оғзини тикиб қўйиш осон,— деди Домуллабой ва ўз сўзида давом этди:

— Бу той пахталар Москвага етгунча қуриб, ўз вазнига тушиб қолади. Менинг Москвадаги гумаштам буларни конторадан тортиб олганда, контора мендан пахта қаторида тортиб олган сувлар буғланиб ҳавога кўтарилган бўлади, ана шу ҳавога кўтарилган сув эвазига қиммат баҳо билан товон оламин.

Шеригим ўз фирибгарлигидан мағрурона кулиб илова қилди:

— Фақат олиб сотиш орқали киши бой бўлса ҳам, лекин катта бой бўлолмайди; дурустроқ бой бўлиш учун яна кўп ҳунарларни ҳам билиш лозим. Масалан, менинг бир қанча мирзо ва гумашталарим бор, уларнинг ҳар бирига йигирма тангадан (уч сўм) то қирқ тангагача (олти сўм) ойлик бераман. Маълумки, оилали бир одам бу маблағ билан тирикчилик қилолмайди. Шунга қарамай, улар яхши яшаб келмоқдалар. Булар қайси даромад билан яхши яшамоқдалар? Маълумки, ўғирлик билан! Албатта улар мендан ўғирлай олмайдилар. Улар олиб сотган чоқда харидор ва сотувчидан ўғирлайдилар, улар эса, қишлоқи содда одамлар. Мен уларнинг бу ишидан молу дунёлари кўпайгунча кўз юмиб тураман. Улар хўп тўйиб семиргандан сўнг бир баҳона топиб жавобгар қиламан, бор-йўқларини шилиб олиб, ўзларини қип-яланғоч қилиб ҳайдаб юбораман ва уларнинг доду фарёдига ҳам ҳеч ким қулоқ солмайди. Тўғри, яхши гумашталарим ҳам бор, мен уларга яхшигина ҳақ тўлайман. Аммо уларнинг сони у қадар кўп бўлмай, корчалонликда ўзимдан қолишмайдилар. Булар аслида менинг давлатимга шерик бўлган кишилардилар.

— Домулла, катта бой бўлишнинг йўли мана шу деди,— Домуллабой ўз сўзини тамомлаб.

— Чоржўйдан келтирган «совғангиз» чакки эмас,—

деди Миризом мулла Раҳматга ва бир оз хомушликдан сўнг қўшиб қўйди,— бойларнинг аксарияти ўғри. Аммо афсуски, амир «ўғри» деб Файзи авлиёни<sup>1</sup> минорадан ташлайди, Россия подшоси эса очликдан бирор нарса ўғирлаши мумкин бўлган бирор яланг оёқни Сибирга жўнатади. Лекин Россия подшоҳи ва Бухоро амири бойларни ҳурмат қилишади.

### «МАҲДИИ ОХИРЗАМОН»

Бир кун эрталаб, ҳали қуёш чиқмасдан, Миризом айвонда ўтириб китоб кўчирарди. Биз ака-ука ҳали меҳмонхонадан чиқмаган эдик. Мирҳикмат эса, дарвоза эшигининг занжирини очиб келиб, отга ўт солиб, уни қашлаб, супуриш билан машғул эди.

Шу вақтда дарвоза йўлагидан аввал бировнинг йўталгани эшитилди, бирпасдан кейин бир одам пайдо бўлди. Бу одамнинг бўйи паст, ўзи келидай йўғон ва семиз эди. Сарғишдан келган юм-юмалоқ юзи, ўрдакка ўхшаган ингичка бўйни йўғон гавдаси устида кели тепасига қўйилган банди эгри қовоққа ўхшар, сариқ, паҳмоқ соқоли, калавадек ўралган салласи билан экинзорларда қушларни ҳуркитиш учун ясаб қўйиладиган одамсимон қўриқчини эслатарди; тўнининг энглари ўша қўриқчининг энглари каби узун бўлиб, икки энгидан икки тасбеҳ осилиб турарди. Бу кишининг тўни ҳам юзи ва соқоли каби малла эди. Бу одам шу шаклу шамоийил билан улуғ одамлардек, оҳиста-оҳиста қадам босиб, супага чиқди-да, Миризомга салом берди. Миризом ишдан кўз узмай, бош қимирлатиб унинг саломига алик олди-ю, китоб кўчиришда давом этди.

Меҳмон бўлса, шу улуғворлик билан кавушини айвон олдида ечиб қўйиб, юқорига чиқиб уй эгасининг ёнига бориб чўккалаб ўтирди. Тасбеҳ тутган қўлларини энгидан чиқаргандан сўнг, икки панжасида икки тасбеҳ осилган ҳолда қўлларининг кафти билан юзларини силаб қўйди, қўлларини тиззасининг устига қўйиб, пичирлаб тасбеҳ ўгира бошлади.

---

<sup>1</sup> Ф а й з и А в л и ё — вобкентлик машҳур ўғри бўлиб, мудом амирнинг мол-мулкани ўғирлаб юрарди. Амир Музаффар уни тугиб, минорадан ташлаб ўлдирди.

Миризом китоб кўчириб туриб, кўзининг қирида у одамнинг ҳаракатларини кузатаркан, кулимсираб гапирди:

— Ҳазрати эшон! Бошқа шайхлар худонинг номини такрорлаб ҳар гал бир дона тасбеҳни ўгирсалар, сиз ҳар гал икки қўлингиз билан икки дона тасбеҳ ўгирасиз. Бу ишингиз билан юз бор «Ё оллоҳ!» деганингизни икки юзга санаб, худони ҳам алдамоқчимисиз?

Эшон бир нафас пичир-пичирни тўхтатиб, жавоб берди:

— Агар бошқа шайхлар фақат тиллари билан худонинг зикрини айтадиган бўлсалар, бу фақир шу даражага етибдиларки, ҳамма аъзойи бадани ва ҳар тола мўйи худонинг зикри билан машғул. Бу ҳолатда агар мен юз тасбеҳни ўгирганимда ҳам аслда зикримнинг ҳисобини қилолмайман.

Шайх яна пичирлаб, тасбеҳ ўгиришда давом этди. Миризом менинг меҳмонхонада туриб бу одамнинг ғалати ҳаракатларини кузатиб турганимни кўриб:

— Кел, укангни ҳам чақир, мана бу ерга ўтириб ҳазрати эшоннинг «муборак» суҳбатидан баҳра олинглар,— деди.

Биз келиб айвоннинг пойгаҳида ўтирдик. Бу вақтда Мирҳикмат отга қараб бўлиб, юз-қўлларини ювиб, ҳовлининг ўртасида туриб юзларини артмоқчи эди.

Отаси унга буюрди:

— Бориб айт, ширчайни дарров тайёр қилишсин, акаларингни ҳам чақир, дастурхон олиб чиқ!

Мирҳикмат ичкарига кириб кетди. Мирато ва Мирсолиҳ айвонга келиб ўтиришди. Миризомнинг ҳовлиси бошқа гузарда бўлса ҳам, ҳар кун эрталаб отасининг олдига саломга келарди. Шунинг учун Миризом ҳам ҳовлида ҳозир бўлиб, у ҳам айвонга келиб ўтирди. Дастурхон ёзилиб, нон, кўк чой ва ширчай олиб келдилар.

Мирҳикмат аввал меҳмоннинг олдига, сўнгра отасининг олдига ва бошқаларга бир косадан ширчай қўйиб, ўзига ҳам бир коса чой олиб пойгаҳроқда ўтирди. Миризом қалам ва қоғозни бир тарафга қўйиб, таом емоққа ҳозирланди. Эшон ҳам қўллари билан юзини силаб, тасбеҳларни ажиб бир ҳолатда икки тиззаси қаршисига, олдига келтириб қўйилган косанинг икки тарафига—дастурхон устига қўйди. Хурма данакларидан ясалган тасбеҳ унинг ўнг қўли қаршисида қора холли малла илондек



кулча бўлиб ётарди. Тасбеҳнинг қора-қизил ёғочдан ясалган, одатда «имом» деб аталадиган катта донаси ўқилондай ердан кўтарилиб турарди.

Иккинчи тасбеҳ ўнг қўли рўпарасида косани ўраб олгандай турар, унинг «имомни» ҳам ердан кўтарилиб, майда қора холлари илоннинг кўзидай кичик ва ғазабли кўринарди.

Косалардаги чой хўрандаларга мунтазир турар, аммо ҳеч ким таомга қўл узатмасди. Одатда таомни тез-тез еб, бошқаларни ҳам тез емоққа ундайдиган Миризом ҳам бу гал сукут қилиб хомуш турарди.

Эшон бир оз бош эгиб хомуш тургандан сўнг ўз олди-га қўйилган косани олиб, Миризомнинг олдига қўйди ва унинг косасини ўзига олди. Миризом ўз косасига нон тўғрай бошлади. Бошқалар ҳануз сўзсиз, жим турардилар.

Эшон яна ўз косасини мезбоннинг катта ўғли Миризом олдига қўйиб, унинг косасини ўз олдига тортди. Миризом ҳам қараб турмай косага нон тўғрай бошлади. Бошқалар ҳануз косаларга қўл теккизмай турардилар.

Эшон шу тариқа мезбоннинг ҳамма болалари билан коса алмашиб чиқди. Аммо мен ва укам билан коса алмаштирмади. Ҳаммадан кейин Мирҳикмат билан косасини алмаштириб: «Аузу биллоҳи мин шарриз лозимин» («Золимларнинг ёмонлигидан худодан паноҳ тилайман»), деб ўз косасига нон тўғраб, емоққа киришди.

Овқат еб турганда Миризом эшоннинг дастурхонда турган тасбеҳларига назар солиб деди:

— Ҳазрати эшон! Сизнинг тасбеҳларингиз илонга ўхшайди! Уларга кишининг кўзи тушса, дастурхонда илон ётибди, деб қўрқиб ранги оқаради.

— Ҳақиқатда булар илон вазифасини бажаради,— деди эшон ва сўзида давом этди:— Булар аслда малоикалар бўлиб, мақсадлари менинг ҳаётимни душманларнинг ёмон кирдикоридан сақлашдир. Айни замонда булар мен зикр айтган вақтда тасбеҳлик вазифасини бажаради, борди-ю, мен уларни бир жойга қўйсам, илон шаклига кириб, биров менга қасд қилса, мана бу заҳарли илон бўлиб (хурмо данагидан қилинган тасбеҳга ишора этиб) ва мана бу (қора кўзмунчоқ тасбеҳга ишора қилиб) ўқилон бўлиб, ул бадкирдорга ҳужум қилиб, қилмишларига пущаймон этади.

— Тасбеҳ ҳам, малонка ҳам илон... таажжуб!— деди Мирсолиҳ табассум билан.

— Таажжубланадиган ери йўқ, жиян!— деди эшон Мирсолиҳга қараб.— Мусо пайғамбарнинг ҳассаси аж-даҳо бўлганда, охир замон маҳдисининг тасбеҳлари за-ҳарли ва ўқилон бўлолмайдими?

Овқатдан кейин эшон тасбеҳларини олиб ичкари ҳов-лига кирди, бирпасда у ердан чиқиб, уй эгаси билан хайрлашмасдан кўчага чиқиб кетди.

\* \* \*

Чойдан сўнг ҳамма айвондан туриб кетди. Фақат мен-гина қолиб, у одамнинг ғайри табиий ҳаракатлари ҳақи-да ҳайрат ва таажжуб билан фикрга чўмган эдим. Эшон ҳовлидан чиқиб кетгандан сўнг Миризом кўзларини ме-нинг ҳайрат тўла кўзларимга қадаб, у одамнинг девона-вор ҳаракатлари маънисига етиш ҳавасига тушиб, сў-рашга ийманиб турганимни пайқаб, бундай деди:

— Эҳтимол сен бу одамни танимаган ва коса алмаш-тиришларнинг сабабини тушунмагандирсан?

— Мен бу одамни илгари кўрмаган эдим, унинг ҳара-катларидан ҳам ҳеч нарса тушунмадим,— дедим унга жа-вобан.

— Бу одам менинг қайним бўлади,— деб гап бошлади мўйсафид,— менинг хотиним бу кишининг опаси бўлади. У ёшлигида мактабдан чала савод бўлиб чиққан. Даст-лаб ўзининг Жанафар гузарида баққоллик дўкони очди. Аммо иши юришмай, кундалик нонини ҳам тополмади. Шундан сўнг мен унга, бирор ҳунар ўрган, этикдўзлик ёки тўқувчиликка шогирд туш, тез фурсатда ўз нонингни топадиган бўласан, деб маслаҳат бердим. У қабул қил-мади, мен мулла бўлмоқчиман, деб мадрасага кирди. Опаси овқат ва кийим-кечагидан хабар олиб турди. Би-роқ бир неча йил ўқиб ҳеч балони ўрганмади. Бир кун келиб опасига: «Мен чўқмоқлик эшонга мурид бўлдим, ҳамиша унинг хизматида, унинг хонақоҳида бўламан. Бундан кейин сенинг ёрдамнинг керак эмас,— деб кетиб-ди. Бир неча йилдан сўнг эшитсам, чўқмоқликларнинг хо-нақоҳида иршод хати<sup>1</sup> олиб, ўзи мурид қабул қила бош-

<sup>1</sup> Иршод хати — шайхларнинг ўз муридларига берадиган «мурид олиб, пирлик қила олиши мумкин» деган мазмундаги ҳуж-жат.

лабди. Мен эшонларни ёмон кўрганим учун қайтиб менинг уйимга келмади. Яна икки йилдан кейин эшитсам, ўз гузарлари Жанафарга имом бўлиб, у ерни ўзига хонақоҳ қилиб олибди, даҳа ўтириш ва бошқа эшонлик маросимларини авж олдирибди; саводсиз қишлоқи муридлари олдида, мен охир замон махдийсиман, дейдиган бўлибди. Унинг бу даъвоси менга таажжуб туюлиб, киши юбориб олдириб келдим. Суриштириб кўрай-чи, у девона-певона бўлиб қолмадимикин, деб ўйлаган эдим. У келди, мен ундан одатдагича ҳол-аҳвол сўрашдан бошқа ҳеч нарса демадим. «Қани кўрайлик-чи, ўзи ҳақида ўзини дер экан?»—деб кўнглимдан ўтказиб қўйдим. Меҳмонхонада яна бир неча киши бор эди. Уйда шўрва қилишган эди. Шўрвани косаларда меҳмонларнинг олдига келтириб қўйишди. У худди бугунгидек ўз косасини меҳмонларнинг косалари билан алмаштириб, охири Мирҳикматнинг олдидаги косани олиб, шўрвани ичди. Мен бу ишнинг сабабини сўрасам, шундай жавоб берди:

— Мен охир замон махдийсиман, мен ҳамма ҳокимларни, жумладан, Бухоро амирини йўқотишим, дунёни ҳақиқий мусулмонобод қилишим лозим. Ҳокимлар табақаси менинг бу ниятимдан воқиф бўлганлар, бинобарин, мени йўқотишни истайдилар. Сиз ҳам бир вақт амирнинг навқари бўлгансиз, катта ўғлингиз ҳозир шу амирнинг навқари, у амирнинг буйруғи билан менга заҳар бериши мумкин. Заҳарли коса орадан йўқолсин деб, мен эҳтиёт юзасидан уларни алмаштираман. У ҳолда, агар орада ҳақиқатда заҳар солинган коса бўлса, сиз дўстларингиз ва азиз фарзандларингиз заҳарланмаслиги учун уларга шўрвани ичирмайсиз.

— Бундан муқаддам ҳам ислом оламида махдийлар чиққан эди. Аммо уларнинг ёлғончилиги ўз вақтида маълум бўлиб, расвойи олам бўлиб кетганлар. Бинобарин, сизнинг бу ўйингиз жуда сийқаси чиққан, бошқаларнинг чўнтагидан тушиб қолган нарса, элни алдаш учун бирор янги найранг топсангиз яхшироқ бўларди,— дедим мен.

— Ўтган махдийлар ҳам ёлғончи эмасди,— деди у,— аммо улар ўз замонларининг махдийлари эдилар. Шунинг учун уларни «соҳибуззамон» деганлар. Уларнинг умрлари охирига етгач, махдийликларни ҳам тамом бўлди, чунки уларнинг замонлари ўтган эди. Бизнинг пайғамбаримиз охир замон пайғамбари бўлиб, ислом динини то рўзи қиёматга барқарор қилиб кетганларидек, мен ҳам

охир замон махдийсиманъим, дунёни зулм ва золимлардан тозалайман ва бу тозаллик то қиёматгача барқарор бўлиб қолади.

Миризом ўзининг «охир замон махдийси» билан бўлган учрашувини гапириб бўлгач, ўзи бундай деди:

— Кейинча фаҳмласам, махдийимизнинг бу фирибгарлиги унга кўп манфаат келтирар экан. Биринчиси шуки, у ўзига «охир замон махдийси» ном қўйиб, илгариги махдийлардан фарқ қилган, иккинчиси, у ўз муридларига зулм ва золимларга барҳам беришни ваъда қиладики, зулмдийдалар учун бундан муҳимроқ нарсани ўйлаб топиш қийин, учинчидан, бу фирибгар Бухоронинг саводсиз қишлоқи деҳқонларини мурид қилиб олган, улар эса, Бухоро халқининг энг кўп зулм кўрган табақаси бўлиб, соддаликлари ва саводсизликлари туфайли ҳар нарсага ишона берадилар. Бинобарин, улар келажакда зулмдан халос бўлиш умидида, бир сабаб билан золим ҳокимлар қўлига тушмаган нимаики нарсалари бўлса келтириб бунга топшира берадилар. Энди эшитишимча, унинг тангаю тилло билан тўла сандиқлари, ҳар хил кийимлар билан тўла бўхчалари, ғалла тўла омборлари бор эмиш. Ҳатто айтишларига қараганда, далаларда қўйлари пода-пода бўлиб ўтлаб юармиш.

\* \* \*

Мен иккинчи марта касал бўлиш хавфидан тамом қутулиб, Миризомнинг ҳовлисидан чиқиб, Олимжон мадрасасига келдим. Ўлди-ўлдилар камайиб, вабодан касал бўлиш ҳам илгаригидай кўп эмасди. Аммо фаррошлик дарсларимга кўп халал бергани учун бу ишни ташладим ва акамнинг ошналаридан бирининг ёрдами билан бир ҳужра топиб, Бадалбекнинг янги мадрасасига кўчиб бордим. Акамнинг шу ўртоғи мени ўзига ошпаз қилиб олиб, укамга ҳам бирор иш топиб беришга ваъда қилди.

### БАДАЛБЕК МАДРАСАСИДА

Бадалбек мадрасаси Бухородаги Масжиди Калоннинг шимолига қурилган эди. Бу мадраса билан Масжиди Калон оралиғида катта кўча бўлиб, у Мирараб

мадрасаси олдидан ўтиб, Регистонга борарди. Бу мадрасанинг дарвозаси ва саҳни ғарб томонда эди. Дарвоза олдидаги майдонча ёнида амирнинг ташландиқ ҳовлиси бўлиб, уни илгариги эгасининг номи билан Мирзо Хурд ҳовлиси дейишарди.

Бу мадраса умуман Бухоро мадрасаларининг анъанавий меъморчилиги асосида қурилган бўлса ҳам, камоли торлигидан дарвозасининг кираверишида кенг майдони йўқ, бунинг устига ҳужралари жуда тор эди. Бу мадрасанинг олди икки қаватли, бошқа уч тарафи бир қаватли эди. Мадрасанинг ўттиз беш ҳужраси бўлиб, осма ҳужралари (булар бошқа ҳужраларнинг тепасида қолган бўш жойларга қурилганди) яна ҳам торроқ эди.

Бу мадрасанинг шимоли ғарб тарафида бир йўлак бўлиб, шу ердан ҳожатхонага бориларди. Менга насиб бўлган ҳужра шу йўлакнинг устига қурилганди. Унинг эшиги орқа томондан саккиз зина юқоридан очилар, мадрасанинг ич томонида қоғоз қопланган кичик дарчаси бўлиб, ҳужрага шундан ёруғ тушарди. Бу ҳужранинг на ўчоғи, на юз-қўл ювадиган жойи бор эди. Аммо бу ҳолнинг мен учун у қадар аҳамияти йўқ эди. Чунки мен ҳужрада овқат пиширмасдим, юз-қўлларимни эса, мадраса саҳнида ювишим мумкин эди. Бу ернинг мен учун қийин томони шу эдики, эшикдан энгашиб кириб, ҳужрада ҳам энгашиб юриш керак эди. Бу ерда акам бир йил яшаб, мен Бадалбек мадрасасига келгандан сўнг у Мирараб мадрасасидан ҳужра топиб кўчди. Мен бу ерга жойлашдим.

Бу ҳужра аслда қори Нурулла деган кишиники бўлиб, уламо табақасидан эди. Мадраса орқасидаги Боллоқчада жойлашган уйда истиқомат қиларди. Унинг асосий касби қорилик—қуръонфурушлик бўлиб, настаълиқ хатини яхши билар эди. Ҳуснихат ўрганадиган шогирдлари ҳам бор эди.

Бу киши ҳам дарс бериш ҳавасига тушибди. Ҳужрани менга беришдан мақсад мени ўзига шогирд қилиб олиш экан. Бинобарин, мен ҳаммадан илгари унинг ҳузурда «Муҳтасари виқоя» дарсини бошладим, Бухоро мадрасаларида бундан аҳамиятсиз дарс йўқ эди.

Қори Нурулла ўрта бўйли, семиз, оқ юмалоқ юзли киши бўлиб, катта қора, курак соқоли бўларди. Унинг афтига қараб қирқ-эллик ёшларда деб тахмин қилиш мумкин эди. У хушчақчақ, сертабассум бўлиб, ҳеч қачон

пешанасини тириштирмас эди. У ўзи ўқитган дарсни ўзи яхши билмасди, аммо ўзининг билмаслигига рўйирост иқрор бўлар, баъзи муллалик даъвосида юрганлар каби мураккаб жоҳилликка тушмаган эди. (Ўзининг билмаслигини билмаслик — жоҳилликларнинг мушқули деган гап бор!) Дарс вақтида мабодо мен ундан дарсимга оид бирор нарсани сўраб қолсам: «Эй биродар, бундай масалани бошқа бирор кимсадан сўра, мен учун шогирдлик номинг кифоя, мендан бирор нарсани ўрганаман деб умид қилма!»— дер эди.

Бу мадраса аҳолисининг кўпчилиги шофрикомлик, нуроталиклар бўлиб, бир қисми Бухоро шаҳридан ва унинг теварак-атрофидан эди. Бухоронинг бошқа музофотларидан ҳам битта-яримта одамни учратиш мумкин эди.

Бухороликлардан бу мадрасанинг асосий ҳужрадори Абдуллахожа Таҳсиннинг амакиваччалари бўлиб, уларнинг отаси Бухоро музофотида қозилик қиларди. Бошқаси Зуҳур махдум ва Аллом махдум номли ака-ука Бухороликлар бўлиб, ҳар иккисининг алоҳида-алоҳида ҳужралари бўларди. Улар Таҳсиннинг узоқ қариндоши ва шогирди эдилар. Зуҳур махдум акам билан Мирсолиҳнинг ҳамдарси бўлиб, мени ўзига ошпаз қилиб келтирган эди. У тахминан йигирма беш ёшли, ўрта бўйли, юзи қизил, хушбичим йигит эди. Ҳамдарс шериклари уни хушфаҳм, зёҳнли талаба, деб ҳисоблардилар. Домулла Икромчанинг дарсида у жамоа қориси эди. Дарсхонлар жамоасига бунчалик хушсавод қори камдан-кам насиб бўларди. У акам билан ҳаммуколама (бирга дарс тайёрлайдиган машқдош) бўлиб, унинг анча яқин дўсти эди.

Аллом махдум тахминан йигирма ёшларда бўлиб, ингичка, узун бўйли, ориқ ва узунчоқ қора юзли йигит эди. Эндигина чиқа бошлаган соқол ва мўйлови қора қозонга ёпишган чумолидай лаб ва иягини ёпиб турарди. Бу йигит сил касалига мубтало эди. Уч йилдан бери шу касалнинг азобини чекарди. Бу икки ака-укага ош пишириш ва уст-бошини ювишдан ташқари, бу касалга қараш ҳам менинг зиммамга юклатилган эди. Беморга қараш менга унчалик оғирлик қилмаса ҳам, унинг хархашалари ва баъзан дағал муомалалари жонимга тегарди: Бир кун унинг бу ёмон муомалаларидан акаси Зуҳур махдумга шикаст қилсам, у шундай деди:

— Укам аслида ёмон бола эмасди. Бу касалга муб-тало бўлгач, шунақа қўполроқ бўлиб қолди. Бу ҳол сил касалининг хусусияти. Нима ҳам қилсин? Бир амаллаб мурса қил.

Зухур махдум укамни Қозижон махдумнинг уйига дастёрликка элтиб берди. У амалдан туширилган қози бўлиб, Абдуллахожа Таҳсиннинг акаси эди. Қозижон махдумнинг ҳовлиси Такбандбофон гузариди, Бадалбек мадрасасининг шимолида бўлиб, мадраса билан гузар орасидан бир кўча ўтарди.

Абдуллахожа Таҳсиннинг уйи бўлмагани сабабли оиласи ва уйланган қайин иниси билан шу ҳовлида яшарди. Қозижон махдумнинг ўғли Абдураҳим махдум ҳам оилали эди, шу ҳовлида истиқомат қиларди. Бундай серодам ҳовлининг дастёрлиги биринчи қарашда анча қийин кўринса ҳам, укамга у қадар қийинлик қилмади. Чунки қозининг отбоқарлари ва бир кун унинг қози бўлишига умидвор мулозимлари бўлиб, бу ердаги оғир ишларни шулар қилишарди. Бунинг устига бу оила Бухоронинг аслзодаларидан ва мавлона Шариф авлодларидан бўлсалар ҳам, табиатан бечора ва хокисор одамлар бўлиб, ўз ишларини ўзлари қилишар, хизматкорларга қарашлари ҳам яхши эди: укам мўйсафид қозининг ўзи билан ўтириб таом ер, усту бошларини анча одамшаванда қилиб берган эдилар, кийимларини ҳам ичкарида ўзлари ювиб берардилар.

Укамнинг анчагина саводи чиқиб қолган эди, энди эса Абдуллахожа ҳузурда мадрасанинг ибтидоий дарсларини ўқир, қозининг ўзи унга хат машқ қилдириб, натижада у мукаммал савод эгаси бўлиб олди.

Абдуллахожа Таҳсиннинг хотини машҳур шоир Абдулқодирхожа Савдонинг қизи бўлиб, отасининг катта баёзи шунинг қўлида эди. Мен ҳам, таътил кунларида агар вақт топсам, шуларнинг уйларига бориб, ўша баёзни ўқирдим. Абдуллахожанинги ўзи ҳам (мен у билан Латифжон махдумнинг уйида танишган эдим) менга адабиёт ҳақида гапириб, шу ерда ўтириб ўқиш шарт билан адабий китобларини берарди.

Аммо Савдонинг ўғли (уни Ака Эшон деб чақирардилар) ва Абдуллахожа Таҳсиннинг қайин иниси бутунлай хат-саводсиз одам эди. Фақат отасининг баъзи хислатларини менга оғзаки сўзлаб берар ва баъзи шеърларини ёддан ўқир эди.

Унинг сўзига қараганда, отаси қашшоқ, ринд табиат одам бўлиб, замонасининг баъзи урф-одатларига ва диний маросимларига амал қилмас экан. Тирикчилигини эса, заргарлик ва наққошлик касбидан топган даромад билан ўтказар ва бу ҳунарда зўр маҳорат касб этган экан.

Амир Музаффар уни саройга тортиб, ўзига надим (ҳамсуҳбат) қилиб олгач, аҳволи жудаям оғирлашибди. Чунки у саройда бўлгач, икки от ва отбоқар сақлашга мажбур бўлибди. Бунинг устига амир ўз саройининг қондаларига мувофиқ унга маош тайинламабди. Бунинг ўрнига аҳён-аҳёнда бирор иш баҳонаси билан музофотларга юборар, у ердаги ҳокимлар бунга хизмат ҳақи тариқасида бирор нарса берар эканлар. (Савдо шунга ўхшаш сафарларнинг бирида 1873 йилда эллик ёшида Нарак кўпригида Вахш дарёсида ғарқ бўлган эди.) Бу садақанамо ва номуайян даромад билан ўз рўзгорини эмас, отлар билан отбоқарни ҳам тўйдириб бўлмас экан. Бунинг устига сарой аҳли бемазагарчилик ва фиқу фужурга ботган ҳолда, беш вақт намозни сарой олдидаги масжидда жамоат билан ўқишга мажбур эдилар.

Амир Ширбадан деган ерда наврўз байрамини ўтказиб турган чоғда, Савдо ўз аҳволини хулоса қилиб, қуйидаги рубоийни ёзган экан:

Эй фалак, кўнглимни вайрон қилдинг,  
Бурда нонга зору ҳайрон қилдинг.  
Бенамоз ошиқу ринд эрдим мен,  
Ширбадан ичра намозхон қилдинг.

Савдонинг ўғли айтиб берган ҳикояларнинг яна бири мана бундай: бир кун амир Шаҳрисабзга борибди. У ернинг одати бўйича бировнинг бировга даъвоси бўлса, ариза ёзиб келиб, сарой аҳлидан бирига берар, у, аризани амирга топшириб, ҳукм чиқартирар экан.

Бир кун Шаҳрисабзда Савдо расмий кийимларини кийиб, амир саройи ёнидаги бир супада ўтирган экан. Шунда қишлоқ имомларидан бири ариза ва вилоят муфтисининг ривоятини кўтариб келиб, Савдога берибди. У ўз навбатида бу аризани амирга топшириши лозим эди. Аризанинг мазмуни мана бундай экан: имом имомат ҳақи талаб қилган вақтда низо чиқиб, бир деҳқон шу имомни «бўғзингга фалон», деб сўкибди, муфти эса,



авом одам бирор муллани «бўғзингга» деб сўкса, кофир бўлади, шариат юзасидан ундай одамни ўлдириш лозим, деб фатво ёзиб берибди.

Савдо ариза ва ривоятини ўқигач, ўша муллага шундай дебди:

— Биров бировни «бўғзингга» деб сўкса, кофир бўлмайди, чунки бўғиз қоринга тобе бўлиб, қорин тўла нажосатдир. Ифлос сув ўрага тушди, деб фараз қилинг. Агар ишонмасангиз мен ҳам бўғзингизга фалон қилай! Кўриб турибсизки, бу алфоз билан мен кофир бўлганим йўқ, шундай бўлгач, у деҳқон нега кофир бўлсин? Туринг, даф бўлинг!

Саройнинг расмий одамидан бу муомалани кўрган имом ариза ва ривоятни ташлаб қочибди.

Афсуски, мен у кунларда, вақтим озлигидан, Савдонинг баёзидан бирор нарса кўчириб ололмадим, фақат наридан-бери ўқиш билан кифояландим. Ҳолбуки, у баёзда ижтимоий мазмундаги кўп ҳажвиётлар бўлиб, Савдо уларда ўз даврини шарҳлаб берган эди.

## БАДАЛБЕК МАДРАСАСИДА МЕНИНГ ИЛМИЙ ВА АДАБИЙ МАШҒУЛОТИМ

Мен 1894—1895 ўқув йилини бошладим. Бу йил худди ўтган йилдаги сингари бизнинг дарсимиз Ғафуржон махдумнинг қорилигида домулла Икромча ҳузурида «Шарҳи Мулла»дан бошланиши лозим эди.

Аммо Ғафуржон тезроқ хатм қилиб, бирор жойга қози бўлиш ниятида бир йўла орадаги икки йиллик дарсни ташлаб, «пешқадам» бўлиб олди. Аммо бу ишни жамоа қабул қилмай, дарсларини мадраса программаси асосида тартиб билан давом эттирди. Бинобарин, Ғафуржон илгари кетиб, ўзига бошқа жамоа ташкил қилди. Бизнинг жамоада қори бўларли бошқа муллазода бўлмагани сабабли, дарсхонликни ҳавас қилиб, бизга шерик бўлиб қолган мулла Иброҳим номли бир бойваччани қориликка тайинлашди.

Мен бу йил кунжак домулла — мулла Абдусалом ҳузурида ҳам дарсхона дарсларини ҳамда «Матни Кофия» дан ҳам бир дарс ўқирдим. Бадалбек мадрасасида Абдуллажон Деҳнавидан бўлмиш мулла Бозор номли домуллада ҳам «Кофия»нинг яна бир жойидан дарс

бошладим. Агар ҳужра эгасининг олдида ўқийдиган дарсимни ҳисобга олсам, бу йил менинг дарсим бештага етди. Дарсхоналарга бориб, дарс навбатини кутишга беш соат вақт кетарди. Қолган вақтимни ошпазлик, хўжайинларнинг ҳужраларини супуриш ва беморга қараш билан ўтказиб, кечалари ўтган дарсларни такрорлар, ўтиладиган дарсларни тайёрлар эдим. Таътил кунлари хўжайинларнинг уст-бошини ювиш, меҳмонларини кутиш ва кузатиш билан ўтарди. Шу ишлар орасида хўжайинларимга қарашли бўлган Соиб девонини ҳам гоҳ-гоҳ ўқиб қўярдим.

\* \* \*

Бадалбек мадрасасидаги талабалар ва муллалар орасида адабиётдан сира гапирилмас эди. Улар дам олиш кечаларини бир ҳужрага тўпланиб ашула айтиш, гача ва подшо-вазир ўйнаш билан ўтказар эдилар. Ашула айтилганда эшитувчилар ҳеч қачон байтларнинг маъносига диққат қилмас, уни тушунмас эдилар. Фақат ашулачининг овозидан завқланардилар, ҳолбуки, ашулачиларнинг ҳаммаси ҳаваскор бўлиб, куйларни ҳам дуруст билмасдилар.

Гача ўйини бундай бўларди: мажлис аҳли иккига бўлиниб рўпарама-рўпара ўтиришади. Бир тошни олиб уни «гача» деб атайдилар. Бир тарафдаги одамлар гачани олишиб, қўлларини сандал кўрпасининг ичига тиқишади ва улардан бири гачани муштига яширади, аммо ҳаммалари муштини кўрпадан чиқариб, қаршидагиларга чўзиб бир овоздан:

Гача менинг қўлимда!  
Топ-чи қайси қўлимда?

деб қичқиришар эди.

Муқобил тарафдаги одамлар узатилган қўлларни бир-бир ушлаб кўриб, уларнинг юзларига диққат билан тикиларди. Охир уларнинг бири гача қайси қўлда эканини тахмин қилса, шу қўлни маҳкам ушлаб қичқирарди:

Гача сенинг қўлингда!  
Мана ушбу қўлингда!

Бу одам ҳақиқатда гачани топган бўлса, унинг тарафдорлари ютган, топмаган бўлса, бой берган ҳисобланарди. Агар бир тарафнинг ютуғи юзга етса, маррага етиб, ўйин тамом бўлади. Шунда ютган тараф бой берган тарафдан икки танга (ўттиз тийин) оларди. Аммо ютган тараф бу пулни ўзаро бўлиб олмай, эртасига эрталаб шу пулга нўхатпаздан нўхат шўрва олиб келиб, голиблар билан мағлублар биргалашиб ер эдилар.

Подшо-вазир ўйини бундай бўларди: талабалар бир ҳужрада тўпланишади. Ораларида битта ошиқ ҳам бўлади. Ошиқни навбатма-навбат олиб ўртага ташлайдилар. Кимнинг ошиғи олчи турса — подшоҳ, товва турса — вазир, чикка тушса — ўғри, пукка тушса — раис ё миршаб бўларди. Ўртада бир рўмолни бураб «дарра» қилиб қўярдилар. Подшоҳ, вазир миршаб ё раис муайян бўлгач, «ўғри» бўлиб қолган одамни миршаб ё раис ушлаб турар, вазир подшога қараб: «Олий ҳазратлари, бир ўғри қўлга тушди!»— деб арз қиларди. Подшоҳ ундан сўрарди:

— Ўғри семизми, ориқ?

Агар вазир «семиз» деса, подшоҳ буюрарди:

— Гўшт, ёғини озайтириб, қўйиб юбор, бечорачилигини қилиб юрсин.

Бу ҳолда подшоҳ миршаб ё раис воситаси билан ўғридан гўё бир нарса ундириб, озод қилишга буюради.

Агар вазир «ориқ» деса, подшўҳ буюрарди:

— Раис ё миршабга айт, у ўғрини бир кам қирқ ё етмиш беш дарра уриб, зиндонга жўнатсин, ўша ерда чириб, сасиб кетсин!

У ҳолда «ўғри»ни ҳалиги «дарра» билан уриб жазо берардилар. Бу ўйин менга жуда маъқул эди, чунки у Бухоро амирининг идора усулини жуда яхши ифода этарди. Чиндан ҳам Бухоро маъмурлари семиз (серпул) ўғрилардан пора олиб озод этар ва улар яна ўғрилик қиларди, аммо ношудроқ ўғриларни уриб зиндонга солардилар.

\* \* \*

Бадалбек мадрасасида мулла Рўзи деган одам бўлиб, у шеърни севар ва яхши тушунар эди. Қирқ ёшлар чамасидаги ўрта бўйли, кам гўшт бу одамнинг юз, соқол ва қошлари лўлиларникига ўхшаб кетарди. У Абдулла-

хожа Таҳсиннинг амакиваччаларига тегишли ҳужраларнинг бирида истиқомат қиларди.

Мулла Рўзи мадрасани аллақачон битирган, тожик ва арабча саводли бўлишига қарамай, бирорта муллалик мансабига етолмаган, ҳеч қандай даромади йўқ, қашшоқлик билан тирикчилик қиларди. У шаҳардан тўрт километр масофада, Ситорамаҳхоса яқинидаги Кулбаи Карамкорон қишлоғида туғилган эди. Унинг отаси тирик, ёши етмиш бешларда кўринарди. Унинг ўз қишлоғида ярим таноб ери бўлиб, унга ҳар йил қизилча экар, куз бошланиши билан ҳар кун ундан бир кажавани тўлдириб келар, ҳаммомнинг иссиқ кулига кўмиб пиширар, эртасига пишган қизилчаларни Бадалбек мадрасаси олдида ўтириб пичоқ билан арчар, уларни қалам-қалам кесиб, талабгорларга сотар, шунинг даромадидан ўғлига бир нонга пул бериб, қолганини ўзи ва кампирнинг тирикчилиги учун олиб кетарди.

Мен мулла Рўзининг қашшоқлигига раҳм қилиб, унинг уст-бошларини хўжайинларимнинг кийим-бошлари қаторида ювиб берардим. Дам олиш кунларида ҳужрасини супурар эдим. Унинг ҳужрасида яроқли палос ҳам, китоб ҳам йўқ эди. У: «Мен дарсларимни китобни ориятга олиб ўқиб тугатдим»,— дер эди. Адабий китоблардан фақат Ҳофизнинг босма девони бўлиб, у ҳам йиртиқ эди. Унинг ҳужрасини супурган кезларимда ўша ерда бир оз қолиб, шу девонни ўқир эдим.

Мулла Рўзининг ягона машғулоти базмга юриш эди. Агар ўша яқин орада базм бўлиб қолса, кечалари бориб гоҳ ярим кечада, гоҳ тонготарда келиб ҳужрасида ётарди.

## БУХОРО БАЗМЛАРИ

Бухорода тўй бўлса доира базм ташкил қилиш одати бўларди. Бойлар тўй қилса, махсус чақирилган меҳмонлардан бошқа киши кирмасин, деб эшикларни бекитиб базм қилардилар. Аммо оддий одамларнинг базмлари очиқ бўлиб, доира овозини эшитган ҳар бир одам базмга бориб томоша қилишга ҳақли эди ва бундай томошабинларни «доирахабар», дер эдилар.

Бу хил тўй базмларидан ташқари, жамоат базмлари ҳам бўларди. Жамоат базмларини бир гузар ёхуд ша-

ҳарга яқин бир қишлоқ ёшлари ўзаро пул тўплаб ташкил қилардилар. Аммо бу хил базмларни базм кимнинг уйида ўтказилса, ўша одамнинг тўй базми деб атардилар.

Бу хил базмларнинг ҳаммаси ҳам расмий бўлиб, созандаларни фалончининг тўйига деб, миршабнинг руҳсати билан олиб келардилар. Расмий созандалар одатда дасталарга бўлинарди. Дасталар қуйидагилардан ташкил топарди: ёшроқ бир доирачи даста бошлиғи ва устакор ҳисобланар, унинг қўли остида ёш бир раққос, уч ёки тўрт нафар доирачилар бўларди. Бу дасталар ҳофизларнинг хушовозлиги, доирачиларнинг забардастлиги ва раққосларнинг санъаткорлиги жиҳатдан бир-биридан фарқ қиларди. Бинобарин, яхши дасталарни қўлга киритиш учун анча жанжал, хархашалар, обрўли воситалар, пора ва «ҳадя»лар ишга солинарди. Одатда созандаларнинг ихтиёри миршабнинг қўлида бўлиб, уларни бевосита назорат қилувчи, амир тарафидан тайинланган «ғолиб» унвонли маъмур бўларди. Ғолиб созандаларнинг даромадидан бешдан бир қисмини ҳукумат ҳисобига чиқариб, бу маблағнинг бир қисми ғолибга, қолган қисми миршабга қоларди.

Кимки базм қилишни истаса, хоҳ тўй муносабати билан, хоҳ бошқа муносабат билан, миршабга «тўйим бор» деб мурожаат қиларди. Миршаб ғолибнинг номига қуйидаги мазмунда хат ёзарди: «Фалон гузарлик фалончи (ё фалон қишлоқлик) хайрли иш бошламоқда. Унга бир даста созанда юбориб, жаноби олийнинг ҳақларига дуо олинг».

Ғолиб кун бўйи тўпланган хатларни кечқурун кўриб чиқиб, ўз расмларига қараб, дасталарни тақсим қиларди. Агар хатлар кўпроқ бўлса, баъзиларга созанда етмай қоларди. Созандаларнинг яхши-ёмонлиги ҳақидаги жанжал ҳам шу ерда бошланар эди.

Бойлар базмларнинг охирида созандаларга тўн кийдириб, пул бериб жўнатардилар. Аммо оммавий ва жамоат базмларида базм қурган одамлар созандаларга ҳеч нарса бермасди. Аммо базм бориб турган кезде «саргардон» эълон қилинарди. Бунинг маъноси шуки, доирачилар ўз олдларига рўмол ёзиб қўйиб, доирани бошқа мақомда чалар, томошабинлар, хоҳ махсус таклиф этилган бўлсин, хоҳ «доирахабар» бўлсин, ҳар бири ё ҳар бир гуруҳи бир танга, ё икки танга келтириб рўмол-

га ташлар эдилар. Қашшоқ муллабаччалар ва умуман камбағаллар «саргардон» бермасдилар. Созандаларнинг ҳақи мана шу оммадан йигилган пул бўлиб, миршабга бешдан бирини ажратгач, қолганини ўз ораларидаги тартибга кўра бўлиб олардилар.

Аммо созандалар подшоҳлик ташкил қилган базмларда ёхуд ҳафталарча чўзилган наврўз байрами базмларида бепул хизмат қилардилар. Овқат ва бошқа харажатлари ҳам бундай базмларда ўз ҳисобларидан бўларди.

«Доирахабарлар» ҳам ҳар базмга бора бермай, раққослари ва хонандалари ўзларига маъқул бўлган дастаннинг базмига борар эдилар.

Мен Бадалбек мадрасасида турган вақтимда мулла Рўзи бир кечалик хўжа Аҳмад деган раққоснинг базмига борарди. Бу жуда моҳир раққос ва тенги йўқ ҳофиз эди. Бу дастаннинг доирачилари орасида ғиждувонлик Тўла, мўлиёнлик Эргаш номли моҳир доирачилар бўлиб, уларнинг панжалари зарбидан осмон ёрилади, дер эдилар.

Мулла Рўзи базмларга мени ҳам бирга олиб борадиган бўлди. Мен табиатан рақс ва қўшиқни яхши кўрганым учун кам-кам бу томошага одат қилдим, бора-бора базмларда унинг ёнидан узилмайдиган бўлдим. (Мен дастлабки шеърларимни шу базмларни тасвираб ёзгандим, бироқ бу шеърларнинг намуналари кўлимда қолмабди.)

Базм шинавандаларидан мулла Абдулазиз номли бир кўлоблик менинг диққатимни жалб қилди. У Кўлобдан Бухорога ўқишга келиб, бир неча йил ўқибди. Ўқишдан баҳра олмаганми, ёхуд ўқиш жонига текканми, ҳарнечук, ўқишни тарк этиб, бир шайхга мурид бўлиб, хонақоҳни манзил қилибди. Бу иш ҳам жонига текканидан, санқиб юрадиган ва базмпараст бўлиб қолибди. У жуда қашшоқ эди, одамлар, у кишиларнинг садақаси билан яшайди, дер эдилар. У, вайронага айланиб, ҳужралари бўшаб қолган шаҳар четидаги Жаъфархожа мадрасасида яшар экан. Аммо на таътил ва на таҳсил кечалари бир кечалик хўжа Аҳмаднинг базмларидан қолмасди. Ашулачилар авжга чиққанда, у туядек маст бўлиб ўрнидан турар. Маст туядек бўкириб, оғзидан кўпиклар сочар, охири беҳуш бўлиб йиқиларди. Уни турғизиб базмхонанинг бир четида ётқизиб қўйишарди. Бирор соатдан

сўнг ҳушёр бўлиб турарди. Яна авж ва рақс вақтида шу ҳолатга тушар, базмнинг охиrhoғида ғойиб бўлиб кетар, базм тамом бўлиши билан қўлида бир кўзача билан ҳозир бўларди. Бу кўзачада ширчой қилиб келиб, бу сизларнинг овозингизни яна ҳам таъсирлироқ қилади, деб созандаларга ичкизар эди.

## БУХОРО ОЛИФТАЛАРИ

Мен базмларда юриб Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги одамлар билан яхшигина танишиб олдим. Буларнинг кўпчилиги косиб, отбоқар, аравакаш, мешкобчи, шувоқчи, дурадгор ва шунга ўхшаш одамлар эдилар. Булар умуман хокисор, хушмуомала, хушсуҳбат кишилар эди. Албатта бу гуруҳларга мансуб одамларнинг ҳаммаси ҳам базмма-базм юрмасдилар. Аммо бу гуруҳлардан базмларга юришга одатланганларининг ҳаммалари гапдон, ҳозиржавоб ва саводсиз бўлишларига қарамай, шеърхон, баъзилари эса шеър ҳам айтардилар. Сўзлари ҳамиша икки маъноли, сўкишлари деярли ҳамиша киноя ва қочириқдан иборат бўларди.

Масалан, биров лоф гапирса, улардан бири: «Кўп баланд кўтарилма, баландга кўтарилганлар йиқилган еридан туролмайдди»,— дер эди. Агар биров бемаъни гапларни гапирса, улар: «Жим тур, йўқса оғзингни эски калушга айлантираман»,— дер эди (бу жумлада калуш расм бўлмасдан олдин «кавуш» сўзини ишлатар эдилар. Эски калушни кўрганларидан кейин бу сўзни муносиброқ кўрдилар).

Уларнинг баъзилари рақс вақтида раққос ва ашулачи таърифида шеър айтар, баъзилари ашуладан сўнг коса, товоқ, ҳатто кўзани бошларига уриб синдирар эдилар, бу уларнинг калла уришдаги маҳоратларини намойиш қиларди. Буларнинг мардлигида олижаноблик нишонлари бўларди. Агар базмларига узоқроқ гузардан битта-яримта ёш йигит қатнашган бўлса, у миршаб одамларидан ва ўғрилардан зарар кўрмасин деб, базм охирида уни уйга олиб бориб қўярдилар. Дўстликда жонларини қурбон қилишга тайёр, душманликда эса беомон, лекин мард эдилар. Агар буларнинг орасидан битта-яримта безори чиқиб қолса, унга шафқатсизлик билан жазо берардилар. Бордию, шарму ҳаёли ик-

ки мард йигит орасида душманлик рўй берса, европаликларнинг дуэлига ўхшаш яккама-якка уриш йўли билан ҳал этиларди. Европаликларнинг дуэли билан буларнинг уриши орасида фарқ шундан иборат эдики, дуэль аслзодалар орасида, яккама-якка уриш Бухоро қосиблари ва сендан мен камми, дейдиган қузурлар орасида бўларди. Яккама-якка уришнинг сабаби ҳам дуэлининг сабабидек бировнинг иззати нафсига, номус, шарафига тегиш ёхуд ҳарифнинг куч-қудратини тан олмаслик, рад этишдан келиб чиқарди.

Бу тоифа одамларнинг умумий лақаби «олифта» бўлиб, улар уст-бошлари билан бошқалардан фарқ қилиб турардилар. Чунончи, шогирдлик даражасидаги ёш йигитлар маҳсисиз баланд пошна кавуш кийиб, саллани эшиб боғлар, фашини калта (сичқондум қилиб) қўярдилар. Белларига рўмолча боғлаб, унга иккита кичикроқ пичоқ осиб юрардилар. Бу хил йигитлар киядиган кўйлакнинг олди берк (яктак сингари олди очиқ эмас) бўлиб, ҳошияли бўларди. Буларнинг унвони «нимтайёр» эди. Булар қалла уриш, оёқ ва тизза уришни ўрганиб, умуман шу хилдаги зўравонликда ўзларини кўрсатиб, ўзларига ўхшаганлардан ўзиб кетсалар, уларга «тайёр» унвони бериларди.

Тайёрлар баланд пошналик этик кияр, белларига ўрама белбоғ боғлаб, тиғи ярим газ келадиган катта пичоқ тақиб олардилар. Булар яктак кийиб, кўкракларини очиб юришарди. Фашини ёшларга нисбатан узунроқ қўйиб, саллани замбар қилиб, яъни салланинг печини шундай бураб ўрар эдиларки, у новдадан тўқилган замбар шаклини олар эди. Буларнинг энг юқори унвони «марди мардон» (мардлар марди) эди. Бу унвон ҳар бир даврада фақат бир кишига бериларди. Марди мардон сариқ чармдан тикилган учи ингичка пошнаси кавушни маҳсисиз киярди, буни Бухорода «кавуши олак» дейишарди. Саллани кичик ўраб, аффонлардек фашини узун қўярди. Қишин-ёзин яктак кийиб, устидан арзон баҳо оддий белбоғ боғлаб, қинлик қаламтарош осиб юрарди.

Олифталарнинг қасами «саттор» сўзини тилга олишдан иборат бўлиб, шу сўзни тилга олиб фалон ишни қиламан дедими, боши кетса ҳам қилиши лозим эди. Агар қасамини бузса, айтган ишини қилмаса «қомардлик» билан машҳур бўлиб, олифталар орасидан ҳайдалар эди.



Тайёрлар гўё марди мардонликка номзодлар эдилар. Агар марди мардон ўлса, ёки мардликка хилоф бир иш қилиб, бу мартабадан тушса, тайёрлардан мардликда мумтоз, зўрликда мислсиз, безорилик ва ўғрилиқ билан бадном бўлмаган биттасини сайлашар эди.

Гоҳ марди мардон билан тайёрлардан бири орасида яккама-якка уриш ҳам бўларди. Агар бунда тайёр ғолиб чиқса, марди мардон унвонини ўша оларди, бордию, марди мардон ғалаба қилса, тайёр олифталар орасидан ҳайдаларди. Чунки у қуввати етмаслигига қарамай, марди мардонга ҳурматсизлик қилган бўлади. Гоҳо икки тайёр орасида яккама-якка уриш бўларди. Агар мағлуб ғолибга таслим бўлса, тайёр номи билан қолар, таслим бўлмаса, олифталар орасидан ҳайдалар эди.

### **МУҲАММАДИЙ МАХДУМ БИЛАН БАРНО ТАЙЁР УРИШИ**

Мен Бадалбек мадрасасида яшаб юрган вақтларда Бухоро олифталарининг марди мардони Муҳаммадий махдум эди. У Бухоронинг Моркуш гузаридан бўлиб, ёши эллиқдан ошган бўлса ҳам, соқолида бирорта оқи йўқ эди. Муҳаммадий махдум ўрта бўйли, кам гўшт, буғдой ранг, бароқ қош, қора кўзлари чақнаб турган бир одам эди.

Унинг касби шоҳи тўқиш бўлиб, Жўбор шоҳичиларининг корхоналарида халифакорлик қиларди. Шоҳичиларнинг корхоналари қоронғи, зах эди. Бунинг устига халифалар (ишчилар) белигача чуқурга тушиб ишларди, бу шароит усталарнинг саломатлигига таъсирсиз қолмасди. Муҳаммадий махдум болалигидан шу касбда, шу шароитда ишлаб келгани учун ранглари синиқ, сил касалига йўлиққан одамдай нимжон, бедармон кўринарди.

Шоҳичилиқдан келган даромад ишчиларнинг таъминотига аранг етарди. Халифа ҳафта давомида муайян миқдорда яхши мол тайёрлаб бериб, бунинг эвазига ҳафта охирида арзимас иш ҳақи олар эди. Бошқаларнинг корхоналарида ишлайдиган ишчилар бошқа касбдаги кишилар сингари бир ҳафта кечаю кундуз ишлаб, шу корхонада яшардилар. Фақат пайшанба куни соат ўн иккида ишдан озод бўлиб, уйларига ёки сайру томошага кетардилар. Улар жума куни шом вақтида корхонада ҳозир бўлиб, яна иш бошлашлари лозим эди.

Бухоро корхоналарининг халифакорлари (ишчилари) шаҳарнинг бошқа аҳолиси сингари Девонбеги лабиҳовузида дам олар, шу ернинг чойхоналарида ўтириб суҳбат қилишарди. Пайшанба оқшомларида гуруҳ-гуруҳ бўлиб бирортасининг ҳовлисида тўпланишиб, гурунглашар ёки базм қурадилар. Жума кунини ҳам шу хилда сайру томоша билан ўтказишар, агар ҳаво яхши бўлса, шаҳар атрофидаги гузарларга чиқишар эдилар.

Муҳаммадий махдум охириги вақтларда бундай сайру томоша ва базмларга иштирок қилмасди. У корхонадан чиқиб тўғри ўз ҳовлисига келарди. Унинг уйи тор, тўрт бурчак ҳовлининг йўлаги устига қурилган бир хонали болохонадан иборат эди.

Муҳаммадий махдумнинг хотин, бола-чақаси йўқ эди. У шу болохонада бефарзанд тул опаси билан яшарди. Корхонадан келгач, опасига бирор иссиқ овқат буюрарди. Агар ҳаво ёмон бўлса болохонага кириб ухлар, бир ҳафгалик ҳоридиғини чиқарар, бордию, ҳаво яхши бўлса, ўз гузаридан сал нарироқда бўлган Ғозиён лабиҳовузига борарди.

Ғозиён лабиҳовузи сердарахт ва хушҳаво жой бўлса ҳам, чойхоналари йўқ эди. Шунинг учун Муҳаммадий махдум Ғозиён бозоридаги чойхоналардан бир чойнак келтириб ҳовуз зинаси устида ўтирар, агар ҳаво иссиқ бўлса, оёқларини тиззасигача сувга солиб ўтирарди. Ёнига рўмолчасини ёзиб, унга битта иссиқ нонни синдириб қўяр, нон еб, чой ичиб фикрга чўмарди. Аммо у нима тўғрида фикр қиляпти, иш устидами, тирикчилик ва замонаси ҳақидами, ёинки ўз саргузаштларини хотирлаб завқланияптими, ё бўлмаса афсус чекаптими, буни сини билиб бўлмасди.

Агар шу вақтда бирор ошнаси кўзга кўриниб қолса, уни чақириб бир пиёла чой берар, истар-истамас икки-уч дақиқа суҳбат қилиб, у кетгач яна фикрга чўмарди.

Кунлардан бир кун Муҳаммадий махдум Ғозиён ҳовузининг зинасида ўтирган чоғда, кавушдўзлар оқсоқоли<sup>1</sup> келиб ёнига ўтиради. Суҳбат вақтида ўша даврдаги безори ёшлардан шикоят қилади. Укаси бозорга чиққан-

---

<sup>1</sup> Бухорода ҳар бир ҳунар аҳли бир ташкилотга бирлашган бўлиб, уларнинг оқсоқол ва югурдаги бўлар эди. Оқсоқол ранс ўрнида бўлиб, югурдак керак бўлганда уларнинг ҳаммасини бир ерга тўплар эди.

да баъзи безориларнинг унга гап ташлаб, номуносиб ҳаракатлар қилганларини ҳикоя қилади. Сўзининг охирида Муҳаммадидан бу безориларга насиҳат қилиб қўйишни илтимос қилади.

— Менинг Девонбеги лабиҳовузига борадиган ода-тим йўқ,— деди Муҳаммадий,— аммо сизнинг ҳурма-тингиз учун ҳозир бораман. Укангизга айтинг, то мен Девонбеги лабиҳовузига бориб келгунимча орқамдан юрсин. Шу билан безориларнинг тили ҳам, қўли ҳам тийилиб қолади.

Шу заҳотиёқ кавушдўзлар оқсоқолининг укаси келиб Муҳаммадий махдумга ҳамроҳ бўлади, махдум олдинда, у бир қадам орқада йўлга тушадилар. Муҳаммадий махдум Чорхарос, Говкушон. Сесугузарларидан, баззолик растасидан ва Тоқи Саррофондан ўтиб, Девонбеги лабиҳовузига унинг жануби ғарб бурчагидан кириб боради. Сўнгра ўнг тарафдан лабиҳовузни бир айланиб, шимоли ғарб томонидан чиқиб, чойфурушлик растаси, калава бозори, атторлик, мева бозорига бориб, ошқовоқ бозори, Тоқи Хожамуҳаммад Паррондан ўтиб, чилангарлик растаси, Сиёҳ корон гузари, Модарихон, Бозори нав, Муҳаммад Ғаззоли ва Даббиён орқали яна Ғозиён ҳовузига келади. У ердан ҳалиги бола уйига кетиб, Муҳаммадий махдум ҳовуз бўйида қолади.

Шу билан шаҳар олифталари ва безорилари орасида, кавушдўзлар оқсоқолининг укасини Муҳаммадий махдум ўз ҳимоясига олибди, деб овоза тарқалади. Энди бирор безори унга нисбатан номуносиб ҳаракатда бўлолмайди, кўз олайтириб қараёлмайди.

\* \* \*

Барно тайёр Понобиён<sup>1</sup> гузаридан бўлиб, касби шувоқчилик эди. Унинг ёши йигирма саккиз-ўттизларда, бўйи баланд, қўл-оёқлари узун ва мушакдор, сергўшт ва биққа бадан эди. Ранги рўйи оқиш, соч-соқоли ва қошлари қора қизғиш, қўй кўз, аммо қарашидан қизиққонлиги ва тез табиатлилиги кўриниб турарди.

---

<sup>1</sup> Поноб — Ромитон туманининг поёб (сув тугайдиган жой) идаги бир қишлоқ бўлиб, унинг ерсиз, ери оз деҳқонлари шувоқчилик қилар ва бир гуруҳ устароқлари Бухорога кўчиб келиб, бир гузар ташкил қилиб, уни ўз қишлоқларининг номи билан Понобиён (Поёнобиён) деб атаган эдилар. Ўзбекистоннинг машҳур меъмори Уста Ширин ҳам шу гузардандир.

У «тайёр» увониға мувофиқ баланд пошна этик ки-йиб, кичик салла ўрарди. Зўрликда у бошқа тайёрлардан устун бўлиб, ҳамма унга бўйсунган эди. Фақат марди мардон Муҳаммадий махдумнинг даражаси ундан баланд бўлиб, бу ҳол унинг шуҳратпараст табиатига, зўравонлик ғурурига мос тушмас эди. У бирор баҳона топиб Муҳаммадий махдум билан яккама-якка уришиб, ундан голиб чиқиб, марди мардон бўлиб, шаҳар олифталари орасида ҳаммадан юқорироқ даража олиш ниятида эди.

Юқорида зикр қилинган йигитчанинг Муҳаммадий махдум ҳимоясига ўтгани ҳақидаги овоза Барно тайёр учун тайёр баҳона бўлди. Бу орада Ғозиён гузаридаги ҳовлиларнинг бирида тўй бўлиб, базм қурадилар. Бу базмда Барно тайёр ҳам ўз шериклари билан ҳозир бўлади. Шу маҳаллалик бўлгани учун ошналари билан ҳалиги бола ҳам келади.

Базм давомида Барно тайёр бир муносабат топиб кавушдўзлар оқсоқолининг укасига бундай дейди:

— Ука, сиз Муҳаммадий махдумнинг ҳимоясига ортиқча бино қўйманг. У қариб кучдан қолган, «Фарҳоднинг навбати ўтиб, Мажнуннинг навбати келди» дейдилар. Энди давру даврон бошқаларники.

Бу хабар эртасига эрталаб Муҳаммадий махдумнинг қулоғига етади. Барно тайёрнинг бу сўзи олифталик қондасига мувофиқ Муҳаммадийни уришга даъват қилиш эди. Муҳаммадий махдум бу талабни жавобсиз қолдира олмасди, чунки у ҳолда ўзининг қирқ йиллик олифталик шарафи поймол бўларди.

\* \* \*

Шу базмдан кейин биринчи пайшанба куни Муҳаммадий махдум Девонбеги лабиҳовузига бориб, чойхона сўрисининг четига чой чақириб, ёлғиз ўзи ичиб ўтиради. Узоқ ўтмай Барно тайёр ҳам узоқдан кўринади. Муҳаммадий махдумнинг рўпарасига келгач, ўнг қўлини кўкрагига қўйиб салом беради. Муҳаммадий махдум саломга алиқ олгач, ундан сиҳат-саломатлик сўрайди ва бир пиёла чой узатади. Барно тайёр тик туриб чойни ича беради. Шу вақтда Муҳаммадий махдум Барно тайёрга савол беради:

— Қачон?

— Эртага, жума куни,— жавоб беради Барно тайёр.  
— Қайси вақтда?— яна сўрайди Муҳаммадий махдум.

— Жума намозидан кейин!

— Қаерда ?

— Хожа Муҳаммадий Туркижанги тепалигида.

— Худо сизга қувват берсин, мардларнинг арвоқлари мададкорлик қилсин!— деди Барно тайёрга Муҳаммадий махдум унинг охирги сўзини эшитгандан сўнг.

Барно тайёр қўлидаги чойни ичиб, пиёланинг лабини тўнининг кўкрак устини ёпиб турган жойида артиб, махдумга беради ва:

— Саломат бўлинг, узоқ умр кўринг, махдум ака!— деб ўз йўлига равона бўлади.

Мен бу воқеани Шарофжон номли йигитдан эшитган эдим, у Бадалбек мадрасаси олдидаги бир чилангарнинг шогирди эди. Шарофжон олифтабоз бўлиб, улар орасидаги ҳодисаларни билишга ишқибоз, бунинг устига Муҳаммадий махдумнинг ҳамгузари эди.

Шарофжон ҳам бошқа корхоналарнинг ишчилари сингари ҳафтада олти кун чилангарнинг дўконига ишлаб, иш тамом бўлгач, кечаси шу дўкондаги сандон ва кўралар орасида ётарди. Гоҳо мен чилангарнинг дўконига бориб у билан суҳбат қилардим. Гоҳо у бекорчилик вақтларида менинг олдимга чиқиб гаплашиб ўтирарди.

У олифтабоз бўлганидан нуқул олифталар ҳақида сўзлар, мен эса ҳар нарсани билиб олишга ҳавасманд, кунжков бўлганим учун унинг сўзларини зўр завқ билан тинглар, гап орасида саволлар бериб, ҳикоянинг менга норавшан жойларини таг-томири билан билиб олардим.

Шарофжон бир пайшанба куни соат ўн иккида ишдан бўшаб уйига кетди, у кечаси уйда ётиши керак эди. Лекин шомдан кейин чилангарнинг ёпиқ дўкони олдида пайдо бўлди ва менинг мадраса саҳнида ўтирганимни кўрибоқ, дарров келиб ёнимга ўтирди-да, шу куни Муҳаммадий махдум билан Барно-тайёр орасида бўлган воқеани ҳикоя қилиб деди:

— Эртага тепаликда улар уришадилар. Агар томошага қизиқсанг бирга борамиз.

Мен қабул қилдим. Эртасига жума намози вақтида Шарофжон билан бориб, мазкур тепаликка чиқиб олдик. Бу тепалик мазор бўлиб, Хожа Муҳаммад Туркижанги мақбарасининг уч тарафини ўраб олганди. Тепаликнинг

Ўртасига нисбатан, чуқурроқ бир майдонни бўлиб, мазорнинг қор, ёмғир сувлари тўпланарди. Олифталарнинг уришадиган жойи ҳам шу чуқур майдонча экан. Биз иккимиз майдонча жуда яхши кўринадиган баландликда ўтириб олдик. Ҳали у ерда ҳеч ким йўқ эди. Бир неча дақиқадан кейин Муҳаммадий махдум пайдо бўлди. У ҳамгузари Шарофжонга салом бериб, бизнинг олдимиздан ўтиб кетди ва майдончага бориб тиз чўкиб ўтирди.

Шундан сўнг бу воқеани эшитган томошабинлар кела бошлашди. Бора-бора томошабинлар майдончанинг атрофини ўраб олишди. Ҳаммадан кейин тепаликнинг шимол тарафидан — Понобиён гузари тарафдан Барно тайёр намоён бўлди. У келиб майдончага тушди ва тўғри Муҳаммадий махдум ҳузурига бориб иккиси саломалик қилишди, ҳол-аҳвол сўрашди. Шундан сўнг тўнларини ечиб бир тарафга қўйишди, саллаларини олиб тўнлари устига қўйдилар.

Сўнгра ҳар иккиси майдончанинг ўртасига бориб қўл қовуштириб рўпарама-рўпара туришди. Барно тайёр Муҳаммадий махдум рўпарасида тол қаршисида турган теракка ўхшарди. У махдумга қараб:

— Махдум ака, бошланг!— деди.

— Йўқ, ўзларидан,— деди махдум.

— Сиздан бошлансин, сиз бизнинг улуғимизсиз!— деди Барно тайёр.

— Йўқ,— деди яна махдум,— сиз талаб қилдингиз, талабгор илгари бошлаши керак. Мардларнинг қоидаси шу.

Барно тайёр ҳужумга ҳозирланди. У ўнг қўлини чўзиб қулочкашлаб Муҳаммадий махдумнинг қулоқ-чаккасига солди. Аммо махдум, кавушнинг пошнаси билан дарахт кундасига ургандай, қимир этмади.

Шундан сўнг Барно тайёр қўл қовуштириб:

— Хўп, махдум ака, ҳақингизни олинг,— деди.

— Йўқ, тайёр,— деди махдум,— «олиф», «бе», «те», «се» деганлар. Сиз уч марта ўз ҳунарингизни кўрсатишингиз керак.

— Дарвоқе,— деб Барно тайёр махдумнинг сўзини тасдиқлаб, иккинчи ҳужумга ҳозирланди.

Бу дафъа чап қўлини ёзиб махдумнинг ўнг қулоғи тагига туширди. Бу дафъа ҳам махдум қимирламасди.

Учинчи ҳужумда Барно тайёр тегишга ҳозирланди. Унинг оёғида қалин, баланд пошна булғори этик бор

эди. Аммо махдумнинг оёғида мартабасига мувофиқ шиппаксимон енгил олаки кавуш бўлиб, болдирлари очиқ эди. Барно тайёр қўллари орага қилиб, чап қўлининг панжаларини ўнг қўл панжалари орасига олиб, ўнг оёғини кўтариб, чап оёғини қимирлатмай, танасини ўнг тарафга эгиб, сўнг тезлик билан, ўқилондек қоматини ростлаб, этикли оёғи билан махдумнинг очиқ болдирига тепди.

Махдум бу гал ҳам ўрнидан қимирламади. Барно тайёр қўл қовуштириб зарба емоққа тайёр турди. Махдум унга:

— Рухсат беринг, ҳушёр бўлинг, тайёр!— деди-да, ўнг қўли билан қулочкаш қилиб Барно тайёрнинг қулоқ-чаккасига туширди.

Барно тайёр бамисоли болта билан томиридан кесиб ташланган теракдай ўнг қўли томонга учиб, ерга юмалади. Шу вақтда бир сағананинг орқасидан уч киши қўлларида пичоқ билан чопиб чиқиб, махдумнинг орқасидан ҳужум қилдилар ва бошингми-кўзинг демасдан тўғри келган жойига пичоқ ура бошладилар.

Махдум бу ногаҳоний ва хоинона ҳужумга тайёр эмасди. Бинобарин, бир лаҳза паришон бўлиб, ҳаракатсиз қолди. Сўнгра ўзини тутиб олиб, орқасига ўгирилди, пичоқ ураётганларнинг иккитасини қўлидан ушлаб, учинчисини оёғи билан тепиб ўзидан узоқлаштирди. Аммо Барно тайёр ўрнидан туриб, махдумнинг орқасидан келиб икки оёғига ёпишиб бор кучи билан тортди. Пайдарпай пичоқ еб, кўл қон кетиб турган махдум Барно тайёр оёғидан тортгандан сўнг йиқилди.

Одамлар пичоқ билан ҳужум бошлагач, томошачиларнинг бир қисми «Маҳаммадий махдумни ўлдиришди», деб фарёд кўтариб кўча томон югуришди. Баъзи жасоратли томошабинлар қон тўкишнинг олдини олиш ниятида югуриб бориб ўзларини махдумнинг тепасига ташлашиб йиқилганда, уни ўлдиришга хезланган пичоқдорлар ҳужумидан сақлаб қолишди. Бошқа томошабинлар бу кутилмаган қонли ҳодисадан ҳайратда қолиб, гангиб қолган эдилар.

Томошабинлар кўчага чиқиши билан шу атрофда тафтиш қилиб юрган ҳоким одамлари улардан қонли ҳодисани эшитиб, янги томошабинлар билан югурганча жиноят устига етиб келдилар. Аммо унғача Барно тайёр ва шериклари қочиб кетган эдилар. Ҳоким одамлари

қонга бўялиб ётган ҳушсиз Муҳаммадий махдумни то-мошабинларга кўтартириб, тепаликдан кўчага олиб чиқ-дилар ва арава топиб касалхонага юбордилар.

\* \* \*

Бир ҳафтадан кейин эшитсам, Барно тайёр қўлга оли-ниб сургунга ҳукм бўлибди, қийнашса ҳам жиноятчи шерикларини айтмабди.

Муҳаммадий махдум эса, қирқ кун касалхонада ётиб, яралари тузалгач чиқди. Аммо у тамом тузалиб кетмади, касалхонадан чиққандан сўнг, икки ой ўтар-ўт-мас ўз уйида қон қусиб ўлди.

Шарофжон унинг ўлим хабарини менга етказиб, ўзи корхонасидан жавоб олиб жанозага кетди. Марди мар-доннинг бундай фожиали ўлимига юрагим ачиб, уйига таъзияга бордим. Унинг ҳовлиси олдида гузар оқсоқоли билан яна бир-икки киши ўтирган эдилар. Мен ҳам ўша-лар қаторида орқамни деворга қилиб, чўкка тўшиб ўтир-дим ва «худо раҳмат қилсин», деб фотиҳа ўқидим.

Шу вақтда асли регистонлик ва Регистон беданабоз-ларининг бошлиғи, тайёрларнинг машҳури — Жалил таъ-зияга келиб, бизнинг қаторимизда чўкка тушиб ўтирди-да, ўз-ўзича гапира кетди:

— Муҳаммадий махдум мард одам эди. Мардлик кўйида одамларга яхшилик қиларди, фойда етказарди. У ўзи биров билан уришган эмас, то бошига мушт теккунча сабр қилар, шундан сўнг душманнинг жазосини берарди. Худо раҳмат қилсин, қиёматда мардлар қаторида бош кўтарсин,— деб фотиҳа ўқиди ва ўрнидан турди-да, гузар оқсоқолига қараб,— мен бориб болаларни (олиф-таларни) ўлик кўтариш учун гўплаб келаман,— деб ра-вона бўлди.

Мен хўжайинларимга ош пишириб беришим зарур эди, шунинг учун ўлик кўтаришга қолмай, ўрнимдан ту-риб, Жалил билан бирга йўлга тушдим, то Бобоинонкаш гузаригача гаплашиб кетдим. Мен гап орасида Жалил-дан Барно тайёрнинг Муҳаммадий махдумга нисбатан мардлик қоидаларига хилоф ва ўзининг ҳам нобуд бў-лишига олиб келган номуносиб ҳаракатларининг сабаби-ни сўрадим.

— Киши фақат қўл кучи билан одам бўлмайди,— деди Жалил бунга жавобан,— одамнинг яна одамча



юраги бўлиб, одамларга зарар етказишни раво кўрмаслиги керак. Ҳаммадан олдин одам хоксор бўлмоғи зарур, токи бошқалар уни ҳурмат қилсин, ўзларига бошлиқ қилиб кўтарсин. Наҳотки ҳурмат ва юқори мартаба учун киши талашса.

Жалил бу файласуфона муқаддимадан сўнг ўз сўзини давом эттириб, деди:

— Барно тайёр аслида бизнинг орамизга адашиб кириб қолган. Унинг табиати безориликка мойил эди. Фақат марди мардон бўлиш умидида ўзини безориликдан сақлаб келарди. Бу мақсадига ҳадеганда етолмагач, гўё бир қимор ўйнади. Бу ўйинда у ё ютар ё бой берарди. Агар бой берса, у албатта мардлар орасидан чиқиб кетарди, у ҳолда беобрў бўлиши бир дард бўлса, ҳарифи махдумнинг тирик юриши унинг учун яна оғирроқ дард бўларди. Шунинг учун у, агар мен нобуд бўлсам, ҳарифим ҳам йўқ бўлсин, деб махдумнинг йўқолишини худодан тилаб юрган икки-уч безорини ёллаб, бу номардона ишни қилган...

\* \* \*

Муҳаммадий махдумнинг вафотидан сўнг унинг ўрнига марди мардон сайланмади. Олифталарнинг орасига ихтилоф тушди. Регистонликлар Жалил беданабоз номзодини кўтаришди. Чорсуликлар бунга қарши чиқиб, саллоҳоналик Авлиёқул номли бошқа беданабоз номзодини кўрсатдилар. Буларнинг икковининг ўртаси беданабозлик юзасидан зиддият бўлгани учун уларнинг тарафдорлари ҳам бир-бирларига қаттиқ қаршилиқ кўрсатдилар. Бетарафлар жўборилиқ Қозоқхўжа номзодини илгари сурдилар. Бу номзодга икки тараф олифталарнинг аксарияти қарши чиқди: «У хожазода, ўзини катта олади, у бизга бошлиқ бўлолмайди»,— дейишди. Бинобарин, мардон сайлаш тайёрлар орасидан ҳаммага маъқул бир одам етишиб чиққунча кейинга қолдирилди.

Бухоро олифталари илгари умуман майхўрлик қилишмас ва агар махсус май мажлисларида қўлбола мусаллас ичишса ҳам, майхўрликни мастлик даражасига олиб бормасдилар. Амир Бухоросида майфурушлиқ дўконлари очилгач, арақ кўпайди, олифталар ҳам бора-бора мастликка гирифтор бўла бошладилар. Олифталарнинг илгариги поклик ва мардликлари қолмай, кўплари безорига айланди.

Баъзилари ўз покликларини сақлаб қолган бўлса ҳам, уларнинг «фаолияти» ўзларининг шахсий фаолияти бўлиб қолиб, «ним тайёр», «тайёр», «марди мардон» даражаларига чиқиш тартиби барҳам еди (булардан баъзи якка иш кўрадиганларнинг ишлари «Эсдаликлар» нинг кейинги қисмларида гапирилади).

## ЧИЛАНГАР ШАЙХ ВА УНИНГ ҚОРХОНАСИ

Бадалбек мадрасаси бир баландликка қурилган. Бу баландлик унинг орқасида — шарқ тарафидан бир маҳаллага, шимол томонидан бир маҳаллага бориб тута-шарди (жанубий ва ғарбий тарафлари пастлик бўлиб, бу пастлик то Регистонгача яна ҳам нишаброқ бўлиб борарди). Мана шу баландликдаги учта кўчани юқори кўча деб атардилар.

Бадалбек мадрасаси ва унинг шарқ тарафидаги Қутайба бинни Муслим мазори (Бухорони фатҳ этган араб лашкарбошиси) икки юқори кўча оралиғида бўлиб, бу йўллар катта масжид ёнида бир-биридан ажралиб, пастдан юқорига чиқиб кетарди.

Мадраса орқасидаги юқори кўчада бир ҳовли бўлиб, дарвозаси юқори кўчадан, орқаси Қутайба мазорига туташарди. Ҳовли эгасининг номи Бобохожа эди. Унинг асосий касби чилангарлик, қўшимча касби шайхлик эди. Шунинг учун уни Чилангар шайх дер эдилар.

Чилангар шайх ёшлигида ўз ҳовлисида дўконча очиб, чилангарлик қилар экан ва айни замонда ўзини «Қутайба мазорининг посбони», деб зиёратчилардан назру ниёз ҳам олар экан.

Шайх икки томонлама, хусусан назр олишдан катта пул тўплагач, чилангарлик корхонаси қуриш фикрига тушиб қолади. Шу ният билан дўконча ва ҳовлини бузиб қайтадан қуради. Қайта қурганда ҳовлисини Регистоннинг катта йўли бараварида чуқур қилиб қовлайди, атрофини пишиқ ғишт билан девор қилади. Бу кенг, ер ости уйларнинг ўртасига йўғон қайрағоч устунлар қўйиб, тепасини ёпади. Шу ер ости уйни корхонага мослаштиради. Бу ер ости уйларнинг тепасини иккига бўлиб, ярмини ичкари ҳовли, қолган ярмини чиллахона ва ибодат қиладиган жойга айлантиради.

Шу тариқа шайх дўкон-дастгоҳсиз чилангарларни ўз тузоғига илинтириб, корхонасини ривожлантиради. Ре-

гистон йўлида дўконча очиб мустақил ишлаб юрган чилангарлар ҳам бора-бора сердастмоя шайх билан рақобат қилолмай, улар ҳам шайхнинг ишчиларига айланиб, унга ишбай тартибида ишлайдиган бўлдилар.

Мен Бадалбек мадрасасида ўқиган чоқларимда катта масжид ёнида, йўл четида тўртта чилангар дўкони бўлиб, уларнинг ҳар бирида бир уста ва бир неча шогирд ишларди. Маҳсулотларини эса, шу шайхга ишбай тартиби билан топширар эдилар. Бу усталар фақат маҳсулотларинигина эмас, шогирдлари ҳам уста бўлиб камолга етиши билан шайхга топширишга мажбур эдилар. Чунки шайх корхонасининг равнақи учун мутахассис ишчилар керак эди.

Менинг дўстим Шарофжон ҳам ҳунар ўрганиб усталик даражасига етишиб, шайхнинг корхонасига кўчди, мен ҳам уни кўриш, у билан суҳбат қилиш учун шу корхонага борадиган бўлдим.

Шайхнинг корхонасида ўн қўра, ўн сандон бўлиб, уларда тахминан қирқ нафар одам ишларди. Уларнинг баъзилари дам босувчи, баъзилари металл эритувчи, баъзилари қолипсоз, эговловчи ва бўтагарлик каби ишларда ишлардилар. Корхонанинг хомашёси мис, биринж (бронза), рух, қалай, қўрғошин каби металллар эди. Корхонада мевали дарахтдан куйдирилган жайдари кўмир ишлатилар эди. Қолиплар қора қумдан ясаларди, металл эритиладиган ўчоқларни эса, гулбўтадан ясаб, уларни бўта деб атардилар. Бўталар шакл жиҳатдан катта-кичик қадаҳларга ўхшарди. Металл керакли миқдорда шу бўталарда эритилиб, махсус қолипларга қуйиларди. Металлар эритилгач, ўз номларини йўқотиб, «хўла» деган янги ном оларди.

Корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳар хил бўлиб, энг кўпи туя қўнғироқлари бўларди. Чунки ўша даврдаги Бухоро шароитида асосий транспорт туя эди, шунинг учун қўнғироққа талаб зўр эди.

Булардан ташқари эгар, юганнинг металл қисмлари, дарвоза ва эшикларнинг ҳалқаю қуббалари ишланар эди.

\* \* \*

Чилангар шайх тахминан олтимиш ёшда бўлиб, баланд бўйли, семиз, юзи катта эди. Оқ соқоллари орасида қолган битта-яримта малла туклар унинг ёшликда соч-

лари сариқ эканини кўрсатарди. Қизил кўзларида ва ажин босган кенг пешанасида деярли қош ва киприк йўқ эди.

Шайх бошқа шайхлардек катта оқ салла ўрар, банорас<sup>1</sup> тўн кияр, қўлига тасбеҳ олиб, кўп вақтини чиллахонада пичир-пичир қилиб тасбеҳ ўгириш билан ўтказарди.

Бу шайх мурид қабул қилмасди, аммо Қутайбанинг мозорига зиёратга келиб, унга назр берадиган ихлосмандлари кўп эди. У қамарий ҳисоби бўйича ҳар ойнинг ўн биринчи кунда Ғавсулаъзамни — Абдулқодир Чилонийни<sup>2</sup> эслаб худойи қиларди. Бу худойига зикрчилар келиб, унинг чиллахонасида зикр тушар, бошқа ихлосманд ва томошачилар келишиб зикрни томоша қилар ёки ундан «савоб топардилар».

Ихлосмандлар ва фарзандталаб хотинлар шу худойига атаб унга ўн бир тангадан пул ҳадя қилардилар, Ғавсулаъзамга аталган назр ўн бир танга миқдориди бўлиши шарт эди. Шайх шу пулларнинг бир қисмини сарфлаб, худойига келганларни зиёфат қилар, қолган қисми шайхнинг умумий сармойасига қўшиларди.

Шайхнинг бирдан-бир саховати кўз оғриқларга бепул дори беришдан иборат эди. У ўзи дори қиларди. У тўтиё деб оладиган рухнинг куйиндисини сирка қўшиб қуритар, уни талқон қилиб, талабгорларга шу талқоннинг озгинасини қоғозга ўраб берарди.

Бир кун мен шайхни яқиндан кўриб-билиш мақсадида, жўрттага ўзимни кўз оғриққа солиб, дори сўраб унинг чиллахонасига бордим. У чиллахона айвонида, мозорга қараб очиладиган бир дарча олдида уч-тўрт қават серпахта кўрпачага малла жойнамоз солиб тасбеҳ ўгириб ўтирган экан. Мен кириб салом беришим билан у пичир-пичирини тўхтатиб, фотиҳа ўқиди-да, менинг саломимга жавоб бериб:

— Нима хизмат?— деб сўради.

Мен кўзим оғриганини айтиб, ундан дори сўрадим.

— Камина эл хизматига тайёр!— деб ёнидаги сандиқчани очиб, ундан қоғозга ўралган бир нарсани олиб менга берди, уни қандай ишлатишни бу тариқа тушунтирди:

<sup>1</sup> Банорас — Майда оқ ва қора нақшли бир газлама бўлиб, ўриши ипакдан, арқоғи ипдан бўлади. Бу газламанинг иккинчи номи парпашшо, (парпаша)дир.

<sup>2</sup> Ғавсулаъзам — қадимги мутасаввиф (суфий)лардан бири.

— Чалқанчасига қараб ётасан, чап қўл билан кўзингни очиб туриб, ўнг қўлнинг икки бармоғи билан бу доридан бир чимдим олиб, «ё шофи, (шифо бергувчи, яъни худо) имом Қутайбанинг ҳурматидан менинг кўзларимга шифо бер!» деб кўзингга сепасан. Шу билан сенинг кўз оғригинг тузалиб кетади.

Шундан сўнг шайх бундай деди:

— Бу гуноҳкор банда нимаики топган бўлсам, ҳазрат имом Қутайбанинг мазори шарифларини супуришдан топганман. Ёшлик чоғларимда бу даргоҳнинг ёнида бир дўкончада чилангарлик қилардим. Бир вақт кўзим оғриб, бир ҳафта ишдан қолдим, табибларнинг дорилари фойда қилмади. Шундан сўнг ҳазрат имом Қутайбанинг руҳарвоҳларига илтижо қилдим. Кечаси ҳазрат имом тушимга кириб, бу дорини ясашни таълим бериб, бу дорини кўз оғриқларга бепул бер, деб васият қилдилар... (Аслида бу дори шайхнинг ихтирои ёки Қутайбанинг таълимоти эмас. Қадимги тиб китобларида бу дорини руҳдан қилиниши тасвир этилиб, унга «тўтиё» ном қўйилган. Бадиий адабиётда ҳам кўзни равшан қиладиган ҳар нарсани тўтиёга ўхшатадилар).

Мен шайхни яна гапга солиш учун ундан сўрадим:

— Имом Қутайбанинг ранги рўйи ва кийими қанақа экан?

Шайх менинг бу саволимга шундай жавоб бердики, уни эшитган одам, Қутайбанинг ранги рўйи ва кийими шайхнинг худди ўзига ўхшар экан, деб ўйларди.

Мен шайхни шарманда қилиш учун унга эътироз оҳангида дедим:

— Ҳар йил Арабистондан Бухорога келиб юрган арабларнинг ҳаммалари қора чеҳра, жингалак мўй ва катта кўзли бўлади. Қийимлари ҳам бухороликларнинг кийимига сира ўхшамайди. Демак имом Қутайба афту ангорда ва кийимда арабларга ўхшамас экан-да.

Аmmo шайхнинг чеҳрасида ҳеч қандай ўзгариш пайдо бўлмади. У ўз гапларига қаттиқ ишонган одамлардай менга жавоб берди:

— Бир олма дарахти неча хил ҳосил беради: баъзилари катта, баъзилари офтоб уриб қовжираган, баъзиси эгри-бугри, баъзиси қурт еган. Шунга ўхшаш бир мамлакатнинг одамлари ҳам бир хил бўлмайди. Қийим хусусида эса, шуни айтиш мумкин: ажаб эмаски, имом Қутайба

маҳаллий одамлар билан бир хил кийим кийиб, уларни ислом динига тортган бўлса.

Мен яна шубҳали оҳангда инкор этувчи савол бердим:

— Нима, бундан минг йил муқаддам ҳам бухороликлар ҳозиргига ўхшаш кийим киярмидилар?

— Ажаб эмаски, бундан минг йил илгари ҳам боболаримиз бизнинг сингари кийим кийган бўлсалар!— деди шайх. Аммо у жавобларидан қаноат ҳосил қилмаётганимни пайқаб қолди. Шунинг учун гапни бошқа ёққа буриб, мунозарада мулзам бўлган жоҳил шайхлардек гапириб, мени тўхтатмоқчи бўлди.

— Агар қариб, ўз ҳаётимдан баҳраманд бўлай десанг, шаккоклик қилма! Шаккок ва беадаб ёшлар жувонмарг бўлишади!— деди юзи ва пешанасига қон югурган ҳолатда.

Энди бошқа гапга ўрин қолмаган эди. Мен унинг бепул дориси учун ташаккур айтиб, ўрнимдан турдим. Қизғиш кўзлари ғазаб оташидан яна ҳам қизарган шайх истар-истамас бош қимирлатиб мени қузатди.

\* \* \*

Шайх чилангарлик корхонасига кам кирарди. Қунига фақат бир марта кириб, тайёр молларни санаб олиб, омборига киритиб қўярди. Унинг ишчилари ишбай бўлганлари сабабли у бўлса-бўлмаса бир зайлда ишлардилар. У маҳсулотини чиллахонада ўтириб сотарди. Унинг харидорлари вофурушлар (жаллоблар) бўлгани учун тўғри чиллахонага, унинг олдига кириб савдолашиб молларини сотиб олардилар, сотилган молларни эса, шайх омбордан ўз қўли билан чиқариб берарди.

Шайхнинг фарзанди йўқ эди. Оиласи фақат кампир хотинидан иборат бўлиб у ҳам фолбинлик қилиб, эрининг сармоясини кўпайтирар эди.

\* \* \*

Мен шайхнинг корхонасига, Шарофжоннинг олдига бормоқчи бўлсам, кечалари борардим. Чунки дам олиш кечаларигина бўш бўлардим. Аммо у ерда ярим соатдан ортиқ ўтириб бўлмасди. Ун қўрадан буриқсаб чиқиб турган жайдари кўмирнинг иси эритилган металлнинг ўткир ҳидига қўшилиб, одамнинг ўпка ва юрагини ҳара-

катдан тўхтатар эди. У ердаги ишчиларнинг кўз, қулоқ ва бурунларининг ичигача қорайиб, асл рангларини билиб бўлмасди. Уларни гавдаларининг катта-кичиклигига қараб бир-биридан фарқ қилиш мумкин эди, холос. Ҳам-малари қаттиқ-қаттиқ йўталиб, оғизларидан қандайдир ёпишқоқ нарса ташлардилар. Уларнинг димоғлари, бўғизлари, ўпкалари қоп-қорайиб кетганлиги шундан маълум эди. Корхона кечаси-ю кундузи бирдек қоронғи эди. Чунки шифти остида кўчага қараб очиладиган икки тешикдан бошқа ёруғ кирадиган жойи йўқ эди. Бу тешиклар ҳам донм буралиб чиққан тутун билан банд бўларди, корхонанинг тутун чиқадиған мўриси ҳам йўқ эди. У ерда кечаси-ю кундузи, ҳар қўра-ю сандон олдида биттадан жайдари шам ёнарди. Бухорода ҳануз лампа умумлашмаган ва муллалар лампа ёқишнинг шариат юзасидан равоми, норавоми деб мунозара қилиб, ҳали бир қарорга келмагани сабабли, шайх ҳам «эхтиёт» юзасидан ўз корхонасига лампа киритмаган эди. Шам, кўмир ва металлнинг ҳиди бир-бирига қўшилиб, одамнинг кўнглини айнитадиган қўланса ҳид чиқарарди.

Бу корхонанинг ишчилари ярим кечагача ишлаб, кечаси шу ердаги асбобу ускуналар орасида ётардилар ва ухлаган ҳолда корхонани тўлдирган тутун ва металл газини ичларига тортардилар.

Энди ўн олтига кирган Шарофжон ўн беш кунда қувватдан кетиб, зўрға юрадиган бўлди. У қолип ясайдиган уста бўлиб, ташқаридаги дўконда ишлаганда бирорта қолипи бузилмасди. Бу ерда эса қўллари қалтираб, ҳар икки қолипдан биттаси синиб, уқаланиб кетарди.

Мен бу аҳволни кўриб унга:

— Сенинг бу ерга келишинг яхши бўлмади, ташқаридаги дўконда турганинг маъқулроқ эди,— дедим.

— Агар ихтиёр ўз қўлимда бўлиб, бошқа бирор касбга кирсам ҳаммасидан ҳам яхшироқ бўларди,— деди у заҳарханда қилиб ва бир-икки бор йўталиб олгач, яна сўзида давом этти:— Мен отамдан ўн икки яшар қолдим. Онам тирикчиликда қийналиб шайхдан эллик танга бўнак олиб, мени унга шогирд қилиб берди. Шайх эса мени уста қилиш учун ташқаридаги устасига шогирд қилиб берди. У уста яхши одам. Тўрт йил мобайнида менга чилангарлик ҳунарини батамом ўргатди. Мен унга шогирд бўлсам ҳам, иш вақтида мени ўз ҳисобидан

тўйдириб юрди. Лекин онам ва уст-бош учун шайхдан яна бўнак олиб, қарзим юз тангага етди. Энди мен то қарздан қутулгунча бу ерда ишлашга мажбурман.

— Шайхнинг қарзи баракали, ҳеч тамом бўлмайди,— деди бизга яқин жойда туриб болғача билан қўнғироққа тил ясаб турган кекса бир уста кулимсираб. Сўнгра жиддийроқ вазият олиб, сўзида давом қилди:— Мен йигирма йилдан бери шу корхонада ишлайман. Аммо шайхнинг қарзидан ҳанузгача қутулмайман, аксинча, йилдан-йилга ошиб боради. Чунки иш ҳақим тирикчиликка етмайди, яна ночор қолиб беш-ўн танга қарз оламан. Менинг жоним қаттиқ экан, шу чоққача бу заҳарли ҳид ва тутун ичида ўлмай юрибман. Ҳолбуки, бу муддатда жуда кўп ёш ҳамкорларнинг иягини ўзим боғладим (яъни ўлишди). Шайх бу бечораларнинг дуо-ю фотиҳасини қилиш ўрнига, пулимни еб кетишди, деб ҳануз уларнинг ҳақиға дуойи бад қилиб юради.

Бу кекса устанинг сўзларини бошқа ишчилар бошларини қимирлатиб тасдиқ қилардилар. Агар уларнинг рангларини чанг ва тутун қорайтирмаганда, уларнинг бемаҳал ҳалокати ҳақидаги бу сўзлар даҳшатидан юзларида ўлим нишонларини кўрмоқ мумкин бўларди. Бу сўзларни эшитишдан ўн гулидан бири очилмаган Шарофжоннинг бутун вужудида ҳаётдан ноумидлик аломати зоҳир бўлиб, ларзага келди.

Мен кекса уста айтган сўзларнинг таъсирини сусайтириш, зимдан Шарофжонга тасалли бериш мақсадида:

— Ҳеч ким беажал ўлмайди,— дедим.

Кекса устанинг пешанаси тиришди-да, ёниб туриб бундай деди:

— Эй қишлоқи! Мадрасанинг томига чиқиб ўзингни ерга ташлаб синаб кўр-чи, ўласанми ё тирик қоласанми?

\* \* \*

Шарофжон олти ой бу корхонада ишлади. Кундан-кунга аҳволи оғирлашиб, йўтали зўрая бошлади. Охир мажоли қуриб уйда ётиб қолди. Бир ой уйда ётгандан кейин, собиқ устаси унинг ўлганлигини хабар қилди. Мен у билан Шарофжоннинг уйига таъзияга бордим. Онасининг зор-зор йиғлашини кўриб чидаб бўлмасди. Кекса уста ҳам шайх корхонасининг бир неча ишчилари билан жанозага етиб келди. Уликни обориб Туркижанги тепа-



лигига кўмдик. Қайтишда мен, кекса уста, Шарофжоннинг собиқ устози бирга келдик. Ёш йигитчанинг бемаҳал ўлими ҳаммамизга ҳам қаттиқ таъсир қилган, ҳеч ким ҳеч кимга лом-мим демай борардик. Масжиди Қалоннинг ғарбидаги кўчага — манзилимизга яқинлашганда кекса уста оҳ тортиб, ҳеч кимга қарамай, ўз-ўзича гапирди:

— Бу ўлимтик шайх ҳаммани ажалидан бурун ўлдирди, аммо ўзи қачон ажалидан бурун ўларкин?

Яна хомушлик бошланди. Масжиди Қалоннинг ши-моли ғарб бурчагида бир-биримиздан ажралиб, ҳар ким ўз уйига қараб кетди.

## Е Н Г И Н

Шарофжон вафотидан бир ой ўтгач, бир жума оқшоми мулла Рўзи иккимиз базмга борган эдик. Кечаси соат бирларда мадрасага қайтиб келиб, ҳар қайсимиз ўз ҳужрамизга кириб ётдик. Қанча ухлаганимни билмайман, аммо шуниси эсимдаки, кўпчиликнинг даҳшатли қичқириши, мис буюмларнинг тарақ-туруғи, ноғоранинг тревога куйида чалинишини эшитиб уйғониб кетдим. Фулғуланинг даҳшати худди тушимдагидек давом этарди. Бироқ босинқираган одамдек қўл-оёқларим ҳаракат қилмас, ўрнимдан қимирлай олмасдим. Бирпасдан кейин ўзимга келиб, кўзимни очдим: ҳужранинг ичи ёруғ эди, қоғоз дарпардага офтоб нуридек ўткир шуъла тушиб турарди. Аммо бу ёруғлик шамол вақтида япроқлар орасидан кўринган офтоб нуридек қимирлар, яъни беқарор эди.

Мен кийимларимни кийиб, дарров ҳужрадан тушиб мадраса саҳнига чиқдим. Мадрасанинг шарқ тарафидаги ҳужралар томи одам билан тўла, шу тарафдан, мадраса яқинидан тутун аралаш аланга ёйилиб, ҳавога кўтарилар, аланга тили ҳавода Ҳасан-Ҳусан камалагидек турли рангга кириб товланарди. Масжиди Қалон ва Мирараб мадрасасининг кошинлари ўт шуъласида кўзни қамаштириб ярқирарди.

Мен ҳам мадраса томига чиқдим. Мадраса билан Масжиди Қалон орасидаги катта йўл ва мадрасанинг шарқи шимолидаги Болокўча, қўшни томлар одам билан тўла. Одамлар кўча ва томдан туриб: «Шаҳар куйди, ёрдам қилинлар!»—деб қичқирардилар, томлардаги одамлар бор кучи билан мис қозонлар ва патнисларга

таёқ билан уриб, гулгулани зўрайтирар, ўткинчилар ногорачиларга қўшилиб хатар — тревога ҳавосида тез-тез ва шиддатроқ ногора чалардилар.

Ўт Чилангар шайхнинг ҳовлисини бус-бутун қоплаб олганди. Баъзилар пақирда, мешкобчилар мешларида бир гузар наридаги тўрт метр чуқурликдаги Қози калон ҳовузидан сув таширдилар. Томда турган одамлар сув ташиётганларнинг қўлидан пақир ва мешларни томга тортиб олиб, аланга устига сочардилар. Ўтга сепилган сув, ёғи ўт олган қозонга сув қуйилгандек алангани яна ҳам кучайтирарди.

— Ҳовлининг бир тарафини бузиб, ўтнинг йўлини кесиб қўйинглар! — деб қичқиришди мадраса томида турган одамлар шайх ҳовлисининг шимол тарафидаги томда турган одамларга. Ёнғин даҳшатидан томда нима қилишини билмай турган одамлар бу овоздан ҳушёр тортиб, кетмон, теша, болта топиб, ҳовлининг бир тарафини қулатиб юборишди, ёғочларини тортиб олиб, шайхнинг ҳовлисидан ажратиб қўйишди.

Шу тадбир билан ёнғиннинг қўшни ҳовлиларга ёйилиб кетиш хавфига барҳам беришди, чунки шайх ҳовлисининг шарқий ва жанубий тарафи кўча, ғарбий тарафи мозор, унинг орқаси пишиқ гишт деворли мадраса эди.

Ёнғин давом этар, сув ташувчилар тобора кўпаярди. Аммо сепилган сув ёнғинга деярли таъсир қилмасди. Тонг отди, томошабинлар, ёрдам қилувчилар кўпайди. Ўтда қолган нарсалар ёниб битгани учун бўлса керак, ёнғин пасая бошлади. Бу орада одамлар кўпгина кигиз олиб келиб, ҳўллаб ёнғин устига ёпа бошладилар. Шу билан ёнғин алангаси тамоман сўнди. Аммо кигизларнинг ҳамма жойидан ва ёпилмай қолган жойлардан алангасиз қўр тутун буғ билан қўшилиб чиқиб турарди. Сув сепиш ҳануз давом этарди. Кундузи соат ўн иккида тутун босилди, фақат буғ билан ғализ ҳид чиқиб турарди.

\* \* \*

Бу ёнғинда қанча одам ҳалок бўлганини ҳеч ким билмасди. Шайхнинг уйдан биринчи дафъа аланга чиққанда, унинг ёниб турган хотинини қутқариб, қариндошларининг уйига юборилганини ҳамма тасдиқларди. Аммо шайхнинг ўзи ва ишчиларнинг тақдирини ҳеч ким билмас, ёнғин вақтида уларни ҳеч ким кўрмаган эди.

Эртасига шаҳар ҳокимининг одамлари ёшларни ҳашарга чақириб, ёнган ҳовлини бир бошдан кетмон билан ковлай бошладилар. Шайхнинг ётадиган уйи ва чиллахонаси корхонанинг устига қурилиб, ҳамма куйган нарсалар корхонанинг гишт деворлари орасига ўпирилиб тушгани сабабли у ерни ковлаш кўп қийин эди. Шунга қарамай, куйиб ўлган одамларнинг ўлигини чиқариб олиш учун корхонанинг тагигача ерни ағдариб кўриш лозим топилди.

Аммо корхонада куйиб қорайган маъдан, чилангарлик ускуналари, мис идишлар, товоқ ва синиқ гулбўта идишлардан бошқа ҳеч нарса кўринмади.

Кейин маълум бўлдики, жума оқшоми бўлгани учун ўша кечаси ёнган пайтида корхонада бирорта ҳам уста ва ишчи йўқ экан. Аммо шайхнинг ўлиги топилмаслиги ҳаммани ҳайратда қолдирар эди. Баъзилар ҳазил, шўхлик қилиб, баъзи соддадиллар жиддий тус олиб: «Ажаб эмаски, шайх ёнган вақтида ҳавога учиб кетган бўлса»,— дер эдилар.

Ҳамма ҳашарчилар биргалашиб, чиллахона ўпирилиб тушган ернинг кул, кўмир ва тупроғини бошқа тарафга олишди. Аммо шайхнинг ўлигидан ҳеч бир нишона чиқмади.

Шу вақтда ҳашарчилардан бири мозор девори тарафдаги тешикни кўриб қолди. Бу тешик дарчанинг ўрни бўлиб, мозор деворига ўтказилган эди. Ҳашарчилар тўпланган тупроқ устига чиқиб тешикдан қарашди, лекин ҳеч нарса кўринмади. Сўнгра нарвон келтириб, шам ёқиб, тешик олдига чиқиб, унинг ичига киришди. Бу шайхнинг мозор тупроғини ковлаб, ер остига пишиқ гиштдан қурилган яширин ганжинаси (қимматли нарсалар сақланадиган жойи) экан. Ганжина билан чиллахона орасига кичик дарча очган экан.

Ичкарига кирганлар ганжинанинг йўлагида бир қора нарсани кўриб қоладилар. Синчиқлаб қарашса, шайхнинг куйган жасади куйган бир сандиқни қучоқлаб ётибди. Жасадни пастга тортиб, куйган сандиқни қарашса, унда олтин ва кумушлар тутундан қорайиб ётган экан.

Ҳаммага маълум бўладики, ёнган чиқиши билан шайх ётоғидан чопиб чиқиб, ганжинага кирган, нияти бойлик тўла сандиғини кўтариб чиқиб, уни ёнғиндан сақлаб қолиш бўлган, албатта. Аммо қарилик туфайли у сандиқни кўтаришга қуввати етмаган, ёинки унинг кети-

дан ганжинага ҳам аланга кириб, сандиқни кўтариб чиқишга имкон бермаган.

Ифлос сув ўрага тушади, дегандек, вориссиз шайхнинг олтин-кумушлари подшолик бўлиб, Қутайба мозори ҳам култепага айланди.

\* \* \*

Ёнғиннинг сабаби ҳақида халқ орасида таажжуб овоза тарқалди. Айтишларича, «имонсиз шайх фарзандталаб бир аёлга номаъқул ҳаракат қилган. Шунинг учун уни имом Қутайбанинг арвоҳи уриб, уй-жой, корхона, асбобу ускуналарини ёндириб юборган».

Аммо бир неча ҳафта ўтиб, ёнғин ҳам, шайх ҳам одамларнинг хотиридан кўтарилгандан сўнг бу ёнғиннинг ҳақиқий сабабини тушундим; мен ёнғин хусусида Шарофжоннинг собиқ устаси билан суҳбат қилдим. У аввал истехзо билан кулиб, ёнғиннинг сабабини шайхнинг номаъқул ҳаракатига йўйди-да, сўнгра қўшимча қилиб шундай деди:

— Шаҳар куймагунча дарвешнинг кабоби пишмайди, деганлар. Ёнғиннинг сабаби нима бўлса бўлсин, бу иш натижасида шайхдан беш юз ва минг тангадан қарздор бўлиб, бундан қутулгунча бу қоронғи ва заҳарли корхонада ажалидан бурун ўлиши муқаррар бўлган ўнлаб чилангарлар абадий қулликдан халос бўлдилар.

— Сизнинг фикрингизга қараганда бу ишда корхона ишчиларининг қўли борга ўхшайди?— дедим устага савол оҳангида.

— Мен буни аниқ айтолмайман,— деди у,— аммо эсингизда бўлса керак, Шарофжон ўлган куни кекса уста (унинг оти Мурод «Луччак») ҳаммани ажалидан бурун ўлдириб турган бу шайх ўзи қачон беажал ўларкин, деган эди. Мурод «Луччак» қуруқ орзу қиладиганлардан эмас, унинг орзулари амалий иши билан бир хил, ўйлагани вужудга келади. У Бухоронинг эски олифтала-ридан, шайхнинг домига тушгандан сўнг ўпкасини тутун урган бўлса ҳам, юраги бақувват бўлганидан ўлмай қолди. Лекин олифталик ишларини бошқа давом қилди-ролмади. Шарофжон ёш ўлганда, устанинг юраги унга ва онасига кўп ачишди. У юқоридаги сўзларни айтганда, мен, бу шайх ҳақида бирор иш қилмоқчи, деб юрагимдан ўтказган эдим. Эҳтимол бу ўшанинг ишидир.

Уста бир оз жимликдан сўнг яна давом этди:

— Бу воқеанинг корхонада ҳеч ким йўқ, қўраларда ҳам ўт ўчирилган (ўша куни соат ўн иккида қўралардаги ўт ўчирилади) жума оқшомида содир бўлиши қасддан муайян тартибда корхонанинг ҳамма ёғидан баравар ўт қўйилганини кўрсатади. Ҳарифлар бу ишни ҳар тарафлама ўйлаб, тонготарда, бутун шаҳар ширин уйқуда ётган пайтда қилганлар, шунинг учун корхонанинг ҳамма тарафидан баравар ўт кетиб, шайхнинг ҳовлисини бир йўла ўраб олган.

### ШОИРНИНГ УИЛАНИШИ

Мен мулла Рўзининг ҳужрасида Ваҳший тахаллусли мулла Вафо номли шоир билан танишиб қолдим. Унинг ёши эллик бешлар чамасида, ўзи новча, озғин, оқ юзли, ранглари ўчган, мошгуруч соқоллари эса тола-тола бўлиб, бири-биридан ажралиб турарди. У жим ўтиролмасди: ҳамиша ё кифтини, ё қўлини, ёки кўкрагини, баъзан тиззаларини қимирлатиб турарди. У кам гапирар, гапиршдан олдин қўлларини бир қимирлатиб, киприк қоқиб, ҳамсўхбатига хўмрайиб қарарди.

Шеърлари кўп, лекин ғамгин, анча бўш, эски гапларнинг муваффақиятсиз такроридан иборат марсиянамо нарсалар эди. У ҳафтада бир марта мулла Рўзининг ҳужрасига келар, ҳар келишида шу ҳафта ичида ёзган шеърлари билан қўйини тўлдириб келар ва уларни бир бошдан ўқирди, аммо эшитувчилар унинг шеърига қулоқ соладими, йўқми, масаланинг бу жиҳати унинг учун аҳамиятсиз эди.

Унинг лақаби «безан» («хотинсиз») бўлиб, бу мени жуда қизиқтирарди. Чунки муллаларнинг ичида хотинсизлари жуда кўп эди. Шундай бўлгач, нега бу лақаб унинг ўзига хос бўлиб қолган? Бунинг сабабини унинг ўзидан сўраш мумкин эмас эди. Чунки агар «хотин» ёки «хотинсиз» сўзини унинг олдида айтишса, бирдан жаҳли чиқиб, қабиҳ сўзлар билан сўкиб, бутун аъзоси титроқ босар ва аразлаб кетиб қолар эди.

Мулла Рўзининг ҳужрасида у билан биринчи марта учрашганимда (нима муносабат билан экани ҳозир эсимда йўқ) менинг оғзимдан «хотин» сўзи чиқди. Унинг бирдан жаҳли чиқиб, бутун аъзосини титроқ босиб, мена шундай деди:

— Ҳали ёш бўлганинг учун сенинг зиммангга муомаладаги одоб кулфатини юклаб бўлмайди. Йўқса, бу сўзинг учун тилингни оғзингдан суғуриб ташлардим,— у бир даража ҳовуридан тушгач, қўшиб қўйди,— агар одобли бўлиб, узоқ умр кўрсанг, менинг сенга айтадиган ақлли нисихатим шуки, асло уйлана кўрма!

Унинг бемаза шеърларини эшитиш кўнгилга текканда мулла Рўзи бундай дер эди:

— Шерик, яхшиси сен шоирликни йиғиштириб қўй-да, бир хотин олиб, тинч тирикчилик қил!

Унинг ғазаби қайнаб, титроқ босиб, ўрнидан қўзғаларди:

— Эй лавлагифуруш (мулла Рўзининг отаси лавлагифуруш эди), мен сени одам деб олдингга келган эдим, сенинг акиллайдиган ит бўлганингни билмас эканман,— деганча чиқиб кетарди. Аммо келгуси ҳафтада яна келиб шеърхонликни бошларди.

Мен мулла Рўзидан сўраб-суриштириб, унинг таржимаи ҳолини, лақаби ва «хотин» сўзидан нафратланиш сабабини билиб олдим.

Мулла Рўзининг айтишига қараганда, мулла Вафонинг отаси мулла Марди Худо номли ғармлик киши экан. У ёшлигида Бухорога келиб мадрасада ўқиган. Аммо қашшоқлиги туфайли ўқишни охирига етказолмай, Ғиждувонга бориб Абедий деган қишлоқда имом бўлган. Бир неча йилдан сўнг ўша ерда уйланган. Мулла Вафо ўша хотиндан туғилган бола экан.

Мулла Марди Худо саводли одам бўлиб, ўғлини ҳам ўқитиб яхшигина саводли қилган. Мулла Вафо бир неча йил Ғиждувон мадрасасида ўқиб, ота-онасининг вафотидан сўнг Бухорога келиб, бу ерда ўқишни давом эттирди, мулла Рўзига ҳамдарс бўлиб қолди.

Мулла Вафонинг истиқомат жойи Шодимбий мадрасаси бўлиб, машҳур шоир Шоҳин ҳам шу ерда истиқомат қиларди. Мулла Вафо шеър, умуман адабиётга хавасманд бўлгани учун Шоҳин билан алоқа боғлаб, унинг ҳужрасида классикларнинг девонлари, Шоҳиннинг шеърлари билан танишиб, ўзи ҳам шеър ёза бошлайди, ўз номи — Вафо сўзини тахаллус қилиб олади.

Мулла Вафо ўтмиш шоирларнинг асарларидан кўпроқ ишқий шеърларни ўқиб, уларнинг мавзу ва мазмунидан хаёлида соҳибжамол, вафодор, дилором бир дил-

барни гавдалантириб, шу хаёлий гўзални ўзининг маъшуқаси, келажакдаги ёри деб юарди.

Мулла Вафонинг тасавури ва тасвирича, унинг келажакдаги маъшуқаси сарв қомат, оқ бадан, мўрчамиён, гунчадаҳан, ранглари оққа мойил, бугдой ранг, чақнаб турган қора кўзлари нозу ишвали, киприклари узун ва учлари эгилган, қошлари қалдирғоч қанотидек узун ва ўтқир, қулоқлари янги очилган лоладек тару тоза, бўйни оппоқ ва дилрабо, хушбўй сочлари орқасини тўлдириб тиззасига тушиб туриши керак эди.

Мулла Вафо ҳамиша хаёлида унга хушомад қилар, эркалатар, у эса шахло кўзларини ярим юмиб, ҳаёдан юзлари қизариб, ширин, ёқимли табассум билан жавоб берарди. Ҳар сафар у маъшуқа қўлини ушлаб, панжаларининг учидан тирсакларигача ўпиб борар, дилором маъшуқа эса, бир қўлини унинг бўйнига солиб, чунон ҳам ўзига қараб тортардики, лаблар лабларга қовушиб кетарди.

У вақтларда бирорта хотин ёки бўйга етган қизнинг юзини кўриш мумкин эмасди. Бинобарин, мулла Вафо қачон кўчага чиқса, ўзининг хаёлий маъшуқасини юзи ёпиқ хотинлар орасидан, уларнинг паранжи ва кийимларига қараб аниқлаб оларди. Мулла Вафонинг назарида, қайси хотин кўчага эски паранжи ёпиниб, йиртиқ кавуш кийиб чиқса, албатта, у хунук — баднамо бўлади. Унинг маъшуқасини шоҳи паранжи ёпиниб, амиркон кавушмаҳси кийган хотин-қизлар орасидан топиш мумкин эди. Агар шундай чиройли кийинган хотин-қизлардан бири йўлда чўл каклигидек хиромон юрса, унинг оҳори тўкилмаган кўйлаги ёқимли шитирласа, шамол вақтида гулзордан гул ҳиди таралгандай, у юрганда ундан атру мушк ҳиди келиб турса, мана шу мулла Вафонинг маъшуқаси эди.

У бундай хотинларнинг кетидан узоқдан бўлса ҳам қараб, юраги ҳасратга тўлиб, ўз кўнглидан ўтказарди: «Оҳ! Агар шароит йўл қўйсайди, бу маъшуқанинг йўлини тўсиб, чачвонини юзидан кўтариб, унга ошиқона арзу ниёзларимни айтардим, оёқлари остига йиқилиб, ёш тўла кўзларимни хушбўй кавушларига суркардим...»

Мулла Вафо келажакдаги жононасини қизларнинг акаларига қараб ҳам танларди. Чиройлироқ йигитларни кўрса, бир йўл топиб, у билан танишиб олар, сўраб-сурништириб синглиси бор-йўқлигини аниқлаб оларди. Агар

у йигитнинг бўйга етган синглиси бўлса, уни ўзининг ғойибона маъшуқаси ҳисоблаб юрар эди. «Арўс чи гуна аст, додарарўс намуна аст» (келиннинг укаси қандай бўлса, келиннинг ўзи ҳам шундай бўлади) деган машҳур тожик мақолига мувофиқ ўша йигитчани синглисининг намунаси фараз этиб, хаёлида унга узун қора сочлар боғлар, хотинча кийимлар кийдириб, ўз тасаввурида уни жононага айлантирарди.

Аммо мулла Вафо ўзининг хаёлий ва ғойибона маъшуқаларидан бирортасига совчи юбориб, уйланиш ниятида эмасди. Чунки бундай чиройли кийинган ишвагар қизларнинг ҳаммаси бойлар, катта муллалар ва саркардаларнинг қизлари бўлиб, улар мулла Вафони куёв сифатида эмас, ҳатто гадоё сифатида ҳам уйларига йўлатмас эдилар. Мулла Вафо бурунги шоирларнинг шеърларида ўқиган ёвуз, «шум рақиблар», ўзи ҳам ўз шеърларида лаънат ва нафрат ёғдирган «шум рақиблар», ҳалигидай оталар ва уларнинг бўлғуси куёвлари эди.

\* \* \*

Мулла Вафо қашшоқ эди. Ота-онасидан унинг сарфу харажатига етарли мерос қолмаган эди. Улардан эски палослар ва бир чор девор ҳовли қолган бўлса ҳам, улар сотилиб, Бухорога дастлаб келган вақтларида сарф этилган эди. Бинобарин, соқол-мўйлови чиқиб, ёши бир оз улғайгач, ҳар йил ёзда Бухоро вилоятларининг қишлоқларига бориб имомлик қилар, бу имомликдан қўлига нимаики тушса, қишда мадрасада туриб харжлаб ўқир эди.

Бир йил у Бухоронинг шимолида, шаҳардан ўн олти километр узоқликдаги Қалтий қишлоғига имом бўлди. У, серсув ва хушҳаво қишлоқ бўлиб, одамлари ҳам у билан жуда апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. У ернинг деҳқонлари бўш вақтларида масжид олдидаги супага тўпланиб, ўз имомларининг шеърхонлигини маъқуллаб бош қимирлатганлари, изҳори миннатдорчилик қилганлари учун имом ҳам уларни яхши кўриб қолди. Хусусан, мулла Вафо уларга шеър ўқиб, бу шеърлар ўзиники эканини маъқул қилганда, деҳқонлар унга мафтун бўлиб, ҳайратда қолардилар. Чунки ҳанузгача улар саводли имомни кўрмаган эдилар. «Ўз ичидан шеър чиқарадиган» бу имом эса, уларнинг назарида пайғамбардай кўриниб, унинг шеър айтишини мўъжиза ҳисоблардилар.



Базмларда янги нарсаларни ашула қилиб, эшитувчиларни ҳайратга солиш ниятида қишлоқнинг ашулачи йигитлари келиб, янги ғазалларини уларга ўргатишни илтимос қилишарди.

Мулла Вафо эса ўз ғазалларини йигитларга ёдлатар эди. Ашулачи ёшлар имомнинг ғазалларини куйлаб, «Вафо» тахаллуси билан тугатганларида, бу шеърни ёзган шоирга ва куйлаган ашулачиларга нисбатан таҳсинофарин нидолари мажлисни қоплаб кетарди. Бу ҳол имомнинг баҳри-дилини очиб, унинг «шеър чиқарадиган тешиги» яна ҳам кенгаяр эди.

Мулла Вафо Қалтийда ҳам хаёлий ва ғойибона маъшуқа топди. Бу қишлоқ арбоби Наимнинг қизи эди. У қиз ҳар икки аломати билан ҳам шоир мулла Вафога маъшуқа бўла оларди. Мулла Вафо ҳар нарсадан олдин бу қизнинг либосларига разм солиб кўрди. Қишлоқда ҳамма хотин-қизлар кир, йиртиқ кўйлак, йиртиқ-ямоқ кавуш кийиб, бошларига бир камзулча ёпиниб юрган бир вақтда, бу қиз майда нақшли қизил йўл-йўл шоҳи паранжи ёпинар, булғор чармидан тикилган бўлса ҳам, лак уриб пардоз этилган кавуш билан пошнаси гулдўзи маҳси кийиб юрарди. У кўкрагини олдинга чиқариб, бошини салча орқа-олдига қимирлатиб, қадамини майда босиб, нозик одим ташлаб юрарди. Шоҳиннинг таъбири билан айтганда:

«Юрар эди нозик санамлардек бир-бир босиб».

У юрганда кийимларидан атру мушку гулоб ҳиди анқимас эди. Лекин бу ҳолнинг мулла Вафо учун аҳамияти йўқ эди. Чунки агар омади келиб, у, бу дилбарнинг васлига восил бўлса, икки тангага Бухородан бир шиша олий нав атри сотиб олиб, унинг бу нуқсонини йўқотиши мумкин.

Бу қизнинг асосий айби пақаналиги эди. Аммо мулла Вафо бундай деб ўйларди: «Шояд бўйининг пастлиги ёшлигидан бўлса, агар у ҳозир ўн тўрт ёшда бўлса, ўн саккизга киргунча сарвдек баланд, шамшоддек зебо ва санавбардек раъно бўлиши мумкин».

Иккинчи аломат ҳам жойида эди: у қизнинг битта акаси бор эди. Ҳозир соқол-мўйлов чиқарган бўлса ҳам, юз ва қоши кўзидан қизларнинг ҳусну жамоли намоён бўлиб турарди.

Мулла Вафо қизни кўчада ҳар кўрганда ғойибона муҳаббати ортарди. Аммо тириклигида унга етишарман

деб сира ўйламас эди. Қишлоқ арбобининг жуда кўп ери, қўш ҳўкизлари, саноқсиз қўйлари бўла туриб, нега ўз қизини, лоақал ўтирадиган уйи ҳам бўлмаган қишлоқ имомига берсин?.. Шоир ҳатто кўчада, одамлар орасида у қизга қарашга ҳам жасорат қилмасди. Чунки ҳасратомуз қарашлари, рангининг ўчишини кўриб одамлар унинг муҳаббатини пайқашлари ва бу ҳолни қизнинг отасига айтишлари мумкин эди. У вақтда арбоб имомнинг бу жасоратини ўзи ва қизи учун жинойткорона тажовуз ҳисоблаб, уни уриб-уриб қишлоқдан қуварди. У ҳолда муродига еталмаган бечора ошиқ дилором маъшуқда кўйидан узоқлашиб, дилозор ҳижрон балосига гирифтор бўларди.

Бинобарин, мулла Вафо кам-кам маъшуқани кўриш ниятида кўчаларда юришни бас қилди. Унинг ягона тасаллиси одамларнинг олдида ошиқона шеърларни куйиб-ёниб ўқиш, хаёлида у ғойибона маъшуқасини ўзига интилиб тургандай тасаввур қилиб, ёлғиз қолганда эса Абдураҳмон Жомийнинг таржеъбандидан охирги бандига қуйидаги уч байтни қўшиб баланд овоз билан (гарчи овози хунук бўлса ҳам) ашула қилиш бўлиб қолди:

Беркитди умид йўлларини  
Ишқнинг ғами кўздин оқизиб ёш.

Навмидлик бурчагида яхши  
Тиззага қўйиб ўтирганим бош.

Ғамингни қилиб ўзимга сирдош,  
Сенсиз сенга ишқ айлайин фош.

Мулла Вафо ўз маҳбубасини кўчаларда кўриш ниятидан воз кечгандан сўнг узоқ ҳижрон кечалари жононанинг жамоли хаёлида оҳу нолаю афғон чекиб, ўз ғамхонасида ўтирадиган бўлиб қолди. Ана шунда маҳбуба унинг хаёлида яна ҳам соҳибжамол ва зебороқ бўлиб кўрина бошлади. Ҳатто қаддининг пастлиги, паранжичачвон, кавуш-маҳсисининг шаҳар қизларининг кийими даражасида эмаслиги ҳам кўзига кўринмай, бу маъшуқа афсоналардаги нурдан либос кийган деб тасвирланадиган ённки жаннат либослари билан безанган ҳурлардек дилрабо ва беназир бўлиб кўрина бошлади.

Охири шоир ўз маъшуқасининг ҳижронига тоқат қилолмайдиган бўлиб қолди. Мажнундек бош яланг фарёд

қилиб, саҳрога чиқиб кетишига сал қолди. Худди шу вақтда бир воқеа рўй бердики, у ёр васлидан умидвор бўлиб шодликдан жони чиқиб кетишига оз қолди.

Бир кун қишлоқ мўйсафидларидан уч-тўрттаси унинг олдига — масжид ҳужрасига кириб, бир оз муқаддимадан сўнг, уйланинг, деб таклиф қилдилар. Улар ҳатто яхшигина қиз ҳам топиб қўйганларини айтдилар.

Мулла Вафо, булар кир, йиртиқ кийимда, бошига камзул ёпиниб деҳқончилик ишига ёки мол боққани борадиган деҳқон қизларидан бирини менга олиб бермоқчи бўлсалар керак, деб ўйлади. Бинобарин, уларнинг таклифини қатъий суратда рад қилиб, раднинг сабабини мана бу зайлда кўрсатди:

— Мен ҳали ўқишларимни тугатганим йўқ, бинобарин, то мадрасани тамом қилмагунча уйланиш ниятида эмасман, бу бир. Иккинчиси шуки, менинг уй-жойим йўқ. Агар уйлансам хотиним қаерда туради?

Мўйсафидлар унинг раддиясини рад қилиб бундай дейишди:

— Ҳозир сизда бўлган илм юзлаб мадраса битирган муллаларнинг илмидан ортиқроқ. Бизда шундай мадраса битирган муллалар имом бўлган эдиларки, бир жойдан келган хатни ўқиёлмасдилар. Бизнинг номимиздан бир жойга хат ёзиш у ёқда турсин, ўз номларини ҳам ёзишга қодир эмасдилар. Аммо сиз фақат хату саводлигина эмас, ҳатто ўз ичингиздан ғазал чиқарасизки, бу ҳунарингиз шарофати билан қишлоғимизнинг ҳамма эру хотинлари сизга ошиқ бўлганлар.

Мулла Вафо деҳқонларнинг охириги сўзларини эшитиш билан кўнглидан ўтказарди: «Қани энди ғойибона маъшуқам ҳам менга ошиқ бўлса. У вақтда отаси бермаса ҳам, ўзим олиб қочиб кетардим, бирор қозининг олдида никоҳ қилиб олардим, икки тарафлама ишқ шарофатидан дунёдаги одамларнинг энг бахтиёри бўлардим».

Мўйсафидлар имомларининг, уй-жойим йўқ, деган сўзларини ҳам рад этиб, бундай дейишди:

— Уй-жой важжидан сиз ғам еб юрманг. Биз сизни куёвликка мўлжаллаган хонадоннинг тайёр уйлари бор. Сиз ичкуёв бўласиз, ўзингиз хоҳлаган уйда келин билан истиқомат қиласиз.

Мулла Вафо ўйлаб қараса, қишлоқда Наим арбобдан бошқа ҳеч кимнинг серхона ҳовлиси йўқ. Бошқа ҳовлиларнинг ҳаммаси вайрона бўлиб, бир ё иккитадан оғил-

монанд хоналари бор. Бу хоналарнинг бирида оиланинг бутун аъзолари яшаса, бошқасига сигир, бузоқ боғлашади. Шунинг учун мўйсафидлардан сўради:

— Сўраганнинг айби йўқ, сизлар менга кимни қай-наталикка муносиб кўрасиз?

— Сизни куёв қилишга ҳамма қизи борлар толиб, лекин биз сизга муносиб қайната топганмиз. Масалан, биз сизга арбоб Наимни қайнаталикка муносиб кўрсак, сиз нима дер эдингиз?

— Эй, ҳа!.. Мен киму арбоб Наим ким? У киши қизларини молу давлатда ва обрўда ўзларига баравар кимсага берадилар. У киши ҳеч қачон мендек ялангоёқ муллага қиз бермайдилар.

— Гарчи «мени айтди деб айтманглар» деган бўлса ҳам,— деди мўйсафидлардан бири,— биз сизнинг кўнглингизни тўқ қилиш учун гапнинг ростини айтамыз: ўзлари бизни шу мақсад билан сизнинг олдингизга юбордилар. У киши бизларни чақириб олиб, зиёфат қилиб, бундай дедилар: «Менинг бу дунё давлатидан ҳеч камим йўқ. Энди бирорта муллани ичкуёв қилиб, у дунё давлатини қўлга киритгум бор. Ҳар қанча фикр юритсам ҳам, ўз имомимиздан яхшироқ мулла кўзимга кўринмади. Шунинг учун сизларни бесаранжом қилиб бу ерга чақириб келдим. Сизлар совчиликка боринглар, токи у киши ожизамизни канизликка (хотинликка) қабул қилсинлар. Аммо баъзи мулоҳазалар билан бу таклифни мен томондан бўлаётганини ўзларига билдирмай, ўзларингиз ишни пиширинглар».

Бошқа бир мўйсафид қўшимча қилиб деди:

— Сиз тўй тўғрисида ҳеч ташвиш тортмайсиз, ҳамма харажатларни сиз билан қизларининг хўрсандлиги учун арбоб ўзлари қиладилар.

— Ундай бўлса,— деди мулла Вафо,— арбобдек ҳимматли ва илмсевар кишининг сазосини синдириш ҳурматсизликкина эмас, куфрони неъмат бўлади. Сизлар менинг қабул ва саломимни у кишига етказинглар. Мен ваъда бераманки, у кишига фарзанд қаторида эмас, қулбаччалардек хизмат қилиб, шу йўл билан оз бўлса-да, ўз миннатдорлигимни маълум қиламан.

Мўйсафидлар кетишди. Аммо мулла Вафо ҳанузгача бу кутилмаган бахтни ўзига қиё боққанига ишонмай:

«Ё раббий! Бу кўрганларим тушимми, ўнгимми!»— дер эди ўз-ўзига. У кўзларини уқалаб, катта-катта очиб,

ҳар тарафга қарар, ҳамма нарсани кўрарди. Яна ишон-  
гиси келмасди. «Туш бўлиши ажаб эмас. Хўп, агар туш  
бўлса, илоҳим бу ширин уйқудан қиёматгача уйғонма-  
йин, токи ҳижрон аламини қайта тортмайин»,— дер эди  
дилида.

\* \* \*

Арбобнинг уйда катта тўй бўлди. Куёвга сарпо ва  
нозу неъматлар келтирилди. Энди ошиқи зорнинг хуш-  
бахтлиги тушида эмас, ўнгида эканлигига ҳеч шубҳа  
қолмади.

Қишлоқ ёшлари кечаси мулла Вафога янги кийимлар  
кийдириб, «Ҳо Лайли, Лайли, Лайли», дея лапар, қў-  
шиқлар айтишиб, келинни олиб кетдилар. Никоҳ ва  
саломнома ўқиш каби маросимлардан кейин уни келин-  
нинг олдига олиб кирдилар. Келин гўшага (чимилдиқ)  
орқасида тик турарди. Куёвнинг кўзлари келиннинг пар-  
даларга ўралган ҳайкалига тушган ҳамон қалтираб бе-  
ҳушлардек йиқилди. Аммо бу ҳолатнинг муносибсизли-  
гини фаҳмлаб, куёвнинг ҳар бир ҳаракатини кўздан  
кечириб турган хотинлардан шарм қилиб, ўзининг ихтиёр-  
сиз хатосини тузатиш ниятида юзларини келиннинг маҳ-  
сили оёқларига суртди. Шу билан гўёки бетоқатликдан  
эмас, балки ошиқона ҳурмат изҳори учун ўз ихтиёри би-  
лан келиннинг оёқларига йиқилгандай бўлиб кўринмоқ-  
чи бўлди.

Келин «лирик» шоирнинг бу ҳаракатига жавобан  
оёғи билан унинг бошини нарироқ итариб қўйди. Гарчи  
келиннинг бу иши дағалроқ, нозанин бир дилбарга но-  
муносиб бўлса ҳам, куёв унинг бу ҳаракатини ёшлиги,  
тажрибасизлигига ҳавола қилиб, кўнглига оғир олмай  
ўрнидан туриб келиннинг ёнида тик турди ва одоб билан  
икки қўллаб унинг юзидаги пардани кўтармоқчи бўлди,  
токи унинг жаҳоноро жамолини кўриб, ҳижрондан қон  
ийғлаган кўзларига тасалли берсин.

Аммо келин икки қўллаб пардани юзига шундай маҳ-  
кам ўраб тутиб турган эдики, уни очишга куёвнинг кучи  
етмади. Шунда ночор қолган куёв хамир учидан патир,  
деганларидек, бу кеча унинг қўлларидан ўпиб тураман,  
деб ўзича аҳд қилди.

Эртасига қишлоқ аҳолиси бирин-кетин масжид ҳуж-  
расига келиб имомни табрикладилар. Совчилар ва баъзи

пноқлашиб қолган ёшлар табрикдан сўнг ундан келиннинг қанақа эканиши сўрардилар.

У, келиннинг юзини очолмадим, ҳали кўрганим йўқ, дейишга уяларди. Аммо саволларга жавобан келинни ўз тасаввурида мужассамлашган ғойибона маъшуқасидек тасвирлаб берарди.

Эшитувчилар, айниқса ёшлар бу жавобни эшитиб истеҳзоомуз табассум қилиб қўярдилар.

Иккинчи кеча куёв келиннинг дийдорини кўришга муяссар бўлди. Лекин кошки унинг дийдорини кўрма-сайди! Унинг юзини кўриш билан ғуссадан жони чиқа ёзди: юзини сепкил босган, ўликдек бенур, бурни пучуқ, кўзлар хира шишадан ясалгандай ҳаракатсиз, киприксиз...

Бунинг устига кўкрак қафаси то бўйнигача аллақандай беморлик туфайли, олға қараб туртиб чиққандики, бунинг натижасида бошини тик тутиб олдинга қараб эголмасди. Бинобарин, унинг калласи ҳамиша орқасига эгилиб, қимирлаб турарди. Бўйининг пастлигига сабаб ҳам ёшлиги эмас, шу касаллиги экан. Йўқса, қўлининг кучидан ёши йигирма бешлардан ўтгани кўриниб турарди.

Мулла Вафо шу заҳотиёқ келиннинг олдидан чиқиб, Бухорога қараб жўнаб қолди. Бу ерга келиб ёшлигида истиқомат қилган Шодимбий мадрасасидан ҳужра топиб, бўйдоқ ҳаёт кечира бошлади.

Лекин мулла Вафонинг бу галги эркин ва бўйдоқлик ҳаёти ёшларникидек эмас эди. Энди ошиқона шеърларни ўқишга ҳаваси йўқ, хаёлий маъшуқаларни ҳам хотирига келтирмасди. Ҳали ҳам у кўп шеър ўқирди, лекин мазмуни фалақдан, замондан ва бахтсизликдан иборат шеърларнинггина топиб ўқирди.

Мулла Вафонинг шеър ёзиши янгидан бошланди. Лекин бу янги шеърлари марсиянамо бўлиб, ҳаммасининг мазмуни фалақдан, бахту толедан ва дунёнинг бевафолигидан шикоятдан иборат эди.

Мулла Вафо умуман одамлардан, айниқса хотин ва унинг номидан ваҳшийлардай қочгани сабабли, шоирлигининг иккинчи даврида ўзига «Ваҳший» тахаллусини танлади.

Бепарво ва бедард одамларнинг мулла Вафога «безан» (хотинсиз) деб лақаб қўйишларининг сабаби шу эди. У бу лақабдан ва умуман «хотин» сўзидан илондан қочгандек қочадиган бўлиб қолди.

1894 йилнинг бошларида, Бадалбек мадрасасида, ўша даврдаги аҳволимга нисбатан менга катта зарар етди. У вақтларда менинг қўлимда «Махдум ва Аёз» деган девонча, Навоий ғазалларининг танланган девони (отам кўчирган нусха), дарслик китобларидан «Матни Кофия» (Олимжон мадрасасининг муаззини кўлоблик Абдуфаттоҳдан олинган омонат), шунингдек Зухур махдумнинг омонати «Шарҳи Мулла» бор эди. Мен «Шарҳи Мулла»ни олиб, сил бўлиб ётган Аллом махдумнинг олдига бордим. (Бу вақтда унинг аҳволи оғирлашган эди.) Ниятим ҳам касалга қараш, ҳам дарсларимни бир кўздан кечириш эди.

Кечаси касалнинг ёнида ётиб, эрта билан мадрасага келсам, ҳужрамнинг эшиги очиқ. Аввал, кетаётиб эшикни қулфлаш эсимдан чиқибди-да, деб ўйладим. Ҳужрага кириб шам ёндириб бу тирикликдаги сағанамни кўздан кечирсам, «Навоий девони» билан омонат «Кофия» йўқ. Маълум бўлдики, қандайдир ноинсоф патак ўғриси ҳужрамнинг эшигини очиб, китобларни олиб кетибди. Ҳолбуки, уларнинг ҳаммасини бозори чаққон вақтда биров беш тангага олмайди. Аммо менинг учун бу икки китоб ноёб хазина эди, омонат китобнинг йўқолиши эса хижолатчиликдан бошқа гап эмас.

Шунга қарамай, «Шарҳи Мулла»ни олиб кетганим, ҳужрада ўғри олиб кетишга арзигулик палос ва усти бошим йўқлигидан шукур қилдим. Аммо дақиқа сайин диққатим ошарди, чунки мулла Абдуфаттоҳга қандай жавоб-муомала қилиш мени ўйлантирарди. Негаки, у хасис ва муомаласи қўпол одам эди. Менинг эса унга бериб рози қиладиган пулим ҳам йўқ эди.

Кўнглим бекорга нотинч бўлмаган экан. Ҳали офтоб чиқиб улгурмай, мулла Абдуфаттоҳ мадрасага кириб келди. Мен у вақтда беморнинг олдида унга овқат егизмоқда эдим. Абдуфаттоҳ лабларини қалтиратиб шу ерга кириб борди ва ҳеч бир муқаддимасиз уришталаб бир вазиятда: «Менинг китобимни топиб бер!»— деди. Ҳушим бошимдан учди. Мен, бу қандай қилиб ҳаммадан олдин китобни йўқолганини пайқади экан, деб ҳайратда эдим.

— Хўп,— дедим мен,— беморни тинчитай, сўнгра ҳужрага бориб сизга бўлган гапни айтаман.

— Мен гап-папингни эшитмайман, менга ўз китобим

керак,— деди у яна баландроқ ва жўшқинроқ овоз билан.

Мен, бемор олдида бу уришқоқ одам билан айтишиб туришни муносиб кўрмай, дарҳол ўрнимдан туриб, ҳужрадан чиқдим, у ҳам менинг орқамдан чиқди. Мен мадраса саҳнида унга:

— Бемаъни бир иш юз берди, кечаси уйимни ўғри уриб, ўз китобларим қаторида сизнинг китобингизни ҳам олиб кетибди. Энди сиз нима билан рози бўлсангиз шундай қилишга тайёрман...

У овозини яна ҳам баландроқ қилиб, оғзидан кўпик сочиб бақирди:

— Мен биламан, сен китобни бирор жойга яширгансан, уни ўзингники қилмоқчисан. Сен ўзинг ўғрисан, бу орада бошқа ўғри йўқ. Агар яхшиликча бермасанг, уриб оламан,— деганча офтобшувоқда тираб қўйилган ўтинлар томон югурди, у ердан битта тарашани олиб менга ҳужум қилди. Мен қочдим, у мени қувлади. Мен чопишда ундан чаққонроқ эдим. Мен қочиб мадрасани гир айланардим. У ҳам кетимдан қувларди.

Мадрасада бор одамларнинг ҳаммаси ҳужраларидан чиқишди. Зуҳур махдум унга мулойимлик билан мурожаат қилди:

— Шерик! (У, акам ва Зуҳур махдум билан мулла Икромча дарсида ҳамдарс эдилар.) Ўзингизни босинг, менинг ҳужрамга киринг, бир йўлини қилармиз.

Аммо у қулоқ солмасди. Муллабаччаларнинг ичида Бобомурод номли йигит бўларди, у ҳам Абдуфаттоҳ ва акамнинг ҳамдарси эди. Унинг бўйи паст бўлса ҳам, паҳлавонликда машҳур эди. У «айиқ калтакнинг зарбидан мулла бўлади», деб Абдуфаттоҳнинг йўлини тўсди. Абдуфаттоҳ тараша билан Бобомуроднинг бошига урмоқчи бўлиб қўл кўтарди. Аммо у фурсат бермай, икки қўли билан Абдуфаттоҳнинг белидан ушлаб баланд кўтарди ва боши узра айлантириб мадрасанинг ғишт ётқизилган саҳнига орқаси билан чаппа қилиб урди, шу билан Бобомурод ундан қўлини тортди.

Аммо деновлик муллабаччалар (тоғамнинг қўшни қишлоғидан бўлиб, баъзилари менинг ҳамдарсларим эдилар) Абдуфаттоҳнинг туришига фурсат бермай, тепасига ҳужум қилишди, уни мушт билан уриб, оёқ билан тепиша бошлашди. У калтак еган айиқдай бўкирар эди.



Шу вақт акам мадрасага кириб келди. У ҳар кун Зуҳур махдумнинг олдига келар ва иккиси ҳамроҳ бўлиб дарсга борардилар. У, бу аҳволни кўриб муллабаччаларни Абдуфаттоҳнинг устидан нари кетказди. Энди ёввойи айиқ «мулла» бўлиб, ром бўлганди. Акам уни ўрнидан турғизиб Зуҳур махдумнинг ҳужрасига олиб кирди. У бошини эгиб, бировга қарамай, енгил-енгил қадам босар ва ҳар қадамда қўлини белига олиб бориб, зарб еган жойларини силар эди.

Зуҳур махдумнинг ҳужрасида акам махдумдан икки танга олиб берди. Чой ичгандан сўнг розилик изҳор қилиб, улар билан биргаллашиб дарсга кетди. Аммо йўлда кетаётганда у мулла Бобомуроддан олдин ўтмас, бошимга яна мушт тушириб қолмасин, деб қўрқар эди.

\* \* \*

Мадраса аҳли бу ўғрилиқ Абдуфаттоҳнинг ўз иши дер эдилар. Улар ўз даъволарига далил қилиб мана буни кўрсатардилар: ўғрилиқ ҳақида ҳали бу мадраса аҳли хабардор бўлмай, қандай қилиб бундан узоқроқ мадрасада турган одам буни фаҳмлаб келиб, ўғри олиб кетган китобини талаб қилади? Шак-шубҳасиз равшанки, у ўз китобини бошқа китоблар билан ўғирлаб бориб бир жойга яшириб қўйиб, ўзи товон талаб қилиб келган.

Аmmo мен бу фикрга ишонмасдан, дилимда: «Ун минг танга пули бор бир одам икки тангани қўлга киритиш учун шунчалик жинояткорона йўлга кириб, шунчалик дилсиёҳлик, шунчалик шармандаликка борармикан»,— деб ўйлардим.

Мен ҳаёт билан тузукроқ ошна бўлгач, билдимки, ҳарис одамлар, айниқса у судхўр бўлса, не чоғли бой бўлса шу қадар ҳарис, шу қадар паст бўлиб, андак нарсани қўлга киритиш учун ҳар қандай жиноят ва номуссизликдан юз ўғирмайдиган бўлар экан. Ана шу ақидага келгач, ўғри Абдуфаттоҳнинг ўзи, деган фикрга ишондим.

## ДАЛА САЕҲАТИ

1894 йил ёзида бемор (Аллома махдум) нинг аҳволи яна ҳам оғирлашди. Акаси ва қариндошлари уни иссиқ кунларда соф ҳаво олсин, шояд ҳавони ўзгартириш унинг саломатлигига фойда қилса, деб бирор дала жойга юбормоқчи бўлдилар.

Шу мақсад билан беморнинг акаси далаларга чиқиб (Демих Деҳаи шайх) қишлоғидаги ота қадрдонларидан бирининг боғини укаси ёзда туриши учун гаплашиб аниқлаб келди ва бизни ўша ерга кўчириб олиб борди. Бу боғ Деших ариғи бўйида бўлиб, анча серсув ва хушхаво эди. Биз соя-салқин меҳмонхонада жойлашдик. Унинг олди гулзор, гулзор орқасида ҳовуз, ҳовузнинг нариги тарафида мевали дарахтлар ва узумзор бор эди.

Мен ҳовузнинг олдига ўчоқ қилдим, бу ерда эрта ва кечки таомларни пиширар, чой қайнатар эдим. Бундан ташқари боғнинг ташқарисида, Деших ариғи бўйидаги қатор серсоя толлар остига супача қилиб, супанинг ёнида ҳам эҳтиётдан бир ўчоқ қилдим.

Биз кундузи ҳаво жазирама вақтида ўша супада оқиб турган сувга тикилиб ўтирардик. Мен тушки овқатни ҳам шу ерда пиширардим. Ариқнинг у тарафида сабзавот (сабзи, пиёз, карам) ва полиз экинлари (қовун, ҳандалак, тарвуз, ошқовоқ) кенгайиб бориб кўз олдида гўзал манзара намоён бўларди.

Мен шу вақтда қуйидаги икки мисрани ёзган эдим:

Тол таги-ю сув бўйи, ёни экин,  
Бу каби манзилними — жаннат дегин.

(Мен ўқиш китоби ёзган вақтларимда — 1908—1910 йилларда «Ҳасан урди» деган дoston ёзиб, бу икки мисрани ҳам қайтадан ишлаб, ўша китобчага киритган эдим. Китобчанинг номи «Таҳзибус-сибён» эди.)

Биз у боғда эрталаб ва кечқурун ҳовуз бўйида ўтириб, кечаси гулзор олдидаги меҳмонхона супасида ётардик. Боғ эгасининг номи Нурмуҳаммад бўлиб, ёши олтмишларда, юзи қорачадан келган, оқи озроқ қора соқоли бор, қора ўткир кўзлари ғамгинроқ, кенг пешанасида ажин кўп эди. Эғнида нимпахта йиртиқ тўн бўлиб, уни серямоқ иштони устидан кийиб, ип боғлаб кўкрагини очиб юрарди, тўнининг йиртиғидан қора баданининг бошқа жойлари ҳам кўриниб турарди.

У яланг оёқ бўлиб, оёғининг уст, учлари ва товони ҳам бир хилда қора, кир ва ёрилган эди. Оёқлари бамисоли балчиқдан оёқ қолипи ясаб, ўтда қуришиб олингану, шунда ҳамма ёғи ёрилгандай. Қўлининг кенг кафти, узун панжалари шундай қавариб кетган эдики, кўрган одам унинг қўлларига сўгал тошган деб гумон қиларди.

Нурмухаммаднинг уч фарзанди бор эди: каттаси тахминан ўттиз ёшда, ўртанчаси йигирма беш яшар бўлиб, ҳар иккаласи уйланган эдилар. Катта ўғлининг уч қизи бўлиб, улар икки яшар билан саккиз яшар орасида эдилар. Ўртанча ўғлининг эса икки яшар ўғилчаси бор эди. Ҳаммадан кичик ўғли 18—19 ёшларда бўлиб, ҳали уйланмаган эди. Аммо Нурмухаммаднинг ҳамма фарзандлари ва набиралари кийимда унинг ўзидан фарқ қилмасдилар. Ранг-рўйлари ҳам худди унинг ўзидек қорачадан келган бўлиб, фарқлари — ёшларининг катта-кичиклигида эди, холос.

Нурмухаммаднинг икки таноб (ярим гектар) боғи бўлиб, ички-ташқи ҳовлиси ҳам шунинг ичида эди. Меҳмонхонасининг ҳам, ички ҳовлининг эшиклари ҳам боғ тарафга қараб очиларди. Кичик ўғлининг менга кўрсатишича, боғнинг ташқарисида, Деших ариғи бўйида саккиз таноб экин майдони ҳам бор эди. Чорвадан бир соғин сигири, бир жуфт ҳўкизи ва бир эшаги бор экан.

Бу оила аъзолари ҳаммаси ишга яроқли, серғайрат одамлар бўлиб, ўша ёзнинг калта кечаларида тонг қоронғисидаяқ кетмоқ, ўроқ, сабзавот остларини юмшатиш учун беҳурақчаларини олиб, экинзорга чиқиб кетардилар. Офтоб тикка келиб ҳаво роса қизиганда уйларига келиб бирор нарса еб, дам олиш ўрнига боғнинг соя жойларида ишлардилар. Кун сал оғиши билан яна экинзорга чиқиб кетишар, шу билан то қош қорайгунча ишларида давом этардилар.

Нурмухаммаднинг катта ўғли қўшчи бўлгани учун кечаси соат ўнларда ҳўкизларини ҳайдаб қўшга чиқиб кетар, офтоб чиқиши билан қўшни тамомлаб, овқатдан сўнг дам олиш ўрнига яна кетмон ва ўроқ ишига чиқарди. Фақат кун оққандан кейин қилинадиган ишга чиқмай, қўш вақтигача ухларди.

Кичик ўғли эса эшаги билан кунига уч-тўрт марта шаҳарга сабзавот олиб тушарди.

Деших ариғи бўйидаги ерлар, жумладан, Нурмухаммаднинг ерлари дархон ерлар бўлиб, булардан подшолик солиғи олинмасди. Буларнинг харажати фақат ариқ ковлаш ҳашари, Шаҳруд, Дуоба ва шаҳар қалъасининг ҳашарлари эдики, бундай харажатлар бу хил серсув, серҳосил ерлар учун у қадар оғирлик қилмасди. Шунга қарамай, бу оила аъзоларининг ҳаммаси кийимсиз ёки юпун кийинган, яланг оёқ эдилар, бирор марта

гўштли иссиқ таом еганлари ҳам маълум эмасди. Улар фақат сут, айрон, сутли хўрак ва нон билан яшаб, буларнинг ҳаммаси ўзларидан чиқарди, шунга қаноат қилардилар.

Мен, Нурмуҳаммад ва унинг фарзандлари ўта хасис бўлсалар керак, деҳқончиликдан топган фойдаларини емай-киймай тўпласалар эҳтимол, деб гумон қилган эдим. Бу оила аъзоларининг баъзи ҳаракатлари менинг бу фикримнинг нотўғри эканини кўрсатиб берди. Чунончи, биз таом еб турганда, бу оила аъзоларидан бирортаси кўзга кўриниб қолса, биз на зўрлик билан ва на ёлвориб билан уларни таомга даъват қилиб кўндирилмасдик. «Қуллуқ, саломат бўлинглар, мен ҳозир овқат едим»,— деб кетар эдилар.

Биз қачон палов пиширсак бир косани тўлдириб ички ҳовлисига бериб юборардик. Албатта биз ундан ортиқ беролмасдик. Лекин мен «бу катта оила аъзолари бир коса ошни қандай қилиб ўзаро тақсим қилар экан», деб ўзимдан-ўзим хижолат бўлардим.

Бир кун кунжиқовлигим тутиб Нурмуҳаммаднинг беш яшар набирасидан сўрадим:

— Олиб борган паловдан сенга ҳам беришдими?

— Ҳа,— деди қизча.

— Ойтўтинг билан укангга ҳам беришдими?

Бу саволимга қизча шундай жавоб бердики, менинг бошқа сўраб-суриштиришимга эҳтиёж қолмади.

— Катталар емадилар. Бобом ҳаммасини менга, ойтўтимга, укам ва Акрамга (Нурмуҳаммаднинг кичик ўғлидан бўлган набираси) егизишди,— деди.

Мана шу ишлар ҳаммаси Нурмуҳаммад ва оила аъзоларининг хасис эмаслигини, ёш болаларга меҳрибонликларини кўрсатди.

\* \* \*

Бир кун Нурмуҳаммад билан узундан-узоқ суҳбат қилишга тўғри келиб, шу суҳбатдан сўнг бу оиланинг аҳволи ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилдим.

Бир кун Нурмуҳаммад, ўша коржомаси билан саҳарлаб ҳовлидан чиқиб кетди ва кун бўйи на боғда, на экинзорда кўринмади. Кечаси бўлди, ҳаво соф ва ойдин эди. Шабнам кўп тушди. Қасалнинг йўтали кучайди. Мен уни

меҳмонхонанинг ичкарасига киритиб ётқиздим. Ўзим эса, супага чиқиб, нурларини сув ва гулзорга сутдек қуйиб турган ўн икки-ўн уч кунлик ойга тикилиб ўтирдим. Ҳақиқатда ҳам ойнанинг ҳамма ёруғи мен ўтирган супага тўкилиб, шоҳлари бир-бирига чирмашган ҳовуз бўйидаги дарахтлар қоронғида қолган эди.

Шу пайтда кимдир йўталиб, кўча дарвозасидан ҳовлига кириб менга яқинлашди. Қарасам, Нурмуҳаммад экан.

— Амаки, бугун кўринмадингиз-ку, қаерда эдингиз?— деб сўрадим.

— Эй, саргардонлик дея, ўғлим,—деди-ю, келиб супанинг четида, менга яқин жойда ўтириб, оёғини супанинг ёнига узатиб сўзида давом этди:—Галаосиёга—ноибхонага борган эдим.

— У ерда нима қилдингиз? Не ишингиз бор эди?— деб яна сўрадим.

— Ноибхонада нима гап бўларди? Жанжал дея!

— Хўш, қандай жанжал?

— Эй ўғлим, сиз сўраманг, мен гапирмай! Менинг саргузаштим узундан-узоқ ва дардим бедаводир. Бу гапларни эшитиш сизнинг бошингизни оғритиб, дилингизни сиёҳ қилади.

— Мен одамларнинг тирикчилик борасидаги дард-аламларини эшитишга жуда толибман. Агар айтиб бериш сизга малол келмаса, марҳамат қилинг, мен эшитаман.

— Менинг қўлимдаги бу боғ, ҳовли ва ерлар отам билан амакимдан менга мерос қолган. Отам билан амаким ҳар иккиси ҳам девкор одамлар эдилар. Улар ишлардан чарчамас эдилар. Мен ҳам уларнинг ёнларига кириб ишлардим. Лекин вақтхушлик ҳам қилардим. Шўх муллабаччалар ва Бухоронинг базм шинавандалари ҳисобланган махдумлари билан ошна эдим. Сизнинг махдумингизнинг отаси ҳам (меҳмонхонада ётган бемор тарафига ишора қилди) ўша вақтда менга ошна бўлган эди. У киши базм шинаванда махдум эдилар. Ҳар ёзда икки-уч бор шериклари билан бир даста созандани олиб келиб, бизнинг боғда базм қурадилар, мен ҳам гоҳо уларнинг ҳужраларига бориб, мадраса палов еб келардим...

Нурмуҳаммад бир оз жим қолди-ю, кўкрагини тўлдириб нафас олди, бошини орқага тортиб, кўзларини ойга

тикиб туриб бир оҳ торди-да, сўнгра сўзида давом этди:

— Оҳ! У давру даврон ўтди, у кунлар қайтиб келмайди. Мен кўрмайман, бахтсиз болаларим ҳам у кунларни кўрмайди...

Сухбатдошимнинг овози тобора қалтираб, пастлаб борарди, гапирганда томоғи қуриб бораётгани ҳам сезиларди. Мен ҳис этдимки, у ҳам чанқаган, ҳам оч. Бинобарин, бурда нонлар билан шу ерда турган дастурхонни унинг олдига ёзиб қўйдим ва рўмол билан ўраб қўйилган илиқ чойдан бир пиёла қуйиб унга узатдим. У икки-уч луқма нон еб, чой ичиб, яна гапга кирди:

— Мен ёлғиз ўғил эдим, амакимнинг ҳам ўғли йўқ эди. Шу сабабли, унинг ўғли мен эдим. Мени вақтида уйлантириб қўйишди. Улар оламдан кўз юмишди, онам билан амакимнинг хотини ҳам вафот этди. Бу ер-сув, уй-жой — ҳаммаси менга қолди. Катта ўғлим ёнимга кириб қолди. Биз оталарнинг девкорлигини қайта тирилтирдик. Боғни илгаригидан ободроқ қилдик. Мен шаҳарлик бойлар ва подшолик боғларидан яхши ниҳолларни келтириб ўтқаздим, ўстирдим ва новдалар келтириб боғда хашаки меваларга пайванд қилдим. Тирикчилигимиз роҳат билан ўтарди. Тўғри, бошимга рўзғор тушгандан сўнг мен базмларга бормас ва базм бермас эдим. Аммо боғдорчилик ва деҳқончилик ишининг ўзи ҳар қандай базмдан кўра кўпроқ кайфимни чоғ этарди. Мен ишдан ҳоримасдим.

Аммо у кунлар узоқ давом қилмади. Катта ўғилни уйлантириш лозим бўлиб қолди. Арбоб бўлди, оқсоқол бўлди, катта-кичик ўртага тушиб келиннинг маҳру тўёнасини ҳаддан ошириб юборишди. Бунинг устига фотиҳа билан тўй ораси уч йилга чўзилди. Бу уч йил мобайнида ҳайит ва бошқа маросимларда келинни йўқлаб олиб борилган нарсаларни ҳисобласам отам мени уйлантирган-да сарф этган пулдан кўпроқ пул кетибди. Тўйда мендан ўн минг танга пул кетган бўлиб, бунинг уч минг тангасини қарз олган эдим. Қарзни галаосиёлик бир судхўрдан олиб, уч минг тангага ҳар ойда етмиш беш танга фойда берардим. У вақтда бир нимча (500 грамм) узумни бир пул (чорак тийин)га сотиб юрганим учун бу маблағ менга оғирлик қилди. Бу орада менга бир «ғамхўр» чиқиб қолди. Унинг отини Аловиддин Говжигар дер эдилар...

— Шошманг!— деб мен Нурмухаммаднинг сўзини бўлдим,— Аловиддин қўрқмас деганингиз шаҳардаги чойфуруш эмасми?

— Худди ўшанинг ўзи. Сизнинг махдумларингизнинг мадрасаси олдида бир дўкончаси бор.

## АЛОВИДДИН ГОВЖИГАР

Дарҳақиқат мен Аловиддин қўрқмасни танирдим. Бадалбек мадрасасининг жануби ғарб тарафида катта масжиднинг деворига туташган дўкончаси бўлиб, шу ерда чой сотарди. Дўкончаси жуда тор ва масжид деворига ёпишган бўлиб, ўзи у ерга зўрға сиғар, боши тепасига то дўконнинг шифтига етгунча тахтачалар қоқиб, уларга қоғозга ўралган нимча (500 граммлик) чойларни териб қўярди.

У паст бўйли, думалоқ, семиз одам бўлиб, юзлари оқ, кўк ва қисик кўзли, соқоли сийрак ва малла ранг бўлиб, фақат иягининг учини ёпиб турарди. Ошначилик ёки иш билан келган одам унинг дўкони олдида тик туриб сўзлашар, тўғрироғи, дўкондорнинг сира тамом бўлмайдиган гапини эшитар эди. Аловиддин келган одамга бир пиёла чой бериб гап бошларди. Унинг овози ингичга ва жарангдор эди. Унинг оғзидан сўзлар бурро, лекин шундай тез чиқардики, эшитувчи уни ташлаб кетишнинг имкониятини тополмасди.

У ҳеч қачон чойни нақд пулга сотмагандек, бир нимчадан, яъни беш юз граммдан кам ҳам сотмасди. Дўконида чой камайиши билан, дўкони бекитмай, ёнидаги чилангар устага «биров келса, мен келгунча турсин, мен дарров келаман», деб тайинлаб, катта сурп халтани олиб чопиб кетар ва бир неча дақиқа ўтар-ўтмас халтасини беш юз граммлик қилиб ўралган чойлар билан тўлдириб олиб келар ва қўлига тушган одам билан яна гапга киришиб кетарди. Суҳбатнинг мавзуи бошдан-оёқ қарздорларнинг таржимаи ҳоли ва уларнинг феълу атворидан иборат бўларди. У ўзининг ҳамма қарздорларини хоҳ у ерда бўлсин, хоҳ бўлмасин бутун хусусиятлари билан таништирарди. Қарздорликда ким бадмуомала — ҳаммасини бирма-бир айтиб берарди.

Одамлар, у фойдани шариатга мувофиқ қилиб оладиган судхўр, дейишарди. Бинобарин, у ҳеч кимсага нақд

пул қарз бермас, кимки ундан пул қарз олмоқчи бўлса, муайян ва баланд нарх билан чой берарди. Қарздор чойни сотиб ўз эҳтиёжига харжларди. Масалан, бир кишига беш танга қарз олиш лозим бўлса, унга баҳоси беш тангалик бир нимча (беш юз грамм) чойни икки ойда қайтариб бериш шарти билан ўн танга нарх қўйиб берарди. Қарз талаб қанча кўпроқ пул сўраса, у нақд пул берадиган бошқа судхўрнинг тузоғига илинмасин деб, чойнинг пулини шу қадар арзонроқ қиларди.

Пул ўрнига чой олган муҳтож уни қандай қилиб сотиш ташвишига тушарди. Бинобарин, Аловиддин Говжигар қарздорнинг чойини сотишни ўзи ташкил қилган эди: у ўз дўконига яқин тери саройида бир ҳужрани ижарага олиб, бир одамнинг қўлига нақд пул бериб ўтқазиб қўйган эди. Қарздор ундан пул ўрнига чойни олгач, унга чойни шу ҳужрага олиб бориб, ўша ерда ўтирган кимсага осонлик билан сотиш мумкин деб дарак берарди. Беш тангалик чойни хўжайиндан ўн тангага олган қарздор уни олиб бориб худди ўшанинг ўзига тўрт тангага сотарди. Шунинг учун ҳамиша юз, икки юз нимча чой Говжигарнинг дўкони билан ҳужраси орасида айланиб юарди. Унинг қарздорлари ҳаммаси Галаосиё атрофидаги далачилардан иборат эди.

Унинг туғилган ва яшайдиган жойи Деших яқинидаги Япалоқ қишлоғи эди. У ҳар кун эрталаб отлиқ шаҳарга келиб, кечқурун қишлоғига қайтарди. У Бадалбек мадрасасида қори Абдулқаюм номли шаҳарлик одам билан жуда яхши дўст эди. Айтишларига қараганда, қори Абдулқаюм илгари шаҳарда майда судхўрлик билан шуғулланар эди. Қандайдир бир муносабат топиб Аловиддин билан танишгач, унга пулларимни қишлоққа обориб муҳтож деҳқонларга бер, катта фойда чиқади, ўзинг ҳам бир чеккасидан еб юрасан, деб таклиф қилган эмиш.

Аловиддин у вақтда диндор бўлиб, судхўрлик шариятга тўғри келмайди, деб бу таклифни рад қилди. Шундан сўнг қори Абдулқаюм унга шу ҳийлаи шаръийни ўргатди, яъни молга икки баравар нарх қўйиб қарздорга бериш—судхўрлик эмас, савдо-тижорат бўлади. У вақтда Аловиддин кам дастмоя, бозорма-бозор кезиб юрувчи чойфуруш эди, у қори Абдулқаюмнинг бу фикрини чой воситаси билан амалга оширди. Сармояси кўпайгандан сўнг ўғрилардан қўрқиб, шаҳарда дўконча очиб, ҳужра



олди, ишни шу ерга кўчирди; ҳамма қимматбаҳо нар-саларини, нақд пулини ҳужрага келтириб, бир кишини бу ерга посбон қилиб қўйди. У қарздорларга баҳолаб берилган чойларни сотиб олишда унга гумашта ҳам бўлди.

Аловиддин қори Абдулқаюм билан бойлик орттиришда шерик бўлиб, иккови кўп яқин дўст бўлишди, қори ҳар кун пешинда ҳужрасида палов пиширар, Аловиддин дўконини бекитмай, келувчиларнинг кутиб туришини чилангар устага тайинлаб, қорининг ҳужрасига бориб ош еб келарди.

Аловиддин ҳам ҳафтада бир-икки бор қорини ошнаси билан қишлоққа олиб бориб зиёфат базм қилиб берарди.

Аловиддинга «Говжигар» (довюрақ) лақаби берилиши ҳақида бундай дейишарди: бошқа судхўрлар бировга қарз бермоқчи бўлсалар, аввали у кишининг мол-мулкини текшириб кўрардилар, агар назарларида у одамга берган пуллари куймайдигандек кўринса, яъни унинг молу мулки қарзига етадиган бўлса, қарз берардилар.

Аmmo Аловиддин бирорта қарздорнинг молу мулкини текшириб юрмасди. У «менга бировнинг молу мулки керакмас, менга одам керак», дер эди. Шунга кўра ҳар бир одамга, гарчи унинг ҳеч нарсаси бўлмаса ҳам, пулининг куйиб кетишидан қўрқмай, қарз бераверарди. Шунинг учун бошқа судхўрлар уни «Аловиддин Говжигар» деб атардилар.

Дарҳақиқат, Аловиддин бу ишидан зарар кўрмасди. Унга худди шу қарздор одамнинг ўзи кифоя қиларди. Агар бирорта қарздори қарзини тўлолмаса, сотиб беришга нарсаси ҳам бўлмаса, у шу одамни олиб бориб ерсуви кўп бойларга хизматкор қилиб берар, шу йўсин билан ҳам пулини ундириб оларди. Агар бир хизматкорнинг бир йиллик ўртача хизмат ҳақи беш юз танга бўлса, у уч юз тангага берарди, бундай қилганда, бой «арзон ишчи кучи топдим», деб Аловиддинга олдиндан пул бериб қўярди.

\* \* \*

Нурмуҳаммад сўзини бўлиниб қолган жумласидан давом эттирди:

— Аловиддин Говжигар менга ғамхўрлик қилиб: «Эшитишимча, сиз ҳар йил уч минг танга қарзга бир минг

икки юз танга фойда берар экансиз. Бу сизга нисбатан жабр, зулм, ноинсофликдир. Мен сизга уч минг танга топиб бериб, қарздан халос қилмоқчиман. Лекин мен у пул учун сиздан фойда олмайман. Чунки шарият юзасидан фойдахўр ҳам, фойда берувчи ҳам дўзах ўтида куяди. Фақат сиз ерларингизни менга ҳосилга раво қилиб қўясиз, мен унинг ҳар йиллик ҳосилини сизнинг ўзингизга минг тангага сотаман. Бу ҳолда сиз йилига бир минг икки юз танга эмас, минг танга тўлайсиз, икки юз танга ўзингизга қолади. Шу тариқа сизнинг ҳам, менинг ҳам ишим шариятга мувофиқ бўлиб, ҳар иккимиз дўзах ўтидан халос бўламиз, на сиз куяди, на кабоб! Аммо сизнинг менга бир яхшилик қилишингиз керак бўлади. Ўзингиз биласиз, менинг деҳқончилигим йўқ. Мевалар пишганда бизни ҳўл мева билан зиёфат қилиб турасиз, баъзан отимга беда ва арпа бериб турасиз. Менинг боғим бўлмагани учун шаҳардан меҳмон келса сизнинг боғингизга олиб бораман. Сиз меҳмонни очиқ чеҳра билан қабул қиласиз. Албатта меҳмондорчилик харажатлари ўзимдан бўлади».

Нурмуҳаммад афсусланиб айтарди:

— Мен нодон «ҳар йил менга икки юз танга фойда бўлади», деб унинг таклифини қабул қилдим. Унинг сўраган ёрдамлари ҳақида эса «арпа, беда ва мева-чеваларни мен бозордан сотиб олмайман. Агар худо менга берган деҳқончиликдан бир оз сизга одамгарчилик қилсам зарари йўқ», дедим. Меҳмондорчилик борасида эса мен меҳмонни биринчи кўришим эмас, отам раҳматли ҳаёт чоғларида ўзим ҳар ҳафта шаҳардан меҳмон олиб келардим. Агар сиз олиб келсангиз бош устига, харажатларини ўзим қиламан, деманг. Бу мен учун уят. «Меҳмоннинг ризқи ўзидан олдин келади», дейдилар. Ҳар ким ҳар ерда ўз ризқини ейди.

Нурмуҳаммад сўзини давом эттирди:

— Шу тариқа менинг ерларим қози калоннинг Галаосиёдаги ноиб Мирзо Хожа ҳузурда қозихона васиқаси билан Аловиддин Говжигарга ҳосилгаров бўлиб ўтди. Биринчи йилда менинг муомалам янги хўжайин билан силлиққина ўтди. Мен унга минг тангадан ташқари, бир ман арпа, юз боғ беда бердим. Ҳар ҳафта уйига бир саватдан узум юбориб турдим. Уч марта тўрттадан меҳмон олиб келди. Қўлдан келганча уларни кутиб олдим. Иккинчи йили болаларнинг онаси: «Кўзимиз очиқ вақтда ўртан-

ча ўғилни уйлантириб қўяйлик»,— деди, мен ҳам рози бўлдим. Бу ишда менинг бош маслаҳатчим Аловиддин бўлди. У ўз таъбири билан айтганда, Кўшки Умардан обрўли бир жой топди. Замон ҳам оғирлашган эди. «Обор-обкеллар» кўпайди. Аловиддин базм ишқибози экан. Шаҳар созандаларидан ташқари Вобкенту Ғиждувондан созанда олиб келиб катта базм қилди. Мен бадбахт тўй билан бошим айланиб, ҳеч нарсани ҳисобга олмабман. Тўйдан кейин Аловиддин ҳисоб берди: ўз уйимдан кетган нарсалар, ўз чўнтагимдан сарф этилган пуллардан ташқари, Аловиддиндан беш минг танга қарздор бўлибман,— Нурмуҳаммад бўшашиб, ҳалқуми қуриди. Чой бердим, ичди-ю, яна сўзида давом этди:

— Аловиддин менга тасалли берди: «Ҳеч гап эмас. Мен сизга укалардек хизмат қиламан. Ҳозиргача ерларингиз уч минг тангага ҳосилгаров бўлса, энди уларга боғу ҳовли қўшиб саккиз минг тангага ҳосилгаров бўлади»,— деди ва ернинг бир йиллик ҳосили, боғ ва ҳовлининг пулини, саккиз минг танганинг фойдасини бошқа фойдахўрлар сингари нарх билан икки минг тўрт юз танга ҳисоблаб, «ҳозир пул қиммат бўлган, фойдахўрлар ҳозир минг тангани тўрт юз фойдасига бермоқдаларки, бу нарх билан саккиз минг тангага ҳар йили уч минг икки юз танга беришлари керак. Мен сизга саккиз юз тангани кечдим», деб мени миннатдор ҳам қилиб қўйди. На чора, тишни қўйиб қабул қилдим ва ноибнинг олдида васиқани янгиладик, бунга ҳам анча пул кетди. Узум сотиб, сабзи-ю, пиёз сотиб бир йилда икки минг тўрт юз танга топиб бериш осон эмасди. Биз болалар билан яна ортиқроқ меҳнат қилдик, келинларни ҳам ишга чиқардик. Ҳосил яхши бўлди.

Лекин Аловиддин ҳам «янги нағмалар» чиқара берди...

Нурмуҳаммад хомуш бўлиб қолди. Мен дилимда: «У ўз саргузаштларини эшитиш менга малол келяпти деб ўйлаб, ҳиқояни тўхтатган бўлса керак»,— деган андишда эдим. Шунинг учун қизиқсинган оҳангда сўрадим:

— Кейин нима бўлди?

— Кейин нима бўларди? Ҳамма нарса барбод бўлди,— дея давом этди,— Аловиддиннинг янги нағмалари шундан иборат бўлдики, у арпа ва бедани бир йилга бир отга етарли миқдорда талаб қилди. Аввали шуки, менинг деҳқончилигимдан бунчалик арпа билан беда унмасди,

иккинчиси шуки, бир отнинг бир йиллик арпа билан бедаси икки минг тангадан ортиқроқ бўлади. У бу билан қаноатланмай, ҳар кун бир сават узум, кунда уч ман (йигирма тўрт пуд) қишга сақланадиган узум ва беш юз кузги қовун талаб қилди. Мен унга: «Бу нарсалар менинг имкониятимдан ташқари»,— дедим. У кулиб туриб: «Имкониятдан ташқари эканини ваъда беришдан илгари ўйлашингиз керак эди. Энди вақт ўтди»,— деди. Бундан ташқари, ҳафтада беш-олтитадан меҳмон бошлаб келаверди. Ҳар сафар худди ўз уйига меҳмон олиб келгандай: «Меҳмонлар катта одамлар, кечқурун чучвара, ярим кечада угра ва палов, нонуштага ширгуруч ва ҳалвойтар қилинглар!»— дер эди. Ёзда уч марта хонаки базм қилиб, кўп меҳмои бошлаб келди. Ҳамма сарфу харажатлар мендан бўлди. Бу аҳволда мен ўзим ва болаларимга кийим-бош ололмадимгина эмас, қарз фойдасига бермоқчи бўлганим икки минг тўрт юз тангани ҳам жамғаролмадим, фойданинг пулидан, Аловиддин айтгандай, «ер билан боғнинг ҳосили» пулидан минг танга бўйнимда қолди. Ночор бошқа судхўрларнинг эшигига бордим. Мақсадим минг танга ҳисобидан йилига тўрт юз танга ижара берсам ҳам олиб, Аловиддиннинг қарзидан қутулгач, арпа, беда, мева-чева ва зиёфатлар юкидан ҳам қутулиш эди. Аммо бирор судхўр кўнмади. «Модомки еру боғу ҳовлинг Аловиддин Говжигарга ҳосилгаров экан, биз пул беролмаймиз. Аввало молу мулкнинг ундан қутқаз, шундан сўнг нарсаларингнинг устидан сенга пул берамиз»,— дейишди. Мен Мирзо Хўжа ноибнинг олдига бориб арз қилдим: «Васиқага ёзилгандек ҳар йил Аловиддинга икки минг тўрт юз танга бераман, аммо арпа, беда, мева каби муайян миқдори тайинланмаган нарсаларни беролмайман, шунингдек меҳмондорчиликка ҳам менинг қувватим етмайди. Мен бир аёлманд деҳқон одамман. Менга жўрабозликни ким қўйибди? Хусусан Аловиддин билан жўра бўлолмайман, у қарз берувчи, мен қарздорман. Бу аҳволда мен билан унинг жўралигимиз қўй билан бўрининг жўралигига ўхшайди ва бу тўғри иш эмас».

Менинг бу сўзларимга ноиб аввал кулиб, сўнг бундай деди: «Сен подонсан, шариатни билмайсан! Ерингни, боғ ва ҳовлингни Аловиддинга ҳосилгаров қилганингдан кейин, еру боғнинг ҳамма ҳосилоти ва ҳовли ижараси ўшаники бўлади. Ҳосилот етилгандан сўнг

унинг ҳаммасини йиғиб олишга ҳақи бор. Ҳовли масала-сида ҳам, йилига беш юз танга берсанг ўтирасан, бўл-маса бўшат, мен бошқа кишига ижарага бераман, де-йишга ҳақи бор. Ҳали ҳам Аловиддин сенга раҳм қилиб оз олаётир. Сенинг бир гапинг маъқул, «муайян миқдори тайинламаган нарсалар» деясан. Дарҳақиқат, берили-ши лозим бўлган нарсани муайян қилиб, васиқага ёзиб қўйиш керак. Мен эртага сенинг хотиринг учун Ало-виддинни чиқараман, сен ҳам кел! Уша ноаниқ нарса-ларни бамаслаҳат, икки тарафнинг розилиги билан пул-га чақиб васиқага ўтказиб қўямиз».

Нурмуҳаммад сўзида давом этти:

— Мен бугун ноибхонага бордим. Аловиддин ҳам ўша ерда эди. Суҳбат вақтида у ноибга қараб: «Еру боғнинг йилига камида ўн минг тангалик даромади бор. Аммо мен саккиз минг тангага рози бўламан, ҳовлида текин ўтира берсин. Лекин энди менинг кўнглим Нурмуҳаммаддан қолди. Васиқага ёзингим, агар кузда ҳамма пулни топиб бермаса мен ер, боғ ва ҳовлига эгалик қилиб, уни чиқариб юбораман». Ноиб «ислоҳ» қилди. Унинг талабини етти мингга туширди. Ундан қарзим шу йилнинг ўзида ўн беш минг тангага етди. Васиқага шундай ёзилган: агар кузда шу ўн беш минг тангани бермасам ер, боғ ва ҳовлини топшираман.

Нурмуҳаммад юракни эзадиган қилиб оҳ тортди-да, ўрнидан қўзғалиб:

— Бу манзилда мен ҳам сизлар каби мусофир ва меҳмонман. Кузда кўчларимни кўчага чиқаришга мажбур бўламан, чунки ўн беш минг танга у ёқда турсин, беш минг танга ҳам топиб беролмайман,— дея хўрсинганча ичкари ҳовлиси томон кетди, унинг томоғига йиғи тиқилган эди.

\* \* \*

Мен Деших ариғи бўйлаб бир кун юқорига — шимоли шарқ тарафга, иккинчи кун пастга — жануби ғарб тарафга ўз манзилимиздан икки қишлоқдан узоқроқ жойларга бориб сайр қилдим. Бу жойлар умуман серсув ва серҳосил ерлар эди. Ҳар бир қишлоқда икки-учтадан яхши боғ кўзга ташланар, буларнинг ҳар бирида соянишинлар (ёзда боғнинг мевасини эмас, соясини ижарага олиб дам олувчилар) бўларди. Бу соянишинлар бухороликлар

бўлмай, Кавказ, Эрон, Афғон ва Ҳиндистон савдогарлари эдилар. Буларнинг ҳар бири савдогарчиликдан кўп фойда кўриб, ёзнинг чилласида Бухоронинг жазирама офтобига бардош беролмай, салқинлагани чиққан эдилар. Буларнинг ҳар бир гуруҳи бир боғни ишғол этган, аксари гуруҳларда бир-иккитадан бемор ҳам бор эди. Улар толларнинг соясида янги кесилган тол шохлари ва новдаларидан қапа қилиб, капанинг остига ҳам толнинг илгичка, сербарг шохларини ёйиб, беморларини шу капаларда ётқизар эдилар. Саломатлари оқин сув бўйида, дарахтларнинг соясида қалён чекиб ўтирардилар. Афғон ва Ҳиндистонликлар наша, эронликлар таряк ҳам чекардилар. Банг чекувчиларнинг кўзларидан олов ёғарди, ўзлари гоҳ йиғлаб, кулардилар. Таряк чекувчиларнинг ранглари ўликдек нурсиз, ўзлари ҳам ўликдек бедармон эдилар.

Улар боғнинг соясини катта пулга ижара олган, беш кишилик бир гуруҳ боғнинг икки ойлик соясини минг тангага, тўрт кишилик бошқа бир гуруҳи бир боғни етти юз тангага ижарага олган эдилар. Мева ва сабзавотни эса нақд пулга сотиб олардилар, ҳатто далада тўлиб ётган ўтинни ҳам шаҳар нархида сотиб олардилар.

Мен бу ҳолни кўриб дилимда: «Бу ердаги боғдор деҳқонлар ёз фаслида хўп фойда қиларкан-да», деб ўйладим. Аммо кейинча билсам, соянинг пули ҳам бу ерда бевосита ишловчиларга тегмас экан. Мен бир боғда бир деҳқонни боғнинг эгаси гумон қилиб, ундан боғнинг соясидан қанча даромад борлигини сўрадим.

У аввал кулиб, сўнг бундай деди:

— Боғнинг соясидан менинг фойдам шуки, дам олиш вақтида шу ерга келиб ўтираман.

— Ҳали бу боғ ўзингизники эмасми?— яна сўрадим.

— Илгари ўзимники эди,— деди у хўрсиниб,— кейин бир шаҳарлик бойнинг қўлига ўтди. Мен хизматкор бўлиб қолдим.

— Бой сизга қарашиб турадимми?

— Унинг ёрдами ўлмасдан тупроқдан ташқари юришимизга етади. Биз тўрт киши бойнинг боғи билан экинзорларида ишлаймиз, — деди у,— соянишинлар бу ерга келгандан бери бизга ҳафтада иссиқ овқатга бериладиган масаллиқни ҳам бермай қўйди, меҳмонлар ортиб қолган ошларини беришади, шунинг ўзи бас, дейди бой.

Биз ёзнинг жазирама икки ойини Дешихта ўтказиб, августнинг охирида шаҳарга кўчиб келдик. Боғ ва қишлоқ ҳавоси беморга деярли фойда қилмаган бўлса ҳам, менга катта фойда қилди: мен ўтган йилдаги вабонинг таъсирини ҳануз ўзимда ҳис этиб юрардим, боғда икки ой тургач, батамом соғайиб, бақувват бўлиб шаҳарга қайтдим.

Шу йилнинг кузида мен боқиб юрган бемор ўлди. Уни кўмгандан кейин акаси Зухур махдум уйланиб, мадрасадан ҳовлисига кўчди, унинг кўчларини мен ташидим.

Кўч ташиб юрган вақтда Зухур махдум:

— Укамнинг тўнлари ё китобларидан бирортасини ёдгорлик учун танлаб ол!— деди.

Мен доим мутолаа қилиб юрганим «Девони Соиб»ни танлаб олдим.

— Нега қимматбаҳороқ бирор нарсани олмадинг? Агар бу китобни бозорда сотсанг беш тангага олишмайди,— деди таажжубланиб.

— Мен бу китобни сотиш учун олганим йўқ,— дедим мен,— худди шунинг ўзи мен учун ҳар нарсадан қимматлироқ.

— Хўп, майлинг. Бизнинг қўлимизда бекор турарди. Шояд сен ўқиб, «китоб тасбеҳга кирса»,— деди у. (Бу «Девони Соиб» ҳанузгача менинг қўлимда).

1895—1896-ўқув йилида бизнинг жамоанинг ўқиши домудла Иқромча ҳузурда мулла Иброҳим бойвачанинг қорилигида бошланди. Иброҳим тожикча хушсавод бўлгандек, хати ҳам ўқишли эди. У адабиёт муҳиби бўлиб, ҳатто ўзи ҳам шеър машқ қиларди. Аммо арабча саводи паст эди, қондаларни яхши билмас, билганларини ҳам амалда тадбиқ қилолмас эди. Ўтган йил кучсизроқ бир шериги унинг дарсини тайёрлаб берар, бироқ бунинг фойдаси унга кам экан. Бу йил эса дарсдан ёрдам беришим учун мени таклиф қилди.

Иброҳимнинг отаси Жўрабой Бухоро ва Хева савдогарлари орасида даллоллик қиларди. У киши ўлиб, Иброҳим Неъмат номли акаси билан қолган эди. Иккиси

ўз ҳовлиларида яшардилар. Неъмат уйланган эди, савдогарчилик қиларди; Иброҳим ота меросини харжлаб ўқирди. Овқати ва кийим-кечакларини ювиш акасининг уйида бўларди.

Иброҳим ўрта бўйли, оқ юзли йингит бўлиб, энди чиққан қора соқоли бир оз малла ранг эди. Қўй кўзлари ёшланиб турар ва қарашида ваҳшийлик аломатларини кўриш мумкин эди.

У «Осим» таҳаллуси билан шеър ёзар эди. Адабиётда Мулла Холий номли бир ўратепалик унинг устози эди. Аммо сезишимча, фазилатда улар бир-биридан кам фарқ қилар эдилар. Мулла Қурбон номли бир конибодомлик шоир ҳам у ерга келиб-кетиб турарди. Унинг таҳаллуси «Жоний» эди. Бу шоирнинг фазилати юқоридаги икки шоирнинг фазилатидан камроқ эди.

Гарчи «Холий» таҳаллуси «хол», «Жоний» таҳаллуси «жон» сўзига мансуб бўлса ҳам, мулла Назрулла Лутфий «Холий» га «маънодан холи» ва «жоний»га «шеърнинг жинояткори» деб маъно берарди.

Мен ҳам у вақтда бир оз шеър айтардим, аммо шеърларимни ҳеч кимга кўрсатмасдим. Айтган шеърларимнинг камчаллиги ўн беш кун ёки бир ойдан сўнг ўзимга аён бўлиб, дарҳол уларни куйдириб ташлардим. Мен ўз шеърларимнинг ёмонлигини Холий ва Жонийнинг шеърлари орқали билардим. Шеърларим ўзимга дастлаб яши кўринарди. Улар ёзган шеърларнинг ёмонлигини эшитгач, иккинчи ўқишда ўша нуқсонларни ўз шеърларимда кўрардим.

Иброҳим биз билан жамоа бўлиб дарсхонада ўқиган дарсларидан ташқари, яна дарс ўқирди. Гарчи бу дарсларда мен унга шерик бўлмасам-да, уларни менга тайёрлатадиган бўлди. Бинобарин, у менинг овқатимни тасом ўз зиммасига олиб, қишда кийим ҳам қилиб берди.

Иброҳимнинг уйига бориб келиш менга оғирлик қилмасди. Чунки у ерда ош пиширмас, уй супурмас, кир ювмас эдим. Унинг бунга ўхшаш ҳамма ишларини акасининг хотини ва унинг чўриси қиларди. Мен у ерда фақат илмий, адабий ишлар билан шуғулланардим.

Унинг уйи Латифжон махдумнинг уйидек адабиётчиларнинг маркази бўлмаса ҳам, адабиёт аҳли ва адабиёт мухлисларидан холи эмас эди. Бунинг устига, дам олиш кечалари музикачилар ҳам келардилар. Агар бундай оқшомларда мен бошқа жойга базмга бормасам, шу



ерга келардим. Насруллабой номли олтмиш яшар бир шашмақомчи ҳар дам олиш кечаси шу ерга келарди. У қозон сотарди, лекин бундан келган даромад билан тирикчилиги ўтмасди. Иброҳим унга моддий ёрдам қилиб тургани учун оёғини унинг эшигидан узмасди. Йўқса, Насруллабой уйма-уй юрадиган расмий ашулачи эмас эди.

Албатта бундай бедаромад сарф-харажатга Иброҳимнинг отасидан қолган мерос кифоя қилмасди. Унинг қўлида пул кам қолганидан бундай дер эди: «Қўлимда қолган охириги маблағ билан ҳаж баҳонасида дунёни бир томоша қилиб келаман, ундан сўнг қашшоқ муллабачча сингари орият ҳужра топиб хилватда яшайман».

У ўша йилнинг охирида ҳажга борди. Сафарга чиқадиган кун у билан хайр-хўш қилиб кузатиш учун уйига бордим. У менга ёдгорлик тариқасида Абдурахмон Жомийнинг босилган бир девонини берди (бу девон ҳануз менинг қўлимда).

Иброҳим ҳаждан қайтиб келгач, чиндан ҳам хилватнишин бўлди. У Почқақул ҳожининг масжиди олдидаги бир ҳужрада яшай бошлади. Тирикчилиги тамоман қашшоқона эди. Чунки қўлида ота меросдан ҳеч нарса қолмаган, акаси ҳамма нарсаларини, ҳатто укаси билан ўртадаги ҳовлигача сотиб, ёмон йўлларда харжлаб битирган, ўзи амир ҳокимларидан бирига шогирдпеша бўлиб, шаҳардан чиқиб кетган эди. Иброҳим эса, эски ошналарнинг садақамонанд ёрдамлари билан яшарди. Шунга қарамай, хурсандлик изҳор қилиб: «Акам ота мерос ва ўз топганларини беҳуда йўлларда нобуд қилиб, ўзи ҳам бадном ва нобуд бўлиб кетди. Аммо мен нима бўлса одамгарчилик йўлида харжладим, энди ҳеч нарсам бўлмаса ҳам, одамлар мени ҳурмат қилади»,— дер эди.

Аммо Иброҳимнинг табиатида телбалик нишонлари пайдо бўлган эди. Шеърлари техника жиҳатидан илгаригисига нисбатан яхшироқ бўлган эса-да, таъбир ва ташбиҳлари девонавор эди.

\* \* \*

Иброҳим ҳажга кетгандан сўнг домудла Икром дарсида бизга янги қўшилган бухоролик Ҳомидхожа номли йигитни жамоа қориси қилиб сайладик. Ҳомид ёши мен билан тенг, озода, беозор ва хушмуомала одам эди. У

ҳар ерда, ҳамиша табассум қилиб турарди. Ҳомидхожанинг бойлиги ва дурустроқ даромади йўқ эди. Бинобарин, ортиқча харажат талаб қиладиган жамоа қорилигини қабул қилмади. Аммо у ҳаммага маъқул бўлгани учун шериклар унинг бўйнига ортиқча харж юкламасликка, ундан жамоа қорилари ҳар йил бир марта шерикларига берадиган «қориёна» зиёфати талаб қилмасликка, дарс бошланиши муносабати билан бўладиган харажатда ҳам уни бошқа шериклар қаторида баравар санашга қарор қилдилар.

Ҳомидхожа Мирзо Абдулваҳоб номли хушхат котибининг ўғли эди. Отаси ўз тирикчилигини китоб кўчириш ва қозиларга мирзолик қилиш билан ўтказган экан. Ҳомидхожанинг Аҳмадхожа номли акаси бўлиб, ўша замоннинг фозил ёшларидан саналарди. У ҳам домулла Икромнинг шогирдларидан бўлиб, у вақтда мадрасани битирган эди. У Бухоро мадрасаларининг расмий дарслари билан бир қаторда, ҳисоб (математика)ни ҳам жуда яхши ўрганган экан. Унинг ҳам худди укаси сингари юзларидан табассум аримас, сўзлари юмшоқ, беозор эди. Аҳмадхожа уйланган, ака-ука Арбоб лабиҳовузи гузаридан оталаридан қолган ҳовлида — Аҳмад ичкарида хотин-болалари билан, Ҳомид ташқарида болохонада яшар эдилар.

Буларнинг оталаридан Турсунжон мадрасасида бир хужра қолган экан, Аҳмадхожа унинг вақфини укасига бағишлаб, ўзи дарсхонаси йўқ кичик бир мадрасанинг мударрислигидан келган даромад билан фақирона кун кечирарди ва мадрасада дарсхона бўлмагани сабабли укаси ётиб юрган болохонада дарс айтар эди. Унинг атрофига расмий дарслардан кўра математикага қизиққан шогирдлар кўпроқ йиғилган эдилар.

Бу икки ака-ука бир-бирларига чунон меҳрибон ва шу даражада бир-бирларини ҳурмат қилардиларки, мен ҳаётда бундай оға-инини кўрмаган эдим, ҳозиргача ҳам кўрганим йўқ. Аҳмадхожа ўз укасини ота меҳри билан севар, эркалатардигина эмас, боласидай эҳтиром қилар, унинг кўнглига қараб иш тутарди.

Ҳомидхожа тожикча хушсадов ва хушхат эди. Аммо арабча саводи сустроқ эди. Лекин акаси унинг дарсларини яхшилаб тайёрлаб берар ва у домулланинг олдидан арабча ибораларни ўқиганда хижолат тортмас эди.

Ҳомидхожа ҳам янги ўқишга келган бухоролик бошқа талабалар сингари ҳаваскор шоир эди, тахаллуси Меҳрий эди. Аммо шоирлик қобилияти кам эди, ўсиш йўқ эди, кейин ҳам ўсмади. У менга ҳамдарс бўлишининг биринчи кунидан бошлаб яқин дўст бўлиб олди, орамиздаги бу дўстлик умримизнинг охиригача давом этти.

Ҳомидхожа бизнинг маърифат ва озодлик учун курашимизда иштирок этарди. 1918 йилда Колесов воқеаси муносабати билан мазкур фаолияти учун амирнинг зиндонида ваҳшиёна равишда ўлдирилди («Эслаликлар»нинг келгуси қисмларида бир неча муносабат билан унинг ишлари тилга олинади).

### МАРДИКОРЛИК

Ёзда мен Бадалбек мадрасасида эдим. Бу ерда ҳар кимларнинг (ўзлари бундай ишлар билан шуғулланмайдиган кишиларнинг, албатта) ошларини пишириб, кирларини ювиб, шу йўл билан чиқмажоним дегандек, бир нави кун кечирар эдим.

Аммо ёз ўрталарига бориб менга иш буюриб ёрдам қиладиган кишилар қолмади. У ерда фақат қори Абдулқажом қолган бўлиб, бу судхўр ошини ўзи пиширарди.

Мадрасада мулла Сулаймон номли деновлик яна бир шахс қолган бўлиб, у муаззинлик қилиб аранг кун кечирарди. Бундан ташқари, ҳазоралик яна бир одам бор эди, уни ҳазоралик махдум дер эдилар. У бир шайхнинг ўғли экан, отаси унга кўп пул юбориб турарди. Лекин у мадрасага кам келар, бухоролик дўстлариникида санқиб юрарди.

Шу вақтларда мен бир кунни ҳеч нарса емай ўтказдим. Иккинчи кун муллабаччалик салласини ташлаб, мардикорбаччалар қиёфасига кириб, Бухоро Регистонидаги мардикор бозорига бордим ва бошқа харидор талаб мардикорлар қаторида орқамни деворга қилиб Поянда масжиди жомеи олдида ўтирдим.

Мардикор бозорига соҳибкорлар келиб мардикорларни кўздан кечириб, кўзларига ишчанроқ, бақувватроқ кўринганларни савдо қилиб олиб кетардилар. Аммо мен ёшроқ бўлганим ва кечаги очликдан рангларим ўчгани учун ҳеч ким менга қарамас эли.

Бу орада мардикор бозорида харидор сифатида ҳазоралик махдум пайдо бўлди ва мени кўриб:

— Кимга мардикор олиб борасан?— деб сўради.

— Бу ерга мардикор олиб боргани келганим йўқ,— деб жавоб бердим мен.

— Нима, ўзинг мардикорликка бормоқчимсан?— деб сўради таажжуб оҳангда ва менинг жавобимни кутмай ўзи қўшиб қўйди,— бу иш муллабачча учун айб!

— Муллабачча учун очликдан ўлиш ёки гадойлик қилиш айб эмасми?— деб инкор этувчи савол билан жавоб бердим.

У менинг сўзларимга жавоб қайтара олмай, уялиб леги:

— Хўп, ундай бўлса шу ерда тур! Мен иккита мардикор олиб, сени ҳам шулар қаторида бир ошнамнинг иморатига олиб бораман. Хўжайин яхши одам, муллалар ва муллабаччаларнинг қадрини билади. Бегона жойга борма, сени таҳқир қилишади. Бир муллабаччага қилинган ҳақорат ҳамма муллалар ва муллабаччаларга тегади.

— Хўп,— дедим мен унга жавобан. Ўзи ҳам менга бирор харидор чиқмаган эди ва чиқмади. Ночор ҳазоралик махдум келгунча унга интизор бўлиб кутиб турдим.

Ҳазоралик махдум узоқ савдолашиб, талашиб юриб охири икки мардикорни кунига икки тангадан бай қилиб олиб келди (вабодан кейин ишлайдиган одамлар оз қолиб, мардикор икки баробар қиммат бўлган эди). Ана шу мардикорлар қаторида мени ҳам ошнасининг иморатига олиб борди, бу жой Чўббоз лабиҳовузи гузарида экан.

У ерда ичкари ҳовлининг супасида бир шувоқчи уста икки мардикор билан дастурхон олдида ширчай ичиб ўтирган экан, биз ҳам шуларнинг ёнига ўтирдик. Уста мени кўздан кечириб, ҳазоралик махдумга:

— Бу болани нима учун олиб келдингиз, у томга лой тортиб чиқолмайди!— деди.

— Агар томга лой тортиб чиқолмаса, томнинг лабидан сизнинг олдингизга обориб бераверади, ёнги лойхонадан челақда лой обориб, илгакка илиб, лойкашга беради. Мен кимни олиб келсам қувватига қараб иштаверинг!— деди ҳазоралик махдум норози оҳангда ва ўзи туриб кетди.

Бир неча дақиқадан сўнг ҳазоралик махдум қайтиб

келиб, мени имо билан уста ва мардикорлар олдидан турғизди-да, йўлак билан олиб бориб зинадан бир болохонага олиб чиқди.

Меҳмонхонанинг тўрида тўрт қават кўрпача устида ўрта ёшли, ўрта бўйли, буғдой ранг бир одам чўзилиб ётарди. Кўз, қошлари қоп-қора бу одамнинг ранглари ўчган бўлиб, беморга ўхшар эди.

Мен салом бериб у одамнинг рўпарасига ўтирдим, ҳазоралик маҳдум:

— Мана шу!— деди-ю, ўзи болохонадан тушиб кетди.

У одам менинг саломимга жавоб қайтаргандан сўнг мендан сўради:

— Хатингиз борми?

— Бир оз ёзиб тураман,— жавоб бердим мен.

— Кўп яхши, ундай бўлса, сиз бугун мардикорлар қаторида ишламанг! Мен сизга ўзингизга муносиб бир ишни буюраман,— деди хўжайин ва ўрнидан ярим туриб токчадан бир дафтарни олди-да, менинг олдимга қўйиб, шундай деди:

— Сиз бу дафтарни очиб бир бошдан ўқинг, мен эшитай!

Мен дафтарни очиб кўздан кечирдим, унда хўжайиннинг олди-берди рўйхати тартибсиз равишда ёзилган эди. У кимдан нима ва қандай нарх билан олгани, кимга қандай нарх билан нима сотгани, харидорларидан неча марта ва қанчадан пул олгани борми, ҳаммаси бири-бирига аралаштириб ёзилган эди. Насиядан ундирилган пуллари пул теккан куннинг тарихи билан эмас, балки «биринчи дафъа беш танга, иккинчи дафъа ўн танга, учинчи дафъа ўн беш танга» тарзида бир одамнинг номига дафтарнинг турли жойларида қайд қилинган эди. Рўйхат шундай хунук ёзилган эдики, кўп жойларини мен ўқиёлмас ёки баъзи ҳарф ва сўзларни ярим-ёрти қилиб ўқирдим, буни эшитган саводсиз, аммо хотираси кучли хўжайин ёддан у жумлаларни тўлдирарди, унинг айтганлари эса мен ўқиёлмаган ҳарфларга тўғри келарди.

Икки-уч саҳифа ўқигандан сўнг:

— Бас қилинг, энди маълум бўлдики, менинг дафтаримни бутунлай расво қилибди. Сизнинг ишингиз бу дафтарда ёзилганларни бошқа дафтарга ўқишли қилиб кўчиришдир,— деди хўжайин ва токчадан ҳали ҳеч нар-

са ёзилмаган тоза бир дафтарни олиб менга берди ва ўша тоқчадан бир қамиш қалам билан сопол довотни олиб олдимга қўйди.

Мен эски дафтарга дилгирлик билан назар солиб туриб хўжайиндан сўрадим:

— Буни ҳазоралик махдум ёзганларми?

— У кишининг хати йўқ,— деди хўжайин ва қўшиб қўйди:— гузаримизнинг муаллими ёзган эди. Уйнинг куйгур ишни бузибди. Шу иши учун унга берган нон-ошим ҳайф кетибди.

Мен иш бошладим, «гум-гум» ва «туқ-туқ» овози келиб хаёлим сочилар, ишимга халал берарди. Аввал бу овозни шувоқчи устанинг ишидан чиққан садо деб ўйладим. Кейин эшитсам «гум-гум» ва «туқ-туқ» овозлари жуда кўп чиқяпти, ҳолбуки, бир шувоқчининг ишидан бунчалик садо чиқмайди. Нима бўлса ҳам бу овознинг қаердан чиқаётганини хўжайиндан сўрамадим, бу овозларни ишимга халал бермасин, дафтар бузилиб, мен ҳам «уйнинг куйгурлар» қаторига кириб қолмай, деб эшитмасликка ҳаракат қилар эдим.

Олиб сотилган нарсалар рўйхатидан маълум бўлишича, хўжайин атторлик қиларкан. Чунки нарсаларнинг рўйхати орасида кавуш, этик пошналари, ёғоч ва темир миҳчалар, ширач, лак, елим, оқ мум, қора мум каби нарсаларнинг номи кўп учрарди.

Юқорида зикр қилинган нарсаларнинг сотувчи ва олувчисига ҳеч муносабати бўлмаган бир нарса менинг диққатимни жалб қилди. Бу «бўнак» сўзи бўлиб, буни дафтарнинг ҳар жой-ҳар жойида ҳар хил одамларнинг номлари олдида кўриш мумкин эди, бу одамлар хўжайиндан бўнак олган эдилар.

Кунжковлигим кўзғаб, хўжайиндан нима учун кўп одамларга бўнак берганини сўрадим:

— Менинг атторлик дўконидан ташқари пойафзал дўзлик устахонам бор,— деди у,— мен беморнинг жонини ҳалқумимга етказган ва қулоқларимни қар қилган бу «тўқ-тўқ» садолари ўша устахонамдан келади.— Хўжайин беморона узоқ энтикиб изоҳ берди:— Бирор устахонага борган девонабаччалар<sup>1</sup> бўнаксиз ишламайдилар. Кўрасизми, менинг харжим нақадар кўп. Бу сабил

---

<sup>1</sup> У давр Бухоросида ҳунармандлик корхонасининг ишчисини «девонабачча» деб атардилар.

қолгур бұнак бедаромад харажатдир,— у гапиришдан чарчаб, бир оз хомуш қолиб дам олди-да, яна сўзида давом этди:— Баъзилар менинг ишимга ҳасад қилиб «фалончи ҳам дўкондан, ҳам устахонадан — икки жойдан фойда олиб катта бой бўляпти», дейишади. Аммо «даромадга қараб буромад» бўлишини билишмайди, одам ишини қанчалик кенгайтирса, харажати ҳам шунчалик кўп бўлади.

Хўжайин жим қолиб, кўзларини юмиб фикрга толди. У дўкони билан устахонасининг даромад ва буромадини ҳисоблади шекилли, бир неча дақиқадан сўнг унинг лабларида тишлари кўринадиган бир табассум пайдо бўлиб, ўз-ўзича, лекин менга эшиттириб:

— Худо шунга етказсинки, одам ҳеч харж қилмай, пулни банд қилиб қўймай, дўкон ва устахонадан фойда топа берсин, ана шунда одам ҳисобсиз давлатга эга бўлади!

\* \* \*

Мен бу хўжайиннинг ўйида уч кун ишладим. Ошу нонни шу ерда ер эдим. Ҳар кун кечқурун ишни тамомлаб хужрага борадиган пайтда хўжайин менга икки танга хизмат ҳақи берарди. Шундай қилиб уч кунда олти тангалик (тўқсон тийинлик) бўлдим.

Шу уч кун давомида мен эски дафтарнинг мундарижасини муайян бир тартиб билан (олинганни бир томонга, сотилганни бир томонга) янги дафтарга кўчириб, хўжайинга ўзимнинг тартиб билан ёзилган рўйхатимни ўқиб бердим. У хурсанд бўлиб:

— Отангизга раҳмат!— деди.— Сиз қишлоқдан, қарқуноқдан булбул чиққандек ўн панжангиз ўн хил ҳунар бўлиб келган экансиз,— деди ва қўшимча қилди:— Ҳозир ишимиз тугади, келинг, сиз билан келгуси учун оғзаки бир шартнома тузайлик.

— Хўп, марҳамат қилинг!— дедим мен.

— Мен қувватга кириб дўконга ишга чиққандан сўнг, кундалиқ олди-сотди, нақду насияларни хотирда сақлаб, кечқурун уйга келаман. Сиз ҳам ҳар оқшом бу ерга келинг. Менинг ўша кунги олди-бердиларимни ўзингиз топган тартиб билан дафтарга ёзиб беринг. Бу ишга ҳар кун тахминан бир соат вақтингиз кетади. Бир соатлик иш вақтингиз бадалига бизнинг уйда кечки овқат еб кетинг, бошқа ҳақ талаб қилманг. Нима дейсиз, маъқулми ё йўқ?

— Хўп, дуруст,— дедим мен.

— Назаримда, уч-тўрт кундан кейин қувватга кириб дўконга бораман. Сизнинг ишингиз ҳам ўшанда бошла-нади. Лекин унганча сиз оқшомлари келиб кечки таомни шу ерда еб кетинг.

— Хўп,— деб мен хўжайиннинг олдидан чиқиб кет-дим.

Аммо то янги иш бошлангунча унинг уйига кечки овқатга бормадим. Чунки чўнтагимда олти танга пулим бор эди. Менинг кундалик овқатим эса, иккита пону бир коса нўхат шўрвадан иборат бўлиб, бунга ўн-ўн беш тийин кифоя қиларди, хўжайиннинг текин томоғига эх-тиёжим йўқ эди.

Беш кундан сўнг ҳазоралик махдум хўжайин қувват-га кириб, ишга чиққани ҳақида хабар келтирди. Мен ҳам шу оқшомдан бошлаб унинг уйида янги ишимни бошла-дим.

### КАВУШДУЗЛИК УСТАХОНАСИ

Хўжайиннинг меҳмонхонаси ҳисобланган болохона ол-дида бир шабгаҳ (том устида тепаси очиқ ҳовли) бўлиб, бу ернинг одамлари ёзнинг иссиқ кечаларини шу ерда ўтказиб, шу ерда ётардилар.

Бу шабгаҳнинг бир тарафида тешиқларига кигиз қоп-ланган бир тавақали эшиқ очиларди. У эшиқдан ички уй, айвон ва ошхона томларининг тепасига қурилган кенг бир болохонага кириларди. Бу болохонанинг юқо-рида айтилган бир тавақали эшигидан бошқа, эшиқ ва дарчалари йўқ эди. Шифтнинг тўрт жойидан ҳар томо-ни бир газли тешиқлар очилиб, уларга уч қиррали ёғоч-ларни қафас сингари қилиб тираб қўйилган-да, улар-нинг устидан ёғланган қоғоз ёпиштирилган. Эшиги кигиз билан қопланган бу уйга ана шу тешиқлар орқали хира ёруғ кириб ярим ёритарди.

Мана шу устахонада тахминан қирқ нафар уста ва шогирд ишларди. Улар олдиларига чарм фартуқ тутиб, кичик курсиларда ўтирардилар. Уларнинг ҳаммалари: ёшлари ҳам, ўрта ёшлиси ҳам рангпар одамлар бўлиб, пешаналари серажин, ғамгин эдилар.

Улар ўзаро паст овоз билан, фақат ишларига алоқа-дор масалалар устида гапиришар эдилар.

Уларнинг орасида тахминан йигирма беш ёшли бир



йигит доим кўз қири билан уста ва шогирдларни кузатиб турарди. У ҳам бошқалар сингари рангпар ва кўзлари ичига кириб кетган эди. У ҳеч ким билан гаплашмасди, аммо ҳамкасбларидан икки кишининг ўзаро гаплашиб турганини кўрса, ишни йиғиштириб, бигизнинг учида кулоғи қашиб-қашиб, уларнинг гапларига диққат билан қулоқ соларди. Улар жим бўлгач яна ўз ишида давом этарди.

Бу йигит ўзидан узоқда ишчиларнинг ўзаро гапиришиб турганини пайқаб қолса, ўрnidан туриб, гўё бирор керакли нарсани тикувчиларнинг олдидан излаб юргандай, диққат билан ҳар томонга қараб қўйиб, гаплашиб турган ишчилар олдига борарди. Улар бу йигитни бошлари устида тик турганини кўргач, жим қолардилар.

— Гапираверинглар, менга бир қолип керак бўлиб қолди, ўшани қидириб юрибман,— дер, сўнгра уларнинг олдида турган қолипларни кўздан кечириб жойига қайтар, ёки устахонанинг бошқа тарафига қараб кетарди.

\* \* \*

Бир чоршанба оқшоми хўжайин менга бундай деди:

— Эртага пайшанба куни пешин вақтида келинг, мен дўкондан келаман, бу ерда бир соатлик ишимиз бор. Девонабаччаларга симкор (иш ҳақи) бериш керак. Мен буларнинг қайсиниси билан ҳисоблашиб пул берсам, сиз ўшани дарров дафтарга ёзасиз. Буларнинг ҳисоби шундай чалкашки, уларни хотирда сақлаб кечқурун ёзиш мумкин эмас.

Хўжайин бир лаҳза жим қолиб, яна табассум қилиб гап бошлади:

— Бу бир соатлик иш, албатта, сиз билан бизнинг орамиздаги қарорда йўқ эди. Бу иш сизнинг бўйингизга сарбоби (нагрузка) бўлади. Узингизга маълум, агар бозордан юзга қовун сотиб олинса, «партав» деб икки дона қовунни ортиқ беришади. Бу ортиқча иш ҳам сиз қилиб юрган ишингизнинг «партави» бўлади.

Мен қабул қилиб, эртасига соат ўн иккида у ерга етиб бордим. Хўжайин ҳам бозордан қайтиб, шабгаҳнинг кўланка жойига кўрпача солдириб ўтирган экан. Хўжайиннинг олдида чўт, дафтар, қалам ва довод бор эди.

Мен хўжайиннинг рўпарасида шолчада ўтирдим. У,

дафтар билан довод қаламни менинг олдимга суриб қўйди-да, устахона эшигига қараб:

— Ражабжон! Девонабаччаларингга айт, битта-битта келишиб ҳисобларини эшитсин, симкорларини олиб кетишсин,— деб овоз берди.

Бу овозни эшитиш билан бир неча шогирд болалар шошилиб устахонадан чиқиб хўжайиннинг рўпарасида тик туриб салом беришди.

— Сизлар ичкари ҳовлини, пастки ўйлар ва ошхонани супуриб тозаланглар, сўнгра бир ҳафтага еткули ўтин ёриб қўйинглар. Шундан кейин сизларга жавоб,— деди хўжа шогирдларга.

Шогирдлар яна шошилганча зинадан пастга қараб туриб кетишди, устахонадан йигирма беш яшар ҳалиги индамас йигит билан ўрта ёшли бир уста чиқиб келиб, шолчанинг бир четида хўжайиннинг қаршисида ўтиришди.

— Уста Мурод, сиз бу ҳафтада неча жуфт мардона кавуш чиқардингиз?— деб сўради хўжайин ўрта ёшли устадан.

— Беш жуфт,— деди уста.

Хўжайин индамас йигитга савол назари билан қаради, йигит буни фаҳмлаб жавоб берди:

— Бу беш жуфтнинг ҳаммасини бу киши тикканлари йўқ, тўғри, шу кишининг қўлларидан чиқди, лекин уларнинг дастагини шогирдлар тикишди.

— Ражабжон, ёш жонинг бор, ёлғон гапирма! Мен шогирдлар дастак тикишни ўргансин, деб болаларбоп резгиларни шогирдларга бериб тиктирдим. Чунки акангиз тўрт шогирдни ўргатишни сарбори (нагрузка) қилиб менинг бўйнимга юклаган.

— Мен нимани кўрган бўлсам шуни айтдим, мен акамнинг давлатига шерик эмасман. Энди ўзингиз биласиз, хўжайин,— деди Ражабжон пешанасини буриштириб.

— Агар шогирдлар менинг устахонамда сиз учун ишлашса, мен учун нима қилишади? Сиз уста мурод, мўйсафид бўласиз. Кўпам дунёга ёпишиб олманг. Бу дунё кимга вафо қилибдики, сиз билан менга вафо қилсин!— деди хўжайин ва менга қараб сўзини давом эттириб:

— Мирзо, сиз дафтардан уста Муроднинг номини топинг,— деди.

Мен дафтарни варақлаб устанинг номини топсам беш юз танга бўнак олган экан.

— Беш жуфт мардона кавушнинг симкори ўн танга, бу маблағдан шогирдларнинг иш ҳақиға икки танга чиқарсак, саккиз танга қолади, икки танга бўнакнинг фойдасига чиқаргандан сўнг олти танга симкорингиз қолади. Энди бу пулдан бўнакнинг танига пул қайтарасиз.

Уста Мурод бошини қашиб-қашиб фикрга шўнғиб туриб деди:

— Хўп, икки танга чиқаринг.

Хўжайин менга қараб буюрди:

— Бу кишининг номлари остига «Уста Мурод бу дафъа бўнакдан икки танга қайтариб, тўрт танга симкор олди», деб ёзиб қўйинг.

Мен хўжайиннинг «дафъаларини» қўйиб, айтганларининг мазмунини ўзим билган тартиб билан дафтарга қайд қилиб қўйдим.

Уста Мурод хўжайиннинг қўлидан тўрт тангани олиб, у пулни ўйнаб, бир қўлидан иккинчи қўлига ўтказиб туриб ўрнидан қўзғалди:

— Бу зормонда менинг қайси дардимга даво бўлади?— деб ўз-ўзича ғудирлаб зина тарафга кетди.

— Ғам еманг, уста! Мен тирик бўлсам сизни бепул қолдирмайман. Агар дардингиз зўрроқ бўлса, бўнагингиз беш юз эмас, олти юз-да. Мен яна юз тангани сиздан аярмидим,— деди хўжайин унга.

— Бўйнингга яна ҳам оғирроқ занжир боғлайман, бўнакнинг фойдаси ва тани учун сендан кўпроқ пул ушлаб қолиб, симкорингни йўққа чиқараман,— деди уста Мурод зинадан тушиб туриб ва қўшимча қилди,— бу қари туллак тулкининг найрангларига қайта алданмайди!

Ражабжоннинг ёнига бошқа уста келиб ўтирди. Хўжайин унга ҳам уста Муродга қилгандай ҳисоб қилди. Бу одамнинг бўнаги дафтарда олти юз танга эди. Хўжайин унинг симкоридан уч танга ажратди. У уста рози бўлмади.

— Бизнинг келишувимизга мувофиқ, беш юз тангага ҳар ҳафтада икки танга ушлаб қолиш лозим эди, у ҳолда бир ойда саккиз танга бўлади. Бўнак юз танга ошганда нега бўнакнинг фойдасига бир танга қўшиб ушляпсиз. Бу ҳисобда юз танганинг бир ойлик фойдаси тўрт танга

бўлиб, бу судхўрларнинг фойдасидан ҳам икки баробар ортиқ. Ахир, инсоф қилинг, хўжайин! Икки тангани бешга тақсим қилиб, бешдан бирини ўтган ҳафта олганим юз танганинг фойдаси сифатида орттиринг-да.

— Эй, содда мусулмон!— деди хўжайин устага.— сиз ўтган ҳафта олган юз тангани қайтариб беринг, мен яна илгаригидек беш юз тангага икки тангадан ушлаб қолавераман. Менинг бу ишим усталарга шунчаки бир ёрдам, бир кори хайрдан иборатдир... Қимки орзу-ҳавасини ортиқроқ қилиб бўнакни кўп олса, бўнакнинг фойдаси ҳам кўпроқ бўлаверади. Агар дурустроқ зеҳн солиб қарасангиз, бу ҳам сизнинг фойдангиз бўлиб, катта бўнакнинг фойдаси оғир келишини ўйлаб камроқ қарздор бўласиз ва орзу-ҳавасни ҳам камроқ қиласиз!

— Орзу-ҳавас,— деди уста таажжубланиб,— орзу-ҳавасни бизлардек бахти қораларга ким қўйибди? Юз тангага баҳор ёмғирларида қулаб кетган томимни қайта тузатган эдим. Тўсин, васса, қамиш ва бўйра олиб, шувоччи билан дуродгорга тўладим. Лой ишига ўзимдан ташқари икки мардикор ёлладим, устаю мардикорларга ошу нон бердим. Наҳотки шу орзу-ҳавас бўлса? Қизим билан онасига иккита қўйлақлик олиб бердим, чунки иккиси қип-яланғоч бўлиб қолган эдилар. Эҳтимол, шу орзу-ҳавасдир? Қишда мен хотин, болаларим билан қору, ёмғир ёстида яшашим лозиммиди? Нима, хотиним билан қизимни ҳам қўни-қўшни олдида ўзимдек яланғоч қилиб қўйишимиз керакмиди?..

Хўжайин унинг гапини кесди:

— Гапни қисқа қилинг! Бас энди. У ишларингизнинг менга дахли йўқ. Мен сизга «уйингизни тузатиб бераман, хотин, болангизга кийим-кечак олиб бераман», деб ваъда берганим йўқ. Сиз битта гапни айтинг: ортиқча олган юз тангага ҳар ҳафтада симкорингиздан бир танга тўлайсизми ёки ўша юз тангани қайтариб берасизми? Бошқа гап йўқ, ё «ҳа» ё «йўқ»!

— Хўп, биттанга қайтаринг, нима бўлса ҳам сизга бўлсин!— деди уста.

— Бу оч ботирнинг пичингини кўринг-а,— деди хўжайин ўз-ўзига ва менга қараб:

— Ёзинг, мирзо, вақт кетди!..

Ишчиларнинг ҳисоби давом этти. Иккинчи даражадаги усталарнинг симкорлари яна ҳам озроқ, бўнаклари

яна ҳам кўпроқ эди. Бинобарин, кўплари бўнакнинг устига янги қарз қўшиб, зўрға икки тангага эга бўлиб кетардилар.

Ҳисоб давом этиб турган пайтда ишга буюрилган шогирдлар ишни тамомлаб, ички ҳовлидан чиқиб, ҳаммасини қилдик, деб хўжайиндан кетишга рухсат сўрадилар.

— Хўп, боринглар,— деди хўжайин уларга жавобан.

Мен, хўжайин катта ёшдагилар билан ҳисоб-китоб вақтида боши гарангсиб, шогирдларга иш ҳақи беришни унутган бўлса керак, деб гумон қилдим. Бинобарин, болаларнинг ҳолига раҳмим келиб хўжайиннинг эсига солдим:

— Шогирдлар симкор олишмай кетишадими?

— Уларга нима учун симкор берайин?— деди хўжайин пешанасини тириштириб.— улар нима иш қилишдики, ҳақ олишади? Инсоф юзасидан айтганда, улар менга ҳақ тўлашлари керак, негаки, икки-уч йилда менинг устахонамдан уста бўлиб чиқишади. Улар ота-онасиз, қаровсиз болалар бўлгани сабабли мен уларга шафқат қилиб, бепул ҳунар ўргатиб турибман. Агар бахтлари очилиб уста бўлиб чиқсалар, белларини боғлаттира олсалар<sup>1</sup> ва менинг устахонамда бир-икки йил ярим ҳақ олиб ишласалар, ана шунда мен уларнинг уста бўлишлари учун сарф қилган пулнинг ярми унади. Лекин ҳозирча бу қуруқ гап бўлиб насия фойдадир. Нақди шуки, ҳозир мен уларнинг уста бўлишлари учун бекорга заҳмат чекиб турибман.

Ҳисоб давом этарди. Менинг «бир соатлик нагрузка» ишим шомгача чўзилди. Ҳамма ишчилар кетишди. Энди хўжайиннинг олдида фақат Ражабжон қолган эди. Ражабжон бошини эгиб, тирноқлари билан шолчани «хирт-хирт» қашиб ўйнаб турарди.

Хўжайин унга қараб туриб сўради:

— Хўш, ука, сен нима дейсан? Дилингда бир гапинг бордай кўринасан-ку?

— Ўзингиз биласиз!— деди Ражабжон бошини кўтармай, тирноғини шолчадан олмай туриб.

— Мен нимани биламан? Мен сенинг дилингдагини қаердан билай?— деди хўжайин.— Фараз қилай-

---

<sup>1</sup> Шогирдларнинг «белини боғлаш» маросимининг тафсилоти кейинроқ келади.

лик, бирор нарсани пайқаган бўлсам ҳам, эгасидан эшитган маъқул, ўзинг айтганинг яхшироқ.

— Мен Девонбеги лабиҳовузига бориб бир айлансам, чойхонада ўтириб бир чойнак чой ичсам, бўғзимни, ўпка ва жигаримни темирчи дўконининг мўрисидай қилган бу устахонанинг бадбўй ҳидини ҳовуз сувининг шабадаси билан оз бўлса-да, димоғимдан чиқарсам, эртага дам олиш кунда яп-яланғоч қолган онамга бир кўйлақлик олсам дейман,— деди Ражабжон, аммо ҳануз бошини кўтармас, хўжайин томонга назар солмасди.

— Дардинг зўр экан-ку,— деди хўжайин ва чўнтагидан биттанга чиқариб худди итнинг олдига суяк ташлагандай Ражабжоннинг олдига ташлади,— ҳозир шуни олиб бир томоша қилгин. Кўйлақнинг ҳисобини эса, бошқа вақтда қиламиз.

Ражабжон у тангани панжасининг учи билан хўжайин тарафга ғилдиратиб деди:

— Олти ойдан бери сиз онамга кўйлақлик ҳисобини топмоқчи бўласиз, лекин ҳеч тополмайсиз. Демак бундан кейин ҳам тополмайсиз. Ҳеч бўлмаса менга бошқа девонабаччалар қаторидан ҳақ беринг!

— Бошқа девонабаччалар қаторида ҳақ беринг?— Ражабжоннинг сўзини такрорлади хўжайин ва ўзидан қўшимча қилди:— Ахир девонабаччалар қаторида ишлагин, мен уларга қараганда сенга икки баробар кўпроқ ҳақ берай. Уларнинг ҳар бири шу ҳафта тўрт жуфтдан олти жуфтгача кавуш чиқардилар. Сен бўлсанг икки жуфт ҳам чиқаролмадинг!

— «Икки жуфт ҳам чиқаролмадинг»,— дея Ражабжон хўжайиннинг охириги сўзини такрорлади ва бирдан бошини тик кўтариб, панжаларини шолчадан ажратиб, чап қўлини чап тиззасига қўйиб, ўнг қўлини хўжайин томон чўзиб, кўзларини унинг кўзига тикиб давом этди.

— Сиз устахонанинг назоратчилигини, девонабаччалар кетидан юриб айғоқчиликни менинг бўйнимдан олиб қўйинг, бошқаларга қараганда бир ярим марта кўпроқ иш қилиб берай. Мен ҳали тановарга суққан бигизимни тортиб олишга улгурмай, овчи ит сингари устахонани бир айланиб ҳидлаб чиқаман. Агар мен бўлмасам, уста Мурод тиккан кавушларнинг дастагини шогирдлар тикканини сизга ким айтиб берарди?..

— Назоратчилик қиларкан, айғоқчилик қиларкан, шу билан менга фойдаси тегар экан, энди киссамни бў-

шатиб қўйишим керак экан,— деди хўжайин ўз-ўзига пичинг оҳангида ва Ражабжонга хитоб қилиб давом этди:— Ахир сен назоратчилик қилиб менга нима фойда етказа олдинг?! Ҳали ҳам илгаригидек ямоқчиларнинг дўконлари менинг резгиларим билан тўлиб ётибди. Уларнинг ҳаммасини бу ердан шу уста ва шогирдлар чиқариб сотган. Сенинг айғоқчилигингдан менга нима фойда тегди? Сафар билан Ҳотам мендан минг тангадан бўнак олган эдилар, улар уста Муроднинг маслаҳатисиз қочишди дейсанми? Йўқ, улар мана шу қочоқ қари итсиз бир пиёла сув ичишмайди. Аммо сен айғоқчи бўла туриб ҳеч нарса пайқамаддинг ёки пайқаган бўлсанг ҳам, уларга шерик бўлиб менга хабар қилмадинг!

— Тухмат қилинг, шу кам эди,— деди Ражабжон ёниб,— сиз тухмат қилиб, одамларнинг ҳақини ейишга одат қилгансиз,— у овозини яна ҳам баландроқ қилиб хўжайинга хитоб қилди:— Менга бегона қаторида ҳақ берасизми, йўқми? Охири гапингизни айтинг!

— Астафидулло,— деб хўжайин чўнтагига қўл солди ва у ердан яна биттанга олиб, илгариги тангага қўшиб, Ражабжоннинг олдига ирғитди.

Ражабжон тангаларни олиб жойидан турди ва уларни хўжайин томонга ирғитиб, тўнини устахона эшиги олдидаги миҳдан олиб елкасига ташлади-да, зина томон йўналиб:

— Агар бундан сўнг шу ҳовлига қадам боссам ит бўлайин!— деб зинадан тушиб кетди.

Хўжайин бошини эгиб фикрга толди, бир оздан сўнг бошини кўтариб менга қаради-да, гап бошлади:

— У яна қайтиб келади, ҳеч бир гўрга бормайди, борадиган жойи ҳам йўқ,— деб жим бўлди ва бир лаҳзадан сўнг давом этди:— Эҳтимол сиз билмассиз, у менинг укам, ўғай бўлса ҳам ука. Онам вафот этгандан сўнг отам шунинг онасига уйланди. У вақтда бу икки яшар бола эди, онаси билан бизникига келиб, шу ерда еб-ичиб катта бўлди. Онаси бизникидан хўп ўғирлади. Отамнинг вафотидан сўнг онаси меросни тўлиқ равишда олиб, ўғирлаган моллари билан бизнинг ҳовлидан шу боланинг отасидан қолган кичик вайрона ҳовлига кўчиб кетди. Бу бола у вақтда ўн ёшга кирган эди. Ўғирлик молнинг баракиси йўқ, дейдилар, шу тўғри гап. Бунинг онаси отамдан қолган меросни ва ўғирлаган нарсаларини икки йилда еб тугатди. Бу бола бош яланг, оёқ яланг, кўчаларда

оч юрадиган бўлиб қолди. Раҳмим келиб уни келтириб устахонамга шогирд қилиб қўйдим. Улғайди, уста бўлди. Мен уни нима бўлса ҳам укам-да, обрў топсин, деб усталарнинг тепасига саркордек қилиб қўйибман. Аммо у сўнгги вақтларда менга худди давлатимга шерик одамдай муомала қиладиган бўлиб қолди.

Қош қорайиб қолган эди. Хўжайин болохонага кириб шамдон ва гугурт олиб чиқди, шабгаҳда шамни ёқиб:

— Хўп, ҳисобимизни қилайлик, вақт кетди!— деди.

Мен ёпиб қўйган дафтарни иккинчи марта очдим, хўжайин айтиб турди, мен унинг сўзига қараб шу кундаги олди-сотдиларни дафтарга қайд қилавердим.

### ПОИАФЗАЛДУЗЛАР ОҚСОҚОЛИ

Ҳисоб-китоб ишлари тамом бўлгандан сўнг хўжайин ички ҳовлисига тушиб ош ва дастурхон олиб чиқди. Биз овқатга ўтирдик. Ҳали овқатни еб тугатганимизча йўқ эдики, йўлакдан оёқ шарпаси эшитилди, шундан сўнг зинадан кимнингдир чиқиб келаётгани маълум бўлди. Хўжайин ким экан деб зинанинг бошига кўз тикиб турди. Аммо у шамнинг олдига етиб келмагунча, кимлигини билолмади, фақат яқин келгачгина:

— Эй, оқсоқол-ку,— деб дастурхон олдидан ирғиб турди-да, югуриб бориб, уни бағрига босиб кўришди.

Ҳар иккалалари биргалашиб келиб дастурхон четига ўтиришди. Хўжайин уни ошга таклиф қилди, аммо у таомга қўл узатмади:

— Ҳозиргина уйда таом еб келдим.

Хўжайин ҳам қайта таомга қарамади, гарчи ҳали қорним тўймаган бўлса-да, мен ҳам қайта таомга қўл чўзмай, бу икки яқин дўстнинг гап-сўзларини вужудим қулоқ бўлиб тинглай бошладим.

— Хўп, гапиринг, қани! Шермисиз ё тулки?— деб сўради хўжайин у одамдан.

— Аввали худо, қола берса пиримиз мадад қилиб, бу қулингиз ҳамиша шерман!— жавоб берди у.

— Қўлга киритдингизми?

— Қўлга киритдим.

— Олиб келдингизми ё сотиб келдингизми?



— Олиб келдим, чунки дуруст харидор топилмади.  
— Буниси яна яхши. Чунки бошқаларнинг кўзи олазарак бўлмайди. Қочишдан уларга фойда йўқлигини билиб олишади. Хўп, энди ҳаммасини бир бошдан айтиб беринг-чи?

— Самарқанд шаҳрига тушдим,— деб гап бошлади у одам,— эски шаҳар кўчасида кўзимга кўринган бир ямоқчидан пойафзалдўзлар оқсоқолининг уйини сўраб олдим-да, тўғри шу ерга бориб, ўзимнинг кимлигимни танитдим ва Сафар билан Ҳотамнинг қилмишларини ҳикоя қилдим. Оқсоқол уларнинг Самарқанддалигини, бир устахонада ишлаётганликларини, ҳанузгача соҳибкор (устахона эгаси) уларга бўнак бермаганини айтиб берди...— у одам шу ерда ўз ҳикоясини кесиб, хўжайинга ҳазил оҳангда деди:

— Ошингизни-ку, емадим, наҳотки бир пиёла аччиқ чойингизни мендан аясангиз?

— Кечирасиз! Сизни кўриш билан мен ҳамма нарсани, ҳатто одамгарчиликни ҳам унутибман!— деди хўжайин хижолат оҳангида ва ўрнидан ирғиб ичкари ҳовлисига кирди, у ердан икки қўлида икки чойнак чой олиб чиқиб:

— Уйда икки чойнак тайёр чой бор экан, иккаласини ҳам бир йўла олиб чиқдим,— деб ўз жойига бориб ўтирди ва меҳмонга бир пиёла чой қуйиб бериб:

— Хўп, кейин нима бўлди?— деб сўради.

Меҳмон чойни ичиб туриб давом этди:

— Самарқанд пойафзалдўзлари оқсоқолининг айтишича, Сафар билан Ҳотам у ерга бориб оқсоқолга учрашганлар, биз Бухородан, у ерда ҳеч бир устахонадан бўнак олганимиз йўқ. Самарқандни томоша қилгани келдик. Агар яхши устахона топилса шу ерда қоламиз. Бўлмаса шаҳарни томоша қилгач, яна ўз шаҳримизга кетамиз. Лекин бу ерда бўлган вақтимизда ишлаб туришимиз лозим, токи чой пули бўлиб турсин, дейишибди. Оқсоқол уларни бир устахонага элтиб «оқсоқол пул»ни кўпроқ унсин учун уларга оз бўлса ҳам бўнак олиб бермоқчи бўлибди, лекин устакор бермабди. «Булар бу ерда икки ой ишлашсин, агар қочоқ бўлишмаса, агар орқаларидан биров қидириб келмаса, у вақтда бўнак бериш мумкин»,— дебди. Оқсоқол уларнинг ишлари устидан беш танга «оқсоқоллик ҳақи» олиб, уларни устага топшириб кетибди.

Меҳмоннинг талаби билан хўжайин унга яна чой қуйиб берди ва:

— Кечирасиз, сизнинг ҳикоянгизга берилиб кетиб, чой қуйиб беришни ҳам хотиримдан чиқарибман,— деди узромуз бир оҳангда.

Меҳмон иккинчи пиёлани бўшатиб давом этди:

— Уша куннинг эртасига мен оқсоқол билан биргалашиб Сафар билан Ҳотам ишлайдиган устахонага бордим. Улар мени кўриб, бамисоли чиябўрини кўрган товукдек қотиб қолдилар. Мен уларнинг сиздан олган бўнаклари миқдорига ўзимнинг «оқсоқоллик ҳақим» ва йўл харажатларини қўшиб ҳисоблаб, устакорга: «Агар булар сизга керак бўлса, мана шу маблағни тўлаб, уларни ўз хизматингизда қолдилинг!»— дедим. Аммо устакор қабул қилмади. «Бу нарх менга оғирлик қилади, сиз буларни олиб бориб нону туз еган жойларига топширинг»,— деди. Шу тариқа мен у аҳмоқ қочоқларни олиб келдим.

Хўжайин меҳмонга чой қуйиб бериб гапга киришди:

— Баракалла! Сиз жуда катта хизмат қилдингиз. Мен сизнинг бу яхшилигингизни сира эсдан чиқармайман. Агар бирорта девонабачча Бухоро музофотининг бир чеккасига қочиб кетса, гарчи у узоқ бўлса ҳам, уни ушлаб келиш мумкин ва осон. Чунки бу ўз мамлакатимиз бўлиб, жаноби олийнинг давлатлари соясида ҳар жойда сиз, бизнинг гапимизни эшитади. Аммо Сафар билан Ҳотамнинг Самарқандга қочиб кетганини эшитиб, мен умидимни батамом узган эдим. Чунки у ер Россия тупроғи бўлиб, у ерда ҳукумат ишбилармонлари сиз, бизнинг сўзимизга қулоқ солмасдилар. Бинобарин, бу борадаги муваффақиятимизни мен сизнинг ғайрат ва корчалонлигингиз самараси деб биламан. Саломат бўлсинлар!

Меҳмон бўшаган пиёлани хўжайин тарафга узатиб:

— Менинг соч-соқолим шу йўлда оқаргани учун нима қилишимни биламан, бу йўлда топган нонимни ҳалол қилиб ейман,— деди у мағрурона оҳангда, сўнг-ра овозига бир хил сохта хокисорлик оҳангини қўшиб давом этди:— Лекин, хўроз ҳамма жойда бир хил қичқиради, деганлари тўппа-тўғри гап. Самарқандда ҳам ҳамма девонабаччалар оқсоқолнинг измидан чиқмайди. Улар ҳаммалари бўнак билан устахоналарга банд этилган, устакорлар бирор одамни оқсоқолнинг масла-

ҳатисиз ишга олмайдилар, рус ҳокимлари бу ишга ҳеч аралашмайди. Шаҳар миршаби у ернинг оқсоқолига, рисоаларингда (касбларнинг қоидалари ёзилган китобча) нима ёзилган бўлса, шунга амал қилинлар, бизнинг ишимиз йўқ, дебди. Агар Самарқанднинг хўрозлари Бухоро хўрозларидай қичқирмаганда эди, агар у ерда девонабаччалар оқсоқолнинг измида бўлмаганда эди, мен у ердан буларнинг оёғининг чангини ҳам олиб келолмасдим.

— Хўп, қанча харажат бўлди?— деб сўради хўжайин.

— Бориб келиш харажати, қочоқларнинг йўл харажати, Самарқанд томошасига кетган харажатлар, Самарқанд пойафзалдўзлари оқсоқолининг «оқсоқоллик ҳақи», ҳаммаси бўлиб беш юз танга бўлди.

— Зарари йўқ,— деди хўжайин,— мен бу маблағни сизга бериб, ўз тарафимдан юз танга «оқсоқоллик ҳақи» тўлайман, ҳаммаси олти юз танга бўлади. Шанба куни қочоқларни бу ерга олиб келганингизда, худди ўз олдингизда бу маблағни иккига тақсим қилиб, ҳар бирининг бўнагига уч юз тангадан қўшиб қўяман, унда ҳар бирининг қарзи бир минг уч тангадан бўлади. У вақтда қочилгани қайта эсларига келтирмайди, то ўлгунларича ишлашса ҳам, бу қарзни бериб тугатолмайди.

Ўзи новча мошкичири, курак соқол, юзи оқ, қинғир бурун ва катта салла ўраган бу одам Бухоро пойафзалдўзларининг оқсоқоли эди.

Оқсоқол «шанба кунигача худонинг паноҳида бўлинг!» деб хўжайиннинг олдидан турди. Мен ҳам ўрнимдан туриб у билан ҳамроҳ бўлиб у жойдан чиқдим. Мен йўлда ундан «девонабаччалар» ва уларнинг рисоалари ҳақида маълумот олиш ниятида эдим. Аммо у саволларимга тузук жавоб бермади. Мен унга ҳадеб савол беравергач:

— Иним, сиз муллабаччасиз, келгусида катта мулла бўласиз. Сиз ҳеч қачон этикдўз ё кавушдўз бўлмайсизки, бу гаплар сизга керак бўлса,— деб, жавоб беришдан қатъиян воз кечди.

Унинг бу ҳаракатидан мен Бухоро ҳунармандларининг қоидаларини ва уларнинг «девонабачча» деб аталлишининг сабабини билишга яна ҳам ҳарисроқ бўлдим. Чунки, инсон ман этилган нарсага ҳарисроқ бўлади, дейдилар.

Мен Тоқи Заргарон остида оқсоқолдан ажралиб, Бадалбек мадрасасига қараб кетдим, у ўз ҳовлиси томон кетди. Мен ҳужрага кириб ётдим. Аммо девонабаччалар ҳақидаги ўй-андишалар уйқу бермасди. «Бу қанақа ишки, бир касбдаги ҳамма одамлар бир оқсоқолга тобе бўлса ва у, уларни истаган ерига олиб бориб, хоҳлаган устакхонасига топширишга ҳақли бўлса?».

Бир пайшанба куни пешиндан сўнг Мурод кавушдўзни Девонбеги лабиҳовузида кўриб қолдим. Чойхоначидан бир чойнак чой чақириб, унинг ёнига ўтирдим. Бухоро ҳунармандлари, уларнинг қонун-қоидалари ҳақидаги ҳамма саволларимга уста Муроддан жавоб топдим, қуйидаги бобда ундан эшитганларимни хулоса қилиб ёзмоқчиман.

### АМИР БУХОРОСИДА ҲУНАРМАНДЛАРНИНГ ЖАМИЯТЛАРИ

Амир Бухоросида ҳамма косиблар ва ҳунармандларнинг жамиятлари бор эди. Ҳар бир ҳунарманд ўз касбига алоқадор жамиятнинг аъзоси саналарди. Аммо жамиятга кириши учун ариза бериш, аъзолик ҳақи тўлаш каби шартлар йўқ эди. Агар ҳунарманд тўқувчи бўлса, тўқувчилар жамиятига, кавушдўз бўлса, пойафзалдўзлар жамиятининг аъзоси ҳисоблана берарди.

Ҳар бир ҳунар аҳли руҳонийларнинг талқини билан бирор тарихий ёки диний афсонавий шахсни ўзларига «пир» (раҳбар) деб ҳисоблардилар. Чунончи, тўқувчиларнинг пири — Имом Аъзам, пойафзалдўзлар пири — Бобойи Порадўз Бухорий бўлиб, ўз вақтида ямоқчилик қилган экан, мешкобларнинг пири — Аббос (пайғамбарнинг амакиси) бўлиб, Қарбало воқеасида Имом Ҳусайн гуруҳига Фурот дарёсидан мешда сув ташиган экан, темирчилар пири — Довуд пайғамбар бўлиб, у ўз замонида зирҳозлик қилган эмиш, отбоқарлар пири — Қамбар Ҳазрат Алининг отбоқари экан ва шунга ўхшашлар.

Руҳонийлар ҳар ҳунарнинг ҳунармандлари учун қонун-қоидалар ёзиб, уни «рисола» деб атаганлар. Рисолада ҳар хил дуолар ёзилган бўлиб, ҳунарманд иш бошлаш олдида, иш давомида ва иш тамом бўлгач, шу дуоларни ўқиши лозим. Бундан ташқари, ҳунар-

манднинг оқсоқол, устоз ва соҳибкорларга (корхона эгаларига) муносабати ҳам шу рисолада тайинлаб қўйилган бўлади.

Албатта бу муносабатлар оқсоқол, устоз ва устахона эгаларининг манфаатига қаратилган бўлиб, ҳунарманднинг зарарига хизмат қиларди. Ҳунармандларнинг қайси бири рисолада ёзилган қондани бузса, оқсоқолга «тартибсизлик» жаримаси тўлашга мажбур эди.

Оқсоқол «тартибсизлик» жаримасига тушган пулнинг бир қисмини харжлаб ҳар йил (йиғилган пулнинг миқдорига қараб), бир неча марта «Арвоҳи пир» номи билан зиёфат берарди. У зиёфат диний шаклга кириб, хатми қуръонга айланарди. Бу зиёфатга таклиф этилганлар ҳам аввал руҳонийлар, иккинчи устакорлар (устахона эгалари) катта усталар ва вофурушлар (ўша касбнинг маҳсулотини олиб сотувчи савдогарлар ва жаллоблар) бўлиб, оддий ҳунармандларнинг вазифаси бу зиёфатда хизмат қилиш эди. Агар катталарнинг олдидан бирор нарса ортиб қолса, улар ўзларига яраша ейишар, йўқса лабларини ялаб кетардилар.

Ҳар бир ҳунарнинг шогирди, қанчалик ҳунарманд бўлмасин, то зиёфат бериб, белини боғламагунча шогирдлик даражасидан усталик мартабасига ўтолмас эди. «Бел боғлатиш» зиёфатида одатда шу шогирднинг бевосита устаси, шу касбнинг катталари — оқсоқол ва катта усталар ҳозир бўлар ва албатта уч руҳоний ҳам бел боғлатиш зиёфатининг тўрини ишғол қилардилар.

Шогирд зиёфат охирида ўз устозига катта ҳадялар берар, руҳонийлар, оқсоқол, агар шогирд устахона шогирди бўлса, устакорни ҳам туҳфадан қуруқ қолдирмас эди.

Устакор туҳфа олгандан сўнг бир белбоғни шогирднинг белига боғлар ва қўлига шу ҳунарнинг асбобларидан бирини (агар дурадгор бўлса теша ё арра, шувоқчи бўлса андава, сартарош бўлса устара ё қайчи ва шунга ўхшаш) берарди ва унга рисолага мувофиқ мустақил иш қилишга руҳсат ва фотиҳа берарди. Руҳонийлар қуръон ўқиб шу ҳунарнинг пири арвоҳига бағишлардилар, шу билан «белбоғ боғлатиш» зиёфати тамом бўларди.

Ҳунармандларнинг ҳар бир жамиятида бир оқсоқол бўлиб, жамиятнинг ишларини бевосита шу одам идора

қиларди, шунга ўхшаш яна бир «пойкор» югурдак ҳам бўларди. Унинг вазифаси керак бўлган чоғда шу жамият аъзоларини бир жойга йиғиш, оқсоқолнинг фармойиши билан жамиятнинг бошқа майда-чуйда ишларини қилишдан иборат эди.

Одатда ҳар бир жамиятга оқсоқол сайланарди. Лекин сайловда (икки жамиятдан бошқа, бу жамиятларнинг хусусияти ҳақида кейинроқ сўз бўлади) фақат катта усталар, устакорлар ва вофурушларгина иштирок этардилар. Тўғрироғи, бу «сайловчилар» ўзаро маслаҳат қилиб, келишиб, бир кишини оқсоқол тайин қилардилар, пойкорни эса, оқсоқолнинг ўзи тайинларди. Оддий, ҳунармандлар эса, сайлов мажлисида бўлсин, бўлмасин уларнинг вазифаси ким сайланганини эшитишдан иборат, холос.

Ҳунармандлар жамиятининг каттароғи пойафзалдўзлар, мешкоблар, отбоқарлар ва тўқувчилар жамияти эди. Катта жамиятлардан отбоқарлар ва мешкоблар жамиятининг рисолалари гарчи диний руҳда бўлса ҳам, ҳунармандларнинг манфаатларини бир даража ҳимоя қилардилар. Буларнинг сайловлари омма иштирокида бўларди.

Чунончи, ҳар ҳовуз мешкобчиларининг оқсоқолини шу ҳовуздан сув ташийдиган мешкобчилар оммаси очиқ тарзда сайлардилар. Кичик ҳовузларнинг мешкобчилари оз сонли бўлганлари сабабли, оқсоқол сайловида ўзларига яқинроқ катта ҳовуз мешкобчиларига қўшилиб сайлов ўтказардилар.

Мешкоблар оқсоқолининг вазифаси сув истеъмолчилари олдида мешкобчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишдан иборат бўларди. Масалан, бир мешкобчи бир ҳовли эгаси билан кунига бир ё икки меш сув келтириб беришга келишади. Агар мешкобчи билан ҳовли эгаси орасида жанжал чиқса, яъни ҳовли эгаси мешкобчининг ҳақини тўла бермаса, мешкобчи у ҳовлига сув ташишни тўхтатиб, бу ҳақда оқсоқолга хабар қиларди. Бундай мавридда ҳовли эгаси қанча ортиқ пул берса ҳам, бошқа бирор мешкобчи унга сув ташиб бермасди. Агар бирор мешкобчи пулга алданиб, унга сув ташиб бергундай бўлса, оқсоқол ундан қондани бузгани учун штраф олиб, қайта у жойга сув ташишни ман этарди. Агар у мешкобчи иккинчи марта қондани бузиб у ҳовлига сув келтирса, оқсоқол уни сув ташиш ҳуқуқидан

махрум этиб, мешкобчилар қаторидан чиқариб юборарди. Хуллас, то ҳовли эгаси ўзининг аввалги мешкобчисини рози қилмагунча бошқа мешкобчи унга сув ташиб бермасди. Ҳовли эгаси аввалги мешкобчисини рози қилгандан сўнг, у ҳовлига сув ташиш ҳуқуқи биринчи навбатда ўша аввали мешкобчининг ўзиники бўларди. Борди-ю, у ўз ихтиёри билан бу жойга сув ташишни истамаса, у ҳолда бошқа мешкобчи бу ҳовлига сув ташишга ҳақли бўларди. Мешкобчиларнинг ҳуқуқларини бу хилда ҳимоя қилиш уларнинг рисолаларида йўқ эди. Лекин ҳаёт уларни ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун рисолада ёзилмаган шу қондани ўз ораларида жорий этишга мажбур қилган эди.

Оқсоқолнинг яна бир вазифаси сув ташиш тартибини назорат қилиш эди. Мешкобчи мешни ерга қўймаслиги лозим эди, сув олаётган вақтда мешнинг бир томони ҳовуз зинасига тегиб туради, шунинг учун мешкобчи зинанинг шу жойини ювиши, сўнгра мешнинг бир учини шу тоза жойга қўйиб туриб сув олиши лозим. Шунингдек, мешга сув қуядиган чарм дўлчани ерга қўйиш ман этилганди. Мешкобчи ўз мешини сув билан тўлдиргач, дўлчани михга ёки дарахтга илиб қўймоғи лозим эди. Агар мешкобчи шу қондаларнинг бирортасини бузса, оқсоқол ундан қондани бузгани учун икки танга жарима оларди ва шу йўл билан тўпланган пулларни «Арвоҳи пир» зиёратига сарф қиларди. Мешкобчиларнинг ҳам «Арвоҳи пир» зиёфати диний руҳда ўтарди.

Шувоқчилар ва дурадгорлар жамияти ҳам ўз аъзоларининг ҳуқуқини бир даража ҳимоя қиларди. Агар бир уста билан соҳибкорнинг ораси бузилиб, уста бинокорликни чала ташлаб кетса, бошқа устанинг бу иморатни тамомлашга ҳақи йўқ эди. Соҳибкор аввалги устани рози қилгандан сўнг, агар у уста қайтиб бу жойда ишлашни хоҳламаса, бошқа устанинг у жойда ишлаши мумкин эди. Бу жамиятнинг ҳам «Арвоҳи пир» диний руҳда ўтарди.

Ҳунармандлар жамиятининг энг эркини отбоқарлар жамияти бўлиб, бунга аравакашлар ҳам аъзо эдилар. Отбоқарлар жамиятининг оқсоқоли қилиб бирор жойда шу касбда ишлаб турган қариялардан бири сайланарди. Шунингдек, оқсоқол сайловига отбоқарлар фаолроқ иштирок этардилар. Отбоқарларнинг ҳам диний

руҳда ёзилган рисолалари бор эди, лекин улар рисолада айтилган қоидаларга ҳеч қачон амал қилмас эдилар ва «Арвоҳи пир» зиёфатини бермасдилар. Бу касбнинг шогирдларини «Навча», (янгича) деб аталарди. Булар отбоқарлик касбини эгаллаб олгач, «белбоғ боғлаш» маросими ўтказмай, мустақил ишлаб кетаверардилар.

Бу жамиятда тўпланадиган пуллар қоидани бузгани учун аъзолардан олинадиган жарима тариқасида эмас, балки аъзоларни ишга киритиш йўли билан йиғиларди. Қайси отхонага отбоқар керак бўлса, оқсоқолга мурожаат қиларди. Оқсоқол бир ё бир неча отбоқарни талаб қилган кишига топшириб, уларнинг ойлиги ва кундалик озиқ-овқатларини тайин қилиб берарди. Ҳар бир отбоқарни ишга жойлаганда оқсоқол хўжайиндан икки танга, отбоқардан икки танга оларди. Лекин у бу пулни ўзи учун ё бошқа нарсага сарф қилмай, бирор отбоқар бекор қолса, ёки хўжайин билан келишмай, ишни ташлаб кетса, оқсоқолга мурожаат қиларди, оқсоқол ҳам уни то янги ишга жойлагунча боқар ва тўпланган маблағ мана шуларга сарф бўларди.

Агар отбоқарлардан бири билан хўжайиннинг ораси бузилиб, у отбоқар ишни ташлаб кетса (отбоқарлар кўп бўлган жойда) бошқалари ҳам ишни ташлаб у ердан кетар ва ҳаммалари оқсоқолхонага келиб шу ерда қорин тўйғизиб ётар эдилар. Хўжайин оқсоқол орқали бундай отбоқарларни рози қилмагунча бошқа отбоқарлар у ерда ишламас эдилар. Агар касби отбоқарлик бўлмаган бирор кимса у жойга бориб ишласа, отбоқарлар уни ўлгудай уриб, қайта у ерда ишламасликка мажбур этардилар (бу ҳол саркардалар ва сарой аҳли отхоналарида рўй бериб турар эди, чунки уларнинг бир нечтадан отлари бўлиб, отбоқарни оқсоқолдан оларди-лар). Аммо битта оти бор хусусий кишилар отбоқарликка ҳавасманд одамларни олаверар ва улар билан ҳеч кимнинг иши бўлмас эди.

Аммо бошқа ҳунармандларнинг жамиятлари бутунлай оддий ҳунармандларнинг зарари учун ташкил қилинган эди. Хусусан тўқувчилар ва пойафзалдўзлар ўлгунча оқсоқоллар ва устакорлар чангалидан қутулмас эди.

Бўнак қоидаси ҳам кўпинча шу икки касб ҳунармандлари орасида жорий этилганди. Чунки оқсоқол ва устакор иш ҳақини шу даража паст белгилаган эдилар-



ки, бу ҳақ, билан оддий ҳунарманд кун кечиролмас эди. Бинобарин, у ҳунарманд бўнак номи билан устакордан қарз олишга мажбур эди. Агар косиб устакордан бир марта бўнак олса, бўнак маблағи андак вақтда кўпайиб кетарди. Чунки бўнак олиб ишловчи косибнинг иш ҳақи бўнак олмай ишлайдиган озод косибнинг иш ҳақидан камроқ бўларди, бинобарин, тез-тез янги бўнак олишга муҳтож бўларди. Натижада бўнаги оғирлашиб, адо қилиб бўлмайдиган даражага етарди.

«Бўнак» сўзи косиблар орасида «олдиндан олинган иш ҳақи» (аванс) маъносида қўлланарди. Аммо «бўнак» сўзини олдиндан олинган иш ҳақи маъносида қўлланишига сабаб, олдиндан берилган бу ҳақ устакор учун ишнинг «бўн»ини (томирини) таъмин этарди. Чунки қайси устакор ўз устахонасининг ишчисига иш ҳақини олдиндан ўтказа олса, амалда ўша ишчининг меҳнатини то у ўлгунча ўз манфаатига қаратган бўларди.

Бинобарин, устакорлар, гарчи бошқа-бошқа шаҳарларда яшаб, бир-бирларини танимасалар ҳам, ҳамкасбларининг бўнакдор ишчиларини ўз устахоналарига олмасдилар. Агар билмай олгудай бўлсалар, бўнакдорлиги маълум бўлиши билан уни аввалги хўжайинларига қайтариб юборардилар.

Аммо иккинчи устакор талабгор, биринчи устакор рози бўлса, иккинчи устакор қочоқ косибнинг бўнагини уни топгунча бўлган харажатлар билан биринчи устакорга тўлаб, косибни ўз ихтиёрига оларди. Табиий, у ҳолда устахона ўзгариши муносабати билан оқсоқоллик ҳақи қўшилиб, қочоқ косибнинг бўнаги яна ортиқроқ, яна оғирроқ бўларди.

Баъзан икки устакор ўзаро келишиб, масалан, буларнинг бири устахонасини кичрайтириши ёхуд бутунлай ёпишни хоҳласа, бу устакор ўзининг бир ё бир неча бўнакдор ҳунармандларини ўша талабгор устакорга, бўнақларини ундан ундириб олиш учун топширарди. Бу ўрин алмашиш муносабати билан олинадиган оқсоқоллик ҳақи қўшилиб, ҳунарманднинг бўнаги оғирроқ бўларди. Хулоса қилиб айтсам, бўнакдор ҳунарманд иш ҳайвони каби икки хўжайин орасида олиб сотилар эди, оқсоқоллик ҳақи эса, мол бозоридаги даллоллик ҳақи сингари оқсоқолнинг чўнтагига тушарди.

Бу ишларнинг ҳаммаси оқсоқол ҳузурда, унинг

оқсоқоллик ҳақини тўлаб қилинарди. Оқсоқол қўшилмаган, яъни у тепасида ҳозир бўлмаган иш, расмий ҳисобланмасди. Оқсоқол ҳунармандни устакорга итоат қилдиришга, у қочганда топиб беришга ва ҳунармандларнинг иш ўрни алмашган тақдирда бўнакни ундириб беришга мутасадди бўлгани учун, у ҳамма ишдан хабардор бўлиб, ҳар бир муносабат билан оқсоқоллик ҳақи олиб туриши шарт эди.

Устахоналарда симкор ишлайдиган ишчиларга «девоначча» деб ном қўйишнинг сабаби мана бундай эди: улар тазйиқнинг зўридан, шафқатсиз эксплуатациядан асабий касалликка гирифтор бўлган эдилар. Шунинг учун бўнаксиз ишлайдиган ҳунармандлар бир устахонада бир ҳафтадан зиёд иш қилмасдилар, эксплуатацияга қарши нафрат билан жавоб қайтариб, унинг ишини ташлаб кетар ва бошқа устахонага кириб ишлардилар. Бўнакдор косиблар ҳам, охири қўлга тушиб юклари оғир бўлишини билишса-да, раҳмсиз эксплуатация исканжасига бардош беролмай қочишарди, бир неча кун озодликда юришни ғанимат деб билардилар.

Бинобарин, устакорлар, оқсоқоллар, вофурушлар, умуман бу касбдан меҳнатсиз фойда кўрувчилар уларни таҳқирлаб «девоначча» деб атаганлар. Бора-бора уларнинг ўзлари ҳам бу номни қабул этиб, устакор билан жанжал қилганда, устахонанинг ишини ташлаб кетганда ёки қочган кезларида: «Биз девоначчамиз, нимани хоҳласак шуни қиламиз, ишдан зарар кўрамиз, деб турамизми, барибир, нима бўлса бўлар, бўлмаса говлаб кетар, дам ғанимат!»— дер эдилар.

\* \* \*

Мен кузгача аттор хўжайинимнинг бир соатлик ишини қилиб турдим... Менга ошпазлик, кир ювиш каби ишларини топшириб юрган одамлар мадрасага қайтиб кела бошлагач, у ишни ташладим. Хўжайин аввал мени ўз ишида қолдириш учун хўп авраб кўрди, мен қабул қилмагач, пешанасини тириштириб:

— Хўп, боринг, ишингизни такомиллаштиринг! Шунини билиб қўйингким, биров бировнинг уйдан туз ичиб, уй эгасининг розилигини олмай кетса, туз кўр қилади,— деди.

— Ҳар кун сизни ва устахонангизни кўргунча, кўр бўлганим маъқулроқ,— дедим мен ҳам пешанамни буриштириб.

Шу воқеадан кейин мен растадан — унинг дўкони олдидан ўтадиган бўлсам у ўзини кўрмасликка солиб, юзини ўгирар ва қандайдир бир иш билан шуғулланарди, яъни бизнинг орамизда оддий салому алик ҳам барҳам топганди.

\* \* \*

Таҳсил бошланди. Бизнинг дарсхонамиз — домумла Икром дарсида Латифжон махдумнинг акасининг ўғли Абдухалил махдум бизга шерик бўлди. Абдухалил махдум қозизода ва қози калоннинг набираси бўлгани учун Ҳомидхожа жамоа қорилигини унга топширди.

Абдухалил махдум қизил юзли, қош-кўзлари қора, ўрта бўйли ва ориқроқ йигит бўлиб, ёши мен билан баравар эди. Унинг отаси илгари вақтларда узоқ районларда қози бўлиб, ўзи отасининг олдида бўлгани сабабли, мен Латифжон махдумнинг уйида юрган чоғларда уни кўрмаган эдим. Абдухалил махдумнинг тожикча мукамал саводи бўлиб, хати жуда гўзал, адабиётни яхши тушунар ва севар эди. У калонзода бўлишига қарамай, жуда хокисор эди, оддий, яланғоёқ муллабаччаларга ҳурмат билан муомала қиларди.

Абдухалил махдум бизнинг жамоага қори бўлгандан сўнг мени биргалашиб дарс тайёрлашга таклиф қилди. Менинг у билан дарс тайёрлашим Ғафуржон махдум билан дарс тайёрлаганим сингари қуруқ ёдлатишдан иборат бўлмай, ҳақиқий мутолаа ва икки тарафнинг жиддий мунозараси туфайли дарснинг туб моҳиятини англаб олишдан иборат эди.

Абдухалил махдумнинг ҳовлиси Ғозиён гузариди, мулла Муҳаммадшариф мадрасаси ва Ғозиён ҳаммоми орқасида эди. Унинг отаси билан укаси шу ҳовлида яшардилар. Ўзи уйланган бўлиб, таътил кечалари ҳовлисида бўлиб, таҳсил кечалари ҳужрада қоларди. Унинг ҳужраси Ғозиён мадрасасининг дарвозаси тепасида эди, дарчалари Ғозиён ҳовузи томон очилар ва бу ҳужра ўша давр Бухоросида энг хушхаво ҳужра саналарди.

Мен ҳар кун эрталаб шу ерга борардим, у билан дарс тайёрлаб, биргалашиб дарсхонага борардик. У кунжаки

домулланинг дарсларида ҳам менга шерик бўлиб, мулла Абдусаломга шогирд бўлди.

Абдухалил махдум амакилари Латифжон махдум ва Ғафуржон махдумларнинг акси бўлиб, анча ҳимматли эди, у овқат, кийим-кечакда менга кўп ёрдам қилди. Унинг ҳужрасида қадимги шоирларнинг деярли ҳаммасининг девонлари ва сўнги давр шоирларининг турли баёзларини топиш мумкин эди, мен улардан бемалол фойдаланар эдим.

Афсуски, у йигитнинг сил касали бор эди. Гарчи у вақтларда бу касаллик унда очиқ кўринмаган, баданининг куч-қувватига зарар етказмаган бўлса ҳам, калта-калта йўталишларига қараб тажрибали одамлар унда сил касаллиги борлигини пайқардилар.

### ТАХАЛЛУС ТАНЛАШ

Мен бу ерда ўзимнинг адабий тахаллусларим ҳақида бир неча сўз ёзишим лозим. Бухорога келишимнинг дастлабки йилларида одамлар (баъзи кимсаларни истисно қилганда) менга кўп паст назар билан қараб, таҳқиромуз оҳангда Саҳройи (Қишлоқи) деб атар эдилар. Шу муносабат билан мен паст маъносидаги «Сифлий» сўзини тахаллус қилишга қарор қилдим. Аммо кейинроқ бу тахаллус ўзимга маъқул бўлмади. «Одамлар мени паст деб билишса, бу уларнинг иши. Аммо ўзимни ўзим нега паст санай. Менинг улардан фарқим шуки, мен қашшоқ ва муҳтожман, улар эса, бой, тўқ одамлар», деб ўйладим.

Паст, тубан маъносидаги «Сифлий» сўзини тахаллус сифатида ишлатишдан воз кечдиму, ўзимнинг қашшоқ, муҳтожлигимга иқрор бўлдим ва «Муҳтожий» сўзини ўзимга тахаллусликка муносиброқ кўрдим. Шундан сўнг ёзган шеърларимда, вазнга сиғишига қараб, гоҳ «Муҳтож», гоҳ «Муҳтожий» тахаллусини ишлата бошладим.

Бора-бора бу сўзлар ҳам тахаллус сифатида менга маъқул бўлмади: «Муҳтожлигим тўғри, аммо нима учун мен шеър воситаси билан ўз муҳтожлигимни элга эълон қилишим керак? Мен ҳар қанча муҳтож бўлсам ҳам, элга ўзимни ҳеч нарсага муҳтож эмасдай кўрсатишим лозим», — дедим дилимда ва бу тахаллусдан ҳам воз кечдим.

Ешлигимда бошимга тушган оғир турмуш таъсирида мен асабий бўлиб қолгандим, тирикчиликдан кўп сиқи-

лардим. Баъзан танҳолик кечалари ўтган замон шоирларининг марсиянамо шеърларини ўқиб, юрагимни бўшатиш учун йиғлардим. Одамлар менинг бу хусусиятимни пайқаб, қобил бола, аммо бир оз девоналиги бор, дер эдилар. Мен ҳам элнинг шу фикрига мойил бўлиб, девона маъносидаги «Жунуний» сўзини тахаллус қилишга қарор қилдим.

Бора-бора бу тахаллус ҳам маъқул бўлмади: «Ахир, мен девона эмасман,— дедим дилимда,— мен ҳар нарса-ни тушунаман, фарқ қиламан. Бас, нима учун ўзимни девоналикка нисбат берай? Эл мени девоналикка нисбат берса бераверсин, бунинг менга дахли йўқ».

Шу мулоҳазадан сўнг маъқулроқ тахаллус топиш фикрига тушдим. У вақтларда баъзи муллабаччалар, хусусан бухоролик муллабаччалар ва муллазодалар шеър айтиш ҳавасига тушиб қолардилар, ҳатто алифбе саводига эга бўлмаганликлари ҳам уларнинг бу орзуларига моне бўлмасди. Аммо шеър машқ қилиб бирор байтни майдонга келтиришдан олдин ўзлари учун тахаллус қидирардилар. Ҳар бири бир сўзни танлаб, ўзига тахаллус қилиб олар, бир-бирига шу тахаллус билан муурожаат этиб завқланар, тахаллусларнинг маънисини сўраб-суриштирар, ўша сўзнинг тахаллус бўлишга муносиб ё номуносиблиги ҳақида мунозара қилишар, ҳар қайсиси ўзича ўз тахаллусини афзал деб ҳисобларди. Тахаллуснинг афзалияти ҳақида уларнинг биринчи далили шу сўзнинг камёб, ажойиб бўлишида, ҳозирги ва ўтган замон шоирлари тарафидан тахаллус сифатида ишлатилмаган бўлишида эди.

Шунга қарамай, улар танлаган тахаллуснинг аксари бошқа шоирлар томонидан ишлатилган, ёхуд маъносиз ёнки маънолари тахаллусга номуносиб бўлиб чиқарди. Ҳатто адабиётга ҳеч ҳаваси бўлмаган, шеър ўқишни ёқтирмайдиган, суҳбатда шеърхонлик бошланса дарров чиқиб кетадиган Мирқодир махдум ҳам тахаллус танлаш жараёнидан четда қолмаган эди. У бундай суҳбатларда: «Агар мен шоир бўлсам тахаллусимни «Гамбуск» қўярдим. Чунки бу сўз ҳеч бир шоир тарафидан тахаллус ўрнида қабул қилинмаган»,— дер эди.

Бу мунозара ва мувоҳасалар ва умумий тахаллус излашлардан мен шундай фикрга келдим: «Шундай тахаллус топишим лозимки, у сермаъно ва тахаллусга муносиб бўлсин ва айни замонда бошқа шоирлар томони-

дан адабий тахаллус сифатида олинмаган бўлсин». Мен шу мулоҳаза билан кеча ва кундузлари луғат китобларини варақлаб, охири «айн» сўзини топдимки, луғатчилар унга қирқ саккиз, ҳатто ундан ортиқроқ маъно берганлар, унинг машҳур маънолари кўз, булоқ сўзларидан ташқари, сопқоннинг тош солиб отиладиган чарми ҳам «айн» дейилар экан, бу сўзни шу маъноларининг биттасини тахаллус қилиб олиб, ўзни шунга нисбат берниш мумкин эди.

Энди менинг олдимда мана бу савол турарди: бу сўзни бошқа шоирлар тахаллус қилиб ишлатганларми, йўқми? Бу саволимга жавоб топиш учун Абдухалил махдумнинг китобларидан «Оташкада» ва «Давлатшоҳ тазкираси»ни олиб, бу китобга киритилган шоирларнинг номларини кўздан кечирдим. Аммо бу китобларда «айн» сўзининг тахаллус сифатида ишлатилганини кўрмадим. Шундай бўлса ҳам, эҳтиёт юзасидан кўпроқ биладиган бир одамдан бу масала ҳақида сўраб кўрмоқчи бўлдим.

Уша вақтда юқорида зикр қилиб ўтганимиз ўратепалик мулла Хол билан учрашиб қолдим. У шеърларининг савияси паст бўлишига қарамай, тарихдан, ўтган замон шоир ва олимларининг таржимаи ҳолидан яхшигина хабардор эди. Ундан шу сўзни тахаллус сифатида олинган ё олинмаганини сўрадим. У бундай жавоб берди:

— Мен бу сўзни бирор шоирнинг тахаллуси сифатида кўрган эмасман. Фақат Мисрда бир олим ўтган, у Соҳиб Бухоройга шарҳ ёзган, ўшанинг илмий лақаби «Айний» эди.

Бу сўзни бошқа шоирлар тарафидан тахаллус сифатида олинмаганига қаноат ҳосил қилгач, кўз, чашма ёки сопқон тош отадиган чарм маъносида «Айний» сўзини ўзимга тахаллус қилишга қарор қилдим.

Менинг шоирлигим ва тахаллусим шоирлик ҳавасидаги ёшларга маълум бўлгандан сўнг, улар меъдан шеър ва унинг маъносини суриштирмай, тахаллусимнинг маънисини сўраб-суриштирар эдилар, мен эса:

— Бу сўзнинг қирқ саккиз маъноси бор. Ўзларинг луғат китобларини ўқиб, бу сўзнинг маъноларини билиб олинглар, буларни тушунтиришга менинг вақтим йўқ, — дер эдим.

Менинг жавобим сўровчиларни яна кўпроқ ҳайратга солар ва ёшлигим туфайли бу жавобимдан ўзим ҳам завқланар эдим.

Бу ерда шуни қайд қилиб ўтишим лозимки, менинг «Сифлий», «Муҳтож», «Муҳтожий» ва «Жунуний» тахаллуси билан ёзилган бирор шеъримни биров кўрган эмас, бу тахаллуслар билан ёзилган бирор шеърим ҳозир ўзимнинг ҳам хотирамда йўқ. Бу шеърларнинг нусхалари эса юқорида айтилгандек, ўн беш кун ёхуд бир ойдан сўнг ўз танқидимга дучор бўлиб, ўзим йўқ қилиб юборардим. Ҳатто шоирлар ва шоирлик ҳавасида юрганлар ҳам бу сўзларни бир вақт менга тахаллус бўлганини эшитмаган эдилар.

Шоир Ҳайрат билан яқин дўст бўлганимдан сўнг, (тафсилоти кейинроқ зикр этилади) мен биринчи марта унга тахаллус танлаш воқеасини ҳикоя қилиб, шу ўлиб кетган тахаллусларимни эслатиб ўтган эдим. Менга тахаллус бўлган сўзлардан «Жунуний» унинг хотирида қолган эканки, ўзининг аламли қасидаларидан бирида эслатиб ўтибди.

Ҳайрат умри охирида касал ётган вақтда бир қасида ёзибди. Унда бир муносабат билан менинг номимни эслатмоқчи бўлибди, лекин эшитувчилар менлигини пайқамасин деб, йўқолиб кетган тахаллусим билан эслаб ўтибди.

Шу қасиданинг бу гапга тааллуқли уч байти қуйидагилардир:

Сақламас эрдинг бу янглиғ гиналарни кўп узоқ,  
Нега бундай? Биз билан-ку яхши ҳолинг бор эди.  
Найлайин мен йиғламай қон, чунки бизга илгари  
Кулгиларинг эрди ширин, сўзда болинг бор эди.  
Айлагай эрдинг Жунунийга гаҳи аччиқ итоб,  
Ул Камолийга<sup>1</sup> эса, ширин мақолинг бор эди.

#### КИРАҚАШ ЭШАҚ ВА КАСАЛЛИК

Мен Бадалбек мадрасасига келган йилим ёз охирида бир неча кунга Ғиждувонга бориб келган эдим (бу воқеани ўз ўрнида ёзмаганимнинг сабаби шуки, у «Эсдаликлар»имнинг мана шу ерига дахлдордир). Сафаримнинг режасини қуйидагича тузган эдим: Вобкент бозори

---

<sup>1</sup> Камолий — ўша даврда бизга дўст бўлган бир ҳаваскор шоирнинг тахаллуси.

куни Бухородан эшак кира қилиб Вобкентга бораман, у ерда ғиждувонлик юк ташувчиларнинг аравасида Ғиждувонга бориб, у ердан ўз қишлоғим Соктарегга ўтаман.

Мен ўз планимга мувофиқ бир якшанба куни саҳарлаб Бухоро билан Вобкент орасида қатнайдиған киракашлар тўпланадиган жойга Бухоронинг Дарвозайин Имомига чиқдим. У ердан маст бўлиб ҳанграб, талпиниб турган киракаш эшаклар орасидан гилам тўқимли катта оқ эшакни — Бухоро эшакчиларининг тили билан айтганда, «бурни кесик эчки»ни танладим. Бу эшак бир лаққа жим турмас, нафас ўтмай ҳанграб, ҳар тарафга шатта отар, Нозим Ҳиротий тили билан айтганда:

Туман хил шўхликларни қиларди,  
Уни тишлаб, муни ҳанграб тепарди.  
Гумон айлар эди гоҳи ўзин шер,  
Гаҳи ул ўзни мисли аждаҳо дер.

Мен бу эшакни эшакларнинг энг яхшиси, энг чаққони деб биттангаю саккиз пулга Вобкентга кира қилдим. Ҳолбуки, бошқа эшакларнинг Вобкентгача кира ҳақи биттанга эди. Мен саккиз пул ортиқ беришимга сабаб, Вобкентга тезроқ етиб боришим, у ерда бирорта ғиждувонлик аравакаш топиб Ғиждувонга ўтишим зарур эди.

Икки манзил орасида киракашлик қиладиган Бухоро эшаклари одатда икки қисмга бўлиниб, ярми бу бошдаги манзилда, қолган ярми нариги бошдаги манзилда турардилар. Бирор йўловчи бу манзилларнинг бирига келиб, кирага эшак сўраса, у ердаги эшакчилар ўзларининг эшаги тўғри келадими, ёки нариги манзилда турган ўртоқларининг эшаги тўғри келадими, кира ҳақи тўғрисида бир қарорга келиб, пулни нақд олишарди. Йўловчи бу эшакни кира қилган манзилгача миниб борар, у ердаги эшакчилар эшакни ундан қабул қилиб олардилар.

Мен бу арпага маст бўлган эшакни миниб йўлга тушдим. Киракаш менга халачўп ўрнига бир хипчин бериб, турган жойидан «Ҳай ҳаромгўшт, ҳушёр бўл! деб халачўпини ерга қаттиқ урди. Мен минганда талпиниб, қўзғалиб турган эшак киракашнинг овозини, чўпнинг тарсиллаганини эшитгач, тез учар қушдай парвоз қилди. У шу парвози билан от бозоридан, Галажўйдан ўтиб, қоқинмай, сусаймай то Ситораимаҳхоса ва Галаосиё олдидаги қўш йўлгача борди-да, у ерда гўёки ердан, тупроқ



орасидан бир нарсани қидиргандай, бирдан юришдан тўхтаб, тумшуғини тупроққа тиқиб, тупроқни ҳар томонга сочиб ҳидлай бошлади. Мен, эшак одати бўйича йўл тупроғидан лаззат олсин, кейин уни йўлга солиш осон бўлади, деган андиша билан сабр қилиб турдим. Аммо эшак тупроқ сочиш ва ҳидлашдан сира тўймади. Қарасам, унинг йўлга тушгиси йўқ. Хипчин билан бўйнига уравердим. Аммо эшак менинг зарбаларимга заррача парво қилмай, ўз ишида давом эта берди. Гўё менинг хоҳишимга эшакона жавоб қайтаргандай, олдинги ва орқа оёқлари билан кўча тупроғини ҳар томонга қараб соча бошлади. Қарасам, у яхшиликча йўл юрмайдиган, қўлимдаги хипчин билан икки қулоғи орасига қулочкаш қилиб урдим. Эшак бу зарбадан кейин тумшуғини ердан кўтариш ўрнига, турган жойида парракдек бир айланиб, бир ён бош билан ўзини чунон ерга ташладики, мен устидан, қаттиқ шамолда шохидан узилган олмадай, йўл ёқасига учиб тушдим.

Кейин эшак гуппа тупроққа икки-уч марта ағанаб, ҳамма ёқни тупроқ тўфонига айлантириб, оёқларини уза-тиб, баҳузур ётиб олди.

Мен бир оз нафасимни ростлаб ўрнимдан турдим, тупроққа буланган кийимларимни қоқиб, хипчинни қўлга олиб эшакнинг тепасига келдим. Аммо у менинг «хих-хих» дейишларимга ва уришимга парво қилмай, бир ёнбошидан иккинчи ёнбошига ағанаб, оёқлари ва тумшуғи билан тупроқ ўйнарди.

Охири эшакнинг думидан ушлаб, бор қувватим билан кўтардим, у эринибгина бир нолиш қилди-да, ўрнидан турди ва бир силкиниб устидаги, қулоқ ва ёлларидagi чангни қоқди. Мен тўқимга қўнган тупроқларни қоқиб озайтирдим. Бир тарафга оққан тўқимни тузатдим, айилни қайтадан тортдим-да, эшакка миниб, унинг бошини Галаосиё томонга тўғрилаб қўйдим, чунки Вобкентга шу йўл билан бориларди.

Эшак юришни истамасди. Кетма-кет уришлар, тўхтовсиз «хих-хих»лашлар билан зўрға ўрнидан қимирлар, гўё қадамларини санагандай секин оёқ ташларди. Шунча сўст юришига қарамай, ҳар уч-тўрт қадамда қоқинарди. Бу қоқинишлардан мақсади маълум эди: у мени йиқитмоқчи. Аммо мен ҳам эшак минишда чакки эмасдим, эшак миниб, бир қўлимни синдириб, анча тажриба ҳосил қилган эдим, бинобарин, қасдан, фирибгарлик билан

қоқинганда мен гўёки тўқимга елимлангандай жойимдан қимирламас эдим.

Лекин эшак мени йиқитиш учун бу қоқинишлар билан чекланмас, қаерда қуруқ гуппа тупроқ кўринса, бирдан ўзини бир ёнбоши билан ташлар, мен ҳам аввалгидай устидан учиб кетар, уни турғизиш учун аввалги ташвишни торардим. Шу ҳолатда тўрт соат деганда Яланги деган жойга етиб бордик. Ҳолбуки, Бухоро билан Яланги ораси ўртача юрадиган эшак учун икки соатлик йўл эди.

Бу юришда ўн олти километрлик масофада эшак, албатта, чарчаган эмасди. Шунга қарамай, гўё у узоқ йўлдан чопиб келгандай, дам олиш учун бир чойхонанинг олдига келиб тўхтади-да, қайта жойидан қимирламади. Мен иссиқ кунда тўрт соат эшак уриш, эшак кўтариш ташвишини тортганим учун ўзимда ҳаддан зиёд ҳорғинлик ҳис эта бошладим. Шунинг учун у ерда эшакни ўз ҳолига қўйиб, чойхонада бир чойнак чой чақириб ичишга киришдим ва шу кун эшак миниб кўрган азобларимни бир неча байтда тасвир қилдим. Ўша байтлардан бир неча мисраси ҳанузгача ёдимда қолибди. Ўша вақтдаги шеърларимнинг намунаси сифатида шуларни қайд этаман:

Қимир этмайин ул олур эрди дам,  
Бу хил дами олар эди ҳар қадам.

Кўрар бўлса ҳар ерда тупроқ, шу он  
Ётиб ағнар эрди ул эшак чунон.

Думидан мен ушлаб икки қўл билан,  
Турар, тортгач «ҳайя қум, қум»<sup>1</sup> илан.

Ялангида дам олгандан сўнг яна икки соат эшак кўтариб Сарипули Меҳтарқосим бозорига етиб келдим. Бу ерда Зарафшон дарёсига кўприк қурилган эди. Аммо эшак бу ердан ўтишни хоҳламасди. Мен уни хипчин билан қанча урмайин, у менинг зарбаларимни баданини қашлаб супурган ҳисоблаб, бошини эгиб жим турарди.

— Бу киракашлар эшагимми?— деб сўради чойхонада чой ичиб ўтирган ўрта ёшли бир одам.

---

<sup>1</sup> Ҳ а й я қ у м — арабча гап бўлиб, «кел, тур» деган маънони билдиради. Мен бу гапни ҳар йили Бухорога садақа йиғиш учун келадиган араблардан ўрганган эдим.

Мен бош қимирлатиш билан унинг саволига тасдиқ жавоби бердим. Чунки диққатчиликдан гапиришга ҳафсалам қолмаган эди.

— Киракаш эшак бу хипчин билан юрмайди,— деди у одам ва қўшимча қилди:— Сабр қилинг, мен уни «мулла» қилиб бераман,— деб ўрнидан туриб чойхонадан чиқиб кетди ва икки дақиқадан сўнг бир тутнинг ҳўл шохини кесиб келди, унинг узунлиги бир метр, йўғонлиги теша сопидай келарди. У бир арқон олиб келиб эшакни чойхонанинг устунига маҳкам боғлади, қўлининг кафтига тупуриб, таёқни қўлига олиб, эшакни гоҳ сағрисига, гоҳ бўйнига ураверди.

Эшак, Дарвозайи Имом олдидаги киракашлар саройида бўлганидек талпиниб, ариллай бошлади. Аммо у одам «энди чала мулла бўлдинг, сени то катта мулла бўлгунигча уриш керак», деб уришдан тўхтамасди. Охири эшакнинг «катта мулла» бўлганига қаноат ҳосил қилди шекилли, уришдан тўхтади ва пичоғи билан қўлидаги таёқнинг учини гулмихнинг учидай ўткир қилиб менга берди-да:

— Энди миниб йўлга тушинг,— деди у киши,— бошқа уришга эҳтиёж қолмади. Шу таёқнинг сояси ҳозир олган сабогининг эсидан чиқмаслиги учун етарли. Агар эшаклиги тутиб, йўлда яна қилиқ қилса, шу таёқнинг ўткир учи билан қобирғаларини бир санаб чиқасиз, шу билан уйқуси қочиб, ҳушёр тортади.

Мен йўлга тушдим. Эшак, Дарвозайи Имом олдида дастлаб минганимдаги сингари парвоз қилди, аммо бу галги парвозини то Вобкентгача, яъни беш километр йўл босгунча ҳеч сусайтирмади, ҳатто «қобирғаларини санашга» ҳам эҳтиёж туғмади. Вобкентнинг киракашлар саройига яқинлашган сари эшак илдамлашиб борарди.

Киракашлар саройида бир эшакчи мени йўл устида қарши олди. Мен унинг олдида эшакдан тушиб, нўхта арқонини эшакчининг қўлига бердим. У терга пишган эшакни кўздан кечириб:

— Эшакнинг додини берибсиз-ку, мулла!— деди.

— Мен эшакни кўприк бошигача кўтариб келдим, у мени фақат ўша ердан бу ергача кўтариб келди, холос. Ҳали унда менинг ҳақим кўп,— дедим мен унга жавобан.

— Кўза ҳамма вақт ҳам сувдан бутун чиқавермайди,— деди бошқа эшакчи унга,— тезроқ совут, бозордан қайтишга тайёр бўлсин.

Мен саҳарлаб шаҳардан чиқиб, то соат тўққизгача Вобкентга етишни тахмин қилган эдим. Аммо соат иккида Вобкент бозорига кирсам, гиждувонлик ҳамма аравакашлар кетиб қолибди. Ўзимни ҳам ёмон ҳис этардим. Бироқ Вобкентда қолишга жойим ҳам, танишим ҳам йўқ эди. Вабо касалидан қолган дармонсизлик қайта бошдан баданимда пайдо бўлди. Мен бу ҳолни очликдан гумон қилиб, узум билан нон олиб едим. Аммо баданимга қувват кирмади. Шунга қарамай, Гиждувонга пиёда боришдан ўзга чорам йўқ эди, кавушимни қўлга олиб, Гиждувон томонга қараб равона бўлдим.

Қаторгужум деган жойга етиб борганимда бошдан оёғим бамисоли қишда муз аралаш сувда ювгандай қаттиқ қалтираб, тишларим такиллай бошлади. Мени қаттиқ безгак тутган эди. Бир жойда ётишга имконим йўқ эди, чунки агар ётиб қолсам шу куни Гиждувонга етиб боролмасдим. Ночор йўл юришни давом эттирдим. Регзор қишлоғига борганимда қадам босишга мажолим қолмади. Энди баданим ёниб турган тандирга ташлагандай ёнар, тилим карахш боғлаб оғзимдан чиқиб турарди. Ночор шу қишлоқдаги бир равотнинг баланд девори соясига ўзимни ташладим. Кўзларимдан гўё аланга чиқарди.

Шу вақтда равот дарвозасидан эңдигина мўйлови сабз урган бир йигит чиқиб қолди. Бу йигитнинг бўйи пастроқ, ўзи тўладан келган, юзи сариққа мойил бугдой ранг эди. Йигит бир дақиқа менинг бошимда тик турди-ю, яна қайтиб дарвозага кириб кетди.

Бирпасдан сўнг яна икки йигит дарвозадан чиқиб тўғри менинг олдимга келишди. Бу йигитлардан бирининг бўйи менинг бўйим билан тенг кўринар, юзи бугдой ранг, кўзлари арабларникидай қора ва катта, қошлари бароқ, эғнидаги кийим озода эди.

Бу йигитларнинг иккинчиси шеригига нисбатан паканароқ, ранги қорачароқ, ўзи ориқ, кўзлари ғамгин бўлиб, кийими фақирона эди. Лекин булар қишлоқига ҳеч ўхшамас, шева ва қиёфаларидан шаҳарлик эканликлари маълум бўлиб турарди. Озғин йигит гап бошлаб менга деди:

— Жўра, сиз қаердансиз?

Мен бошим билан Гиждувон тарафга ишора қилдим.

— Қаердан келяпсиз?— яна сўради у йигит.

Мен бошим билан шаҳар тарафини кўрсатдим.

— Нега гапирмайсиз?

Мен жавоб ўрнига карахш боғлаган тилимни, қуруқшаб шишган лабларимдан чиқариб кўрсатдим.

У йигит чопганича равогга кириб, бир коса сув олиб чиқди-да, косани менга тутди.

Мен бошимни ёрдан кўтариб, оғзимга икки-уч марта сув олиб, фарғара қилиб ташладим, сўнгра қолган сувни ичиб, косани унга бериб, бошимни яна ерга қўйдим. Гарчи ҳали ҳам аъзойи баданим куйиб турган эса-да, назаримда қудуқдан олиб келинган бу совуқ сув таъсирида баданимга андак қувват киргандай бўлди.

Бу йигит равогга кириб ҳовуз бўйидаги дарахтлар соясида ётишга таклиф қилди. Узоқ йўлга кетаётганимни сабаб қилиб, бу таклифни қабул қилмадим.

У ўз таклифини жиддий оҳангда такрорлаб:

— Агар бу аҳволда йўлга тушсангиз ўзингизни ҳалок қиласиз!— деди.

Мен яна аввалги сабабни кўрсатиб, унинг таклифини рад қилдим.

Бу озғин йигит, катта кўзли, озода кийинган йигитга мен кетиб қолмаслигим учун бошимда пойлаб туришини тайинлаб, ўзи косани олиб яна равогга кириб, бир дақиқадан сўнг яна равогдан чиқиб келди. Аммо унинг олдида қомати букчайганлиги ёши етмишларга борганини кўрсатувчи бир мўсафид юриб келарди. Ҳаво анча иссиқ бўлишига қарамай, бу қария пахтали сатин тўн кийиб, белини оқ ўрама белбоғ билан бир неча бор айлантириб боғлаган ва бошига оқ салла ўраб, фашини муллалар сингарни салласига қистириб қўйган эди.

Бу қария менинг тепамга келиб, эркалаган оҳангда, равогга кириб, ҳовуз бўйида ётинг, тузалсангиз йўлга тушасиз, борди-ю, касаллик давом этса, то шифо топгунча шу ерда қоласиз деб таклиф қилди.

— Мени ўз отангдай, бу равогни ўз уйингдай бил,— деди букчайган мўсафид.

Гапнинг тўғриси шуки, нотаниш йигитларнинг таклифидан кўнглим тўлмагани сабабли, равогга киришни истамаган эдим. У ернинг хўжаси бу шафқатли мўсафид эканини кўрганымдан сўнг, унинг таклифини қабул қилиб, ўрнимдан турдим. Аммо қадам босишга қувватим йўқ эди. Озғин йигит дарҳол менинг ёнимга кириб, йўл юришда ёрдам қилди, биз равогга кирдик.

## ШИННИ ПИШИРАДИГАН ДОШ ҚОЗОН

Равот жуда катта бўлиб, ҳовузи ҳам бор эди. Ҳовузнинг тўрт тарафидан тўртта катта қайрағоч дарахти қад кўтариб, шохлари бир-бирига туташиб, ҳовузнинг устига ва ҳовуз бўйидаги супаларга қалин соя солиб турарди.

Қария ҳовузнинг бир тарафидаги сояда мен учун кўрпача ёзиб, болиш қўйиб, чой тайёрлади. Озғин йигит мени олиб бориб ётқизди. Қария серпахта бир кўрпани келтириб устимга ёлди. Мен ҳавонинг иссиқлигидан ва иситмадан шикоят қилиб, устимни ёпмасликни илтимос қилдим.

— Кўрпанинг иссиғига бир соат сабр қилиш керак, ўғлим,— деди қария оталарча меҳрибонлик оҳангида.

Мен яна гап қайтаришга уялдим. Аммо ҳаддан ташқари нотинч эдим. Баданимдан чиққан иситма ва суякларимнинг қақшаб оғришига тоқат қилолмай, ҳар зумда бир ёнбошдан иккинчи ёнбошимга ағдарилар эдим.

Қария:

— Мақсуджон!— деб товуш қилди.

— Лаббай!— деб биринчи марта менинг олдимга борган, энди мўйлови сабз урган йигит келди.

— Сен, ўғлим, қозонга бир-икки қошиқ ёғ солиб доғ қил, унга икки-уч бош пиёзни тўғраб қовур, пиёз қизаргандан сўнг икки-уч коса сув қуйиб, унга тўрт дона қалампир солиб қайнат, аччиқ пиёва бўлсин. Ҳозир беморга бундан яхшироқ даво ҳам йўқ, бундан яхшироқ овқат ҳам йўқ. Бу иссиқ ҳавода ўзимизга ҳам яхши овқат бўлади.

Мўйсафид озғин йигит ёнида турган катта кўзли йигитга:

— Сен, ўғлим Тоҳиржон, чойжўшни дош қозон ўтига осиб чой қайнат!— деди-ю, ўзи билмайман қаёққадир ғойиб бўлиб кетди.

Қария Тоҳиржон деб атаган катта кўзли йигит чой қайнатгани кетди ва менинг олдимда озғин қорача йигит қолди. Мен ҳар гал қимирлаб ёки оёғим билан итариб кўрпанинг бирор томонини устимдан туширганимда, бу йигит кўрпани оҳистагина устимга ёпиб қўйиб, яна ўз жойида жим ўтирарди.

Ҳадемай Тоҳиржон чой дамлаб келиб пиёла билан озғин йигитнинг олдига қўйиб, ўзи супадан тушиб кетди. Озғин йигит чойни қайтариб, биринчи пиёлага кўпроқ

чой қўйиб менинг олдимга қўйди. Мен жудаям чанқаб қолган эдим, бошимни кўтариб чойнинг иссиқ бўлишига қарамай оз-оздан ича бошладим ва пиёлани бўшатиб, йигит тарафга итариб қўйиб яна ётдим. Йигит иккинчи марта пиёлани тўлдириб олдимга қўйди. Бу сафар чойнинг бир оз совишини сабр қилиб кутдим ва шу тариқа тўла уч пиёла чой ичдим.

Иссиқ чой совуқ сув каби ичган замоним чанқоғимни бостирмаган бўлса ҳам, бир оздан кейин совуқ сув ичгандагидан зиёдроқ ва давомлироқ чанқоғимни босди.

Шу вақтда қария пайдо бўлди. У қайрағоч дарахти шохидан бир дастурхонни олиб келиб менинг олдимга ёйди. Озғин йигит қайрағоч тагидаги дарчалик ёғоч сандиқдан иккита катта юпқа қуруқ нонни келтириб дастурхон устига қўйди. Тоҳиржон билан Мақсуджон ҳар бири икки косадан тўрт коса пиёвани келтириб дастурхонга қўйишди. Тоҳиржон озғин йигитнинг ёнига, дастурхон тепасига ўтирди, Мақсуджон яна ичкарига кириб кетди. Мўйсафид бир коса пиёвага нон тўғраб бир най қошиқ билан менинг олдимга ва қолган икки косани бир-бир озғин йигит билан Тоҳиржоннинг олдига қўйиб, тўртинчи косани ўз олдига қўйди. Мақсуджон бир коса пиёва олиб келиб дастурхон четида қариянинг ёнига ўтирди. Ҳар ким ўз косасига нон тўғраб емоққа бошлади. Мен ҳануз емас эдим. Аммо хўрандаларнинг ҳар луқмадан сўнг оғизларига ҳаво тортишлари, лаб, тилларининг тартибсиз ва тоқатсизлик билан қимирлашидан пайқадимки, пиёва жуда аччиқ бўлган, шу сабабли, мен уни ейишга журъат қилолмасдим.

Мўйсафид менинг фикримни пайқаб, деди:

— Бизнинг пиёвани бу даражада аччиқ қилиб ейиш одатимиз йўқ. Буни фақат сен учун тайёрлатдим, ўзимиз ҳам, шолининг орқасидан курмак ҳам сув ичади, деганларидай, ичиб турибмиз. Сен, ҳар қанча аччиқ бўлса ҳам, кўзларингни юмиб бу косани бўшат, сўнгра ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас соппа-соғ бўлиб кетасан.

Мен мўйсафиднинг сўзини ерда қолдирмай ича бошладим. Ҳар луқмани егандан сўнг ўзимни энгилроқ ҳис эта бошладим. Ҳали косани ярим қилмай бошимдан, юзларимдан, бутун баданимдан тер шариллаб оқа берди. Овқатни еб бўлгунимча кийимларим тердан тамом ҳўл бўлди.

Мўйсафид кўрпа ёпиб ётишимни маслаҳат берди. Аммо мен қабул қилмай:

— Ҳозир туппа-тузук бўлиб, қувват пайдо қилдим. Ётсам сиқилиб кетаман. Агар рухсат берсангиз кетардим,— дедим.

— Ҳозир рухсат йўқ,— деди у,— ҳозир йўлга чиқиш сен учун хавфли. Агар менинг маслаҳатимга кўнсанг бу кеча шу ерда тунаб, эртага қаерга хоҳласанг кетавер. Агар бу маслаҳатни қабул қилмасанг, бирор соат бу ерда қолиб дам олиш, баданингдаги терларни шамоллатмай қуритиш керак. Яхшиси, кўрпани ёпиб ёт.

Мен яна ётиш таклифни рад этиб:

— Юрагим сиқилиб кетади,— дедим яна.

— Хўп, ундай бўлса, ором олиб ўтир,— деди қария ва ўзи ҳовузнинг ғарб тарафидаги хонага кириб бир чойшаб келтириб устимга ёпиб такрорлади:

— Яхши, ана энди жим ўтир!

Йигитлар дастурхон билан косаларни олиб кетишди ва мўйсафид ҳам ҳовузнинг шарқ тарафидаги ҳовузгамо бир чуқурликка тушиб кетди-да, икки дақиқадан сўнг овози эшитилди:

— Махдум, меҳмонингизни супанинг лабига келтиринг! У ерда бир ўзи, юраги сиқилади. Бу ерда бизнинг ишларимизни кўриб овиниб ўтирсин.

Озғин йигит келиб ҳовузнинг шарқ тарафига кўрпача солди ва мени шу ерга бориб ётишга таклиф қилди. Бу жой ҳалиги ҳовузмонанд чуқурнинг ёнгинасида эди. Мен чойшабни терга пишиб ётган баданимга ўраб ўша жойга бориб ўтирдим.

Чуқурда пишиқ гиштдан ишланган ва ҳовуз супасига ёндашиб кетган катта охур бўлиб, унинг ичи ганч билан оқланган эди. Бу охурнинг чуқурлиги тахминан бир ярим метр, узунлиги икки ярим метр, кеңлиги икки метр келарди. Охурнинг тагида сув оқадиган тешик бўлиб, тешикнинг оғзига ташқаридан ёғоч тарновча қўйилган. Бу тарновчанинг остига тахминан уч пақир сув сиғадиган хум қўйилган эди.

Чуқурнинг жанубида, унинг деворига туташиб кетган узун ўчоқ бўлиб, ганчдан ишланган эди. Унинг энн бир ярим метр, узунлиги икки метр келарди. Бу ўчоқнинг ўт ёқадиган жойи олдидан, шимол тарафидан эди, мўриси орқа тарафдан, чуқурнинг қирғоғига туташган эди. Бу



мўри пишиқ ғишдан ишланган, бўйи икки метр келарди.

Учоққа беш пақир сув сиғадиган катта чўян қозон қўйилган, бу қозоннинг орқасига ҳар тўрт эллик масофада яна уч жуфт қозончалар қўйилган бўлиб, уларнинг иккинчи жуфти биринчи жуфтдан, учинчи жуфти иккинчисидан кичикроқ эди. Учоқнинг ғарб тарафида, ўчоқ билан чуқурнинг ғарбидаги ораликда уч хум шарбат охур олдиғача қатор териб қўйилган. Учоқнинг шарқ тарафида икки мис идишда тўла шинни бор эди.

Мўйсафид олдиға фартуқ тутган ҳолда қўлиға учли чўмич олиб мис идишлар олдиға борди. Қария «махдум» деб атаган озғин йигит бир саночни олиб, мўйсафиднинг олдиға бориб унинг оғзини очиб турди. Мўйсафид чўмичда мис идишдан шинни олиб саночға қуя бошлади. Саноч тўлиши билан мўйсафид унинг оғзини боғлаб, обориб чуқурнинг деворига суяб қўяр, яна қайтиб келар, махдум тутган саночға шинни қуярди.

Мақсуджон билан Тоҳиржон бешлик билан ҳўл тикан келтириб охурға солишди, уни текислаб қўйғач, ҳовузнинг жануб тарафидаги дош қозондан замбарда узум ташиб келиб, тиканнинг устиға солишди, шинчилар саночларға қуйилгунча охур ҳам узум билан тўлди.

Шундан сўнг Тоҳиржон билан Мақсуджон узун чопонларини ечиб, қўйлақларининг пешини лозимлари ичига тиқиб, иштонларининг почасини тиззадан баланд липпа уриб, ип билан маҳкам боғлаб қўйдилар. Оёқларини тиззаларигача покиза қилиб ювиб, охурға тушиб, узумларни эза бошладилар. Узумнинг шираси ажралиб, ҳўл тикан орасидан тиниб ўтар, охурнинг тагига тушиб, унинг остидаги тешикдан тарновча орқали хумға қуйиларди.

Қария шинни кўтаришдан бўшағач, катта чўмич билан хумлардан шарбат олиб ўчоққа ўтказилган қозонларға қуя бошлади. Махдум чуқурнинг ғарб тарафида ғарамлаб қўйилган тиканлардан паншаха билан даста-даста олиб келиб ўчоқ олдида тўплади, сўнгра паншахаға ўхшаган темир косов билан бир даста тиканни ўчоққа тиқиб ўт ёқди, қуруқ тиканларни даста-даста қилиб пешма-пеш ўчоққа темир косов билан итара бошлади, яна паншахада тикан келтириб ўчоқ олдиға тўплади.

Қария қозонларни тўлдиргандан сўнг бир шол қопни оғзига икки тарафдан иккита чўпни боғлаб, бир учи қай-

рағочга боғланиб, бир учи чуқур устида осилиб турган йўғон арғамчига осиб қўйди, сўнгра қопнинг остига сопол хум қўйиб, шарбати олинган идишларнинг остидаги қуйқаларни чўмич билан олиб қопга солди, қопдан тиниб ўтган шарбат қоп остидаги хумга тома бошлади.

Мўйсафид ўчоқ бошига бориб бир қозончадан бошқа қозонга кичкина чўмич билан шарбат қўйиб турар ва оқланган капгирмонанд белчаси билан қозончаларни ковлар эди. Чарчаса, ўчоқ ёнида, чуқур девори олдидаги супачанинг лабида ўтириб дам олиб, чой ичар, шундан сўнг яна шинни пиширадиган қозонлари атрофида айланиб шарбат қуяр, қозон ковлар эди.

Ҳаммадан орқада, ҳаммадан кичик бир жуфт қозончанинг шинниси қуюқлашиб, қайнаганда товуқ кўзидек кўпикчалар пайдо бўла бошлагач, мўйсафид бу қозоннинг энди шиннига айланган шарбатини кичкина чўмич билан олиб мис идишга солди. Бўшаган қозончаларга улардан юқоридаги иккинчи жуфт қозондан, иккинчи жуфт қозонга учинчи жуфт қозондан, учинчи жуфт қозонга бош қозондан чала пишган шарбатларни олиб қўйди ва катта чўмичи билан хумдан шарбат келтириб катта қозонни тўлдирди. Мўйсафиднинг шинни пишириши шу тариқада давом эта берди.

Охурдан оқиб тушган шарбат билан тарнов остидаги хум тўлгандан кейин, мўйсафид катта чўмични олиб ундаги шарбатни тоза хумга солди-да, охурдан тарнов остидаги хумга шарбат қўйиб қўйди.

Шиннипазлик оқшомгача давом этди. Мен шиннипазлик томошасига мафтун бўлиб, у ердан кетишни унутган эдим. Энди кеч кирганда узоқ йўлга пиёда боришни муносиб кўрмай, ўзимни билмасликка солиб, бу корхонанинг қолган ишларини кузата бошладим.

Мақсуджон ва Тоҳиржон узум бостиришни тамомлаб, охурдан чиқишди-ю, оёқларини қайтадан ювиб, кавуш ва кийимларини кийиб олишди.

Мақсуджон ёз офтобида роса қуриган кесакларни келтириб эндигина узумдан ажратилган шарбат билан тўла хумларга солди ва Тоҳиржон иккаласи қўлларига икки метрлик кетмондаста йўғонлигидаги таёқларни олиб, шарбатларни чайқата бошладилар. Охири кесаклар шарбатда ивиб, унинг кўкиш рангини баҳорнинг бўтана суви даражасига келтирди.

Мақсуджон ва Тоҳиржон шарбатни чайқаб бўлгандан сўнг қария Мақсуджонни шўрва пишириб, чой қайнатишга, Тоҳиржонга кўзадаги шиннини пишириб олиш учун махдумнинг ўрнига шиннипазлик ўчоғига ўт ёқишга буюрди ва махдумга:

— Махдум, сиз чарчадингиз, энди меҳмонингизнинг олдига бориб ўтириб дам олинг, уни йўлга чиқишга қўйманг. Чунки жуда кечикиб кетди, Гиждувонга ёруғда етиб боролмайди.

Махдум келиб менинг олдимга ўтирди. Мўйсафид чурда туриб унга қичқирди:

— Нондондан кома олиб, еб ўтиринглар!

Энди баданимнинг тери қуриган эди. Мен чойшабни елкамдан ташлаб, ҳовуздан нарироққа, боғ тарафга бориб бир оз юриб, боғдаги ариқчада йўлда чанг-гард қўнган юз-қўлларимни ювиб келдим.

Махдум ҳовуз бўйидаги супага — мен ўтирган жойга дастурхон ёзиб, унинг устига ярим косача кома ва битта юмшоқ нон қўйибди. Мақсуджон икки чойнакда чой дамлаб келиб, бирини пиёла билан ўзимизнинг олдимизга, иккинчисини қария дам олиб ўтирган супачага қўйиб, ўзи шўрва пишираётган қозони томон кетди. Мен ва Махдум иссиқ чой ичиб юмшоқ нон билан кома едик. (Кома тарвуз пўчоғидан қилинган мураббо бўлиб, шакар ўрнига шинни қўшиб пиширилган эди. Шинни билан пиширилган мураббо кома дейилади.)

Мўйсафид кўзадаги шинниларни пиширишга киришди. У қопдан сузиб ўтказилган соф шарбатлар билан шинни пиширадиган қозонларини тўлдирди. Тоҳиржон эса ўчоққа ўт ёқа бошлади. Мўйсафид бу шарбатни шу даражада қайнатдики, қозонда пайдо бўлган кўпиклар туя кўзидек катта-катта бўлиб кетди. Бу шиннининг ранги ҳам аввалги шиннидан фарқ қиларди; илгари пиширилган шинни сал қорароқ эди, бу шинни тилла ранг бўлиб қолди.

Мўйсафид бу шиннини мис идишларга солиб қўйиб, совигандан сўнг бўйни қорнидан узунроқ янги кўзаларга солиб, шинни тўла кўзаларнинг оғзини ганч билан суваб қўйди.

Мақсуджон ва Тоҳиржон шўрвани ичгандан сўнг охурда эзилган узум қолдиқларини замбарларга солиб, четга олиб бориб тўкишди ва охурни тозалаб ювиб, эртаги ишга тайёрлаб, устига бўйра ёпиб қўйишди.

Мен кечаси ҳовуз бўйидаги супада ётиб, эрталаб, но-  
нуштадан сўнг, ўз йўлимга равона бўлдим.

## ҲАЙРАТ БИЛАН ТАНИШУВИМ

Бадалбек мадрасасидаги охирги йилимда (1896) «Айний» тахаллуси билан шеър айтишимни яқин дўстларим фаҳмлаб қолган эдилар. Мен ўша йиллари ўзим учун баёз тутиб, ҳошиясига «1895 (1312) йилда бошланди» деб ёзиб қўйган эдим. Баёзга асосан классик ва замонавий шоирларнинг шеърларини ўз хатим билан ёзиб қўярдим. Баъзан хушхат қадрдонларим йўлиқиб қолса, ёдгорлик тариқасида айрим шеърларни шуларга ёздириб олардим. Шу жумладан Жомийнинг бир неча шеърини Мирсолиҳга ёздириб олгандим, у Олимжон мадрасасида акамнинг ҳамдарси, менинг ҳомийим эди. Биринчи марта менинг шоирлигимни ўша пайқаб, шеъримни кўрмоқчи бўлди. Мен шундай инсонпарвар ва хушмуомала одамдан ўз сиримни яширишга уялдим, шеъримни кўрсатдим. У баъзи жузъий танқидлар билан менинг шеъримни мақтади. Аммо мен унинг мақтовига учмадим ва ҳамиша бу борада менга маслаҳат ва ёрдам бера оладиган бир одам топиш пайига тушдим.

1896 йилда Латифжон махдум дарсларни хатм қилиб, шу муносабат билан катта зиёфат берди. Мен ҳам бу зиёфатга, у кишининг собиқ хизматкори сифатида, меҳмонларга хизмат қилиш учун чиқарилган эдим. Шу муносабат туфайли, у билан алоқамни қайтадан тиклаган, баъзи дам олиш кунлари унинг саломига борар эдим, агар унинг шоир дўстлари ўша ерда бўлса, суҳбатларини эшитиб, имкон борича фойдаланар эдим.

Шу иккинчи алоқамдан фойдаланиб, бир кун Латифжон махдумга бир шеъримни кўрсатиб, маслаҳат сўрадим. Унинг ҳузурда Мирзо Абдулвоҳиддан бошқа ҳеч ким йўқ эди. У менинг шеъримни ҳеч бир танқидсиз муболаға билан мақтади ва шу таърифдан сўнг махдум отаси — домулла Абдушукур қози қалон вафотига шеър тарих ёзиб беришни буюрди. Қолбуки, унинг отаси 1305 (1889) йилда—олти йил муқаддам вафот қилган эди. Олти йилдан сўнг унинг мендек ҳаваскор йигитчага катта олимнинг тарихий вафотини ёзишни буюриши имтиҳондан бошқа нарса эмас эди.

Мен бир ҳафта меҳнат қилиб, мазкур тарихни ёздим. Бу парча олти байт (12 мисра)дан иборат бўлиб, шеърини жиҳатдан паст, мадраса ибора ва жумлалари билан тўла, тарих айтиш санъати жиҳатдан ҳунарсизликнинг яққол кўриниши эди. Шунга қарамай, Латифжон махдум маъқул топиб, ҳеч танқид қилмади. Шу билан менинг шоирлигимга зимдан қаноат ҳосил қилди.

\* \* \*

1895—1896 йил қишида Бадалбек мадрасасида баъзи ҳужра кўшни муллабаччалар менинг олдимга кириб дарсларига оид баъзи нарсаларни сўраб эдилар (улар мендан кўра пастроқ группаларда ўқирдилар). Шу жумладан шахрисломлик<sup>1</sup> мулла Эшонқул номли бир муллабачча менга ҳужра кўшни бўлиб, ҳужрамга кўпроқ кириб дарсларини сўрарди. У менинг ёддан шеър ёзишимни бир неча бор кўриб, шоирлигимни пайқаб бундай деди:

— Мен ўтган йил Муҳаммадали мадрасасида истиқомат қилардим. Кўшни ҳужрада Ҳайрат махдум деган бир бухоролик хушфаҳм муллабачча бор эди. Мен унинг ҳужрасига кўп кирар, дарсларимни сўраб олардим. У ҳам сизга ўхшаб ичидан чиқариб газал ёзарди.

— У ҳозир ҳам сени танийдими?— сўрадим мен.

— Нега танимасин? Мен у билан қадрдон бўлиб қолганман, уни ўз домламдай биламан. Баъзи дам олиш кунлари ҳужрасига бориб ҳол-аҳвол сўраб келаман.

— Ундай бўлса, бирор дам олиш куни уни менинг ҳужрамга олиб кел!— дедим унга.

Эшонқул шу ҳафтанинг биринчи дам олиш кунидек Ҳайрат махдумни менинг ҳужрамга бошлаб келди. Ҳайрат мендан бўйи пастроқ, бўйи калтароқ, озғин, қора кўз йигит эди. У ҳар нарсага Ҳайрат билан хомушона қараб турарди. «Ҳайрат» тахаллуси унинг шахсига шундай муносиб келган эдики, мен уни кўришим билан тахаллусининг маъноси устида мулоҳаза қилиб, тахаллусининг маъноси шоир шахсиятида тўла эканидан тамом Ҳайратда қолган эдим.

Сўрашганда ва суҳбат вақтида унинг чеҳрасига, кўзларига диққат қилдим, назаримда уни бундан илгар

<sup>1</sup> Шахрислом — Бухоронинг ғарб тарафида жойлашган бир қишлоқ.

кўргандай эдим. Аммо қачон, қаерда кўрганимни ҳадеганда эслолмасдим. Гаплашиб турган чоғда, билмадим, унинг қайси ҳаракатидандир, кутилмаганда эсимга келди: бу ўша «махдум» аталган озгин йигит бўлиб, мен уни бундан икки йил муқаддам Регзор қишлоғида шиннипазлик корхонасида кўрган эдим. У вақтда, тобим қочганда, менга кўп ғамхўрликлар қилган эди. Агар ўшанда унинг жонкуярлиги, одампарварлиги бўлмаганда ва букчайган шафқатли қарияни бошлаб келиб, мени равотга олиб кирмаганда, йўлда хору зорлик билан ҳалок бўлишим мумкин эди.

Таниб туришимга қарамай, эҳтиёт юзасидан, ўз тахминимни унга айтиб, ўша меҳрибон йигитми, йўқми эканини ўзидан сўрадим.

— Мен хужрангизга кирган ҳамон ўша йўлда касал бўлган одам эканингизни билган эдим. Лекин сиз мени кейинроқ танидингиз шекиллими,— деди у жавобан.

Мен ўша меҳрибон қариянинг кимлигини ва у йигитларнинг ўзига қандай алоқаси борлигини сўрадим.

Унинг жавобидан маълум бўлдики, у йигитлар унга ҳамгузар бўлиб, қария ота қадрдони мулла Давлат экан. Унинг касби ҳолвапазлик экан. Ҳар йил узум пишганда Регзор қишлоғига бориб, у ердан бир-икки боғнинг узумини сотиб олиб, шинни пишириб шаҳарга олиб келар ва шиннилардан ўз қўли билан турли-туман ҳолва пишириб сотар экан.

Мақсуджон номли йигит қариянинг катта ўғли бўлиб, оддий саводи бор экан. Аммо унинг кичик ўғли Тоҳиржон ёши Ҳайрат билан тенг, ўзлари ҳаммақтаб ва хушсавод, шеършунос экан. Мана шулар туфайли у бунга ўртоқ ва яқин дўст экан. Отаси Тоҳиржонни жуда яхши кўргани сабабли унга шеърхонликка, музыка билан шуғулланишга рухсат берибди. Ҳозир у музыка асбобларидан дуторда машқ қилиб, Шашмақом куйларидан анчагинасини ўзлаштириб олибди.

Регзор қишлоғида мен уларга дуч келган йил вабо йилига тўғри келарди. Ҳайрат ҳам ўша йил вабога дучор бўлиб, бир неча вақт ётиб қолган экан. Вабодан тузалгач, мулла Давлат уни отасининг қадрдони ва ўғлининг қалин ўртоғи сифатида яхшироқ қувватга кирсин деб, узум пишмиғида Регзор қишлоғига олиб борган, у ерда узум, шинни ва кома еб юриб анчагина бақувват бўлиб келган.

Ҳайрат билан учрашган ҳамон эски дўстлардай илиқ суҳбат бошладик, у мендан ўз шеърларимни сўради. Мен ҳам тортинмай, унга ўзимнинг ўша йили Қизил гул сайили<sup>1</sup> муносабати билан унга боролмай қолганим сабабидан, «Айний» тахаллуси билан ёзган шеъримни кўрсатдим. Бу ўша Латифжон махдумга кўрсатиб, танқидсиз, мақтов эшитган ва ўзимники эканига шубҳа туғдирган шеър эди.

Ҳайрат бу шеърни ўқиб бергандан сўнг ўз қўлига олиб, узоқ мулоҳаза билан хомушона ўқиди, сўнгра менга баланд овоз билан ўқиб бериб, камчиликларини кўрсатди, қайта ишлашимни маслаҳат берди.

Мен у шеърни ўша вақтда Ҳайратнинг раҳбарлигида тузатган эдим. Бу ерда шу меҳрибон дўстимни эслаш ниятида нақл қилиб ўтаман:

Сирларимни айтар эрдим, маҳрагим бўлса эди.  
 Қайғудан ҳасрат қилардим ҳамдамим бўлса эди.  
 Бўлмас эрди кўнглим афғор, дил яра ҳижрон туни,  
 Бир париваш васлидин гар марҳамим бўлса эди.  
 Заҳр бўлса бу жаҳон меҳнати, олмас эрди жон,  
 Бўса олсам лабидин, Исодагим бўлса эди.  
 Баҳрасиз қолмас эдим мен бу қизил гул сайридин  
 Олам аҳлидек қўлимда дирҳамим бўлса эди.  
 Фикр айлаб ушбу ҳолим тушди жонга изтироб,  
 Тинч бўлгай эрдим ўздан ҳам ғамим бўлса эди.  
 Бўлмагай эрдим тарозу каби мен саргашталар,  
 Озу кўп фикридин Айний бўш дамим бўлса эди.

Ҳайрат ҳам шу биринчи учрашувда менга бир неча ғазалларини ўқиб эшиттирди, суҳбат давомида турли муносабат билан ўтган устозларнинг қирқ байтлик, эллик байтлик қасидаларини ўйламай, қоқинмай ёддан ўқиб берарди. Бу хислатидан унинг фавқулодда эслаш қувватига эга эканлиги кўриниб турарди.

У суҳбатда аруз қоидаларидан, шеърини фазилат ва адабиётнинг бошқа нозик томонлари ҳақида батафсил

<sup>1</sup> Қизил гул сайили — Бу сайил ҳар йили апрель, май ойларида қизил гул очила бошлаган пайтда шаҳардан ўн километр шарқда жойлашган Баҳоваддин Нақшбанд мазор бошисида ташкил қилинар эди.

ва содда қилиб гапирар, сўзларини қувватлаш, тасдиқлаш учун ўтган устозларнинг шеърларидан намуна ва далиллар келтирар эди.

Мен шу биринчи учрашувдаёқ унинг фавқулодда қобилияти ва маълумоти борлигини пайқадим. Ўз ақидамча, ўша замоннинг катта ёшли шоирлари ва шеършунослари орасидан мен қидириб юрган адабий раҳбар мана шу ёш, озгин йигит эди. Унинг ёши мен билан тенг ва ҳамдарс эди. Бинобарин, мен уни шу кундан бошлаб ўз устозим деб билиб, ичимда дедим:

Ер уйда-ю юрибмиз биз жаҳоннинг четида,  
Кўзада сув, биз юрибмиз ташналаб сув кетида.

Шу суҳбатда Ҳайрат ўқиб берган шеърлардан бир ғазалини ўша вақтда олиб қолган эдим. Аммо у шунча қувват ва иқтидори бўлишига қарамай, одамларнинг шоир сифатида уни танишларини истамас эди. Бинобарин, у бу шеърини ҳеч кимга, хусусан шоирларга кўрсатмаслигимни ва шоирлигини бировга айтмаслигимни илтимос қилди.

Лекин мен бу ноёб гавҳарни ному нишонсизлик дегизи қаърида яшириниб қолишини истамадим. Мен, у замоннинг ҳар бири ўзини мислу монандсиз санаган адабиётшунослари бу ягона замон ва нодири даврондан хабардор бўлишларини ва унга муносиб баҳо беришларини истардим. Бинобарин, ундан олиб қолган ғазални унинг илтимосига хилоф бўлса ҳам, Латифжон махдумга кўрсатдим. У ғазал мана бу эди:

#### МУНОЗАРА

Эй сарв, беибо чаман ичра кўтарма бош!  
Сиррингни сарв қоматимиз айлагуси фош.  
Эй сарв, сен ариқ сувидан баҳра топасан,  
Сув ичкай оқизиб кўзимиздан бу сарв ёш.  
Бизнинг бу сарви дилбаримиз айлагай хиром,  
Бир ерда бесамар турасан сен эсанг ювош.  
Жони унинг юракдану дилдан унга ҳаёт  
Тупроқда томиринг сенингу, сенга тупроқ ош.  
Бор сенда боғбон бутаган бир неча булоқ.  
Бор унда ишва-ноз ила киприк, кўз-ла қош.  
Ҳайрат, берилдинг ортиқ ўшал сарвинозга,  
Сен бундайин мунозарани билмасайдинг кош.



Бу ғазал равон, содда, ҳамма тушунадиган, ҳар бир сўзи юракка бориб тегадиган бўлиши устига, иборалари камоли маҳорат билан танланиб, ҳар қайсиси ўз ўрнига қўйилган, заргарнинг нодир асаридек ихчам, шинам бўлиб, ўтган замон шоирларининг сийқаси чиққан, лекин тақлидчилар тарафидан ҳозиргача такрорланаётган ғайри табиий ташбиҳларига қарши кураш эълони эди. Маълумки, шоирлар қаерда ёрнинг қомати келса, уни, албатта, сарв, шамшод ва афсонавий жаннат дарахти тўби ва ҳатто бўйи баланд ва хунук ар-ар дарахтига ўхшатадилар. Ҳайрат ўз мунозарасида у дарахтларнинг энг яхшиси сарв билан баҳслашиб, шеърят санъати билан ёр қомати олдида унинг ҳеч қандай гўзаллиги йўқлигини зўр муваффақият билан исбот қилади.

Латифжон махдум ҳам бу шеърнинг яхшилигини пайқади, лекин ёш бир йигитнинг таъбидан бундай латиф шеър униб чиқиш масаласига келганда, ўз шубҳасини яшириб турмади:

— Бизнинг замонамизнинг ёш бир йигити бундай баланд савияда шеър айта олишига шубҳаланмайман,— деди у,— шунга қарамай, уни бизни кига олиб кел, қани, бир имтиҳон қилиб кўрайлик,— деди ва унинг шеърига шубҳа билан қараганини шоир йигитнинг ўзига билдириб қўймаслигини таъкидлади.

Суҳбатда иштирок этган Мирзо Абдулвоҳид бу шеърнинг ўзидан бир ёш кичик бир йигитники бўлишини қатъиян инкор қилиб:

— Бу шеърнинг у нотаниш йигитники эмаслигига имтиҳонсиз ҳам ишонаман, у эски замоннинг номаълум шоирларидан бирининг шеърини ўғирлаб, ўзиники қилиб олган,— деди.

Ҳайрат нима учун ўз шоирлигини ва шеърларини одамлардан, хусусан шоирлар ва адабиётшунослардан сир тутишини мен ана шунда пайқадим.

Нима бўлса ҳам, Ҳайратга шеърини Латифжон махдумга кўрсатганимни айтиб, унинг ҳовлисига қачон боришни сўрадим.

Ҳайрат менинг бу ишимдан ранжимади, балки қувонганини изҳор қилди:

— Латифжон махдум замонамизнинг машҳур фузалоларидан бўлиб, унинг уйи ҳозирги замон адабиёти мактабидир, бас шундай экан, у киши билан алоқа боғлаш ёмон эмас,— деди.— Мен у билан танишлигингизни



Қон оққан кўз мунаввар бўлди, ташрифинг кўриб,  
эй жон,  
Мусаффо бир макон топилди, ташрифинг кўриб,  
эй жон:

Сиқилдинг тор дилимда кўзларимни айлагил хона.  
Югурдим ҳар тараф елдек бўлибон булҳавас бир умр,  
Кезиб беҳуда йўллар оҳ ила олдим нафас бир умр,  
Адашиб ҳеч кимса юрмасин мендек абас бир умр,  
Юриб мақсадсиз эттим қўнғироқдек, нола, бас  
бир умр,

Эрурман, англаёлмай ўз сўзу куйимни, ҳайрона.

Ҳайрат бу мухаммасга қўшган мисраларнинг услуби  
Ҳайратнинг ўз услубига зид. У шеърни жуда содда, тум-  
тароқсиз ёзарди. Аммо мухаммас қилинажак шеър Бе-  
дил услубида ёзилганидан у, мухаммасда ўша шеърнинг  
услубини сақлашга мажбур бўлган. Ҳайратнинг зўр ма-  
ҳорати ҳам шундаки, у бундай тақлидда муваффақият  
қозонган. Зеро, ўз услубингдан бошқа услубда бир нар-  
са ёзиш кўп қийиндир.

Бу суҳбат таъсирида (Ҳайратнинг ғойибона Латиф-  
жон махдумдан таҳсин эшитиши муносабати билан) шу  
вақтгача фақат наср — иншо ва мактуб машқ қилиб юр-  
ган Мирзо Абдулвоҳид шоир бўлишга киришди. У шеър-  
лар ёзиб, «Мунзим» сўзини таҳаллус қилиб олди. Аммо  
у бир даража ўзига бино қўйган ва адабий ишларда би-  
ров билан маслаҳат қилмасди, шунинг учун таҳаллус  
танлашда ҳам битта-яримта араб тили донишманди би-  
лан маслаҳат қилмабди. Ўзи араб тилидан заиф бўлгани  
учун бу сўзнинг таҳаллусбоп эмаслигини пайқамабди.  
«Мунзим» сўзи арабча нозим, (назмчи, шеър айтувчи)  
маъносида ишлатилмайди. Ҳатто бу сўз арабчада назм  
сўзига яқинроқ интизом маъносида ҳам келмайди. Шун-  
га қарамай, у бу сўзни назм айтувчи, шоир маъносида қа-  
бул қилибди. Кейинча бу хатосини пайқаган бўлса ҳам,  
шу таҳаллус билан шуҳрат топгани сабабли уни ўзгар-  
тириш мумкин бўлмади.

\* \* \*

Шу тариқа Ҳайрат мен билан, дўстларим билан дўст-  
лашиб, бизнинг воситамиз билан ўша даврдаги ҳамма  
адабиёт арбобларини таниб олди, улар билан алоқа боғ-

лади. Абдухалил махдум, Мирзо Абдулвоҳид ва Ҳомид-хожа билан яқин дўст бўлиб қолди, уларнинг ҳаммалари уни ҳурмат қилардилар. Ҳайрат ҳамиша мен билан Латифжон махдумникига борар, у ерда тўпланган шоирларнинг мушоарасини томоша қилар, аммо ўзи у мушоараларга иштирок этмасди.

Ҳайратнинг истиқомат жойи илгари Қўшмадраса яқинида — Муҳаммадали ҳожи мадрасасида эди. У ердан шаҳар марказига ва адабиёт арбоблари йиғиладиган Чорсуга қатнаб юриш Ҳайратга узоқлик қилди. Бинобарин, ўша йилнинг ёзида у шаҳар марказидаги Сўзангарон мадрасасига кўчиб келди.

### ҲАЙРАТНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Ҳайратнинг номи Муҳаммад Сиддиқ эди. У Бухоро шаҳрининг Арусон гузарида, (халқ тилида Урусон гузари деб шуҳрат топган) шу гузар муаззини оиласида 1878 йилда туғилган. У саккиз ёшида онасидан, ўн икки ёшида, кичик укаси билан отасидан етим қолган.

Ҳайратга ота-онасидан бир хонали уй, Муҳаммадали ҳожи мадрасасидан бир ҳужра, Сўзангарон мадрасасидан бир ҳужра мерос қолган. У шу ҳужраларнинг вақфидан келадиган оз миқдордаги даромад билан кун кечириб, укасини тарбиялар эди.

Ҳайрат зўр истеъдод эгаси бўлганидан ўз гузаридаги мактабда ўқиб хушсавад ва хушхат бўлиб чиқди. Мадраса дарсларига аҳамият бермаслигига қарамай, ҳамиша ҳамдарсларидан пешқадам эди, ҳар бир дарсни бир кўриш, бир эшитиш билан ўзлаштириб оларди. Бинобарин, устоз танлашга унча аҳамият бермай, биринчи учраган мударрисга фақат расмият учун шогирд бўлиб, аксари дарсларни хусусий мутолаа билан ўзлаштириб олар эди. Расмий устозларидан кунжак домулласи — балхлик мулла Абдукарим, дарсхонадаги домулласи — мулла Ҳомид Араб бўлиб, улардан ҳеч бирининг илмий шуҳрати бўлмагандек, адабиётга ҳам алоқалари йўқ эди. Ҳайрат мен билан ҳамдарс бўлишига қарамай, бирор мударрис олдида бирга ўқиган эмасмиз. Шунга қарамай, у араб сарфу наҳвида ва мантиқда жуда бақувват эди.

Ҳайрат ўн беш ёшга тўлгандан сўнг бошқа мулла-баччалар сингари ҳовлидан мадрасага кўчиб, аввал ўз

уйнга яқин Муҳаммадали ҳожи мадрасасида истиқомат қилган, сўнгра, юқорида зикр қилгандек Сўзангарон мадрасасига — ота мерос ҳужрасига кўчиб келди.

У вақтларда Ҳайратнинг укаси чаласавод эди. У отасининг қадрдонлиги сабабли гузар аҳлининг хоҳиши билан ўз гузарига муаззин қилиб тайинланган эди. Бинобарин, акасидан ажралиб, мустақил ҳаёт бошлаган эди. Шу муносабат билан иккита ота мерос ҳужра ака-ука ўртасида бўлиниб, Муҳаммадали ҳожи мадрасасидаги ҳужра укасига, Сўзангарон мадрасасидаги ҳужра ўзига тегди, ҳовли эса, ҳар иккалалари орасида қолиб, укаси муаззин бўлгандан сўнг мадрасадан ҳовлига кўчди.

Ҳайрат Сўзангарон мадрасасидаги ҳужранинг вақфидан йилига икки юз танга (ўттиз сўм) даромад олиб, қийинлик билан яшарди, дарслик ва адабий китоблари ҳаммаси омонат ва орият бўлиб, китоб сотиб олишга имконияти йўқ эди.

Ҳайрат мактабда ўқиб юрган чоқларида шеър ёзишга киришиб, юқорида айтилгандек, икки ё уч йил мобайнида адабий маҳорат қозонди. Унинг бадавлат китобдўст ҳамгузари Ҳожи Ҳомиджон деган кишида илм, адабиётга оид ҳар хил қўлёзма ва босма китоблар топиларди. У ёшлигида шундан ориятга китоб олиб ўқир, ўқиган китобларини эгасига қайтариб бериб, бошқасини олиб келарди. Унинг хотираси кучли бўлгани учун бир ўқиб чиқишда китобнинг мазмуни ёдида қолар, таъсирли шеърлар ҳар қанча узун бўлса ҳам, хотирага айнан ёзилиб қоларди. Серкитоб дўстлариникига борганда ҳам илгари кўрмаган китобини топиб олиб, бир чеккада ўтириб мутолаа билан машғул бўлар, мутолаа охирида, агар суҳбат аҳли сўраб қолса, у китобнинг мазмунини айтиб, шеърларини ёддан ўқиб берарди.

У рус тилини биладиган бир дўсти олдида бир неча кун шуғулланиб, бу тилда бемалол гапирадиган, рус ёзувини эса, дарсни ёзиб оладиган даражада ўрганиб олган эди.

1898 йилда моддий танглик унга ёмон таъсир қилиб, яна ориқлаб кетди. Бинобарин, Ашурбек номли қоракўл бозорининг даллолига мирзо бўлиб, ҳар ёзда қоракўл терпси мавсумида — март ойидан август ойигача тери бозорига у билан бирга борар, Ашурбек даллоллигида сотилган, олинган териларни рўйхатга олар, кечалари унинг уйида ўтириб, унинг дафтарини ёзиб чиқарди. Хў-

жайин бу хизмати учун унга ҳар ойда йигирма танга (уч сўм) хизмат ҳақи берарди.

Беш ой ёз давомида оладиган ўн беш сўм хизмат ҳақи билан Ҳайратнинг моддий аҳволи яхшиланмади. У кундан-кунга озиб кетаверди; 1900 йилда унда сил касали пайдо бўлиб, калта-калта йўтала бошлади.

У вақтда табибларнинг сил касалига қарши икки хил даволари бор эди: биринчиси — шароб, иккинчиси — саёҳат. Улар сил касалини хафақонлик, ғамгинликдан деб билиб, ўз ақидаларича «одамни хушвақт қиладиган» шу икки йўлни бирдан-бир даво ҳисоблардилар.

Ҳайрат хизматга киргандан сўнг Ашурбекнинг ўғли Раҳматуллабек у билан дўст бўлиб қолган эди. Раҳматулла дўстининг бу касалини пайқагач, унга ҳам шу даво муроиди табиий, қўлбола узум шароби бўлса ҳам, у даво сифатида дўстига арақ ичкизибди.

Бу «даво» унинг аҳволини баттароқ қилиб, касалини яна ҳам оғирлаштириб қўйибди. Бу бўлмагач, Раҳматулла унга иккинчи давони татбиқ қилмоқчи бўлиб, 1901 йили ёзида, тери мавсумидан сўнг, август ойларида, уни ўзига ҳамроҳ қилиб Фарғонага олиб бориб келди. Албатта бу даво ҳам таъсир қилмади, 1900—1901 йилнинг қишида унинг касали яна ҳам оғирлашди. Шунга қарамай, у қишда дарсга, адабий суҳбатларга ва ёзда, тери бозоридаги хизматига қатнайверди.

1901 йил қишида у дарсга бориш ва дўстлар мулоқотидан қолиб, ҳужрасида ётиб қолди.

Сўзангарон мадрасаси Бухоро мадрасаларининг энг кичиги, энг ёмони бўлиб, атрофини растаю бозору савдо саройлари ва икки қаватли иморатлар чунонам ўраб олган эдики, Бухоронинг бадбўй шамоли ҳам бунинг ичида эмасди. Ҳайратнинг ҳужраси эса, сернам ва бир эшикли товуқ катагидай жой эди.

Мен Ҳайратнинг тирикчилигини шундай ҳолатда, шундай ҳужрада, нону чойдан бошқа дурустроқ ейдиган нарсаси бўлмаган шароитда кўриб, буни унинг саломатлиги учун таҳликали деб қаттиқ ташвишга тушиб қолдим. Аммо унга ёрдам қилиш учун ўзимнинг ҳеч бир имконим йўқ эди. Бинобарин, бу масалани Абдухалил махдум, Аҳмаджон ва Мирзо Абдулвоҳидлар олдига қўйдим, чунки булар ҳам менинг сингари Ҳайратнинг дўстлари эдилар. Булар орасидан Абдухалил махдум катта ҳиммат

қилди. Ўша вақтда унинг ҳужрасида бир пуд думба ёғи, уч пуд гуруч, икки нимча (бир кило) чой бор эди. Ўзи уйланиб, ҳужрада кам ош ейдиган бўлган эди, ҳужраси эса, хушҳаво ва Ғозиён ҳовузи қаршисида эди. У, ўша ҳужрасини ҳамма озуқалари билан бирга мен билан Ҳайратга бермоқчи бўлди. Мирзо Абдулвоҳид гоҳ-гоҳ ўз ҳужрасида кўкнори ёғидан палов пишириб бермоқчи бўлди (кўкнори ёғи йўталнинг давоси дейдилар), пайваста паловхўрлик беморнинг кўнглига тегмасин деб Аҳмаджон уйда чучвара ва угра каби хамир таомлар пишириб бермоқчи бўлди, мен кундалик ошнинг гўшти билан, икки дона бозор нони олишга мутасадди бўлдим.

Шу тариқа биз Ҳайратни ўз ҳужрасидан Абдухалил махдумнинг ҳужрасига кўчириб келдик. Абдухалил махдумнинг сил касали борлиги ва ҳужра эгаси сифатида беморнинг олдига келишини муносиб кўрмагани сабабли бизнинг олдимизга сираям келмайдиган бўлиб қолди. Мен беморнинг хизматида доимий қолдим. Бошқа дўстлар ҳам ҳамиша хабар олиб турардилар, ҳатто Мирқодир махдум ҳам гоҳо келиб, қизиқ-қизиқ гаплари билан беморни кулдириб ўтирарди.

Яхши таомлар таъсири билан бўлса керак, бемор Абдухалил махдумнинг ҳужрасида тургандан сўнг анча қувватга кириб, ҳатто базмларга бориш ҳавасига тушиб, баъзи кечалари мен ва бошқа дўстлар билан доирахабар базмларга борадиган бўлиб қолди.

Ёз иссиғи бошланиши билан унинг аҳволи яна бирмунча оғирлашди. Ҳафтада бир-икки бор келиб ундан ҳол-аҳвол сўраб кетадиган Тоҳиржон унинг аҳволи оғирлашганини кўриб, ҳовлисига кўчиришни муносиб кўрди, чунки у вақтда тамомила ётиб қолиб, ташқарига ҳам чиқолмайдиган бўлган эди.

Бу маслаҳатни Ҳайратнинг ўзи ва бошқалар ҳам қабул қилишди. 1902 йилнинг июнь ойи бошларида уни уйланмаган укаси истиқомат қилиб турган Арусон гузаридаги ҳовлисига кўчирдик.

Бизнинг ҳар қайсимиз ҳар кун бир марта озуқа ё тайёр таом ённки бирор ширинлик олиб бориб, ундан ҳол-аҳвол сўраб келардик. Беморга укаси қараб турарди. Аммо мен ва Аҳмаджон махдум кечалари навбат билан бемор олдида ётиб чиқардик. Чунки бемор, умрининг охириги кунларини яшаб тургани ҳаммамизга аён эди.

Ҳайрат июль ойининг ўрталарида, Аҳмаджон унинг

ёнида навбатчи бўлиб турган кечаси вафот қилди. Эрта-лаб мен кир ювишга киришган эдим, бу ишни барвақтроқ тугатиб, беморни кўргани бораман деб турганимда, бир киши унинг гузаридан келиб вафот хабарини етказди. Гарчи унинг ҳаётидан умидини узган бўлсам ҳам, бу хабар менга кутилмагандай туюлди. Шу пайтда сувдан чиққан бир кўйлагим қўлимда бўлиб, уни дорга осмоқчи бўлиб тургандим. Аммо бу хабарни эшитишим билан ўша кўйлак қўлимда бир дақиқа ҳайратга тушиб, гўё қолибман.

Бир дақиқадан сўнг эса-ҳушимни йиғиб олиб, ивитиб қўйган кирларимни ўша ҳолида тоғорада ҳужрамга киргизиб қўйиб, Ҳайратнинг ҳовлисига қараб чопдим. Мен ота-онамнинг ўлимида йиғламаган эдим, аммо унинг ўлиги тепасида фарёд қилиб йиғладим ва ҳамма дўстлар йиғлай бошладилар.

Унинг жасадини Талипоч дарвозаси ташқарисида, Чорбакар йўлида ота-боболарининг хилхонасига кўмдик.

Дафн маросимидан сўнг мен тўғри ўз ҳужрамга келдим ва чидаб бўлмайдиган бу мотам таъсирида неча кунгача кўчага чиқолмадим, дўстларни зиёрат қилолмадим.

Ўша замоннинг ёш шоирлари ва адабиёт мухлислари Ҳайратнинг ҳовлисига бормай, менинг ҳужрамга келиб, азиз дўстимнинг вафоти муносабати билан таъзия билдирар ва марсия ёзиб келтириб берар эдилар.

## ҲАЙРАТНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

Ҳайратнинг ўз шеърларини бир дафтарга ёзиб қўйиш одати йўқ эди. Ўзи, менга Мирзо Абдулвоҳид кўчирган баъзи шеърлари менинг баёзимда бўлиб, қолган парчалари уйда — укасининг қўлида қолган эди. Биз ундан нимаики қолган бўлса жамлаб бир дафтарга ёзиб қўймоқчи бўлдик. Аммо укаси аввал шеърларни беришга рози бўлмади, кейин рози бўлди, лекин кунига бир-икки газал беришга, биз уни кўчириб, аслини унга қайтариб бергандан сўнг, бошқа газални беришга рози бўлди. Унинг талабига рози бўлишдан ўзга чорамиз йўқ эди. Ҳар кун мен ё Аҳмаджон унинг биз истиқомат қилиб тур-



ган жойдан икки километр наридаги уйига бориб, бир ё икки ғазал олиб келар эдик. Мирзо Абдулвоҳид бу ғазалларни ўзининг ғўзал хати билан кўчириб оларди.

Шу тарзда биз шоирнинг укаси қўлида бўлган парчаларни ёзиб олдик ва менинг қўлимдаги нарсаларни ҳам Мирзо Абдулвоҳид ёзиб олди. Ғазал, қасида, дoston, қитъа ва рубойилар ҳаммаси икки минг байт (тўрт минг мисра) бўлди.

Мирзо Абдулвоҳид Ҳайрат шеърлари тўпламидан икки нусха кўчириб, бирини менга берди, бирини ўзи олиб қолди.

Ҳайрат ўлгандан сўнг шуҳрати тириклигидагидан ошиб кетди. Тириклик чоғида уни фақат дўстлари дўст тутиб мадҳ қилган бўлса, ўлгандан сўнг кимки адабиётга андак алоқаси бўлса, унинг маддоҳи бўлиб қолди. Ҳайратга нисбатан пайдо бўлган бу умумий рағбатдан, ўзини шоир санаб юрган амир Абдулаҳад ҳам четда қолмади. У қози калон Бадриддинга Ҳайратнинг шеърларини топиб унга етказишга фармон берди. Қози калон мени чақириб олиб, Ҳайрат шеърларини унга топширишимни талаб қилди. Мен рози бўлмадим: «Менинг қўлимда Ҳайратнинг шеъри йўқ, ундан нимаики қолган бўлса, укасининг қўлида эди, у менга бермади»,— дедим. Ҳолбуки, унинг укаси акасида юқтирган касал билан икки ойдан сўнг ўлган эди.

Мен, қози калоннинг одамлари уйимни тинтиб, у нухани қўлимдан тортиб олмасин, деган ваҳима билан уни обориб Мирзо Абдулвоҳиддаги нусха билан бир қоронғи қазноқнинг шифтига осиб қўйдик. Аммо 1918 йилда Колесов воқеаси муносабати билан Мирзо Абдулвоҳиднинг уйи таланганда ҳар икки нусха ҳам йўқолиб кетди.

Фарғона саёҳати вақтида менинг илтимосим билан ёзилган бир неча ғазал, қасида, қитъа ва рубойилар ҳозир ҳам менинг қўлимда бўлиб, улардан намуналар «Тожики адабиёти намунаси» китобининг 261—271 бетларида босилган.

Мен бу ерда ёш тадқиқотчиларни бир нарсадан хабардор қилиб қўйишни истардим. Қози калон амирнинг фармони билан Ҳайрат шеърларини топиш пайига тушиб, ҳеч нарса тополмагач, тўрт тарафдан шоирлар ва шоирлик даъвосида юрганлар хушомад юзасидан қози калон хизматига бел боғлаб, «Ҳайрат» таҳаллуси билан кўп паст шеърларни унга олиб бориб бердилар. Биноба-

рин, тадқиқотчилар охирида «Ҳайрат» тахаллуси бўлган ҳар бир шеърни текширмай, «Ҳайратнинг асари» деб қабул қилмасдан, балки ҳар бир шеърни Ҳайратнинг ўз асари эканига шубҳа бўлмаган шеърлари билан таққослаб кўриб, кейин бир қарорга келишлари лозим.

Мен бу ерда Ҳайрат ўз умри охирида ёзган ва сермашаққат ҳаётнинг шарҳи деб айтишим мумкин бўлган бир мусаддасини намуна тарзида қайд этаман:

### МУСАДДАС

Хароб бўлди кўнгил, йўқ, ўзимда зарра фароғат,  
Бутун эмас юрагим ҳеч, ҳамма жойи жароҳат,  
Дилимда қолмади ишрат қилурга хоҳишу ният,  
Ичиб сурур шаробин, қадаҳ йўқ олгали лаззат,  
Димоғ ноҳушу йўқ сайри боғ қилгали рағбат,  
Нетай гул искагудек менда йўқ димоғ ила ғайрат.<sup>1</sup>

Бу рўзгор ғаму андуҳига банди чунонмен,  
Отилса зулм ўқи ҳар қаён, мен унга нишонмен,  
Алам ҳужумидан афгор ошқору ниҳонмен  
Кўролмагум мақсад паривашини бир он мен.  
Агар кун ўлса, паришону дарду қайғуга конмен,  
Кеча насибим эрур ҳажру бечироғ қора зулмат.

Менинг мурод кафимдан у айш жоми тўкилди,  
Вале бу шишайи кўнглим тамом қон ила тўлди,  
Зиёд бўлди ғам кунин, ғамимга гусса қўшилди.  
Гар олдин ўлмаса ҳам энди дил тамом хун ўлди.  
Бошимдин учди ҳаваслар дил орзуси кўмилди,  
На бош бор энди, на дил қолди, не ҳавасдан асорат.

Ҳавас қилиб келибон сўрмағил менинг сира ҳолим,  
Қизиқма дардисар ўлғай сенга жавобу саволим<sup>2</sup>,  
Чунон хароб бу ҳолим, эрур фалакка уволим,  
Қадимни дард ҳилол этти, танимни қилча хаёлим,  
Кўнгилни ўртади бу ҳажр жочни олди заволим,  
На жон қолди, на кўнгил ишрату айшга ниҳоят.

<sup>1</sup> Бу икки мисра ҳазрат Ҳисорийники бўлиб. Ҳайрат унинг мазмунини ўз аҳволига мос билиб, бу ерда ўз мусаддасига қўшган.

<sup>2</sup> Шоир бу икки мисрада касаллигида баъзи кишиларнинг тил учнда ҳол-аҳвол сўраб, унга малоллик келтирганидан шикоят қилмокда,

Жафочи чарху ситам қилғучи бу даври ситамгар  
Бериб менга аламу дард, қилди жабру жафолар,  
Менинг замона ишидин ҳар онда кулфатим ортар,  
Азоб бандида ғам, қайғу қофияси муқаррар,<sup>3</sup>  
Мисоли бир қуш эрурман ўзим қанотсизу бепар,  
Йўқ ошениму қузғунча йўқ ўзимда ҳаловат.

У замондаги холис ва бетараф шеършунослар Ҳайрат ҳақида не фикрда эканликларини кўрсатиш учун Садрий Зиёнинг Ҳайрат вафотидан кейин ўз тазкирасига ёзган парчани мисол тарзида келтираман (қисқартириб олинган):

Хушахлоқ эди давр фарзонаси,  
Унингдекни туғмас фалак онаси...

Эди тўғри, ўткир унинг ҳар сўзи,  
Оти Сиддиқу содиқ эрди ўзи.

Халойиқни ҳайрон қилиб эрди у,  
Лақаб Ҳайрат ўлмоғининг важҳи шу...

Унинг шеъри чунон эрур дилрабо,  
Ҳама ноилож айлағай мадҳ адо...

Чунондир хаёли каманди унинг,  
Бўлур тез фикр ови банди унинг...

Қилиб сўзда янги усул ибтидо,  
Баланд айлади мисли булбул наво...

Чунон топди ул поклик ҳам камо,  
Ҳунар, фазлдан эрди унда жамол.

Чунон эрди идрокининг арсаси,  
Унинг қолмади билмаган нарсаси...

Билимда эди ул забардасту тоқ  
Ҳам эрди кибру ҳаводан узоқ.

Ҳамеша ул Айн-ю Мунзим илан  
Эди бирга гаҳ шоду, гаҳ ғам билан...

---

<sup>1</sup> Шоир бу мисрада «қофия», «банд» ва «муқаррар» сўзлари билан бу мусаллас бандларида қофияларнинг такрорлангани учун узр айтмоқчи.

Бу дунёдан ўтганда Ҳайрат, чунон  
Ҳама дўсти ҳажрида йиғлади қон.

Бўлиб бундан Айний ғам илан тўлиқ,  
Ҳар он тўлғаниб мисли сувсиз балиқ,

Вафоти тарихига мунгли, ҳазин  
Деди икки-уч байт дурри самин.

(Ҳайрат ҳаётининг айрим деталлари «Эсдаликлар» давомида, турли муносабат билан эслаб ўтилади).

### «ОДАМ ҚИЕФАСИДАГИ МИКРОБЛАР»

1893 йилда Бухорода рўй берган охирги вабодан сўнг бошқа вабо ва ўткинчи хавfli касаллар пайдо бўлмаган эса-да, ёзда шаҳар ва унинг яқин атрофи тез-тез рўй бериб турган касалликлар ва ортиқча ўлди-ўлдилардан холи эмасди. Бу ҳол рус тиб олимларининг назаридан четда қолмади ва 1895 йилнинг ёзида Петербургдан махсус комиссия келди. Бу комиссия составида микробшунос олимлар ва ўша замоннинг тиб илми мутахассислари бор эди.

Бу комиссия аввал шаҳар ва унинг атрофларини айланиб, ҳамма жойни текшириб кўрди. Кушхоналар, қўллар, обреза, зовурлар, ҳовузлар, анҳор ва ариқлар, шунингдек бозордаги ошхоналар, нўхатпазлар, балиқ пиширувчилар, каллапазлар, кабобпазлар, мис идишларда иссиқ таом пишириб, лаган ва тарелка олиб, катта йўлларда ўтириб сотиб юрганларни кўздан кечирди.

Комиссия амир ҳукуматига мурожаат қилиб, касалликларнинг олдини олиш, шаҳар аҳолисининг бемаҳал ўлимига барҳам бериш учун покизалик ва саломатликни сақлашга зид бўлган ҳамма ишларни қайтадан ташкил қилишни талаб этди. Чунончи, ариқ, анҳорларни, ҳовузлар, обреза ва зовурларни тозалаш, қўлларни қуриштириш, янги зовурлар қозиш, кушхоналарни шаҳардан чиқариш, ошхоналарни тозалаш, кўчаларда овқат сотишни ман этиш ва бошқалар амир ҳукумати олдига биринчи ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа қилиб қўйилди.

Амир ҳукуматининг одати шу эдики, агар руслар тарафидан бирор янгилик таклиф этилса-ю, унинг амалга оширилиши кўп харажат ва ташвиш билан боғлиқ бўлса, мутаассиб уламоларининг рухсатини олиш лозим деб биларди. Табиийки, улар ҳар бир янгиликка қарши эдилар, уни амалга оширишга йўл қўймас эдилар.

Шаҳарни тозалаш мавридида ҳам ҳукумат уламонинг розилиги ва фатвосини олиш лозим деб ҳисоблади. Комиссия бу жавобни эшитиб, Бухоро уламосини илмий далиллар асосида, шаҳарнинг бу аҳволи таҳликали эканига қаноат ҳосил қилдирмоқчи бўлди. Бинобарин, шаҳар касалхонасида бир лаборатория ташкил қилиб, ариқ, анҳор, ҳовуз ва кўл сувларини, ошхона овқатларини, кушхона қонларини ва шунга ўхшашларни келтириб таҳлил қилди ва микроскоп воситаси билан касал қўзғовчи жондорларни ўз кўзлари билан кўриб, шаҳарни тозалашга рухсат беришлари учун ҳукуматдан шаҳарнинг бир гуруҳ донишманд уламоларини юборишни илтимос этди.

Комиссия Бухоро донишмандлари ҳайъатида Аҳмад махдум Дониш, Қори Абдулмажид Зуфунун ва домла Икромчанинг бўлишини лозим деб топдилар, чунки буларнинг донишмандлик овозаси рус олимлари қулоғига етган эди.

Бухоро ҳукумати комиссиянинг бу таклифини қабул қилди. Аммо бухоролик донишмандлар ҳайъатига Абдурахмон махдум Рафтор, Қиём махдум ва Жунбул махдумни қўшиб қўйди, булар эса жоҳилона таассубда, нодонликда ва мунозарада ҳеч нарсанинг фаҳмига етмай, фарёд қилишда ном чиқарган эдилар. Шунингдек, телба-лигидан ўзини ҳаким ва файласуф санайдиган «Буқрот» лақабли бир шахсни ҳам қўшди (халқ уни масхара қилиб, «Буқрот» лақаби билан атарди).

Аҳмад махдум Дониш қаттиқ касал бўлиб ётиб қолгани сабабли, комиссиянинг ишига қатнаша олмади. Зуфунун билан домла Икромча эса тўрт нафар ўтакетган жоҳил, шовқин кўтариб, ғавғо чиқариш ҳақида ҳукуматдан махсус топшириқ олган одамлар билан қолди.

Рус донишмандлари лабораторияни ишга солиб, сувдаги, ош ва бошқа нарсдаги микробларни Бухоро ҳукумат комиссиясига кўрсатиб туриб, ҳар бир микробнинг зарарини, уларнинг қандай касалликларни вужудга келтириши мумкинлигини шарҳлаб турдилар.

Домла Икромча ва Зуфунун рус комиссиясининг айтганларини тасдиқлаб, комиссиянинг фикрларини қувватлаб баъзи нарсаларни айтдилар.

Абдурахмон махдум Рафтор, Қиём махдум, Жунбул махдум ва Буқрот домла Икромчанинг комиссия фикрини тасдиқлаб турганини кўргач, тўртталаси бир йўла фарёд кўтаришди.

— Биз қабул қилмаймиз, биз кўрқиб ўз динимизни сотмаймиз, худони ягона яратувчи, дард берувчи ва шифо бағишловчи деб биламиз. Биз мавҳум нарсаларни жонли қилиб кўрсатаётган бу «лўттибоз»ларга ишонмаймиз, алданмаймиз!..

Рус олимларидан иборат комиссия аъзолари тожик тилидаги бу ҳайқиреқлардан ҳеч нарса тушунмай, таржимон воситаси билан ҳам ундан бирор нарса тушунолмай, таҳлилларни тўхтатиб, ҳайрон бўлиб қолдилар...

Бирдан тўрттови ўринларидан туриб, кавушларини қўлга олиб, қўлида ҳассаси билан шу ерда турган уламолар ясовулини ура бошладилар,<sup>1</sup> уни кишини кофир қиладиган бундай мажлисга бошлаб келишда айблар эдилар.

Шу вақтда касалхона ташқарисида Бухоро ҳукумати-нинг махфий намояндалари тарафидан ғавғо кўтариш учун махсус ёллаб юборилган муллалар ва муллабаччалар нима демоқчи, нима муддаода келганларини айтмасдан шовқин кўтардилар. Аммо ҳукуматнинг махсус маъмурлари уларни касалхонага киришга қўймасдилар.

Бемаъни бир ғавғо кўтарилиб, умумий исён тусига кириб бораётганини кўрган рус олимлари комиссияси ўз ишини тўхтатиб, Бухоро комиссияси аъзоларига кетишга рухсат берди. Аммо у тўрт нафар бинодан чиқиб кетмай, Петербургдан келган рус комиссиясининг раисига фарёд қилиб дер эдилар:

— Эй тўра! Ё бизнинг диний ишларимизга бошқа дахл қилмайман, деб тилхат бер, ёки бизни шу ерда ўлдириб ташла!

Охири Бухоро ҳукуматининг икки маъмури келиб у тўрттовига чиқиб кетишни таклиф қилди. Улар ҳам қуш

<sup>1</sup> Уламолар ясовули — уламолар расмий равишда тўпланадиган жойларда ҳозир бўлиб, уламоларни расмий мажлисга чақириб келадиган оддий ҳукумат маъмури. Бу маъмури уламолар ясовули дер эдилар.

тилини қуш биледи, дегандек, Бухоро маъмурларининг таклифига амал қилиб, лом-лим демай, дарров касалхонадан чиқиб кетишди.

\* \* \*

Рус олимлари комиссияси бу иш Бухоро ҳуқуматининг ўзи қилаётган сохта иш эканлигини, албатта, пайқашди. Шунинг учун Россия давлатининг сиёсий гумаштасига мурожаат қилиб, бундай тартибсизликларнинг олдини олишни ундан сўрашди.

Россия давлатининг сиёсий гумаштаси мурожаати натижасида Бухоро ҳуқумати ҳамма тартибсизликларни ўша тўрт нафар устига қўйиб, уларни бир неча кун шаҳардан чиқарди, шу билан гўё у тартибсизликларнинг «олдини олди». Аммо орадан кўп ўтмай, яна ўша тўрт нафарни шаҳарга чақириб, ҳар қайсисига илгариги жойларига қараганда каттароқ, сердаромадроқ мударрислик лавозими берди.

Шаҳарни тозалаш ва ифлосликларга барҳам бериш уламоларнинг қабул этмаганлиги ва исён кўтарилишига сабаб бўлгани учун амалга ошмай қолди. Фақат шаҳар ташқарисида ва Намозгоҳ жанубида ёғоч иморатлар солиб кушхонани у ерга чиқаришди, бу ишнинг ҳукуматга зарари эмас, балки фойдаси бор эди. Чунки ҳукумат сўйиладиган ҳар бир ҳайвон учун муайян бир миқдорда ҳақ оларди, бу маблағ биринчи йилда харажатни қоплаб, иккинчи йилда харажатсиз даромад бериб турарди.

\* \* \*

Кушхоналарнинг шаҳардан чиқарилишини баъзи содадил одамлар Бухоро ҳуқуматининг давлат ишлари Россия подшолиги қўлига ўтганнинг нишонаси деб ҳисоблар эдилар. Қози бўлиш орзусида юрган бир мулла кушхоналарни шаҳар ташқарисига чиқарилишини эшитиб бундай деган эди: «Рус давлати менга икки-уч йил қози бўлиб, келажагимни таъминлашга фурсат бериб, сўнгра Бухорони Россия давлатига қўшиб олса, майли эди, энди мен то умримнинг охиригача оч-яланғоч юришим керак. Афсус!»

Микроблар ғавғоси ва кушхоналарни шаҳардан чи-

қариш жанжаллари шаҳарда овоза бўлганда Ҳайрат бундай деди:

— Ҳақиқий микроблар шу жоҳил уламолар ва шу талончи ҳукмдорларнинг ўзлари. Агар рус олимлари микробларни йўқотишда Бухоро аҳолисига ёрдам беришни истасалар, аввал мана шу одам қиёфасидаги микробларни йўқотишга ёрдам берсинлар, чунки булар эл орасида руҳий касалликни тарқатадилар. Кейин эса жисмоний касалликларни тарқатувчи микробларни йўқотиш осон бўлади.

### ДОНИШМАНД КҶР

Юқорида айтилгандек, укам Сирожиддин Қозижон махдумнинг уйига дастёр бўлиб кирган эди. Қозижон махдум бир районга қози бўлиб, шаҳардан кўчиб кетгандан сўнг, менинг укамни унинг катта акаси Дониёлхожа ўзига дастёр қилиб олди.

Дониёлхожа етмиш ёшлардаги одам бўлиб, ўз умрини Бухоро музофотларидаги қозихоналарда ўтказиб, сўнги вақтларда қарилиги сабабли ишдан истеъфо бериб, гўшанишин бўлиб қолган эди. Унинг Саъдихон номли катта ўғли бу вақтда ҳам ҳали талаба эди.

Дониёлхожа билан ўғли, укаси ва укасининг ўғиллари сингари хокисор ва хушмуомала бўлганлари учун уларнинг дастёрликлари ҳам укамга оғирлик қилмасди, чол ва унинг ўғли ҳатто дарсига ҳам ёрдам берардилар.

Булардан ташқари, ҳар ҳафта унинг уйида дўстлари тўпланиб, илмий ва хушчақчақ суҳбатлар ўтказар эдиларки, бу ҳам бир дастёр учун ибрат бўларди.

Укамнинг сўзларига қараганда, жума кунлари у ерда Мусахожа номли туғма бир кўр келаркан, у ерда тўпланган муллалар унинг билан илмий мунозаралар қилишар, натижада у ҳаммадан ғолиб чиқаркан:

Мен бу воқеани эшитиб ҳайратда қолдим. «Қандай қилиб бир туғма кўр бу қадар донишманд бўлиб, ҳаммадан ғолиб чиқар экан?»—деб ўйлар эдим, тўғриси, эшитиш билан бу воқеага ишониш қийин эди. Шунинг учун бир жума куни соғларнинг кўр билан мунозараси бошланадиган вақтда ўша жойга бордим.

Мажлис тўрида уй эгаси Дониёлхожа ўтирарди, унинг ёнидан туғма кўр жой олганди. Кўр тахминан қирқ яшар



кўринарди. Соқоли қора ва қайчи билан риндона, калта қилиб қўйилган эди. Юзи тўладан келган оқ-қизғич, киприксиз, юмуқ ва қуриб кетган кўзлари гўё пушти рангли ипак икки жойидан тешилгану, бу тешикларни чандиб қўйилган эди. Қошлари эса қора ва бароқ, кийими фақирона, лекин жуда озода, кирсиз, губорсиз эди. Салласи оқ докадан бўлиб, муллаларнинг салласидек катта ва беўхшов эмас, кичик ва яхши ўралган эди.

Хонанинг бошқа тарафларида саккиз нафар мулла бор бўлиб, мен уларнинг кўпини илгари кўрмаган эдим. Аммо ҳаммалари ўрта яшар ва яхши кийинган эдилар.

Мунозара бошланди: муллалардан бири кўрдан мантиққа оид бир масалани сўради. Кўр табассум қилиб, қуриган кўзларининг ўрнини тез-тез қимирлатиб, юзларини ҳавога кўтариб, кўр кўзлари билан гўё бир нарсани кўрмоқчи бўлгандай, уйнинг шифтига тикилиб гапга киришди. У масалага тожик тилида хўп шарҳ бергандан сўнг, гўё ўз сўзларининг далили сифатида бир саҳифача арабча иборани мантиққа оид мўътабар бир китобдан нақл қилиб, ёддан ўқиди ва арабий сўзларни тожик тилига таржима қилиб берди. Шундан сўнг ҳануз шифтга «кўз қадаб» турган ҳолатда савол берувчига хитоб қилди:

— Масала ойдинми ё яна гапирайми?

— Ойдин,—деб жавоб берди мулла.

Муллалардан яна бири табиат фалсафасидан сўз очиб, шу масала ҳақида Абу Али ибн Синонинг фикрини сўради. Кўр аввал Абу Али ибн Синонинг «Донишнома» сидан шу масалага дахлдор бир жумлани ёддан тожик тилида ўқиб бериб, сўнгра муаллифнинг арабий асарларидан парчалар ўқиб, таржима қилди ва сўзининг охирида савол берувчидан «Ойдинми?» деб сўраб, тасдиқ жавоби олгандан кейин хотиржам бўлиб, бошқа сўроқларга мунтазир бўлиб турди.

Муллалардан бири (кўрдан ёшроғи) унга шундай деди:

— Эшон ака, сизнинг билимдонлигингиз ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас, фақат афсуски, билиш кўзга боғлиқ бир нарсани сиз билолмайсиз!

— У қандай нарса экан?—деди кўр таажжуб билан кўзларини ҳамон шифтга қадаган ҳолда кулимсираб.

— Бу нарса рангларнинг фарқи. Албатта кўзи бўл-

маган киши рангларни бир-биридан фарқ қилолмайди, деди у мулла.

Кўр табассум қилиб, бошини орқага эгди ва қўлларини юзлари устига баланд кўтариб, ўнг қўлининг бош ва кўрсаткич бармоқлари билан чап қўлининг синчалоғини ушлаб, қимирлатиб туриб деди:

— Мана шу оқ ранг, худди қорнинг рангидай. Агар бунга қараб турсангиз кўзингизни элтади.

Шундан кейин кўр чап қўлининг тўртинчи панжасини ушлаб, қимирлатиб туриб, яна сўзида давом этди:

— Мана бу қора ранг. Агар бунга кўп қараб турсангиз кўзингиз хиралашади. Агар эшик ва деворлари қалин қора парда билан қопланган бир уйда бир ҳафта туриб, сўнгра ёруғликка чиқсангиз, ўша замон бир нарса ни кўролмайсиз, ҳатто чиққан ҳамон ёруғликка қаролмай, мендан баттар кўр бўлиб қоласиз. Чунки мен кўр бўлсам ҳам, юрагим сиқилмайди. Аммо сизнинг юрагингиз сиқилиб, ўлишга рози бўласиз.

Шу тариқа кўр ҳар бир рангни кўзи соғ одамга нисбатан маъқул хусусиятлар билан баён қилиб, уларнинг бир-биридан фарқини шарҳлаб берди.

Муллалардан бири (атайлаб ёдлаб келган бўлса керак) Абу Али ибн Синонинг «Шифо» номли асаридан бир неча арабча жумлани ўқиб, унинг таржима ва шарҳини кўрдан сўради.

У одам, у жумлаларни ўқиган вақтда, кўр ҳамишагидек бошини орқага эгиб, кўр кўзларини шифтга қаратиб, ўнг қўлини бошидан юқори кўтариб, панжаларини очиб, чап ва ўнгга қимирлата бошладики, бу унинг «нотўғри ўқидингиз» деган ишораси эди. Мулла сўрамоқчи бўлган жумлаларини ўқиб бўлгандан сўнг, кўр бундай деди:

— Сиз, биродар, нотўғри ўқидингиз! Биринчи хатонингиз шундан иборатки, Шайхурраиснинг, (Абу Али ибн Синонинг) сўзларини бузиб нақл қилдингиз — жумлаларнинг орасидан айрим ибораларни ташлаб ўқидингиз, сизнинг бу ишингиз билан улуғ ҳақимнинг сўзлари маъносиз бўлиб қолди. Иккинчи хатонингиз, араб тили қондаларини ишлатишда бўлди: фалон сўзда забар ўқиш лозим эди, зер ўқидингиз, фалон сўзда пеш ўқиш лозим эди, забар ўқидингиз!— деб ўқувчининг сарфий ва наҳвий хатоларини битта-битта кўрсатди. Бу ўзи кўрсатган хатоларни араб тилининг сарф ва наҳв китобларидан мисоллар келтириб исбот қилгач, сўзида давом

этти:— Бу фақир Шайхурраиснинг «Шифо» китоби кўчаларида кесак отиб, ўйнаб юрганман. Агар сиз менинг олдимда оғиз очсангиз, ўйин вақтида менинг қўл, оёғимдан учган кесаклар оғзингизга кириб, тиқилиб қоласиз. Ҳушёр бўлинг!

Кўр хомуш қолди. У мулла қизариб, юз-кўзидан хи- жолат тери оқа бошлади. Кўр яна гапга киришди:

— Ана, ана, сиз қизардингиз,—деб у муллага хитоб қилди, сўнгра рангларнинг фарқи ҳақида сўраган мулла- га мурожаат қилиб бундай деди:

— Иним, кўрасизми, мен ошнангизни қандай қизар- ганини кўриб турибман! Астаффурулло, хато айтибман, бу кишининг ранги қизил гул япроғи каби қип-қизил бўлмади, балки сув гул сингари қизғич тусга кирди.

Мунозара давом этди. Аммо ҳеч ким кўрни мот қи- лолмади. Хоҳ маоний ва баён илмида, хоҳ фикҳ ва ўша давр Бухоросининг забардаст олимлари орасида машҳур бўлган бошқа илмларнинг ҳаммаси ҳақида у кўрқмай фикр баён қилар ва шу илмларга оид китоблардан саҳи- фа-саҳифаларни ёддан ўқиб, ўз муддаосини исбот қи- ларди.

Мунозара охирида уй эгаси мажлис аҳлига зиёфат берди. Шундан сўнг мунозарачи меҳмонлар бирин-кетин чиқиб кета бошладилар. Кўр кетмоқчи бўлиб меҳмонхо- надан чиққанда, мен орқасидан чиқдим-да, уни ҳовли дарвозаси олдида тўхтатиб, ундан иккимиз қаерда суҳ- бат қила олишимизни сўрадим.

— Мен,—деди у,— ҳар кун пешиндан сўнг Чубин ҳаммоми олдидаги гузарда — чойхонада ўтираман. Агар лозим кўриб қайси кун келсангиз, мени топасиз.

\* \* \*

Хожа Убонийлар гузари шимолдан жанубга қараб боради. Ўша гузар тамом бўлгач, кўча шарқдан ғарбга бурилади. Чубин ҳаммоми гузари ана шу бурилишда. Шу бурилишдан ғарбга буриладиган кўчанинг жануби- да бир ҳовуз, масжид ва чойхона бўлиб, кўрни мен шу ердан топдим.

Кўришгандан сўнг ундан қаерда учрашишга ваъда олганимни эслатиб, ўзимни танитмоқчи бўлдим Аммо мен шу мақсадда гап бошлашим билан у қўлини қимир- латиб, мени жим туришга буюриб, бундай деди:

— Қадамларингизнинг шарпасидан ўша кунжков йигит эканингизни билган эдим. Мақсадингизни айта беринг!

Мен ундан ожиз бўла туриб бунча билим, бунча илмни не йўсинда ўргана олганини сўрадим.

— Мен Жўборий хожаларидан бўламан, номим ҳам Мусахожа,— деб гапга киришди у,— Жўборий хожаларининг бир қисми заминдор, амалдор ва сармойдор бўлсалар ҳам, қолган қисми қашшоқ одамлар. Жўборий хожаларига мансуб қашшоқларнинг аҳволи бошқа тоифага мансуб қашшоқларнинг аҳволидан баттарроқ, чунки бошқа қашшоқлар бирор касбу кор билан машғул бўлади ва ҳеч бўлмаса, ҳаммоллик, мардикорчилик қилиб, қийналиб бўлса ҳам кун кечиришади. Аммо Жўборий хожаларига иш қилиш, касб ўрганиш, хусусан мардикор ишлаш айб, ор. Эски анъанавий одатлар юзасидан бундай ишлар уларнинг хожалик шарафига иснод келтиради.

Суҳбатдошим рўмоли билан ёпиб қўйилган чойнакдан бир пиёла чой қуйиб ичди-да, охириги чойни менга қуйиб бериб, чойнак қопқоғини чиқиллатиб янги чой чакирди ва чойнакни сўрининг лабига қараб бир оз суриб қўйиб, сўзида давом этди:

— Менинг отам ана шу «пулсиз бойваччалардан», мутакаббир қашшоқлардан, халачўпсиз қимирламайдиган тез юрарлардан эди. У ишга қўл урмай, ота меросини оз-оздан сотиб еб тугатган, қўлида вайрона бир ҳовлисигина қолган экан. Бу орада мен ҳам кўр туғилиб бу унинг учун ўлганнинг устига тепгандай гап эди. Зеро, ҳеч нарса-сиз оилада кўр боланинг туғилиши ота учун, хусусан бу кўр бола унинг ягона фарзанди бўлса, чидаб бўлмайдиган бир азобдир. Отам йиллаб келгусининг ғамини еб, охири бошқа кўр болаларнинг оталари сингари, мени қорихонага берди. Мен у ерда қуръонни ёдлаб, келажакда мозорларнинг бошида чалпакхўрлик ва қуръонфурушлик қилиб яшашим лозим эди.

Кўр янги чойни қайтарди (у юзини андак юқори кўтарган ҳолатда чойни шундай моҳирона ва эҳтиёткорлик билан қайтарардики, бирор томчи чойнакдан ташқарига томмасди. Ҳолбуки, мен ҳанузгача чойнакнинг атрофига тўкмай-томизмай чой қайтаролмас эдим). Сўнгра бир култумча чой қуйиб ўзи ичди-ю, пиёлани ярим қилиб менга берди ва рўмолчасини тўрт қат буклаб чойнакнинг устини ёпиб, яна гапга тушди:

— Мен у вақтда олти ёшда эдим. Икки йил мобайнида қуръонни мукаммал ёдладим. Шу даврда отам вафот қилди. Онам мени «чалпахўрликка» қўйди. Мен, саккиз яшар бола ҳар жума ва душанба оқшомлари мазорларнинг бошига борардим. У мазорларнинг бошида бошқа кўрлар ва ҳатто соппа-соғ ҳофизлар ҳам ўтиришарди. Яқин орада эрлари, ё фарзандлари ёинки яқинроқ қариндошлари ўлган хотинлар лаган-лаган чалпак, товоқ-товоқ нон ва кулча олиб келар, кўрлар билан соғлар барабар қуръон ўқишга киришардилар, мен саккиз яшар бола ҳам шуларга қўшилиб қуръон ўқирдим. Хотинлар раҳмдил бўлади, дейишади. Хусусан мазор бошида, яқинларининг қабри устида уларнинг кўнгиллари яна ҳам юмшоқроқ бўлади; улар нон ва чалпаklarни тақсим қилганда мен бола шўрликка раҳмлари келиб, катта ёшдагиларга нисбатан менга кўпроқ берардилар. Ўз ризқу рўзисини қуръонфурушликдан бошқа йўллар билан ҳам топиши мумкин бўлган қалби кўр соғлар бу ҳолни кўриб хотинлар «ноинсофлик» қилиб ҳали вояга етмаган бир болага ўттиз-қирқ ёшдаги катталарга нисбатан ортиқ «ҳақ» тўлаганликлари учун бирдан шовқин солардилар. Соғларнинг шовқинидан катта ёшдаги кўрлар ҳам тақсимотда «ноинсофлик» қилинаётганини пайқаб, уларнинг овозига ўзларининг яна ҳам баландроқ кўрона овозлари билан жўр бўлардилар. Бундан бир дақиқа илгари хотинларнинг зор-зор йиғилари маҳзун куйи сингари одамнинг юрагига ёқимли таъсир қилиб турган мазор боши қуръонфурушларнинг ваҳшиёна ҳайқириқлари билан калава бозорига айланар, буни кўрган одам у ерда бирор кисабурни ушлаган бўлсалар керак, деб гумон қиларди. Аммо хотинлар: «Сизлар тош кўнгилсиз, бола туғиб катта қилиб кўрмагансиз, сиз ёш боланинг қадрини билмайсиз, унга раҳм қилмайсиз!»— деб уларга таъна қилар, жим туришга мажбур этардилар.

Кўр, чойи дам еган чойнакдан бир пиёла чой қуйиб маза қилиб ичди-ю, менга ҳам бир пиёла қуйиб бериб сўзида давом этди:

— Ун икки ёшга киргунча мазор бошининг нону чалпаги билан ўзим ва онамни хўп боқдим. Хушовоз бўлганим, менинг қуръон ўқишим эшитувчиларга ашуладек таъсир қилгани сабабли, ёшлигимга қарамай, мени хатми қуръонларга таклиф қиладиган бўлишди. Ҳар бир хатми қуръонда нону чалпакдан ташқари, менга бир-икки

танга пул ҳам берардилар. Биз у пуллар билан неча йиллардан бери ямоқ солиб киядиган кийимларимизни ҳам янгилаб олдик. Онам: «Турмушимиз отанг боридан кўра яхшироқ бўлди»,— деб хурсандчилик изҳор этарди. Аммо унинг хурсандлик кунлари узоққа бормади, ўн уч ёшга қадам қўйган вақтимда вафот қилиб, мени ёлғиз қолдирди. Мен у марҳумани кўмгандан сўнг ўз ишим ҳақида фикрга толдим. «Бутун умрни қуръонфурушлик ва мазор бошида нону чалпак тақсимоти устида бўладиган ғалвалар билан ўтказиш ҳаёт эмас!»— дер эдим кўнглимда. Шундан сўнг илм ўрганиб, муносиб ҳаёт кечириш фикрига тушиб қолдим. Бу фикрга келишимнинг сабаби бундан олти йил муқаддам вафот этган Муҳаммад Тоҳиржон Зарирнинг ҳаёти сабаб бўлди. (Зарир ҳақидаги маълумот ва шеърларидан намуналарни «Намунаи адабиёти тожик»да кўриш мумкин, 396—399 бетларга қаралсин. Москва босмаси, 1926 йил.) Муҳаммад Тоҳирхожа ҳам бизнинг қариндошларимиздан, Жўборий хожаларидан бўлиб, у ҳам менинг сингари туғма кўр эди, шу сабабдан тахаллусини Зарир (туғма кўр) қўйган. Шунга қарамай, замонасининг улуг олимларидан бири ва забардаст шоир бўлди. Тўғри, Зарир ер-сувли, сердаромад эди. Лекин у ўз даромадини бошқа Жўборий хожалар сингари беҳуда йўлларга сарф қилмай, илм ўрганиб камол топиш йўлида сарф қилди, ҳатто бир неча истеъдодли талабаларни, шу жўмладан Шамсиддин махдум Шоҳинни ўз сарфу харажати билан тарбиялаб вояга етказди.

Гапириб турган кўр чойнакни ушлаб-ушлаб кўрсаки, чой совибди. Совиган чойдан бир пиёлани тўлдириб икки хўплаб ичди-да, самоварчига иссиқ чой буюриб, сўзида давом этди:

— Мен ўзимча ўйладим: «Зарирдек бадавлат бўлмасам ҳам, онам марҳуманинг ўрнига бир уқувли муллабаччани тўйдириб, унинг воситаси билан илм ўрганишим зарур. Менинг илм ўрганишимга сабаб бўлган вақтигча қуръонфурушлигим умримнинг охиригача тирикчилигимга сабаб бўлган қуръонфурушликдан яхши». Мен ўзимнинг бу фикримни дарров амалга оширдим. Бир муллабачча топиб, у кунига мен билан икки соат шуғулланади, мен унинг овқат, усту бошини қилиб бераман, деб келишдик. Бу муллабачча билан аввал араб тили сарф наҳвисини тожик китоблари воситаси билан ўргандим. Бунинг устига у ҳар кун Ҳофиздан икки-уч ғазал ўқиб менга тушун-

тирарди. Мен бир йилда араб тили сарфини ўзлаштирдим, бу орада шеърни тушуниш қобилиятим ўсди. Иккинчи йилда араб сарфу наҳвисини арабча китоблар воситаси билан, шунингдек Саъдий ва Жомий каби машҳур шоирларнинг шеърлари ва девонлари воситаси билан ўргандим. Шундан сўнг ақоид, мантиқ ва фалсафа дарсларига ўтдим. Энди ўз устозимни ҳам қаттиқроқ, серфаҳм, аммо қашшоқ муллалардан топиб олдим. Бунинг устига машҳур олимларнинг дарсхоналарига бориб, жамоат орқасида соми (эшитувчи) бўлиб ҳам ўтирдим. Уларнинг мунозара усулларини ўрганиб, бора-бора ўзим шу мунозараларга қатнашадиган бўлдим.

Шу вақтда самоварчи янги чой дамлаб келтирди. Кўр чойдан аввал ўзи ичиб, сўнгра менга қуйиб берди ва чойнакни ёпиб қўйиб, хоҳлаган вақтда қуйиб ичинг, деб таъкидлаб «Ўзим у қадар чойталаб бўлмаганим учун гапга қизиқиб, чой қуйишни унутиб қўяман, чой совиб увол бўлади»,— деб ўз сўзида давом этди:

— Сиз биласизми, Бухоро муллаларининг мунозара усуллари нимадан иборат?— деб савол берди у ва ўзи жавоб беришга киришди,— ҳаммадан илгари, ўз муддаосини мантиқий далиллар билан исбот қилишдан олдин мунозарачи рақибини қаттиқ, дилозор сўзлар билан қўрқитиб олишдан иборат. Агар илмий мунозара учун номуносиб саналган бу усулни мантиқ термини билан атасак «муқобара» (бир-бирига катталиқ қилиш) ва «муғолата» (бир-бирини чалғитиш) бўлиб чиқади. Тўғри, мунозараларда мен ҳаммадан олдин муқобара ва муғолатага киришмайман, ҳаммадан олдин ўз даъволаримни мантиқий далиллар билан исбот қиламан. Лекин биламанки, бу муллаларни фақат мантиқ ва илмий йўллар билан жим қилиб бўлмайди, бориб-бориб қаттиқ жонга тегадиган сўзларни қўллаб, ҳарифни жим бўлишга мажбур этаман. «Қуртнинг давоси иссиқ сув», деб бекорга айтмаганлар.

Кўр, у қадар чойталаб эмасман, деган бўлса ҳам, дам еган чойдан пиёлани тўлдириб ҳузур қилиб ичди ва чой гапнинг кавшашари,— деди,— пароканда сўзларни бир-бирига улайди. Бинобарин, шоир қози Қурбонхон:

Киши агарда пиёла лабидан ичмаса кўк чой,  
Унинг димоғида на наср ва на назм олар жой.

деганлар. Агар одам чой ичиб турмаса, назму наср у ёқда турсин, ўз саргузаштини ҳам эсидан чиқаради. Ҳали менинг гапим нима устида эди? Ҳа, дарсхоналардан фойдаланганим ва уларнинг мунозара усулларини ўрганганим устида эди, — деб кўр ўз сўзининг бўлиниб қолган жойидан бошлади. — Бухоро мадрасаларини талабалар 18—19 йил ўқиб битирадилар. Мен эса, олти йил ўқиб, бошқаларга нисбатан кўпроқ нарса ўргандим, сўнгра уйда мутолаа қила бошладим. Менинг уйдаги мутолаамда ҳамиша арабчани биладиган, саводи яхши бир домла арабча ва тожикча китобларни ўқиб эшиттириш билан ёрдам қилиб турарди. Бу ишга ҳам тўрт йил сарф қилдим. Тўғри, мен Зарирдек шоир бўлмадим, лекин хоҳ арабча бўлсин, хоҳ тожикча бўлсин шеърни жуда яхши тушунадиган бўлиб қолдим. Мен илгари мантиқ, табиёт ва фалсафага берилдим. Бу илмларда менинг асосий манбаларим Абу Али ибн Сино асарлари бўлди. Мен уларни жуда яхши ўзлаштирдим ва кўп жойлари қуръондек менга ёд бўлиб қолди. Зотан, мен бир ё икки мартаба эшитиш билан ҳар бир илмий нарсани, у қанча узун бўлмасин, ўзлаштира олардим. Ешлигимда, маъносини билмаганим ҳолда, қуръондек катта китобни икки йилда ёдлаб олганим учун кейинча нарсаларни ёдлашга одатланиб, вояга етганимда, ўзим маъносини тушунадиган нарсаларни ёдлаш менга оғирлик қилмасди:

Суҳбатдошим жим қолиб яна чой ичишга киришди. Мен ундан ҳозир қандай иш билан машғул эканини сўрадим.

— Қози Дониёлхожанинг она тарафдан менга қариндошлиги бор ва ўзи билимдонларни дўст тутадиган яхши одам. Шу киши менинг аҳволимни қози калонга арз қилиб, мени дарсхонасиз бир мадрасага мударрис қилиб қўйди. Мана шу мадрасадан йилига минг танга даромадим бор. Ота мерос уйим Жўборда, марказдан узоқда бўлгани сабабли уни сотиб, Дониёлхожага қўшни Собунгарлар гузаридан бир ҳовлича сотиб олдим. Уша ерда кунига тўрт-беш соат дарсгўйлик қиламан. Талабалардан ҳам минг тангага яқин даромад бўлади, шу билан куним яхши ўтиб туради. Бинобарин, мударрис бўлганимдан сўнг қуръонфурушликни тарк этдим, чунки бу «касб» ни жуда ёмон кўрардим.



Мен ундан уйланган ё уйланмаган эканини сўрадим.

— Уйланишни истамадим,— деди у бунга жавобан ва изоҳ берди,— агар менинг уйланишимдан ўзимга ўхшаш бирор кўр фарзанд дунёга келса, мен учун ҳам, онаси учун ҳам, ўша бегуноҳ боланинг ўзи учун ҳам ортиқча ташвиш бўлади деб қўрқдим. Бинобарин, ўз умримни танҳоликда ўтказишга аҳд қилганман.

Гап шу ерга келганда, кўр бир дақиқа ғамгин сукут қилиб, сўнгра яна сўзида давом этди:

— Тўғри, танҳолик оғир, лекин на чора? Шунинг учун ҳам ҳар кун дарсдан сўнг уйимга яқин шу чойхонага келиб чой ичиб ўтираман.

— Ундай бўлса, ош-таомингизни ким пиширади, кир-чирларингизни ким ювади? — яна сўрадим ачинган оҳангда, чунки унинг танҳолигини эшитиб юрагимда шундай бир ҳис пайдо бўлган эди.

— Бу осон,— деди у,— ўз шогирдларимдан бир муллабаччани тайинлаб қўйганман, у ҳар кун дарсдан бўшагач, менинг уйимга келиб ошимни пиширади, ҳовлини, уйни супуради, ҳафтада бир кун усту бошларимни ҳам ювиб беради. Мен унинг овқат ва кийим-кечагини тўла равишда бериб тураман. Баъзан китоб сотиб олиш учун икки-уч танга пул билан ҳам ёрдам қилиб тураман.

Мен суҳбат охирида қимматли вақтини олганим учун унга узр айтдим.

— Узрнинг ҳеч кераги йўқ,— деди у,— кошки ҳар кун сизга ўхшаган бир киши учраб, мени гапга солса, у вақтда танҳоликдаги куннинг қандай ўтиб кетганини сезмай қолардим.

Биз хурсанд бўлиб бир-биримиздан ажрашдик.

#### «НАЖИБУТТАРАФАЙН»<sup>1</sup>

Мулла Ҳомид араб дарсида Ҳайрат дарс ўқийдиган жамоанинг қориси бухоролик Арслонхожа номли бир йигит эди. Ҳайрат менинг дўстларим билан танишгандек, мен ҳам унинг воситаси билан унинг танишлари, шу жумладан, Арслонхожа билан танишган эдим. У ўр-

---

<sup>1</sup> «Икки тарафлама асилзода».

та бўйли, оқ юзли, ранглари сўник йигит эди, ҳамма билан хокисорона муомала қиларди. Отаси Мухторхожа кекса муллалардан бўлиб, бир мадрасанинг мударриси бўлса ҳам, хоксор одам кўринарди.

Мухторхожанинг Абдуллахожа номли бир катта ўғли бўлиб, у ҳам мадрасани битирган ва бир мадрасанинг мударриси эди. Унинг ранг-рўйи ҳам укасиники сингари оқ бўлса-да, қадду қоматда, соқол ва салла ўрашда ундан тамом фарқ қиларди. Абдуллахожа шундай новча эдики, унга ўхшаган одам Бухорода камданкам топиларди. Унинг бу узун бўйи олдинга осилиб турган катта қорни билан танасига катта хум боғлаб қўйилган мирзатеракка ўхшарди. Сарғишдан келган соқоли у қадар катта эмасди, аммо бу соқол унинг юзлари ва иягида униб чиққандан буён на қайчи кўрган ва на тароқ: толалари пилта-пилта бўлиб, бир-бирига ўралиб, бу ўралган соқол толалари бир-биридан ажралиб турар, эшилиб пастга осилган учлари шундай гажак бўлиб турардики, одамнинг назарига чигаллашган калавадай кўринарди.

Абдуллахожанинг салласи жуда баҳайбат бўлиб, ўралиши бошқа салласи катта муллаларникидан анча фарқ қиларди: салласининг печлари бир-бирига зич ўралиб, ҳар печи бошқа печлар орасидан ҳалқадай пастга осилиб, жингалак соқолларига тегиб турарди. Баъзилар, у илмий ишларга шўнғиб кетгани учун салласини дурустроқ қилиб ўраш эсига келмайди, шу сабабли бир кир ювишдан иккинчи кир ювишгача (орада ўн беш кун ўтса ҳам) салласини бир ўраганча юраверадди, ҳар кеча ухлаш пайтида саллани бошидан олиб қозикқа илиб қўяди, эртасига саллани ёзиб, қайтадан ўрамай, қозикдан олиб бошига қўяди-да, кўчага чиқиб кетаверадди. Бинобарин, бора-бора салласининг печлари ёзилиб, пастга осилиб қолади, дер эдилар.

Бу сабаб биринчи эшитишда тўғридай кўринади. Аммо ҳеч ким, ҳатто салласининг беўхшов ўралишини ҳимоя қилувчиларнинг ўзлари ҳам бу саллани бирор марта дурустроқ ўралганини кўрмаганлар.

Абдуллахожанинг қиёфасини кўзлари билан бурни жирканч бир ҳолга келтирган эди. Кўзларидан сув оқиб турарди, бу сув оқ, нурсиз юзига оқиб тушиб, қуригандан сўнг шўр боғлаб қоларди. Бурун тешикла-

ридан ҳам мудом сув оқиб, лабларига қуйиларди. Аммо у бу аҳволга парво қилмасди. Фақат баъзида бурнини қаттиқ тортиб, бирор дақиқага бурнидан сув оқишини тўхтатар эди. Унинг тарафдорлари «унинг фикри ҳамиша теран маънолар билан банд бўлгани сабабли бурнини қоқиб тозалаш хотирига келмайди», дер эдилар.

Абдуллахожанинг шоирлик даъвоси бор эди, шеърда Абдий деб тахаллус қўярди. У отаси ва укасидай хокисор ва хушмуомала эмас эди. Кўчада юрганда бировга қарамас ва бировга (қанча эски ошна бўлса ҳам) салом-алик қилмас эди. Агар биров унга ҳар қанча баланд овоз билан салом берса ҳам, у жавоб қайтармас, ҳатто у тарафга кўз қирини ташламас эди. Йўл юрганда у гўё одамлардан қочиб кетаётгандай жуда тез қадам ташларди.

Абдуллахожанинг баланд димоғлиги ҳақида Кўкалош мадрасасининг аҳолиси (бу ернинг энг нуфузли ҳужрадорлари шунинг оила аъзолари эди) қизиқ ҳикоялар сўзлардилар. Мадраса масжидида, жамоа намозлари вақтида Абдуллахожа отаси билан олдинги сафда тураркану, намоз бошланиши билан отасидан бир қарич олдинга ўтиб оларкан.

Баъзи шўх муллабаччалар ўзларини билмасликка солиб, намоздан кейин мадраса саҳнида суҳбатларда ундан сўрашар эканлар:

— Тақсир, агар мен хато қилмаган бўлсам, жаноблари намоз сафида ҳазрат қиблагоҳдан бир қарич олдинда тургандек кўриндилар, ҳолбуки, шариат юзасидан намоз сафини баравар тутиш даркор эди. Албатта жаноблари улуғ олим бўлганлари учун ҳеч бир ишни шариатга мосламай қилмайдилар. Аммо бу ишнинг шаръийлиги биз каби нодонларга қоронғи. Агар бу ишнинг шаръийлигини айтиб берсалар, марҳаматларидан баҳраманд бўлардик. Агар мен яхши кўролмай қолган бўлсаму, ҳақиқатда намоз сафида ҳазрат қиблагоҳдан олдинда турмаган бўлсалар, у ҳолда, бу каминани афв этарлар деб умидворман. Чунки худойи карим ҳам бандаларнинг хатосини кечиради...

Сўроқнинг бундай назокат билан баён этилиши Абдуллахожанинг бузругвор қулоқларига жуда ёқар экан; унинг бўйи яна ҳам узайиб юқорига чўзилар, лунжи мағрурона кулги елидан шишар экан. Аммо кулги улуғ

одамга ярашмагани сабабли, баъзан ўзини аранг тўхта-тиб жавоб беришга киришар экан:

— Сиз хато қилмабсиз. Дарҳақиқат намоз сафиди мен отамдан илгарироқ турганман (у ҳеч қачон отасини ҳурмат қилиб қиблагоҳ унвони билан атамас эди. Аммо биров унинг олдида отасини эҳтиром билан тилга олмаса, дарғазаб бўларди. Чунки бошқа бир одам тарафидан отасининг таҳқир қилинишини, ўзи унинг бир жузъи бўлгани учун ўзининг таҳқири санарди). Менинг бу ишим шариатга ва одатга мувофиқдир. Чунки менинг илмим отамнинг илмидан ортиқроқ, бунга ҳеч шак-шубҳа йўқ. Насабда ҳам отамдан юқориброқман. Зеро, отам бир тарафдан, фақат ота тарафдан сайид ва асилзода бўлса, мен ҳам ота томондан, ҳам она томондан сайидман. Менинг отам Сомонийлар авлодидан бўлиб, бу сулоланинг сайидлигига ҳеч кимнинг шубҳаси йўқ. Бинобарин, мен нажибуттарафайн бўламан. Бу ҳолда мени отамдан, ҳам ҳасаб жиҳатдан (билимдонликда), ҳам насаб жиҳатдан (асилзодалиқда) ортиқлигим бор. Маълумки, ҳар бир кимса ўз шарафини ҳимоя қилиши лозим ва вожибдир. Намоз сафини барабар тутиш эса, суннатдир. Қачонки, суннат билан вожиб бир-бирига муқобил келса, оқил ва олим одам, албатта, вожибни риоя қилади. Шу далилларга мувофиқ мен кўра била туриб отамдан олдинроқ тураман...

Бу ерда ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги Сомонийларнинг сайид (пайғамбар авлоди) эмаслигини, ҳатто араб авлоди бўлмай, балки Балх тожикларидан эканликларини билсалар ҳам, буни унинг олдида изҳор қилмасдилар, хурсандликларининг сабаби бўлган бир кимсани ранжитиб, ўзларини аср пайтидаги вақтчоғлиқдан маҳрум этишни истамас эдилар) мадраса муллаларининг қувноқ суҳбатлари одатда аср ва шом намозлари орасида қизир эди).

Кўкалдош мадрасасининг аҳолиси нажибуттарафайнлик далилларини ундан бир неча бор эшитган бўлсалар ҳам, кўнгил очиш учун бошқа қизиқроқ машғулот тополмаган пайтларида, бирор шўх муллабачча воситаси билан унга шу такрорланган саволни бериб, ўша сийқаси чиққан жавобни эшитиб завқланардилар (аммо Абдуллахожанинг жавоби ҳар сафар бошқа бўёқларда бўларди).

Билмадим, нима муносабат биландир, бир кун Арслонхожа мен билан Ҳайратни уйига меҳмонга чақирди, биз бордик. Уйнинг тўрида Абдуллахожа ўтирарди. Уйда биздан бошқа яна бир неча меҳмонлар бор эди.

Биз, баланд димоғ бир одамга хуш келадиган эҳтиром билан Абдуллахожага салом бердик. Аммо у жавобда лабини базур қимирлатдики, овози ҳам эшитилмади. Биз у ерга борганимизга пушаймон бўлиб бир чеккада ўтирдик. Мезбон унинг укаси бўлганидан у ҳам уй эгаси саналарди. Уй эгаси ҳар қанча катта бўлса ҳам, меҳмонга бу хилда муомала қилиши яхши эмас эди.

Ҳамма, худди шайхлар даврасида ўтиргандек жимжит эди. Арслонхожа ҳар бир кириб чиққанида (нон, чой ва бошқа нарсалар учун кириб чиқиб турарди): «Гапириб ўтиринглар!»— деб ҳаммага хитоб қилса ҳам, биров оғиз очмасди.

Охир мажлиснинг каттаси — Абдуллахожа Ҳайратга қараб гап бошлади:

— Иним, сизни шоир дейишади, шу ростми?

Ҳайратдай одамга бундай савол бергандан кўра, уни ханжар билан уриб ярадор қилган маъқулроқ эди. Шунга қарамай, Ҳайрат ўзини тутиб, сдобни қўлдан бермай, «Тақсир!»— деб қўйди.

Аммо унинг бу сўздан сўровчининг саволини тасдиқ қилгани ҳам, инкор қилгани ҳам билинмас эди.

Абдуллахожа яна сўзлади:

— Агар ҳақиқатда шундай ҳавасингиз бўлса, мендан сизга оқилона насихат шуки, бу савдони бошингиздан чиқариб ташланг. Шоир бўлиш учун кўп нарсаларни билиш ва бу соҳанинг устозларига бир неча йил хизмат қилиш лозим. Сиз, ҳали муштдай бўла туриб, бу ҳаваснинг кетидан юришингиз кўп номуносаб ишдир.

Абдуллахожа ўз сўзларининг таъсирини билиш учун бўлса керак, Ҳайратга яна савол берди:

— Шундай эмасми, иним?

— Эҳтимол шундайдир,— деди Ҳайрат.

— Албатта шундай!— деб Абдуллахожа ўз саволига қатъий жавоб берди ва қўшимча қилди:

Беасос асло улуғлар ўрнини бўлмас босиб,

Ул улуғликнинг ҳама шартин бажармасдан бурун,— дейишганки, бу жуда тўғри гап...

Шу билан суҳбат тугади, мажлис яна ўликлар мажлиси тусига кирди. На мен, на Ҳайрат ошга қўл узатмадик. Арслонхожанинг жондан безор қиларли ошга таклиф қилишлари ҳам бизга таъсир қилмади. Дастурхон йиғиштирилиши билан у уйдан чиқдик. Ҳайрат мен билан бирга тўғри менинг ҳужрамга келиб, қалам, қоғоз олиб, Абдуллахожа ҳақида эллик байтлик ҳажвия ёзди. Шу ҳажвиянинг бошидан бир неча байтини бу ерда намуна тариқасида келтириш муносиб кўрилди:

Саллангдаги ҳар қат калава растасича бор,  
Бу растада саққол эса ортиқча ипу тор.  
Ўхшар башаранг захкашу бир шўрли ерга,  
Бурнинг эса захликдаги зовур, э дилозор.  
Қомат туядек, қорнинг эса бир кажавадур,  
Бош бўш қовоғу сафсата мўл, оғзинг эрур ғор.  
Ўхшар яна байроқ ёғочига ул узун бўй,  
Қованинг узун байроғи яловига — дастор.  
Чиркин сув, кўзинг четларида, мўрчадан оққан,  
Бурнинг тешиги тўлгану, ифлос ўрадан хор.  
Жирканч — танинг, муз — қилигинг, бемаза — сўзинг,

Ваҳшийда бўлур сендаги бу хулқ ила атвор.

Ҳайрат бу шеърни ёзиб, тоза қоғозга кўчиргач, ўша заҳоти олиб бориб Арслонхожага бериб бундай деди:

— Бу, акангизнинг меҳмоннавозлиги учун ташаккурнома шеърдир!

Акасининг ҳаракатидан юраги сиқилиб, ғамгин бўлиб ўтирган Арслонхожа ундан ўч олиш учун дарров шеърни олиб бориб Абдуллахожага берибди.

Абдуллахожа бу ҳажвияни кўриши билан калавасининг учини йўқотиб, укасига ялиниб-ёлвориб, бир чора топки, бу шеър шаҳарга тарқалмасин, йўқса расвойи жаҳон бўламан, деб туриб олибди.

Абдуллахожанинг бу борадаги фикри тўғри эди. Чунки у вақтда Бухорода матбуот бўлмагани сабабли жиддий шеърлар тез тарқалмаса ҳам, ҳажвий шеърлар хоҳ бемаза бўлсин, хоҳ бемаза бўлсин қўлдан қўлга, оғиздан оғизга кўчиб, кўча ва чойхоналардан тортиб то меҳмонхоналаргача бир-икки кунда шаҳарнинг ҳамма жойларини айланиб чиқарди.

Аммо Арслонхожа бошда акасига ҳеч бир чораю тадбир йўлини кўрсатмабди. Унинг илтимос ва илтижолари йиғига айлангандан сўнг, Абдуллахожа Ҳайратнинг яқин дўсти шояд унга таъсир қилиб, бу шеърни шаҳарда тарқалиб кетишидан сақлаб қолса деб, бу сатрлар муаллифига мурожаат қилишни маслаҳат берибди.

Эртасига эрталаб, ҳали офтоб чиқмасдан Абдуллахожа менинг ҳужрамга кириб келди. Бу жуда қизиқ манзара эди: шаҳар бузругворларининг саломига алиқ олмайдиган, ўзини отасидан ҳам каттароқ билиб юрган бу бузругвор бир ялангоёқ қишлоқи муллабаччаннинг олдида бу ишимнинг бир иложини топ, деб йиғлаб ёлворар эди.

Қарасам, бирор ваъда бермай, унинг қўлидан қутулиш мумкин эмас. Бу шеърни шаҳарга тарқатмаслик ҳақида қатъий ваъда бердим.

Ҳайрат ҳам бу шеърнинг нусхасини бошқа ҳеч кимга бермади.

Шундай қилиб, Абдуллахожа мен билан ошна бўлиб қолди ва ҳар кўрганда мендан ўзининг ҳақирона муомаласини дариг тутмасди. Ҳатто менга «кўпни кўрган», «тажрибакор» деб мурожаат қилиб, баъзи ишларида фикр сўрарди. Аммо бошқаларга ҳали ҳам илгаригидек ўзини катта кўрсатиб, димоғдорлик қилиб юрарди.

### ИККИ ДИМОҒДОРНИНГ ДУСТЛИГИ

Ҳамиша кўчаларда ёлғиз юрадиган, ҳеч ким уни йўлда биров билан ҳамроҳ бўлганини кўрмаган Абдуллахожа охириги вақтларда ўзидан ажралмайдиган ўртоқ топди: бу одам менинг қариндошим, уста амакимнинг ўғли — Парвардигорхожа бўлиб, ўқувчилар у билан «Эсдалиқлар»нинг биринчи қисмида танишиб ўтган эдилар.

Димоғдорлиги сабабли элу халқ «Парвардигорхожа» лақаби билан атаган Саид Акбархожа авваллари Бухоро охунди Орифхонга кавушбардорлик қилиб юрарди. Охунд вафот этгандан сўнг мустақил ҳаёт йўлига ўтиб, ташқи кўринишида ҳам анча улуғворлик пайдо қилган эди. Унинг бўйи ўртача бўлса ҳам, хипча ва тўғри, юзига чечак тошган бўлса ҳам, доим тиниқ ва тоза, кўзлари торроқ бўлса ҳам, қараши ҳамиша тийрак, лаби қийшиқ бўлса ҳам, мудом шафқатомуз табассумга мойил бўлиб,

қизғиш соқоли ўртача, лекин ҳадеб совунлаб ювиб юргани ва тарай берганидан толалари тор-тор бўлиб, бир-биридан ажралиб, ипакнинг лосидай ўзига хос товланиши бор эди.

Унинг қавушу маҳсиси, саллаю чопони тоза ва беғубор бўлиб, устидан киядиган тўнининг учлари, ипак попукли боғичлари шундай боғланар эдики, бу попуқлар унинг кўкрагида қараган одамга жилваланиб кўринарди. Унинг салласи қатта бўлса ҳам, Абдуллахожа салласининг тескараси ўлароқ, силлиқ ўралган бўларди.

Парвардигорхожанинг ёши ўттиздан ошмаган бўлса ҳам, кўчаларда юрган чоғида қўлига шундай бир ҳасса тутиб юрардики, бўйи ўзининг бўйидан тўрт энлик узунроқ эди. У йўл юришда Абдуллахожанинг аксини олгандай кўп оқисталиқ, вазминлик билан қадам ташларди ва Абдуллахожага хилоф ўлароқ, салом берувчиларга меҳрибонона муомала қиларди, у салом қилувчига бир лаҳза йўлдан тўхтаб, диққат ва табассум билан қараб, сўнгра жуда паст овоз билан унинг саломига жавоб қайтарарди. Агар салом берувчи махсус илтифотга сазовор бўлса, саломига алик қайтаргач, «Саломат бормилар?» деб ҳам қўярди.

Парвардигорхожа кўчаларда ўзини гўё саксон ёшга кирган, кўпни кўрган қария қилиб кўрсатмоқчи бўлар, кўчада учраган одамлар ёшига қараб унинг фарзанд ёки неварачеваралари кўп, у эса, камоли қариликдан ўз авлодини танимайди, улардан қайси бири унга салом қилса, кўп диққат қилиб зўрға танийди, жисмоний қуввати етгунча унга илтифот ҳам қилади, яъни одамларга қарамаслиги, илгари салом қилмаслиги мурувватсизлик ва шафқатсизликдан эмас, балки қарилик ва танимай қолгани жиҳатидан холос. Йўқса, у шунча асилзодалиги, шунча илму фазли, шунчалар ёши улуғ бўлишига қарамай, одамларга нисбатан меҳрибон ва шафқатлидир, дер эдилар.

Парвардигорхожа ҳам Абдуллахожага дўст бўлишдан илгари кўчаларда танҳо юрарди, уни ҳам ҳеч ким, бирор кўчада, бирор одам билан бирга юрганини кўрмаган эди.

Бу икки димоғдор бир-бирига дўст бўлгандан сўнг, разм солиб юрганлар пайқадиларки, улар ўзаро дўстликни мустақкамлаш учун ўзларининг баъзи махсус хислатларини тарк этишга келишиб олганлар. Чунончи,



буларнинг ҳар қайсиси ҳаммадан шарифроқ, ҳаммадан фозил, олимроқ ва ҳаммадан улуғворроқ бўлганлари учун кўчаларда, умуман одамларнинг олдида бир-бирларига димоғдорлик, катталик қилмайдилар, кўчаларда бир-бирларидан олдинга ўтиб юрмайдилар ва мажлис-маъракаларда бир-биридан юқорига ўтиб ўтирмайдилар ва шунга ўхшашлар.

Абдуллахожанинг кўчада тез юриши Парвардигорхожанинг ақидасича улуғворликка хилоф эди, бинобарин, Абдуллахожа дўстининг ҳурмати учун ўзининг бу хислатини ташлаб, унинг сингари оҳиста қадам босадиган бўлиб қолди. Шунингдек, Парвардигорхожанинг салом қилувчиларга марҳамат билан муомала қилиши, уларнинг саломига алик олиб бахтиёр қилишини Абдуллахожа шарофат ва олий насабликнинг зидди деб эълон қилди. Бинобарин, Саид Акбархожа (Парвардигорхожа) ўзининг бу хислатини ўз дўстининг хотираси учун тарк этди.

Аммо Саид Акбархожанинг ҳассаси масаласида бу икки дўст орасида бир неча кун мунозара давом этди. Абдуллахожа ўртоғининг ҳассасини менсимеди:

— Бу шайхлик ва хонақоҳнишинлик аломатидир, ҳолбуки, мен шайхни ёмон кўраман. Мен шоир, файласуф ва ҳақимман, бинобарин, қўлимга ҳасса олиб юришни хоҳлайман. Аммо мен беҳасса юрганда, сиз қўлингизга ҳасса олиб менинг ёнимда юрсангиз, нодон одамлар сизни шайх гумон қилиб, мендан бузругворроқ санашади. Бу иш менинг иззати нафсимга халал етказди!

Парвардигорхожа эса, ҳассани тарк этишни ҳеч бўйнига олмай, ўз ўртоғига деди:

— Сизнинг қоматингиз баланд ва басавлат, агар мен беҳасса сизнинг ёнингизда юрсам, фақат ташқи кўринишга эътибор қиладиган одамлар кичик жуссамни кўриб, мени ё сизнинг шогирдингиз, ёки укангиз деб гумон қилишади. Бу ишни ҳеч қачон менинг олий шарафим кўтара олмайди!

Бир неча кун бирга музокара қилиб юрганларидан сўнг, кўринишда ҳал этиб бўлмайдиган бу масаланинг ҳал этиш йўлини охири Абдуллахожа топди. У бундай ўйлаб қараса, Аҳмад Қалла (Аҳмад Дониш) ўзини донишманд, ҳақим ва файласуф санаб, қўлига ўрус ҳасса (палка) олиб юради. Мен-ку билимда, ҳикмат ва фалсафада ундан бир неча даража юқори тураман, шундай бўлгач, нега мен ҳам қўлимга ўрус ҳасса олиб юрмай?

Агар мен чиройли, илон бўйин бир ҳасса топиб олсаму, у кўрувчиларга Мусо пайғамбарнинг аждаҳо бўлган ҳассасини эслатса, менинг улуғлик ва бузругворлигим яна бир неча бор ошади.

Абдуллахожа ўзининг мурасага келтирувчи бу фикрини Саид Акбархожага айтган эди, унга ҳам маъқул тушди. Бинобарин, ҳар иккалалари кўчага бирга чиқишадиган бўлишса, Абдуллахожа ўрус ҳасса билан, Парвардигорхожа эса узун шайх ҳасса билан чиқадиган бўлиб, бир қарорга келишди.

Аммо уларнинг ҳар бири ўз кўнглида ўз ҳассасини ўртоғининг ҳассасига нисбатан фазилатлироқ ҳисоблар ва хайриятки шеригим бу фазилатни пайқамади, йўқса, бир қарорга келолмасдик деб қувонарди. Абдуллахожа ичида шундай дер эди: «Шеър, ҳикмат ва фалсафа шундай фазилатларданким, одамнинг номини абадий барҳаёт қилиб қўяди. Саъдий, Ҳофиз, Жомий ва Абу Али ибн Сино сингари шоирлар, файласуфлар ва ҳақимларнинг номини эл ҳанузгача ҳурмат билан ёдлайди. Узоққа бормайлик, Аҳмад Калла шеърларининг нотаомлиги, ҳикмат ва фалсафасининг нуқсонлари ва динсизликда шуҳрат топишига қарамай, катта-ю кичик уни ҳурмат қилади ва ҳоқимлар ундан қўрқади. Унинг бу фазилати оммага қаердан маълум бўлди? Уша илон бўйин ўрус ҳассасидан-да! Ҳар ҳолда у нодон қишлоқи (Парвардигорхожа) ҳассамнинг шу фазилатини пайқамади, йўқса, бу чўрткесар бу ҳассани қўлга олиб у билан кўчага чиқишимга сираям кўнмасди».

Саид Аҳмадхожа ўз ҳассасининг фазилати ҳақида ичида бундай дер эди: «Бу ҳасса менинг кекса ва ҳурматга сазоворлигимни кўрсатганидек, хонақоҳнишин бир шайх эканимни ҳам оммага эълон қилади. Шайхлик номидан одамга насиб бўладиган ҳурмат — бу катта обрў. Шайхлик бизнинг замонда шундай фазилатки, фақат ҳурматга сазовор бўлиб қолмай, ҳатто омманинг сажда қилишига лойиқдир. Файласуфлик даъвосида юрган тўртта оёқ яланг мулла шайхларни ҳурмат қилмаса, ҳеч зарари йўқ! Ахир ҳукмдорлар ҳақим ва файласуфларни ёмон кўрса ҳам, шайхларга изҳори ихлос қиладилар-ку! Бу узун ҳасса ана шу шайхлик фазилатини менда мустаҳкамлаб, мени омманинг, ҳатто ҳукмдорларнинг ҳурмати-га сазовор этади. Хайрият, бу кам ақл новча (Абдуллахожа) аҳмоқлигидан ҳассамнинг бу фазилатини

пайқамади, йўқса, бу борада у билан келишиб олиш қийин эди ва мен илгаригидек ёлғиз юришга мажбур бўлардим.

\* \* \*

Бу икки димоғдор дўстнинг кўчаларда бирга юриши қизиқ томоша эди: иккиси бир-бирларининг ёнларида чунон оёқларини баравар кўтариб, баравар ерга қўядиларки, агар оҳиста қадам ташлашлари бўлмай ва устларида ҳарбий кийимлари бўлганда, кўрган киши уларни кўп машқ қилган икки сарбоз деб гумон қиларди.

Агар йўлда бирининг олдида монелик пайдо бўлиб, тўхтаб тўришга мажбур этса, униси ҳам ўртоғининг соясидай дарров унинг ёнида тўхтаб турар, монелик бартираф бўлиб, ўртоғи йўлга тушса, буниси ҳам баравар қадам ташларди.

Аммо кўчада қаршиларидан арава чиқиб қолса, бу икки дўст қийин аҳволга тушиб қолардилар. Чунки бир тарафдан Бухоро шаҳрининг кўчалари тор бўлса, иккинчи тарафдан бу кўчаларда юк ташиш учун ясалган маҳаллий аравалар жуда энли бўлиб, кўчадан юрганда уларнинг икки гупчаги йўлнинг икки четига тегишга сал қоларди. Бинобарин, Бухоро халқи бундай араваларга «кўча қолипи» деб лақаб қўйган эдилар.

Бу аҳволда у икки дўст ёнма-ён қадам ташлаб, кўчани эгаллаб турган араванинг ёнидан ўтолмас эдилар. Биринкетин юриш эса, улардан бирининг шаънига иснод келтириб, дўстликнинг асосий шартларидан бирининг барҳам топишига, шу восита билан дўстликнинг ҳам барҳам топишига сабаб бўларди. Аммо бу дўстлар мушкул бўлса ҳам, бу масалани ҳал этиш йўлини топдилар. Шў муносабат билан бўлган ўзаро битимга мувофиқ ҳар иккалалари араванинг рўпарасида бир-бирдан ажралиб, кўчанинг икки ёнидан баравар қадам ташлаб ўтишарди. Бамисоли баландликка дуч келиб, иккига бўлинди, баландликдан ўтгач, яна қўшилиб кетган оқар сув сингари булар ҳам яна бир-бирларининг ёнларига келиб, баравар туриб, кўча айланишда давом этардилар.

Хуллас, бу икки димоғдор дўст ўзаро келишиб қўйган дўстлик шартларига шундай эҳтиёт билан тўла-тўқисриоя қилардиларки, ҳеч қайсылари бир-бирининг садоқатига шубҳа қилмасди, ҳар иккалалари ҳам дўстликка

хилоф бир шубҳа туғдирмаслик учун жиддий ҳаракат қилишарди. Чунки танҳо юриш ҳар иккаларининг жонига теккан эди, уларнинг бирига, болалардек ито-аткорона ҳамроҳлик қиладиган бирор одам шаҳарда топилмас, уларнинг ҳам бирортаси бировни ўзларига муносиб, тенг ҳуқуқли ҳамроҳ деб билмасдилар. Бинобарин, бу дўстлик уларни танҳо юришдан қутқариш учун уларга худо ато қилган беминнат неъмат эди. Бу неъматни, агар шон-шарафларига халал етказмаса, ҳар икки тараф ҳам ҳар хил фидокорлик билан сақлаши даркор эди ва сақлар эдилар.

\* \* \*

Абдуллахожа билан Парвардигорхожанинг ўртоқлиги ва дўстлиги бир йилдан зиёдроқ давом этди. Аммо бир кун шаҳарда, у икки дўстнинг орасига ихтилоф тушиб, бир-биридан ажралиб кетишибди, деган овоза тарқалди. Бу овоза узоқ чўзилмай, уларнинг танҳо юришларидан тез фурсатда тасдиқланди. Саид Акбархожа илгариги якка юришларидаги сингари, кўчаларда вазминлик билан юриб, салом берувчилардан, дўстининг хотири учун унинг рафоқатида юрган чоғларида тарк этган илтифоткорона ва шафқатомуз жавобини дариф тутмасди. Абдуллахожа ҳам илгариги сингари кўчаларда югуриб юрар ва ҳеч кимга қарамас эди. Аммо унинг илгариги танҳо юришларидан фарқи шуки, қўлига ўрус ҳасса олиб юрарди. Албатта, у бу ҳассани барҳам топган дўстлигининг ҳурматиға ёдгорлик тариқасида олиб юрмасди, у, бу ҳассани ўзининг шоирлигини, ҳақимлигини ва файласуфлигини оммага эълон қилиб тургани учун олиб юрарди.

Одамлар бу собиқ, дўстларни тапҳо ва илгариги махсус хислатлари билан кўргач, уларнинг орасига қаттиқ жудолик тушганиға ҳеч кимда шубҳа қолмади. Аммо ҳеч ким бу жудоликнинг сабабини билмас эди, ҳамманинг билгани шу эдики, бу икки дўст бирга Чоржўйға саёҳатға кетишди ва у жойдан бўлак-бўлак қайтишди.

Мен кунжков бу жудоликнинг сабабини билмай тинчий олмасдим. Бинобарин, бир кун ўз қариндошим — Парвардигорхожаға учраб, ундан бу жудоликнинг сабабини сўрадим.

У бир лаҳза диққат билан менга тикилиб туриб, меҳрибонона табассум билан бахтиёр этиб:

— Қариндошим! Сен ҳали ёшсан, катталарнинг аҳволини суриштириб юрма. Бунинг хосияти йўқ, катталарнинг кунжкови узоқ умр кўрмайди. Сен дарсларингни ўрганиш ва катталарнинг дуосини олиш пайида бўл. Сен учун мана шу иш фойдалироқ,— деб жудоликнинг сабаби ҳақида қатъиян оғиз очмади.

Шундан сўнг мен бу борада Абдуллахожага мурожаат қилдим. Бу вақтда у ҳажвий шеърни мен томондан тарқатилиши, хусусан у «манҳус» шеърни собиқ дўсти, ҳозирги душмани — Парвардигорхожанинг қўлига бериб қўйишимдан хавфланиб, мени кўп ҳурмат қилар, мени хурсанд қилишга уринарди. Ҳақиқатда, менинг унга мурожаатим натижали бўлиб чиқди, у жудолик сабабини батафсил сўзлаб берди.

— Қариндошингиз сизга ўхшаш тўғри сўзли эмас экан,— деди у,— у писмиқ, бемаъни, ичи қора одам экан. Мен ва у, икки дўст Чоржўйга сафар қилдик. У ерда «Шоҳимардон Муртазоалининг қадамжойини зиёрат қилгандан сўнг, вилоят ҳокими олдига кириш борасида ўзаро дўстона бир қарорга келдик. (Чунки муллалар қайси баҳона билан бир вилоятга боришмасин у жойнинг ҳокимини кўрмасдан қайтишмайди ва ҳоким ҳам уларга йўл харжи ва бошқа ҳадялар беради.) Биз ҳокимнинг олдига кирдик, ўзаро келишувимизга мувофиқ ҳокимнинг уйида хонанинг икки тарафида, бир-биримизга қарама-қарши ўтирдик. Чунки бир тарафда ўтирган тақдирда биримиз юқорига ўтирган бўламизки, буни ҳеч қайсимизнинг иззати нафсимиз, насабимизнинг шарафи кўтармас эди. Аммо суҳбат вақтида қарасам, қаридоншингиз секин-аста силжиб, менинг рўпарамдан қарийб бир қарич юқорига ўтиб олибди. Унинг бу иши менинг нафсимга кўп қаттиқ тегди. Мен ҳам қасос олиш фикрига тушдим ва аста-секин силжиб, унинг рўпарасидан тахминан бир қарич юқорига чиқдим. У ҳам ўз навбатида бу ишни такрорлаб, менинг рўпарамдан яна бир қарич юқорига ўтиб олди. Биз иккимиз ҳам ўз нафсимизни ҳимоя қилиш учун бу ишни қайсарлиқ билан давом эттирдик. Охири бориб менинг тиззаларим ҳокимнинг тиззасига тегди, энди мен юқорига чиқа олмасдим. Аммо у яна силжиб юқорига чиқиб, уйнинг ўзи ўтирган тарафи тўридан жой олди. Натижада унинг ўтирган жойи мен

Ўтирган жойдан бир одам ўтиргулик жой юқорироқ бўлиб, ҳоким ўтирган жой билан баравар бўлди. Мен бу ҳолга чидаб туролмай, ғазаб билан фарёд қилдим:

— Эй, гўнгкаш қишлоқи! Мендан юқорига ва вилоят ҳокими қаторида ўтиришга сенга ким рухсат берди? Сен ўзингни сайид деб юрибсан! Ким билади, балки қулваччадурсан. Шуниси менга маълумки, сенинг отанг дурадгор, менинг отам кекса ва машҳур олим. Бошқа фазилатларимдан қатъи назар, шу фарқнинг ўзи ҳам сени менга ҳамсафар ва ҳаммажлис бўлишга йўл бермайди!..

У менинг сўзларимни кесиб, қишлоқчасига сўкди. Мен ўрнимдан туриб, югуриб унинг олдига бордим ва ёқасидан тутиб, ҳокимнинг олдидан чиқариб юбормоқчи бўлдим. Аммо чапдастлик қилиб, менинг соқолимни ўраб ушлаб олди. Унинг ёқаси менинг бир қўлимда, менинг соқолим унинг бир қўлида бўлган ҳолатда, биз бир-биримизнинг бўйнимиз ва бошимизга мушт тушира бошладик. Ҳоким ўз одамларига, бизни бир-биримиздан ажратиб, хонадан чиқариб юборишни буюрди. Саллани олиб кел деса, каллани олиб келадиган шаҳар ҳокимининг одамлари бизни ажратиб, ҳар иккимизни ҳам уриб-уриб ҳокимхонадан чиқариб, ҳайдаб юбордилар. Одамларнинг олдида ёқалашиб, бир-биримизни сўкиш ҳар иккимизнинг шарафимизга тегадиган бўлгани сабабли, биз жимгина бир-биримиздан йироқлашиб, ҳар қайсимиз ўзимизча Бухорога қараб йўл тутдик. Бир-биримиздан жудо бўлишнинг сабаби мана шу эди.

\* \* \*

1896 йилда Бухоронинг Сари пули Равғангарон гузариди Ҳожи Зоҳид номли бир бой мадрасача бино қилди. Уша мадрасадан ҳужрасиз муллабачча қаторида акамга бир ҳужра тегди.

Худди шу йили менинг шеригим ва дўстим Абдухалил махдум Кўкалдош мадрасасидан бир ҳужра сотиб олиб, мени шу ерда истиқомат қилишга таклиф этди.

Акам кенгроқ яшаши лозим бўлгани учун мен Кўкалдош мадрасасида истиқомат қилишни унга таклиф қилиб, ўзим Ҳожи Зоҳид мадрасасидан акамга теккан ҳужрада истиқомат қилишни муносиб кўрдим («Эсдаликлар»нинг тўртинчи қисми Ҳожи Зоҳид мадрасасида истиқомат қилган давримдан бошланади.)

«Эсдаликлар»нинг учинчи қисми тугади.

## МУНДАРИЖА

|   |     |
|---|-----|
| Латифжон махдумнинг ҳовлиси . . . . .                           | 7   |
| Латифжон махдум ва унинг суҳбатдошлари . . . . .                | 9   |
| Аҳмад махдумнинг кундалик ҳаёти . . . . .                       | 31  |
| „Ифлос сув ўрага тушади“ . . . . .                              | 33  |
| Аҳмад махдумнинг ҳар йилги қиладиган саёҳатлари . . . . .       | 36  |
| Аҳмад махдумнинг ҳажвий шеърлари . . . . .                      | 39  |
| Латифжон махдумнинг шахсий хислатлари . . . . .                 | 40  |
| Латифжон махдумнинг ҳовлисида менинг аҳволим . . . . .          | 41  |
| Олимжон мадрасасида . . . . .                                   | 46  |
| Судхўр ҳиндилар . . . . .                                       | 50  |
| Олимжон мадрасасида менинг илмий ва адабий машғулоти . . . . .  | 53  |
| Муътасим Шариф махдум ва „ўғри“ Шукурбек . . . . .              | 60  |
| Тўққиз яшар қизнинг никоҳи . . . . .                            | 70  |
| Вабо . . . . .  | 74  |
| Менинг вабога йўлиқишим . . . . .                               | 77  |
| Байтал махдумлар . . . . .                                      | 79  |
| Бойларнинг страхованиеси . . . . .                              | 82  |
| „Махдийи охирзамон“ . . . . .                                   | 87  |
| Бадалбек мадрасасида . . . . .                                  | 92  |
| Бадалбек мадрасасида менинг илмий ва адабий машғулоти . . . . . | 97  |
| Бухоро базмлари . . . . .                                       | 100 |
| Бухоро олифталари . . . . .                                     | 103 |
| Муҳаммадий махдум билан Барно тайёр уриши . . . . .             | 105 |
| Чилангар шайх ва унинг корхонаси . . . . .                      | 114 |
| Ёнғин . . . . .   | 121 |
| Шоирнинг уйланиши . . . . .                                     | 125 |
| Ўғрилиқ . . . . .   | 135 |
| Дала саёҳати . . . . .  | 137 |
| Аловиддин Говжигар . . . . .                                    | 143 |
| Мардикорлик . . . . .   | 155 |
| Кавушдўзлик устахонаси . . . . .                                | 160 |
| Пойафзалдўзлар оқсоқоли . . . . .                               | 168 |
| Амир Бухоросида ҳунармандларнинг жамиятлари . . . . .           | 179 |
| Тахаллус танлаш . . . . .                                       | 180 |
| Киракаш эшак ва касаллик . . . . .                              | 183 |
| Шинни пиширадиган дош қозон . . . . .                           | 190 |
| Ҳайрат билан танишувим . . . . .                                | 193 |
| Ҳайратнинг таржимаи ҳоли . . . . .                              | 05  |
| Ҳайратнинг адабий мероси . . . . .                              | 209 |
| „Одам қиёфасидаги микроблар“ . . . . .                          | 213 |
| Донишманд кўр . . . . .   | 217 |
| „Нажибуттарафайн“ . . . . .                                     | 226 |
| Икки димоғдорнинг дўстлиги . . . . .                            | 232 |

*На узбекском языке*

*Садриддин Айни*

**СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ  
В ВОСЬМИ ТОМАХ**

**ТОМ VI**

**ВОСПОМИНАНИЯ**

**ЧАСТЬ III**

Рассом *М. Я. Щировский*  
Расмлар редактори *Г. П. Бедарев*  
Техредактор *В. Н. Шуклинова*  
Корректор *И. Қобилов*

Босмахонага берилди 24/VI—1965 й. Босишга рухсат  
этилди 23/X—1965 й. Формати 84×108/32. Босма л. 7,5  
Шартли босма л. 12,3 Нашр. л. 12,92. Тира-  
жи 15000. Индекс *к/а*. „Тошкент“ бадний адабиёт  
нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Шартнома № 119—63

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот  
давлат комитетининг 1-босмахонасида босилди. Тош-  
кент, Ҳамза кўчаси, 21. 1965. Заказ № 612. Баҳоси 72 т.

Айний Садриддин.

Асарлар. 8 томлик. Т. 6. Т., „Тошкент“ бадний адабиёт наш-  
риёти. 1965.

Т. 6. Эсдаликлар. 3-қисм. (Тожиқчалан Т. Жалолов таржимаси.  
Ред. А. Рустамов). 240 бет. Тиражи 15000.

Айний С. Сочинения в 8-томах. Т. 6.

С (Тож.)